# Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў

ISSN 2181-7138

№ 3 2019 жыл

Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**
***А. Тилегенов***

**Редколлегия ағзалары:**

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Аманжол АЯПОВ
Өсербай ӘЛЕЎОВ
Байрамбай ӨТЕМУРАТОВ
Қадирбай БЕКТУРДИЕВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Муратбай ЖУМАНОВ
Норбек ТАЙЛАКОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестириўшилер:**
***Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў Министрлиги, ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы***

**Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жанындағы Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының 25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен 2007-жылы 5-мартта дизимге алынды №ОА-044-санлы гуўалық берилген.**
**Мәнзил: Нөкис қаласы, Ерназар Алакөз көшеси №54**
**Тел.: 224-23-00**
**e-mail: uzniipnkkf@umail.uz, mugallim-pednauk@umail.uz**
**www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

*Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлыўматларға автор жуўапкер.*

# МАЗМУНЫ

## ТИЛ ҲӘМ ӘДЕБИЯТ


**Мисиров С.А.** Инглиз тилида гапиришни оғзаки нутқнинг мустақил тури сифатида ўргатишга қўйиладиган дастурий талаблар ........ 4


## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ


**Айтымбетов М.З.** Шахсты кәсипке бағдарлаў ислериниң педагогикалық тийкарлары ........ 9
**Тўрақулов У.Х.** Бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлаш методикаси ... 12
**Эргашева Ш. П.** Тиббиёт олий ўқув юрти касб таълим йўналиши талабаларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш имкониятлари ........ 15
**Муродова З.** Методологик таъминотни яратишга доир янги педагогик ёндашувлар: мазмуни ва моҳияти ........ 18
**Тўйчиева О. С.** Лотин тили дарсларида талабаларнинг интеллектуал ривожланишининг педагогик - психологик шароитлари ........ 21
**Журақулова Н.Х.** Олий таълим тизимида виртуал таълим технологиялари ........ 26
**Shodiyev I.N.** Bo‘lajak o‘qituvchilarda konfliktologik kompetentlikni rivojlantirishning mazmuni ........ 28
**Иргашова М.А., Рузметова Х.А.** Ўзбекистон таълим тизимида тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги ........ 34
**Юлчиева З.Н.** Таълим-тарбия жараёнида янгича ёндашув масалалари ........ 36
**Hamrakulova D.F., Axmadjonov N.N.** Yoshlarning ma’naviyatini shakllantirishda xalq ogzaki ijodi namunalaridan foydalanishning ahamiyati ........ 38
**Тўрақулов У.Х.** Бўлажак ўқитувчилардаги интеллектуал фаолиятининг шаклланганлигини баҳолаш тизими ........ 42
**Тоҳиров Ў.О.** Мустақил ижодий лойиҳа тайёрлаш ва ижодий фаолият соҳасини лойиҳалаш технологияси ........ 51
**Мамутова Г.Ш.** Касбий компетенциялар – замонавий таълим натижасининг янги парадигмаси ........ 57
**Hamrakulova D.F., Yoldasheva N.S.** Ta’lim-tarbiya jarayoni samardorligini oshirishda innovatsion texnologiyalardan foydalanishning o’rni va ahamiyati ........ 61
**Қосимов Ж.А.** Чизмачилик ва компьютер графикаси фанларини интеграциялаш асосида ўқитиш методикаси ........ 67
**Ахмедова У.Э.** Сущность и структура профессиональной коммуникативной компетентности в современной образовательной системе ........ 69
**Абдуллаева О. С.** Предпосылки усовершенствования технологии процесса подготовки к педагогической деятельности студентов по направлению профессиональное образование . 72


## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА


**Абдурахманов М.Х.** Ахборот таълим муҳитида ахборот хавфсизлигининг ўзига хос аспектлари ........ 79
**Ибрагимов С.Л.** Талабаларни математик моделлаштиришга ўргатиш касбий фаолиятга тайёрлашнинг омили сифатида ........ 82
**Panjiyev S.A., Eshmurodov A.G’., Xoliqulov B.J.** Zamonaviy dasturlash tillarini o’qitishda qiyosiy tahlillardan foydalanish ........ 86
**Эргашев Н.Ғ.** Муҳандислик йўналишилари масалаларини визуал дастурлаш тиллари ёрдамида ечишнинг ўзига хослиги ........ 90
**Холмуродов Д.С.** Материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси фанларини ўқитишда тизимли ёндашувнинг ўзига хослиги ........ 95

**Бобомуродов К.А.** Ўқувчиларда фаоллаштирувчи ёндашув орқали “Алгебра” курсида математик тушунчаларни шакллантирилишининг ўзига хослиги ........ 99
**Толибов Н.Н.** Учувчиларни техник тайёргарлиги жараёнида касбий компетентлигини шакллантириш йўллари ........ 103
**Қўзиев Н.М.** Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда техник тафаккурни ривожлантиришни амалга ошириш методикаси ........ 106
**Панжиев С.А.** Таълим контекстида виртуал таълим муҳитидан фойдаланиш ........ 109
**Turayev S.J.** Fizikadan virtual laboratoriya ishlariga C++ dasturlash tilida elektron ishlov berish orqali ta’lim sifati va samaradorligini oshirish ........ 112
**Шодиев Р.Д., Ҳаитова Ю.С.** Талабаларда ижодий коммуникативликни тарбиялашнинг ўзига хос аспектлари ........ 117
**Нуруллаева Ш. Ў., Бойматова М.** Замонавий ўқитувчи моделида таълим жараёни ташкилотчиси сифатидаги вазифалар ........ 119
**Ибраймов А.** Масофавий таълимда ўқитиш шаклларини такомиллаштириш ........ 123
**Айтымбетов Н.З.** Бўлажак физика ўқитувчиларини тайёрлашда интегратив ёндашувнинг имкониятлари ........ 126
**Shadiyev R.D., Yarasheva S.K.** Implementation of a preschool organization development program ........ 129

## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

**Усманов Н.У., Ҳамзаев Ҳ. Бахрамов О.** Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлашнинг педагогик хусусиятлари ........ 133
**Хўжақулов А.Э.** Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларида оилага қадриятли муносабатни шакллантиришнинг педагогик шартлари ........ 136
**Ярманова Ю.** Мактабгача ёшдаги болалар индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда жамоавий муносабатларни шакллантириш модели ........ 140
**Қурбонова М.Ш.** Мактабгача ёшдаги болалар қобилиятларини ривожлантиришда фолклор ўйинларининг ўзига хос аспектлари ........ 143
**Ашурова Т.Э.** Предметлар дунёсини мактабгача ёшдаги болалар томонидан идрок этилиши ва англанишининг ўзига хослиги ........ 146

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

**Нигманов Б. Б.** Таълим жараёнида белбоғлик кураш машғулотларида ақлий ва эстетик сифатларни ривожлантириш йўллари ........ 150
**Абдуллаев А. А.** Таълим-тарбия жараёнида халқ ўйинлари орқали соғлом турмуш тарзи шакллантириш йўллари ........ 152
**Холмуротов Р. Н.** Болаларни соғломлаштиришда кун тартибида ўтказиладиган машқларнинг амалий аҳамияти ........ 156



# ТИЛ ҲӘМ ӘДЕБИЯТ

## ИНГЛИЗ ТИЛИДА ГАПИРИШНИ ОҒЗАКИ НУТҚНИНГ МУСТАҚИЛ ТУРИСИФАТИДАЎРГАТИШГАҚЎЙИЛАДИГАНДАСТУРИЙТАЛАБЛАР

***Мисиров С.А.***

*педагогика фанлари номзоди, доцент НамДУ*

**Таянч сўзлар:** оғзаки нутқ, дастурий талаблар, инглиз тили, репродуктив, умумий ўрта таълим мактаблари, рецептив, экстралингвистик воситалар, психолингвистика, этикет.

**Ключевые слова:** устный язык, требования к программированию, английский, репродуктивные, общеобразовательные школы, рецептивные, экстралингвистические средства, психолингвистика, этикет.

**Key words:** spoken language, programming requirements, English, reproductive, comprehensive schools, receptive, extralinguistic tools, psycholinguistics, etiquette.

Инглиз тилида нутқ фаолиятининг репродуктив (гапириш, ёзув) ва рецептив (тинглаб тушуниш ва ўқиш) турларини эгаллаш бир-биридан фарқ қилади. Умумий ўрта таълим мактабларида инглиз тили ўқитишнинг амалий мақсадларидан бири оғзаки нутқни ўргатишдир. Мазкур ўқув юртининг дастурий талабларига биноан, ўқувчилар инглиз тилида оғзаки ахборот бериш, суҳбатлаша олиш ва ўрганилган мавзуга боғлиқ инглиз тилидаги нутқни тинглаб тушуна олиш малакаларини эгаллашлари талаб этилади.

Инглиз тили ўқитиш методикасида оғзаки нутқни ўргатишга доир бир талай илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган (И.А. Зимняя, А.П. Лебедова, Л.М. Сизова, Е.И. Пассов, В.И. Андриянова, Н.И. Жинкин, А.А. Леонтьев, Т.В. Рябова, А.А. Алхазишвили, С.А. Бутюгина, Б.Я. Лебединская, О.И. Москальская, Г.М. Уайзер, А.Д. Климентенко, З.М. Цветкова ва б.).

Турли ўқув юртларида инглиз тилида оғзаки нутқ (гапириш ва тинглаб тушуниш)га қўйиладиган дастурий талаблар, унинг тилшунослик (лингвистик) ва руҳшунослик (психологик) асослари, жуфтнутқ (диалог) ва якканутқ(монолог)ни ўргатиш, нутқ фаолиятини репродуктив ҳамда рецептив эгаллашга доир масалалар тадқиқ этилган. Шунингдек, инглиз тили ўқитишнинг турли босқич ва ташкилий қисмларида оғзаки нутқни ўрганишдан кўзда тутилган мақсад ҳамда вазифалар белгилаб берилган, оғзаки нутқ малакаларини шакллантириш учун тавсия этилган.

Ушбу тадқиқотлар ҳозирги кунда ҳам ўз илмий қимматини йўқотганича йўқ. Бироқ, бугунги куннинг талаби мазкур фаолият турини ўргатишга доир масалаларни замонавий методик талаблар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш талаб этилмоқда.

Оғзаки нутқ фаолият сифатида жуда мураккаб психофизиологик жараён бўлиб, унинг асосини бош мия қобиғи биринчи ва иккинчи сигнал системаларининг ўзаро алоқаси ташкил этади. Оғзаки нутқ, маълумки, гапириш ва тинглаб тушунишдан иборат. Гапириш фикрни оғзаки баён этиш мақсадида муайян тилдаги лексик, грамматик ва талаффуз ҳодисаларини қўллаш жараёнидир. Гапириш оқибатида фикр баён этилади. Фикрни баён этиш нияти (ички турткиси) эса гапиришга сабаб бўлади. Чет тил ўқитиш методикасида гапириш тушунчасига фикрни баён этиш жараёни, айтиш, оғзаки мулоқот, фикр изҳори натижаси деб ҳам қараш мумкин.

Гапириш фаолиятига берилган таърифлардан яна бирида унга у ёки бу тил коди ёрдамида оғзаки шаклда амалга ошадиган фикр ва ҳиссиётнинг ифодаси деган таъриф ҳам берилган. Бир қарашда гапиришни фикрни ёзма ифодалашдан фарқи у ёки бу миллий тил коди ҳисобланмиш – товуш ва ҳарфдан фойдаланишдек тафовут мавжуддек кўринади. Аслида эса оғзаки нутқни рўёбга чиқишида бир қанча тилдан ташқари бўлган (экстралингвистик) омиллар ҳам ўзининг таъсирини кўрсатади. Бундай омилларга нутқ фаолияти содир бўладиган муҳит (вазият), сўзловчиларнинг ёш хусусиятлари, ривожланиш даражаси, суҳбат мавзуи, тингловчининг нутқнинг идрок этишдаги диққати, мимика, имо-ишоралар кабиларни кўрсатиш мумкин. Экстралингвистик омиллар таъсирида сўзловчи мулоқот жараёнида турли тил воситаларини танлайди. Оғзаки нутқдаги гўзаллик товушларнинг аниқ ва тўғри талаффузида, оҳангнинг меъёрида, овознинг баланд-пастлигини ўз ўрнида қўллашда, товушларнинг қисқа ва чўзиқ талаффузида, мантиқий урғудан ўринли фойдаланиш каби омилларда кўринади. Оғзаки нутқни назорат қилиш анчайин қийин кечади. Чунки у бир ёки бир неча кишилар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Гапириш нутқ фаолиятининг тури сифатида ўзининг ижодийлиги билан ажралиб турадиган мураккаб фикрлаш жараёни бўлиб, унда сўзловчи ўз фикр ва ҳистуйғуларини тил ҳамда экстралингвистик воситалар ёрдамида ифодалашга ҳаракат қилади.

Психолингвистикага оид тадқиқотларда гапириш уч таркибли нутқий фаолият саналади. Даставвал, гапиришга мойиллик, ички туртки (мотивация) бўлиши тақозо этилади, яъни фикрни баён этишга эҳтиёж туғилади. Фикрни изҳор қисмида эса анализ/синтез амаллари ишга тушади, гапирувчи хотирада тайёр турган сўзлар(лексика)ни, грамматик бирликларни танлайди. Бу ҳолатда, одатда, она тили ва иккинчи тил ҳодисалари ўртасида ўхшашлик (транспозиция) ҳамда ўзаро фарқ қилиш (интерференция) ҳодисалари ҳам келиб чиқади. Гапиришнинг учинчи қисми ижро, баён этиш, талаффуз қилиш, ташқи нутқда уни ифодалашдир. Учала қисмнинг амал қилиши гапириш фаолиятини юзага келишига туртки бўлади (Н.И. Жинкин, И.А. Зимняя).

Ўрта умумтаълим мактабларида эса гапириш оралиқ мақсад саналади, яъни мактаб инглиз тили таълимининг дастлабки босқичида улар гапириш ва тинглаб тушуниш(оғзаки нутқ)ни ўрганадилар, ўқиш ҳамда ёзув (ёзма нутқ) ўқитиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ўрта ва юқори босқичларда ўқиш ва тинглаб тушуниш (рецептив нутқ) амалий мақсад мақомини эгаллаганда, гапириш восита вазифасини бажаради.

Умумий ўрта таълим мактабларида гапиришни ўргатиш матнларни ўқиш ва тинглаб тушуниш орқали ўзлаштирилган ахборотлар асосида олиб борилади. Мазкур ўқув юртида кўпроқ мустақил, дарсдан ташқари ўқилган матнлар мазмунини якканутқда гапириб бериш асосий ўрин эгаллайди.

Умумий ўрта таълим матабларида якканутқ оғзаки фикрни баён этиш, ўқилган ёки тингланган матн мазмунини айтиб бериш, ҳикоя қилиш, оғзаки мулоқот юритиш каби фаолиятлардан ташкил топади.

Мавзу доирасидаги якканутқ (1) шахсий ҳаёт (ёки тил) тажрибасини ишга солиш, (2) фикр ва мулоҳазаларни изчил баён қилиш, (3) айтилаётган ахборотни яхлит ҳолатга келтириш, (4) ўқув нутқий вазият (ЎНВ) бўйича ўз муносабатини билдириш кабиларни ўз ичига олади.

Умумий ўрта таълим мактабларида инглиз тилида олиб бориладиган мулоқот келажакдаги ўқувчининг фаолияти билан боғлиқ нутқий мулоқот характерига эга бўлади. Бундай мулоқот шаклларини ташкил қилишда, айниқса, ўйинларнинг ўрни беқиёсдир. Бундай ўйинларда фикр алмашинуви, суҳбат ва баҳсларда иштирок этиш давомида ўқувчилар инглиз тилида қуйидаги малакаларни ўзлаштириб оладилар:

– ахборот сўраш, аудиторияда ахборот билан чиқиш, муҳокама қилинаётган масалалар бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириш, баҳслашиш, гапларни бехато тузиш;
– мулоқотда этикет мезонларига амал қилиш, илтимос, миннатдорчилик билдириш, узр сўраш, қўшимча маълумотлар сўраш, суҳбатдошини мулоқотга тортиш, муайян қолипдаги нутқий намуналардан фойдаланиш;
– мулоқот жараёнида чет тилга оид сўз ва ибораларни қўллаш, илмий тушунчаларни ифодаловчи иборалардан кенг фойдаланиш.
– дастурда кўрсатилган мавзулар бўйича ижтимоий-маиший, сиёсий, маданий, ўқув-таълимий соҳалар бўйича мулоқот жараёнида ахборотлар олиш ва бериш, суҳбатдошни мулоқотга тортиш, фикр алмашиш;

ўқилган ёки тингланган матн мазмунига танқидий баҳо бериш, ўз фикрини билдириш ва ҳ.к.з.

Умумий ўрта таълим мактаблари дастурида инглиз тилида гапиришни ўргатиш оралиқ таълимий мақсад бўлиши билан бирга, у таълим воситаси вазифасини ҳам ўтайди. Восита мақомида у бошқа нутқ фаолияти турларини ўрганилишига кўмаклашиши назарда тутилади.

Гапириш жуфтнутқ (диалог), якканутқ (монолог) ва кўпнутқ (полилог) шаклларида ўрганилади ва улар ўзига хос хусусиятларга эгадир. Жуфтнутқ икки шахс(суҳбатдош)нинг бевосита мулоқоти, яъни бир талай фикрлар занжиридан иборат шаклда рўёбга чиқадиган жараёндир. Одатда, ҳаётий шароитда жуфтнутқ кўпинча тайёрланмаган ҳолда содир бўлади. Чунки, суҳбатнинг қандай давом этишини олдиндан билиб бўлмайди, албатта. Жуда кам ҳоллардагина сўзловчи келажакдаги суҳбатда нималар ҳақида гапиришни ўйлаб олади. Жуфтнутқнинг ахборот алмашиш мақсадидаги жуфтнутқ, режа-жуфтнутқ ва мунозара жуфтнутқ турлари машқ қилинади.

Ахборот алмашиш жуфтнутқида суҳбатдошлар ўз фикр-мулоҳазаларини бир-бирларига етказадилар. Бундай жуфтнутқ кўпроқ инглиз тили ўқитишнинг илк босқичларида қўлланади. Чунки мазкур жуфтнутқда оддий ёки миқдор жиҳатдан камроқ тил материалининг қўлланилиши кузатилади.

Бирга фаолият кўрсатишни мўлжаллайдиган режа-жуфтнутқ эса шаклан ва мазмунан бироз мураккаброқ бўлади. Шу сабабли мазкур нутқни таълимнинг ўрта босқичида ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Мунозара жуфтнутқ фикрларни даллилаш, уларга танқидий ёндашиш, суҳбатдошни ишонтира олиш, исботлаш каби фаолиятлар билан боғлиқ бўлади. Сўзловчининг диққати нутқнинг мазмундорлиги, мантиқийлигига қаратилади. Нутқ малакалари такомиллашган даражага етказилади. Мунозара жуфтнутқни кўпроқ инглиз тили таълимининг юқори босқичида ўргатиш тавсия этилади. Инглиз тили ўқитиш амалиётида мазкур жуфтнутқ турларининг ҳар қайсиси учун алоҳида-алоҳида тил материалини танлаш талаб этилади.

Жуфтнутқ дедуктив (умумийдан хусусийга йўналган ҳолда) ва индуктив (хусусийдан умумийга томон) усулларда ўргатилади. Дедуктив усулдаги жуфтнутқ намуна асосида ўрганилади. Бунда намунавий жуфтнутқ, аввало, тинглаб тушуниш учун тақдим этилади, сўнгра ёд олинади, кейинчалик лексик ўзгаришлар билан қисмма-қисм ўрганиб борилади ва, ниҳоят, жуфтнутқда мустақил ижро этилади.

Индуктив усулдаги жуфтнутқни ўргатишда энг кичик бирликлардан бошлаб, мустақил фикр юритила бошланади. Мазкур турдаги жуфтнутқда нутқий машқлар бажариш билан бирга, тил материалини ўзлаштиришга ҳам эътибор берилади.

Жуфтнутқни рецептив, репродуктив ва конструктив босқичларда ўргатиш қоидалаштирилган. Рецептив босқичда ўқувчи диктор ёки ўқитувчи нутқини тинглайди ёки ўқийди, шу асосда нутқни тушуниб олади. Репродуктив босқичда ўқилган матн ёки аудиоматн ёд олинади, тақлид йўли билан ёки айрим қисмларини ўзгартириб айтилиши мумкин. Конструктив босқичда ўқув нутқий вазиятдан фойдаланиб, жуфтнутқ бўйича мустақил суҳбат ташкил этилади.

Амалиётда якканутқни ўргатиш кўпинча жуфтнутққа қараганда осонроқ кечади, деган фикрлар мавжуд. Чунки, якканутқ олдиндан белгиланган режа асосида амалга оширилади. Ўқувчи ўз фикрини баён этишга киришар экан, нима ҳақида гапиришни била олади, уни олдиндан режалаштиради. Жуфтнутқда эса, одатда, суҳбатдошнинг нима дейишини олдиндан билиб бўлмайди. Баъзида суҳбат давомида мавзудан четга чиқиш ҳолларини ҳам кузатиш мумкин. Шунингдек, табиий суҳбат ҳамма вақт ҳам бирор мантиқий режа асосида давом этавермайди. Жуфтнутқ яна шуниси билан ҳам мураккаб-ки, унда навбати билан, гоҳ суҳбатдошнинг нутқини тушуниш, гоҳ ўз шахсий фикрларини билдириш малакаларини қўллашни талаб этилади. Якканутқда эса фақатгина ўз шахсий фикрини билдириш талаб этилади, холос. Якканутқ ва жуфтнутқ яна структурал моделларни танлашда ҳам бир-биридан фарқ қилади. Жуфтнутқда асосий ўринни саволлар эгалласа, якканутқда мулоқотни саволларсиз ҳам амалга ошириш мумкин.

Ниҳоят, жуфт нутқдаги яна бир қийинчилик – суҳбатдошлар фақатгина саволларига жавоб берибгина қолмай, балки, ўз навбатида, нутқ оқимининг давом эттириши, унинг ривожи учун имкон, сабаб-важ топиши ҳам талаб этилади. Акс ҳолда

амалиётда суҳбатни тўхтаб қолиши кузатилади. Буларнинг барчаси, биринчидан, жуфтнутқни ўргатиш якканутқдан кескин фарқ қилиши, иккинчидан, жуфтнутқда якканутқни ўргатишда учрамайдиган қийинчиликлар мавжуд эканлигини эътироф этиш мумкин.

Якканутқ учун ички туртки (стимул) бўлиб, гапирувчи берадиган ахборотнинг ҳажми ва хусусиятини ўзи белгилайди, ахборот беришда тил воситаларини мустақил танлаш имконига эга бўлади. Жуфтнутқда эса стимуллар кўп бўлиб, уларнинг бир қисмини ички, бир қисмини эса ташқи стимуллар ташкил қилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқилган ёки тингланган матнни гапириб бериш (якканутқ) асосий усуллардан бири бўлиб келган. Мазкур ўқув юртида ўқувчилардан 5-7 минут давом этадиган мавзуда қисқа ва содда ахборот бериш талаб этилади. Ушбу мақсадга, одатда, дарсликлардаги муайян матнларни ўқиш ёки тинглаш орқали эришилади.

Якканутқни пухта ўзлаштиришда дарсликлардаги матнларнинг ўрни беқиёсдир. Дастлаб ўқувчилар дарсликдаги матнларни ўқишади, унга ёзма тайёрланишади ва дарсда фикрларини оғзаки ифода этадилар. Қисқаси, ўқув матнлари мактаб ўқувчиларнинг оғзаки нутқи учун асос бўлиб хизмат қилади. Матнни қандай тушунганлик асосан дарсда оғзаки усулда текширилади, яъни ўқувчилар саволларга жавоб берадилар, матнни муайян қисмларини қайтарадилар. Шундан кейингина якунловчи юмуш вазифасида ўқувчилар матнни, одатдагидек, имкони борича матнга яқин ҳолда якканутқда гапириб берадилар.

Якканутқ малакасини ўстириш ўз нутқига исбот, баҳс элементларини киритишни, шунингдек, мулоҳаза хажмини янада кенгайтиришни назарда тутади. Мулоқотнинг асосий шакли сифатида якканутқни ўргатиш мактабда инглиз тили ўқитишнинг етакчи вазифаларидан бирини.

Адабиётлар:


1. Андриянова В. И. Теория и практика обучения узбекских школьников устно речевому общению на русском языке: Автореф. дис. ... док. пед. наук. –Т., 1997. –39 с.10

2. Жалолов Ж. Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. Чет тиллар олий ўқув юртлари (факультетлари) талабалари учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 1996. –368 б.38

3. Жинкин Н. И. Психологические особенности спонтанной речи// Иностранные языки в школе. 1965. №4. –С.8. 45

4. Конышева А. В. Современные методы обучения английскому языку. –М.: Тетра Системс, 2003. –176 с.

5. Фоломкина С. К. Обучение чтению на иностранном языке в неязыковом вузе. –М.: Высшая школа, 1987. –205 с.97



РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада инглиз тилида гапиришни оғзаки нутқнинг мустақил тури сифатида ўргатишга қўйиладиган дастурий талаблари ҳартомонлама ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье рассматриваются общие требования к преподаванию английского языка как самостоятельной формы речи.

SUMMARY

This article discusses the general requirements for teaching English as an independent form of speech.



# ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

## ШАХСТЫ КӘСИПКЕ БАҒДАРЛАЎ ИСЛЕРИНИҢ ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ

***Айтымбетов М.З.***

*Өзбекстан мәмлекетлик дене тәрбиясы ҳәм спорт университети Нөкис филиалы*

**Таянч сўзлар:** шахс, касбга йўналтириш, кәсипке бағдарлаў ислери компонентлери, кәсиплик мағлыўмат, кәсиплик тәрбия, уқыплылық, қәбилетлилик, билим, тәжирийбе.

**Ключевые слова:** личность, профессиональная ориентация, компоненты профессиональной ориентации, информация о профессиях, профессиональное воспитание, умения, способность, знания, опыт.

**Key words:** personality, vocational guidance, components of vocational guidance, information about professions, vocational education, skills, ability, knowledge, experience.

Өзбекстан Республикасының билимлендириў тараўындағы реформалардың баслы бағдарларында жасларымыздың дурыс кәсип таңлаўы мәселеси әҳмийетли машқала сыпатында қаралмақта. Себеби, кәсипти дурыс таңлаў арқалы шахс - келешекте қандайда бир кәсиплик искерлик субъекти сыпатында жемисли мийнет етиўине имканият жаратылады. Сонлықтан, кәсипке бағдарлаў ислерин илимий, әмелий қурамалы бир пүтин процесс сыпатында алып қарап, ҳәр бир шахстың индивидуал айырмашылықларын ҳәм халық хожалығы мәпин көзде тутқан ҳалда мийнет ресурсларын толық тәмийинлеў, базар экономикасы қатнасықларын есапқа алыў зәрүр.

Жоқарыдағы пикирлерден келип шыққан ҳалда жаслардың саналы, өзиниң жеке қызығыўшылығы ҳәм қәбилетлилигинен келип шыққан ҳалда кәсип таңлаўы, ҳәр бир шахстың жеке өзиниң, соның менен қатар пүткил жәмийетшилик алдында турған жуўапкершиликли ўазыйпа есапланады. Себеби, ҳәр тәреплеме интеллектуал ҳәм физикалық раўажланған жас әўлад жеке өзиниң руўхый ҳәм материаллық талабын қанаатландырып қоймай, пүтин бир жәмийетшиликтиң мәпин гөзлеген ҳалда мийнет етиўи, хызмет етиўи жоқары инсаныйлық пазыйлет болып есапланады. Сонлықтан, мәмлекетимизде билимлендириў тараўында бул мәселеге айрықша итибар берилмекте. Ғәрезсизлик жылларында «Билимлендириў ҳаққында»ғы Нызам ҳәм «Кадрлар таярлаўдың миллий бағдарламасы»ның, «Мектеп, шаңарақ ҳәм мәҳәлленин бирге ислесиўи» концепциясының қабыл етилиўи, оқыўшыларды

кәсипке бағдарлаў ҳәм психологиялық - педагогикалық диагностика орайларының шөлкемлестирилиўи жас әўлад тәлим - тәрбиясына, олардың келешекте кәмил инсанлар болып жетилисиўине болған жоқары итибардан дерек береди.

Шахсты кәсипке бағдарлаў арнаўлы илимий әмелий искерлик арқалы әмелге асырылады, оқыўшылардың инсан сыпатында қәлиплесиў басқышларында шахс ҳәм жәмийет бир пүтин система сыпатында қаралып, социаллық ҳәм экономикалық раўажланыў қатнасықлары есапқа алынады.

Улыўма жасларды кәсипке бағдарлаў ислериниң теориялық мазмунынан келип шығып, кәсипке бағдарлаў ислериниң төмендегише критериялары бар:

- когнитив (мағлыўматқа ийе екенлиги);
- кәсипке қызығыўшылық дәрежеси;
- әмелиятта өзлестириў дәрежеси.

Кәсипке бағдарлаў системасының тийкарғы компонентлери төмендегилерден ибарат:

- кәсиплер ҳаққында мағлыўмат бериў;
- кәсиплик тәрбия;
- кәсиплер ҳаққында консультация;
- кәсиплик бейимлесиў;
- кәсиплик сәйкеслик.

Кәсип таңлаўға бағдарлаў ислериниң дәслепки басқышы кәсиплер ҳаққында мағлыўмат бериў басқышы болып, оқыўшыларды ҳәр қыйлы мийнет түрлери менен, кәсиплер классификациясы, кәсиплердиң өзине тән айырмашылықлары, халық хожалығының кәсиплерге болған зәрүрлиги менен таныстырыў болып есапланады. Таныстырыў процессинде оқыўшылар кәсиплер әлеминде дурыс жол табыўға хызмет етиўши билимлерди ийелеўи ҳәм өзлери кәсипке болған қызығыўшылығы тийкарында турақлы қарарға келеди. Оларға кәсиплер ҳаққында тәртипсиз басқа мағлыўмат бермеў ушын оқыўшылар қабыл ететуғын билимлерди мәлим бир системаға салыў лазым. Соның менен бирге кәсиплер ҳаққында маглыўмат бериў оқыўшылардың жас ҳәм индивидуал айырмашылықларын есапқа алған ҳалда алып барылыўы гөзленген мақсетке жетиўде әҳмийетли есапланады.

Дәслепки кәсипке бағдарлаў ислери мазмуны шахстың төмендегише жеке айырмашлықларын үйрениўди өз ишине алады:

- қызығыўшылық ҳәм қәбилетлилик;
- индивидуал айырмашылықлар;
- нерв системасының индивидуал өзгешелиги;
- билим, көнликпе, тәжирийбелер жыйындысы.

Қызығыўшылық - шахстың әҳмийетли психологиялық көринислеринен дерек бериўши категория болып, бунда ҳәр бир шахстың индивидуал айырмашылықларының айырым қәсийетлерин өзинде сәўлелендиреди. Қызығыўшылық - шахстың дүньяқарасы, исеними, идеалы, мақсети, арзыў - нийетлери менен тиккелей байланыслы ҳалда жүзеге келетуғын психикалық индивидуал категория болып есапланады.

Қәбилетлилик - шахстың ҳәр қандай искерликти табыслы орынлаўына жәрдем етиўши жеке айырмашылық болып, тәбийий ҳәм жәмийетлик уқыплылықлардың

жоқары раўажланыўы арқалы қандайда бир ис-ҳәрекеттиң нәтийжели орынлыныўын тәмийинлейди.

Тәбийий уқыплылық - шахстағы нәсилден (гентик) өткен айырмашылықлар болып, булар нерв системасы искерлиги, мий ярым шарларының искерлиги, биологиялық ҳәм физиологиялық структура, билиў процесслери искерлигин тәмийинлеўши сезиў органларының искерлиги нәтийжесинде жүзеге келеди.

Жәмийетлик уқыплылық - жасаў орталығы, қарым - қатнас формалары, сөйлеў мәденияты, қәбилетти раўажландырыў ушын жаратылған зәрүр шәрт - шараятлар арқалы қәлиплесетуғын индивидуал айырмашылықлар мысал бола алады.

Шахста қәбилетсизлик ҳәм интеллекттиң төмен болыўы усы жоқарыда айтылған еки уқыплылықтың қарама - қарсылығынан пайда болады. Ерте жаслық дәўиринен баслап баланың бар болған имканиятларын раўажландырыў, оған шараят жаратыў, уқыплылық ҳәм интеллекттиң раўажланыўына әҳмийетли мәселе сыпатында қаралып, кәсипке бағдарлаў ислеринде жоқарыдағы теориялық пикирлер есапқа алынса, шахстың келешекте таңлаған тараўы бойынша өнимли мийнет етиўине имканият жаратылады.

Қәбилетлилик машқаласы - ең дәслеп ақыл ҳәм зейинниң сапасы, ондағы билим, көнликпе, уқыплылықтың дәрежесине, раўажланғанлығына байланыслы. Әсиресе, қандайда бир кәсиптиң ийеси болыўды қәлеген ҳәр бир жастың ақылы ҳәм интеллектуал имканияты оның маман қәниге болып жетилисиўи кепили болып есапланады.

Демек, кәсипке бағдарлаў ислериниң дәслепки басқышы жаслардың еркин кәсип таңлаўына имканият жаратып, еркин мийнет етиўине илмий - әмелий тийкар жаратады. Кәсипке бағдарлаў тәжирийбеси, жаслардың социаллық тәрептен жетискенлигиниң бир қанша жоқары дәрежесин тәмийинлеўди, оларда улыўмаинсаныйлық искерлик жолында белсендилик пенен мийнет етиўи, қәбилетин ҳәм қызығыўшылығын, жеке имканиятларын толық пайдаланыўға имканият жаратыўды баслы мақсети сыпатында алып қарайды.

Әдебиятлар:

1.Аманашвили Ш.А. Размышления о гуманной педагогике. – М.: Педагогика, 1996. – 147 с.

2.Арзикулова Д.Н. Касбий камолотнинг психологик ўзига хос
хусусиятлари: Псих.фан.ном.дисс.автореф. - Т.: 2002.–22 б.

3. Выготский Л.С. Педагогическая психология / Под ред. В.В.Давыдова. – М.: Педагогика, 1991 – 480 с.

4.Иванова Е.М. Психотехнология изучения человека в трудовой деятельности. - М.: Изд-во МГУ, 1992.

5.Климов Е. А. Психология профессионала. –М.: Педагогика,1996.-400 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада шахсни касбга йўналтириш ишларининг педагогик асосларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу фаолиятни самарли ташкил этиш бўйича илмий маълумотлар умумлаштирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье особое внимание уделено педагогическим основам профориентации и обобщены научные данные об эффективной организации этой деятельности.

SUMMARY

The article focuses on the pedagogical foundations of career guidance and summarizes the scientific data on the effective organization of this activity.

# БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ

***Тўрақулов У.Х.***
*ТДПУ ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** фундаментал босқич, динамик босқич, якунловчи босқич, анъанавий таълим жараёни, ДТС, билим, кўникма, малака, кутилаётган натижа, хулосалар, тавсиялар, бўлажак ўқитувчи, интеллектуал фаолият, тайёрлаш, методика, дидактик асос.

**Ключевые слова:** материально-техническое обеспечение обучения базируется на научно-методическом обеспечении образования, знаниях, навыках, квалификациях, целях и стратегиях образования, профессиональной подготовке, интеллектуальной, творческой информационной среде, информации, профессиональной компетентности, деятельности, интеллектуальных методах или технологиях, идее, критерии, принципе.

**Key words:** material and technical support of learning is based on scientific and methodological support of education, knowledge, skills, qualifications, purpose and strategies of the education, professional training, intellectual, creative information environment, information, professional competence, activities, intellectual methods or technologies, idea, criterion, principle.

Маълумки, "XXI аср – ахборотлаштирилган жамият сари асри", деб номланмоқда. Бу эса жамият тараққиётининг барча жабҳаларини ахборотлаштириш ва интеллектуаллаштиришни талаб қилади. Бу энг аввало замонавий таълим-тарбия жараёнларига ҳам тегишлидир. Аммо, эски услуб ва технологиялар ёрдамида бундай талабларни бажариб бўлмайди. Шу сабабли ҳам ҳозирда таълим-тарбия жараёнини олиб боришни интеллектуаллаштириш замонавий педагогикада долзарб муаммолардан биридир.

Шу сабабли ҳам мазкур тадқиқотимизга бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёрлашни "Таълим сифати сари" номли технология негизидаги методикани ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўйдик.

Маълумки, таълим жараёнини интеллектуаллаштириш қаралаётган жараён ёки ҳодисани ўрганишга нисбатан инновацион ёндашув қилишни талаб этади. Бундай ёндашувлар манбалар тўғрисидаги маълумотлар, уларга мос ахборотлар ва билимлар банки негизидаги кўникма ва малакаларни шакиллантиришнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқишга имконият яратади. Улар негизида шакиллантириладиган билим, кўникма ва малакаларни шакиллантириш ўзига хос педагогик тадқиқот ҳисобланиб, бўлажак ўқитувчиларни интеллектуаллаштирилган касбий фаолиятга таёрлашда муҳум дидактик асос бўлади. Ушбу соҳада олиб борилган изланишларимиз натижаларининг кўрсатишича режалаштирилаётган интеллектуаллаштирилган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда инновацион ёндашувлар талаб қилинади ва улар ушбу жараёнларни оптималлаштиришга ёрдам беради. Улар: манбаларни илмий асосда ўрганиш, креатив ёндашувлар қилиш, манбаларни тизимли тадқиқ қилиш, кўникма ва малакаларни шакллантиришни ахборотлаштириш негизида интеллектуаллаш тирилган кўникма ва малакаларни шакллантириш кабиларнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқишларга ҳам фундаментал асос

бўла олади.

Энди бевосита интеллектуаллаштирилган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнига ўтамиз. Бундай интеллектуаллаштирилган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг инновацион технологиясини “Таълим сифати сари” , деб атадик. Бунга сабаб қўйилган муаммони ҳал қилишнинг ҳар бир ҳаракати таълим сифатини кафолатлашга хизмат қилади ва бу ўз навбатида таълим сифати кафолати билан унинг самарадорлигини оширишга қаралаётган ҳаракатлар мажмуидан иборат бўлган инновацион фаолиятдир. Бу қайд этилган жараённи қуйидаги кўринишда ифодалашни лозим топдик ( 1-расмга қаранг).

Расмдаги кўриниб турибдики, “Таълим сифати сари” технологиясининг ҳаракатлар стратегияси асосан уч қисмдан иборат бўлади. Улардаги биринчи қисм -“I. ФУНДАМЕНТАЛ БОСҚИЧ” ни ташкиллаштиришда анъанавий таълим жараёни асос қилиниб олинади. Ундаги интеллектуаллаштирилган таълим жараёни учун ташкилий-тузилма ишлаб чиқилди ва унинг функционал вазифаси бўйича инновацион – интегратив таълим ташкиллаштирилади. “II. ДИНАМИК БОСҚИЧ” га оид тадқиқотлар ҳам ўзига хос динамик тизимни ифодалайди. Ундаги интеллектуаллаштирилган билимдан унга асосланган кўникмага ва шунингдек малакаларни шакллантиришларга ўтишлар ҳам тадқиқот давомидаги узвийлик ҳамда узлуксизликни талаб этади. Булар эса қаралаётган жараённи мониторинг қилиб боришни ҳам талаб этади. Шу сабабли ушбу босқичда интеллектуаллаштирилган билим, кўникма ва малакаларни шаклланганлигини аниқлашга мос мақсад функцияларини ишлаб чиқдик.

1-расм. “Таълим сифати сари ” технологиясининг ҳаракатлар стратегияси.

Изоҳ. Расмдаги ДТС – давлат таълим стандарти.

Улардан биринчиси интеллектуаллаштирилган билимни аниқлашга оид мақсад функциясидан иборат. Иккинчиси эса интеллектуаллаштирилган кўникмани аниқлашга оид мақсад функцияси ва учинчиси интеллектуал-лаштирилган малакани аниқлашга оид мақсад функцияси.

Бу қайд этилган мақсад функциялари интеллектуаллаштирилган билим, кўникма ва малакаларини шаклланиш жараёнини динамик равишда назорат қилиб бориш имкониятини беради ва улар асосида қаралаётган жараённинг мониторингини ҳам кузатиб бориш мумкин.

Ушбу динамик тизимнинг яна бир эътиборга молик жиҳати борки, улар ёрдамида қаралаётган жараёнга керакли жойларда тузатишлар киритиш (корректировка қилиш) ҳам мумкин. Бу мақсад функциясидаги иккинчи ва учинчи шартлар қараб амалга оширилади, яъни ўзлаштирилган интеллектуаллаштирилган билим, кўникма ва малакалар функцияларидаги иккинчи ёки учинчи шартларга тўғри келиб қолса, у ҳолда таълим бериш тактикасини ўзгартиришларга ҳам тактика ишлаб чиқилган ва уларни эътиборга олиш негизида таълим жараёни оптималлашувига кириб боради.

Пировард натижада қаралаётган динамик босқич учун таълим сифати кафолатланган натижа ҳосил бўлади ва уни биз қуйидагидек:

$$FTCK(БКМ) = \begin{cases} \text{Агар } FИ(Б) > Fa(Б) \text{ бўлса} \\ \text{Агар } FИ(К) > Fa(К) \text{ бўлса} \\ \text{Агар } FИ(М) > Fa(М) \text{ бўлса} \end{cases} \quad (1)$$

Бу ерда: - FТСК (БКМ) – интеллектуаллаштирилган билим, кўникма ва малакаларни шаклланганлигининг юқори сифат кўрсаткич;

- Fи (Б) –таълим олувчидаги интеллектуаллаштирилган билимнинг шаклланганлиги натижаси;

- Fа(Б) – ДТС да белгиланган билим;

- Fи (К) – таълим олувчидаги интеллектуаллаштирилган кўникманинг шаклланганлиги натижаси;

- Fа(К) – ДТС да белгиланган кўникма;

- Fи (М) – таълим олувчидаги интеллектуаллаштирилган малаканинг шаклланганлиги натижаси;

- Fа(М) – ДТС да белгиланган малака.

Охирги мақсад функциясидан ҳам кўриниб турибдики қаралаётган технология таълим сифатини кафолатлай олади, яъни биз режалаштириган натижалардан паст ўзлаштирган таълим олувчиларни ҳам таълим тактикасига тузатишлар киритиш ёрдамида уларни ўзлаштирувчилар қаторига ўтказишга қодир бўламиз. Бу таълим жараёнининг мониторингини олиб боришда яққол сезилади.

“ Таълим сифати сари” технологиясининг “III. ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ” нинг бошланғич қисми натижаларни таққослаш бўлиб, унда ҳам динамик босқичдаги мақсад функцияси ўрнатилиб олинади, яъни эришилган натижаларни таққослаш қуйидаги мақсад функцияси орқали амалга оширилади:

$$F\text{И}(\text{Н}) = \begin{cases} \text{Самарадор, агар } F\text{И}(\text{Н}) > F\text{a}(\text{Н}) \text{ бўлса} \\ \text{Ўзгармас, агар } F\text{И}(\text{Н}) = F\text{a}(\text{Н}) \text{ бўлса} \\ \text{Паст, агар } F\text{И}(\text{Н}) < F\text{a}(\text{Н}) \text{ бўлса} \end{cases} \qquad (2).$$

Бу ерда: - FИ (Н) – интеллектуаллаштирилган билим, кўникма ва малакаларини шаклланганлигини аниқлаш натижаси;

- FИ (Н) – эришилган натижа;

- Fа (Н) –ДТС да белгиланган натижа.

Бу охирги (2) ифода интеллектуаллаштирилган билим, кўникма ва малакаларни таълим олувчилар томонидан ўзлаштириш самарадорлигини билдирса, (1) ифода таҳсил олувчиларнинг таълим сифати кафолатини билдиради.

Бизга маълумки, таълимнинг инновационлигини асосан иккита кўрсаткич асослаб беради. Улар таълимда юксак сифат ва юқори самарадорликлардир.

Бизнинг тадқиқотимизда (1) ифода таълим сифат кафолатини ва (2) ифода эса таълим самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлардир. “III. ЯКУНИЙ БОСҚИЧ” нинг кейинги қисми натижаларга мос хулоса чиқаришдан иборат. Унда хулосалар таҳсил олувчининг эгаллаган даражаларига қараб (билим бўйича, кўникма бўйича ва малака бўйича) хулосалар тайёрланган ва уларда бўлажак ўқитувчининг касбий фаолиятига ҳам қаратилган бўлади.

Ушбу босқичдаги “натижа хулоса тавсиялар”лар ҳам ўзига хос динамик тизимни ташкил этиб, уларнинг биринчиси иккинчисини ва учинчисини мукаммал ифодалаш учун мустаҳкам илмий-методик жиҳатдан дидактик асос бўлади.

Демак, “Таълим сифати сари” технологиясининг ҳаракатлар стратегияси бўйича таълим жараёнини олиб бориш инновацион жараён экан. Шу сабабли ҳам ушбу инновацион таълимни амалиётга жорий этишни мақсадга мувофиқ деб топдик ва уни биз икки хил йўналишда амалга оширдик. Улардан биринчиси, бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуаллаштирилган билим, кўникма ва мала-

каларини шакллантиришнинг инновацион методикаси ва иккинчиси, бўлажак ўқитувчини интеллектуаллаштирилган касбий фаолиятга тайёрлашнинг динамик тизимини ишлаб чиқиш.

Ушбу йўналишларда олиб борилган тадқиқотмизни бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини интеллектуаллаштирган касбий фаолиятга тайёрлаш мисолида кўриб чиқдик ва ижобий педагогик самараларга эришдик.

Олиб борган тадқиқотимиз бўйича қуйдагидек хулосани чиқаришга имконият яратилди: бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлашнинг ишлаб чиқилган методикаси уларни интеллектуаллаштирилган касбий фаолиятга тайёрлашнинг оптимал вариантини кафолатловчи методикадир.

Ишлаб чиқилган методика унверсал характерга эга. Шу сабабли ундан бошқа йўналишдаги мутахассисларни ҳам интеллектуал фаолиятга тайёрлашда бемалол фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Тўрақулов У.Х., Насриддинова Г.С., Зарипов Л.Р. Бўлажак касб таълими ўқитувчилари касбий шакилланиши механизими// Таълим тизими бошқарув кадирларини тайёрлаш: муаммо ва истиқболлар: Республика илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами.-Т.:2014-Б.119-121.

2. Тўрақулов У.Х., Жиянқулова Р.Х., Рахмонов Ф.Г. Ўқувчиларни касбга тайёрлашда иммитацион вертуал тренажорлардан фойдаланиш// “Фан, таълим ва амалиёт” мажмуасининг долзарб муаммолари. Илмий мақолалар тўплами.-Т.:“Fan va texnologiya”, 2015.-Б.402-405.

3. Тўрақулов У.Х. интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимлари негизида ўқувчиларни касбга тайёрлашнинг илимй-методик таъминоти. Магистрлик дессертацияси.-Т.:2016.-124б.

4. Тўрақулов У.Х. интеллектуаллаштирилган ўқитиш воситалари негизида ўқувчиларни касбга тайёрлашнинг ташкилий-тузулмавий моделини ишлаб чиқиш//.Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. ИМЖ.-Т.:2016.-№1.-Б. 19-24.

5. Тўрақулов У.Х. Бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлаш босқичлари// Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. ИМЖ.-Т.:2018.-№1.-Б. 57-62.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлаш методикасини “Таълим сифати сари” технологияси негзидаги ишлаб чиқиш масаласи қаралади.

Мақола бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш муаммоси билан шуғулланувчиларга мослаб тайёрланган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается проблема разработки инновационной методики приобретения будущими педагогами знаний, умений и навыков. Статья может быть использована лицами, участвующими в интеллектуальном содержании контента.

SUMMARY

The article discusses the problem of developing an innovative methodology for future teachers to acquire knowledge, skills and abilities. The article may be used by those involved in the intellectual content of the content.

## ТИББИЁТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ КАСБ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

***Эргашева Ш. П.***

*Тошкент тиббиёт акдемияси Фарғона филиали*

**Таянч сўзлар:** коммуникатив қобилят, компетентлик,импульсивлик, интернал, индивидуал,экстернал,экспрессивлик.

**Ключевые слова:** коммуникативные способности, компетентность, импульсивность, внутреннее, индивидуальное, внешнее, выразительность.

**Key words:** communicative abilities, competence, impulsivity, internal, individual, external, expressiveness.

Шахснинг коммуникатив қобилиятларини ривожлантиришни “касбий фаолиятни ривожлантиришга асос бўлувчи коммуникатив маҳорат орқали такомиллаштириш керак. Коммуникатив маҳоратни ривожланиши кўпинча феъл-атворни авторитар услубига, тез-тез конфликтли вазиятларнинг пайдо бўлишига, педагог ва таълим олувчиларнинг ўзаро муносатларининг кескинлигидан келиб чиқади, ўзлаштириш ва ўқиш истагининг пасайишига, руҳий шикастланишга ва ахлоқий-маънавий тарбияда ўрнини қоплаб бўлмайдиган йўқотишларга, кўпинча эса ўқувчиларнинг асоциал(ижтимоий лоқайдлик) хатти-ҳаракатларига олиб келади” .

Коммуникатив компетентликни шахсга оид мураккаб тавсифнома сифатида ҳам тушуниш мумкин, у коммуникатив компетенцияларни, руҳий-педагогик компетенцияларни, шахснинг бошқа инсонлар билан мулоқотида кўринадиган руҳий ҳолатларини қамраб олади – буларнинг барчаси инсоннинг коммуникатив хулқ-атворида намоён бўлади.

Айнан коммуникатив хулқ-атвор мулоқот учун зарур бўлган алоҳида руҳий-педагогик компетенцияларни қамраб олади. Лекин шунга қарамай, бу ерда етакчи ўрин умуман олганда педагогда йўналишни аниқлаш ва асослаш учун жавоб берувчи, жумладан унинг мулоқот қилишга эҳтиёжини ҳам қўшиб,коммуникатив қадриятларга тегишли бўлади.

Шунингдек, коммуникатив компетентлиликка маълум вазиятларда коммуникатив ҳаракатларни сифатли ва фойдали ташкил қилиш учун зарур бўлган, илмий-педагогик адабиётда шахснинг ички имкониятларининг алоҳида тизими сифатида ҳам қаралади ҳамда коммуникатив компетентлиликни мукаммал эгаллаш деганда “реал вужудга келган коммуникатив вазиятга мувофиқ мулоқот жараёнига киришишга тайёрликни” тушуниш керак. Таъкидлаш жоизки, ушбу компетентлиликни шаклланганлигининг асосий кўрсаткичи фикр-мулоҳазаларни равон, яхлит ва мантиқан изчил баён қилиш маҳорати бўлиши мумкин, бунда мулоқот тилининг бой ифодалилигидан ҳамда аниқ мулоқот бўйича шерикларнинг коммуникатив фаоллигининг ҳар қандай турини тушуниш ва мос равишда жавоб қайтариш лаёқатидан фойдаланилади. Коммуникатив компетентлиликни ўқитувчининг касбий фаолиятида тутган алоҳида ўрнини ўрганиш, коммуникатив компетентлилик кишилар ўртасидаги мулоқотда кўпвазифавий шарт-шароит сифатида ҳам кўриниши ва бу орқали тарбиявий, таълимий ҳамда дунёқарашга оид вазифаларни бажариши мумкин, деган хулоса чиқариш имконини беради.

Ўсиб келаётган замонавий авлодимиз учун керакли коммуникатив тажрибани ўзлаштириш, нафақат бошқа инсонлар билан бевосита ўзаро коммуникатив боғланиш жараёнларида содир бўлиши керак.Ҳар бир инсон ўзи учун керакли бўлган коммуникатив вазиятлар характери, шахслараро ўзаро таъсир муаммолари ва уларни хал қилишнинг самарали усуллари ҳақидаги маълумотларни олиш учун зарур бўлган воситалар: адабиёт, публицистика, оммавий ахборот воситалари, кино ва театрга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим.Шу сабабли албатта ҳар бир инсонга хос бўлган, қандайдир интеграцион коммуникатив компетентлилик ҳақида ҳам гапириш зарур, баъзи бир алоҳида ҳоллар бундан истисно, бу жараёнга махсус, йўналишга оид таълим кучли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазиятлар шулар жумласидандир.

Коммуникатив компетентлиликка мурожаат қилар эканмиз, таъкидлаш жоизки, у ўз ривожланишида қандайдир динамик таълим сифатида икки босқичдан ўтади: юқорида айтиб ўтилган, шахс ривожланишининг маълум босқичидан бирга мавжуд бўлувчи, шунингдек даражадан даражага ривожлана оладиган касбий ва умумий. Бу "коммуникация "тилини" тартибсиз, стихияли ўзлаштириш ҳамда таълим олиш воситасида содир бўлади. Гап касб ҳақида борганида, бу жараён махсус ташкил этилса ва маълум шартлар бажарилсагина, самарали бўлишини таъкидлаш жоиз. Талабаларнинг коммуникатив компетентлилиги қуйидаги мезонлар асосида ривожланади

- ► Аниқ мақсадга йўналтирилганлик
- ► Ички (интернал) ёки ташқи (экстернал) назорат тартиби
- ► Мулоқотнинг кенг доирасида ифодаланувчи киришимлилик (экстерналлар учун хос)
- ► Ҳамкорлик воситасида эришилувчи коммуникатив жараённинг сермаҳсуллилиги
- ► Амалий тажриба (компетенциялар, одатлар)
- ► Психологик хусусиятлар (мижоз, жинс ва ёшга оид, этник, патологик хусусиятлар)
- ► Шахснинг индивидуал характери
- ► Шахснинг мулоқотлари тизими (ўзини ва бошқаларни қадрият сифатида тан олиш, ўзи, инсонлар, оламга ишониш; сермаҳсул мулоқотлар; диалогик, шахсга оид йўналтирилганлик)
- ► Шахснинг ижтимоий-психологик хусусиятлари (дадиллик, ишонч, тарбиялилик, киришимлилик, самимийлик, меҳрибонлик, ўзини эркин тутиш)
- ► Мулоқотга бўлган эҳтиёж билан белгиланувчи коммуникациянинг йўналтирилганлиги (йўл-йўриқлар, маънавий қадриятларга йўналтириш, идеаллар, мойилликлар, қизиқишлар, истак-хоҳишлар, дунёқараш))
- ► Импульсивлик, экспрессивлик, алоқага киришиш тезлиги, фикрлашдаги мослашувчанлик
- ► Интраиндивид мулоқот жараёнининг структур компонентлари (мотивация, мақсадлар, ижтимоий перцепция хусусиятлари, коммуникатив ҳаракатлар, ўзини ўзи назорат қилиш, у ёки бу ҳиссиётлар ҳамроҳлик қилувчи кечинмалар)
- ► Руҳий жараёнлар (идрок, фикрлаш, хотира, кечинмалар, ирода)

Коммуникатив компетентлиликнинг юқорида келтирилган тавсифларига бошқаларини ҳам қўшиш мумкин, айнан "коммуникатив вазиятга ижтимоий-психологик прогноз бериш, мулоқот жараёнини ижтимоий-психологик дастурлаш ва коммуникатив вазиятни ижтимоий-психологик бошқаришни амалга ошириш".

Фикримизча, коммуникациянинг мазмуни ва теранлиги, талабаларнинг билим даражаси, мулоқот мавзусидан хабардорлигига боғлиқ бўлиши мумкин, маълумки коммуникатив компетентлилик айниқса ҳиссий-психологик ўз-ўзини тартибга солиш лаёқатиниўз ичига олади, у "шароитнинг ўзгаришига кескин, фаол мулоқот билдиришни билиш, шерикларнинг ҳиссиётлар билан боғлиқ кайфиятларидаги ўзгаришларни эътиборга олиб мулоқотни қайта қуриш" [3, 53 б.] билан ифодаланади.

Бугунги кунга мос равишда ўзининг касбий фаолияти билан боғлиқ барча масалаларда компетентли бўлишга қодир, замонавий малакали педагогни, демак таълим йўналишида ҳам сифатли ўзгаришларни талаб қилади.Маълумки, олий ўқув юртининг биринчи навбатдаги вазифаси бўлажак мутахассисларнинг шахсга оид-инсонпарвар ривожлантириш ҳисобланади, бу айниқса, таълим ва тарбия фаолиятининг комму-

никатив аспектларида кенг намоён бўлиши мумкин. Шундай қилиб,коммуникатив компетентлилик муҳим аҳамиятли тавсифлардан бири сифатида ҳам кўрилиши, ушбу компетентлиликни мос равишдаги ривожланиши эса – бўлажак ўқитувчи шахсини мос равишда шаклланиши ва ривожланишининг алоҳида вазифаси саналади.

Адабиётлар:

1. Абдуқодиров А., Пардаев А. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Монография. – Т.: Фан, 2009. – 145 б.;

2. Ахмедова М. Т. Педагогик компетентлик - Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2016. - 84 бет.

3. Емельянов Ю.Н. Обучение паритетному диалогу. — Л.: Изд-во ЛГУ, 1991. –104 с.

4. Петровская Л.А. Компетентность в общении. – М.: Изд-во МГУ,1989. –216 с.

5. Садчикова Я.В, Беккер И.Л. Формирование межкультурной компетентности студентов нелингвистических факультетов вуза в процессе обучения иностранному языку // Педагогическое образование и наука, 2008, №4.

6. Социальная психология и этика делового общения / под ред. В.Н. Лавриненко. - М.: ЮНИТИ, 1995. – 178 с.

7. Фальковская К.И. Коммуникативная компетентность личности молодого человека в добровольной социальной работе / К.И. Фальковская. - М., 2008. – 98 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада тиббёт олий ўқув юрти касб таълим йўналиши талабаларининг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш имкониятлари хақида ёритилган бўлиб, бунда коммуникатив мулоқотни ҳулқ - атворга таъсири,педагог фаолиятидари роли, коммуникатив кмпетентликга қўйилган талаблар ҳақидаги фикрлар ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье изложены возможности развития коммуникативной компетентности студентов в области профессионального образования в медицинском вузе, где они объясняют влияние коммуникативной коммуникации на поведение, роль педагогической деятельности и требования к коммуникативной компетентности.

SUMMARY

This article outlines the possibilities for developing the communicative competence of students in the field of vocational education in a medical school, where they explain the influence of communicative communication on behavior, the role of pedagogical activity and the requirements for communicative competence.

# МЕТОДОЛОГИК ТАЪМИНОТНИ ЯРАТИШГА ДОИР ЯНГИ ПЕДАГОГИК ЁНДАШУВЛАР: МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

***Муродова З.***

*Қарши давлат университети мустақил изланувчиси*

**Таянч сўзлар:** педагогик ёндашув, методологик таъминот, шахсга йўналтирилган таълим, методологик билим, методологик таҳлил, махсус-илмий иш, методологик эмпирия.

**Ключевые слова:** педагогический подход, методологический обеспечение, личности – ориентированное образование, методологический знания, методологический анализ, специальная научная работа, методологический импеданс.

**Key words:** pedagogical approach, methodological support, person centered education, methodological knowledge, methodological analysis, special scientific work, methodological impedance.

XXI асрда фаннинг яратувчанлик қудратининг ошиб бориши, ишлаб чиқариш кучига айлангани илмий тадқиқотларнинг долзарблигидан далолат беради. Ҳар бир фаннинг методологияси фаншуносликнинг таркибий қисми, фаннинг тараққиёти эса унинг мукаммал методологиясининг яратилганлигига боғлиқ. Фан объектив борлиқ ҳақида билимлар тизими, воқеликни илмий назарий акс эттиришдир. Ҳозирги глобаллашув жараёнида, аввало, ҳар бир ахборотга илмий ёндашиш, қолаверса, фаннинг жамият ижтимоий, иқтисодий, маънавий ривожланишида ҳозир жавоб бўлиши давр талабидир.

Сўнгги вақтларда шахсга йўналтирилган таълим ва юксак маънавиятли шахсни шакллантириш билан боғлиқликда методологияни тавсифлаш билан боғлиқ қатор саволлар туғилмоқда: методология ҳар бир кишининг шахсий ютуғи бўлиши керак эмасми? Махсус билиш соҳасини методология деб аташ ўринли бўладими? Кўплаб олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан фан соҳасида амалга оширилган илмий ишларни коррекциялаш ва такомиллаштиришдан фойда борми?!

Шунингдек, айрим адабиётларда баён этилишича, “объектив” методология бўлиши керак эмас, аксинча, ҳар бир киши учун илмий ижод индивидуал характер касб этиши, яъни “субъектив” методология бўлиши лозим.

Бироқ мазкур фикрларни тўлиқ тасдиқлаб бўлмайди. Педагогика фани методологияси педагогик фанлар ва педагогик тадқиқотлар ҳақида билимлар тизимини ифода этса, иккинчидан, мазкур билимларни қўлга киритиш, шунингдек, тадқиқот дастури (методологик таъминоти)ни асослашга доир фаолият сифатида методология соҳаси билан боғлиқ қатор тушунчаларга аниқлик киритиш имконини беради.

Шунингдек, методологияни тушуниш нуқтаи назаридан қуйидаги саволларга аниқ жавоб топишга эришиш мумкин: педагогика методологияси нима билан шуғулланади ва ким шуғулланиши керак? Педагогика соҳасида методологик билимларни эгаллашнинг қандай усуллари мавжуд ва қандай билимлар қўлга киритилади? Тадқиқотларнинг методологик таъминотининг манбалари, объектлари ва тартиб-қоидалари қандай бўлиши лозим?

Дастлаб методологик таҳлил обектларининг махсус илмий таҳлил обектларидан фарқига аниқлик киритиш лозим. Қачонки, биз таҳлил билан шуғуллансак, энг аввало, бизнинг эътиборимиз нимага, яъни қандай обектга қаратилганлигини аниқлаб олишимиз зарур.

Педагогикада махсус-илмий иш деганда нима тушунилади? Махсус-илмий иш аниқ методологик тадқиқотни англатмайди, у педагогик фаолиятни тадқиқ этишга йўналтирилган билиш фаолиятидир. Методлар таснифи, таълим мазмуни масалалари ёки замонавий дарсни ташкил этиш муаммоларини ўрганиш – махсус-илмий таҳлил соҳасидир. Бироқ методологик таҳлил ҳам бор. Мазкур ҳолатда биз бу масалаларни қандай тадқиқ этамиз: масалан, ушбу масалаларни ўрганишда фан методлари тўғри қўлланиладими, билиш мақсади билан биз фойдаланаётган тушунчалар тизими бир-бирига мувофиқми?

Иккинчидан, методологик масалалар махсус-илмий муаммолардан фарқ қилади. Методологик масалаларга мактаб амалиётида дидактик билимлардан фойдаланиш, педагогик билимларнинг турлари, хусусий методика билан дидактиканинг алоқадорлиги, педагогик далиллар, педагогик тадқиқотлар мантиғи, педагогик тадқиқотларда формаллаштиришни қўллаш доираси ва шарт-шароитлари, педагогик тадқиқотлар босқичи сифатида мактаб тажрибасини ўрганиш кабиларни киритиш мумкин. Мазкур ҳолатда эътибор амалий йўналтирилган илмий фаолиятга қаратилган.

Педагогика фани бўйича амалга ошириладиган тадқиқот ишларининг методологик таъминоти қатор ўзига хосликларига эга. Методологик таъминот манбаси тушунчаси тадқиқотчи учун мўлжал олишга имкон берувчи ва иерархик мансубликка эга алоҳида турдаги билимлар йиғиндисини англатади.

Тадқиқотчи учун мўлжал олишга ёрдам берувчи биринчи методологик манба фалсафий қоидалар ва ундаги методологик функциялардир. Масалан, назария ва амалиёт бирлиги ҳақидаги назария. Ана шу тарзда фалсафа методологик таъминот манбаларидан бири сифатида намоён бўлади.

Методологиянинг бир нечта даражаларининг мавжудлиги умумфалсафий қоидалар, шунингдек, умумилмий методология даражасида ишлаб чиқилган билимлар ва ёндашувларни методологик таъминот таркибига киритишга тенг ҳуқуқ беради.

Методологиянинг яна бир манбаси педагогика соҳасида тадқиқ қилинган илмий ишдир. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари яхлитликда педагогиканинг ўзига хосликлари, унинг бошқа фанлар билан алоқаси, педагогик фактлар, педагогик назарияларни шакллантириш шарт-шароитлари, педагогиканинг объекти ва предмети ва мустақил амалга оширилган педагогик тадқиқотлар ҳақидаги билимларни ўзида акс эттиради. Ушбу тадқиқотларда таълим соҳасида қўлланиладиган фан методлари ҳақидаги билимлар конкретлаштирилади. Мазкур тадқиқотларнинг вазифаси – педагогик фанларни амалиёт билан алоқадорликда ривожланиш қонуниятлари ва тенденциялари, педагогик тадқиқотлар самарадорлиги ва сифатини ошириш тамойиллари, педагогикада қўлланиладиган тушунчалар ва методларни таҳлил этишни аниқлаштиришдан иборат.

Методологик билимлар амалий педагогик фаолият қонуниятлари ва ташкилий тизимларини аниқлашда ўзига хос вазифаларига эга бўлган махсус-илмий тадқиқотларни ўтказиш учун асос сифатида хизмат қилади.

Юқорида баён этилган педагогика соҳасидаги тадқиқотларнинг икки тури бир томондан методологик, иккинчи томондан махсус-илмий таҳлилга тегишли эканлиги ҳақида гапириш имконини беради. Улар турли объект ва йўналишларга эга ва муаммо доираси билан бир-биридан фарқ қилади.

Махсус-илмий тадқиқотлар (масалан, таълим ва тарбия қонуниятлари) бевосита педагогик фаолиятга йўналтирилган, ўз навбатида мазкур воқеликни илмий акс эттирувчи – методологик тадқиқот сифатида ҳам қаралади (таълим амалиётини илмий асослаш усуллари). Мазкур фарқ методологик тадқиқот жараёнида уни назарияда акс эттиришнинг самарали усуллари ва ниҳоясида мазкур назарияни амалиётга таъсирини кучайтириш мақсадида педагогик фаолиятга мурожаат қилиш зарурати юзага чиқади. Масалан, ўқитишни илмий асослаш усулларини тадқиқ этишда таълим методлари ҳақидаги тасаввурлар, турли методларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ масалалар юзага келади. Айнан амалиётдаги камчиликлар олимларни фанга, илмий билишдаги бўшлиқларга мурожаат қилишни, кейин ушбу камчилик ва бўшлиқларнинг юзага келиш сабабларини методологик таҳлил қилишга мурожаат қилишга мажбур қилади. Амалиёт учун педагогикада қўлланиладиган тушунчаларни тартибга солиш, комплекс тадқиқотларни самарали ташкил этиш учун педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқдорлиги механизмини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Методологик тадқиқот айнан тадқиқий тавсифга эга бўлиши лозим, яъни исталган илмий тадқиқотга қўйиладиган талаблар тўлиқ бажарилиши лозим, умумий мулоҳаза ва конспектив характерга эга бўлиб қолмаслиги зарур. Педагогика соҳасида конкрет методологик тадқиқот хусусий махсус предметига эга ва у ёки бу фан бўлимлари ҳолати, амалиёт учун йўналтирилган норматив материалларни асослаш характери ва

сифати, педагогик концепцияларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш далилларида акс этувчи эмпирик материалларга таянади.

Эмпирик тавсифдаги (методологик эмпирия) методологик билимлар илмий билиш усулларини қўллаш ҳақидаги тадқиқотчининг фикр-мулоҳазалари, яъни методологик рефлексия натижаси сифатида аниқ махсус-илмий тадқиқотлар жараёнида ҳам шаклланади. Қачонки, у шу тарзда танланган объект бўйича ўз ҳаракатини кузатиб борса, мазкур турдаги билимлар методологик таъминот таркибига қўшилиб боради. Уларнинг ўзига хослиги шундаки, махсус режалаштирилган методологик ишлар ҳосиласи эмас, бошқа (махсус-илмий) объектга мақсадли тадқиқот маҳсули гарови сифатида намоён бўлади. Эмпирик билимлар объектга боғланган бўлиб, шунинг учун умумий тавсифга эга бўлмайди. Уларни қўллаш мазкур тадқиқот вазифалари билан чекланади.

Хулоса қилиб айтганда, методология соҳаси ва махсус-илмий соҳани бир-биридан фарқлаш зарур: методологик таҳлил обекти ва махсус-илмий обект таҳлил, методологик муаммолар ва махсус-илмий муаммолар, методологик ва махсус-илмий тадқиқотлар. Методологик фаолият соҳасидаги махсус-илмий тадқиқотлар таъминотини методологик тадқиқотникидан фарқлаш зарур.

Адабиётлар:

1. Краевский, В.В. Методология педагогики: новый этап: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / В.В. Краевский, Е.В. Бережнова. – М.: Академия, 2008.

2. Краевский, В.В. Общие основы педагогики: учеб. для пед. вузов / В.В.Краевский. – М. : Академия, 2003.

3. Юдин Э.Г. Методология науки. Системность. Деятельность. / Э.Г.Юдин. – М.: Эдиториал УРСС, 1997.

4. Тўрақулов Х.А., Ҳасанбоев Ж.Ж., Усманов Н.Ў., Алқаров И.Ш., Тўрақулов О.Х. Илмий тадқиқот асослари. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2011.

5. Чориев А., Чориев И. Педагогиканинг фанлараро боғлиқлик методологияси. – Т.: Фан, 2011.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада муаллиф методологик таъминотни яратишга доир янги педагогик ёндашувларнинг мазмуни ва моҳиятини ёритиб берган. Шунингдек, муаллиф томонидан методологик таъминот манбаси тушунчаси ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье автор объясняет сущность и содержание новых педагогических подходов к созданию методического обеспечения. Автор также объясняет источник методологической поддержки.

SUMMARY

In this article the author explains the essence and content of new pedagogical approaches to creating methodological support. The author also explains the source of methodological support.

## ЛОТИН ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ПЕДАГОГИК - ПСИХОЛОГИК ШАРОИТЛАРИ

***Тўйчиева О. С.***

*Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** интеллектуал, конвергентли, дивергентли, эмоционал, мотив, илмий дунёқараш, маданий қадриятлар.

**Ключевые слова:** интеллектуальные, конвергентные, расходящиеся, эмоциональные, мотивационные, научные, культурные ценности.

**Key words:** intellectual, convergent, divergent, emotional, motivational, scientific, cultural values.

Талабаларни интеллектуал ривожлантириш яхлит тизим сифатида бир қатор таркибий қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бирлигини талаб этади. Интеллектуал ривожланиш жараёнининг таркибий қисмлари сифатида мотив, билиш, билиш фаоллиги, мустақиллик, ижодийлик, дунёқараш, илмий дунёқараш, илмий қадриятлар, маданий қадриятлар кабиларни киритиш мумкин.

Интеллектуал кўникмалар ўзида хотиранинг ривожи; идрок этишнинг ривожи; тасаввурларнинг ривожи; диққатнинг ривожини акс эттиради.

1950 йилларда психолог Гилфорд ва унинг ҳамкорлари инсонга хос икки фикрлаш турини аниқлашди: конвергентли ва дивергентли. Конвергентлидан фарқли равишда дивергентли фикрлаш бир хил усул билан эмас, турли йўллар билан муаммони ҳал этиш, эскисини янгиси билан алмаштиришга имкон беради.

Интеллектуал ривожланиш эмоционаллик билан алоқадорликдадир. Талабадаги салбий ҳис-туйғуларини йўқотиш, ўрнини ижобийлари билан тўлдириш зарур. Масалан, одамларга нисбатан муҳаббатни уйғотиш керак. Шу билан бирга талабаларда турли вазиятларда ўзига ишонч билан қараш туйғусини таркиб топтириш зарур. Агар бошқаларни севиш – бу бошқаларга нисбатан муносабатни ифодаласа, ўз-ўзига ишонч эса, ўз-ўзига муносабатни англатади. Яъни талабада тор маънодаги «мен» ҳиссини ҳосил бўлишидир. Севги ва ишончдан ташқари бир ҳис-туйғудан воз кечиш ва ўрнига бошқасини чақира олиш, қўрқувни бошқара олишга ўргатиш ҳам муҳим психологик омилларнинг эмоционал сабабларига тааллуқлидир.

Талабаларнинг мотивацион фаолияти ҳам интеллектуал ривожланишга катта таъсир кўрсатади.

Мотивация – мотивларнинг ҳаракатланиш жараёни, инсонни асосий фаолиятга ундовчи мотивлар йиғиндиси. Мотив эса французчадан таржима қилинганда, ундовчи куч, сабаб деган маънони билдиради.

Адабиётларда келтирилишича мотив тушунчаси тадқиқотчилар томонидан турлича талқин қилинади. Масалан, А.Маслоу мотивни эҳтиёж билан боғласа, С.Л.Рубинштейн мотивни мазкур эҳтиёжнинг ҳис қилиниши ва қондирилиши, деб ҳисоблайди. А.Н.Леонтьев мотивни эҳтиёжларни қаноатлантиришга инсон фаолиятини йўналтирадиган ва уни қўзғотадиган объективлик деб ҳисоблайди. Л.И.Божовичнинг фикрича, мотив нафақат ташқи объектив омиллар, балки тасаввурлар, ғоялар, ҳис-туйғулар, бир сўз билан айтганда ички субъектив омиллар кўринишида ҳам бўлиши мумкин.

А.А.Реаннинг таърифича, мотив деб шахсни фаолиятнинг у ёки бу турига ички жиҳатдан ундашга айтилади. В.К.Вилюнас мотивни қўзғалиш ва фаолият учун жавоб берадиган жараёнлар тизими деб ҳисоблайди.

Ш.С.Шодмонованинг фикрича, олимларнинг мотивларга берган таснифлари турлича бўлиб, уларнинг айримлари инсонда вужудга келувчи ҳолатларни, яъни инсонни хатти-ҳаракатга келтирувчи ҳолатларни мотив деб аташса, айримлари инсонларнинг мақсади, қизиқиши, орзу-истаги, нияти, интилиши, манфаати, эҳтиёжи ва эътиқодларини мотив сифатида келтиришади, яна бошқа бирлари мотивларни жараён сифатида, бошқалари мотивни жараён сифатида талқин этишган.

Талабаларнинг интеллектуал ривожланганлик ҳолатини дастлабки ташхис этиш қуйидаги режа асосида амалга оширилди:

- “Лотин тили” фани бўйича тузилган ўқув дастури таҳлили;

- илмий-тадқиқот методлари асосида талабаларни интеллектуал-маданий ривожланиш даражасини аниқлаш;

- талабаларни интеллектуал-маданий ривожлантиришга доир аудиториядан ташқари машғулотларнинг самарадорлигини аниқлаш.

I. “Лотин тили” фани бўйича тузилганўқув дастури таҳлили

Ишчи дастур тегишли йўналишлар бўйича Давлат таълим стандартига мувофиқ ҳолда тузилган.

Ишчи дастурда ўқитишнинг муайян вазифалари, курснинг тузилиши ва оралиқ мақсадлар ифодалаб берилган, шунингдек, ўқув жараёнининг турли босқичларида хилма-хил фаолиятларни ўзлаштириш учун тавсия этилган машқлар тури, тилга оид материаллар мавзуси ва мақсади кўрсатилган.

Дастурга жорий, оралиқ ва якуний назоратни ўтказишга доир саволлар ҳам киритилган.

1.1. Лотин тилини ўқитишдан асосий мақсад: талабага от ва сифатнинг луғат шаклини тузиш; анатомик атамаларни тузиш; ташхис қўйиш ва рецепт имлосини ўқитиш ҳисобланади.

Лотин тилини амалий ўзлаштириш мезони ўқиш, ёзув, оғзаки идрок каби фаолиятнинг кенг қўлланиладиган турларидан фойдала олиш ҳисобланади.

Фаннинг дастури тиббиёт олий таълим муассасаларида лотин тилини стандарт ўқитиш ҳажмига мўлжалланган.

Биринчи курслар учун амалий машғулот, мустақил иш, оралиқ ва якуний назорат учун 76 соат кўзда тутилган.

1.2. Ўқитишнинг вазифаси. Ўз амалий ва илмий фаолиятида онгли ҳамда саводли равишда янгиланиб бораётган лотин тиббий атамашунослигидан фойдалана оладиган талабаларни тайёрлаш ишчи дастри тузилишининг асоси ҳисобланади.

1.3. Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйилган талаблар. Лотин тили фанини ўрганиш жараёнида талабалар:

- лотин тили грамматикасининг асосини;

- 900 сўз ва сўз ҳосил қилувчи фаол луғат заҳираси сифатида узоқ муддатли хотира даражасида, шунингдек, афоризм ва касбий ифодалар, уларнинг кўпи деонтологик насиҳатларни ўзида намоён этишини билишлари лозим;

- лотин тилида тўғри ўқиш ва ёзиш;

- анатомик, клиник, фармацевтик атамалар ҳамда оддий гапларни лотинчадан ўзбек ва рус тилларига таржима қила олишни билиш;

- исталган тиббий атамани тўғри тузиш ва талаффуз қилиш кўникмасига эга бўлиш.

1.4. Лотин тилини ўрганиш қуйидаги фанлар билан алоқадорликда амалга оширилади:

– одам анатомияси;
– гистология;
– биология;
– кимё;
– тиббий физика ва радиология;
– нормал физиология;
– патологик анатомия;
– патологик физиология;
– фармакология;
– акушерлик ва гинекология;

– психиатрия;
– невралгия;
– даволаш (терапия);
– педиатрия;
– стоматология;
– жарроҳлик (хирургия).

1.5. Амалий машғулотларда топшириқларни бажариш сонига талабларнинг мажбурий минимуми. Амалий машғулотларда минимумни бажариш миқдори ҳар бир машғулотнинг лексик-грамматик материали билан белгиланади.

1. Янги атамаларнинг тўғри имлоси ва эркин ўқиш кўникмаларини ишлаб чиқиш.

2. Эришиш лозим: а) анатомик, клиник ва фармацевтик атамаларни тузиш қоидаларига эркин эга бўлиш.

3. Ҳар бир машғулотга мажбурий луғатлар минимумидан тахминан 30 та сўзни ўзлаштириш.

“Лотин тили” фани бўйича намунаий мустақил ишлар мавзуси:

1. Лотин тилининг тарихи.
2. Тиббий атамашуносликнинг асосчилари. Антик давр, ўрта аср шифокорлари.
3. Остеологияда қўлланиладиган анатомик атамалар.
4. Анатомик атаманинг морфологик ва синтаксик тузилиши.
5. «Sis» юнонча отларга турланиш хусусиятлари.
6. Тиббий атамашуносликда қўлланиладиган сифатдош:
– ҳозирги замон сифатдоши;
– ўтган замон сифатдоши.
7. Лотинча ва юнонча сонлар – сифат. Лотинча хикматли сўзлар ва афоризмлар.
8. Қадимги Рим маданияти.
9. Қадимги Юнон маданияти.
10. Олимпия ўйинлари тарихи.
11. Замонавий тилларда лотинчилик (инглиз, француз).
12. Алхимия ўрта аср маданиятида ғайри одидий ҳодиса сифатида.
13. Халқаро тиббий эмблеманинг тарихи.
14. Диний табобат.
15. Атамали сўз ҳосил қилишнинг умумий тушунчалари.
16. Клиник атамаларнинг таркибий турлари:
– яллиғланиш хусусиятига эга касаликларнинг таърифланиши;
– юқумли касалликлар ва ўсимтасимон касалликларнинг таърифланиши.
17. Дори воситалари номенклатураси.
18. Рецептура:
– рецептда «accusativus» ва «ablativus»;
– рецептда олд қўшимча ва равишлар;
- кимёвий аҳамиятга эга частотали бўлаклар.
19. Доривор ўсимликлар.
20. «Gaudeamus». Лотинча ҳикматли сўзлар ва афоризмлар.
21. Тиббиёт ва санъат.

22. Қадимги Римнинг атоқли нотиқлари.
23. Нумизматикада тиббиёт.
24. Лотин ва юнон адабиёти ёдгорликларида тиббиёт.
25. Тиббиёт ва саломатлик тўғрисида юнон ва лотин эпиграммалар.
26. Рим номлари. Рим рақамлари. Рим календари.
27. Рим атамалари. Каракала термалари.
28. Дунёнинг етти мўжизаси.
29. Қадимги рим адиблари.
30. Қадимги юнон адиблари.
31. Клиник ва фармацевтик атамалар бўйича илмий жадваллар, бошқотирмалар, чайнвордлар.

Мазкур дастурни таҳлил қилиш, ўқув жараёнини кузатиш машғулотлар мазмунида маданий тавсифдаги ўқув материалларининг деярли учрамаслигини кўрсатади. Келтирилган маълумотларга кўра, антик давр маданияти ҳодисалари ва далиллари талабаларнинг фақат мустақил ишлари таркибига киритилган. Дастурда келтирилган адабиётлар рўйхатида мазкур фаннинг маданий тавсифига доир манбалар ўз аксини топмаган.

Адабиётлар:

1.Абдуллаева Ш.Ш. К проблеме интеллектуального развития школьников //Личностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию. – Ташкент, 2008. Вып 2. Ч.III.- С.106-109.

2.Бегманова Г.С. Познавательная мотивация как одна из фундаментальных проблем в образовании// Личностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию. – Ташкент, 2008. Вып. II. Ч.9.- С.10-13.

3.Боровский Я.М. Латинский язык как международный язык науки// Проблемы международного вспомогательного языка. – М., 1991.- С.70-76.

4.Ҳайдаров Ф. Ўқув фаолияти мотивацияси. – Т.: Фан, 2005. – Б.99.

5. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби талабаларининг мустақил фикрлашини шакллантиришнинг дидактик асослари (5-7 синф тарих дарслари мисолида): Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2009. – Б.36.

6.Шодмонова Ш.С. Талабаларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2008. – Б.105.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола лотин тили дарсларида талабаларнинг интеллектуал ривожлантиришнинг педагогик – психологик шароитларига бағишланган бўлиб, бунда интеллектуал ривожланиш жараёнининг таркибий қисмлари, мотив, билиш, билиш фаоллиги, мустақиллик, ижодийлик, илмий дунёқараш,илмий қадриятлар, маданий қадриятлар ҳамда лотин тили дарси бўйича берилган таҳлиллар кўрсатилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена педагогическим и психологическим условиям интеллектуального развития учащихся на уроках латинского языка, которые обеспечивают анализ компонентов процесса интеллектуального развития, мотивов, знаний, обучения, независимости, творчества, академического мировоззрения, научных ценностей, культурных ценностей и латинского языка.

SUMMARY

This article focuses on the pedagogical and psychological conditions for the intellectual development of students in Latin lessons, which provide an analysis of the components of the intellectual development process, motives, knowledge, learning, independence, creativity, academic outlook, scientific values, cultural values and Latin.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ВИРТУАЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

***Журақулова Н.Х.***

*Қарши давлат университети*

**Tayanchso'zlar:** virtual ta'lim, v-akademiya, masofaviyta'limtexnologiyasi, 3D muhit, virtual reallik, master klass.

**Ключевые слова:** виртуальное образование, v-академия, технология дистанционного обучения, трехмерная среда, виртуальная реальность, мастер-класс.

**Key words:** virtual education, v-academy, distance learning technology, three-dimensional environment, virtual reality, master class.

Олий таълим тизимида виртуал таълим технологияларининг бугунги кунда аҳамияти ортиб бормоқда. Виртуал таълим муҳити орқали билимларни ҳиссий билиш имконияти орқали янада чуқур ўзлаштириш имконияти мавжуд. Виртуал реаллик ҳақиқий оламнинг акси бўлиб, тасаввурдаги (виртуал) оламни ҳис этишни англатади. Виртуал реаллик алтернатив оламга кириш ва унда ўзаро ҳаракатланиш учун компьютерда генерацияланган 3D муҳитни англатувчи иборадир (расм).



*Расм. Турли шароитларда виртуал реалик кўринишлари*

Расмдан кўриниб турибдики инсон виртуал реаллик ичига кириб жисмоний жиҳатдан мавжуд бўлмаган оламда айни пайтда мавжуд бўлиб тургандек тасаввур қилиш имконини беради.

Бугунги кунда виртуал реалликка асосланган таълим ресурсларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

– биринчи даража-махсус техник воситалар (шлем-дисплей, махсус қўлқоп ва бошқалар) воситасида тўла виртуалликка эришиш;
– иккинчи даража - уч ўлчамли (ёки стереоскопик) мониторлар ёки проектор ва махсус кўзойнак ёрдамида ҳажмли тасвир ҳосил қилиш;
– учинчи даража - компьютернинг стандарт монитори ёки проекция воситаси асосида виртуал реалликни намойиш қилиш.

Афзалликлари

• Виртуал реаллик турли виртуал муҳитлар ярата олади
• Жойларни тадқиқ қилиш имконини беради
• Виртуал реаллик ичида фойдаланувчи сунъий жиҳозларда тажриба қилиш имконияти мавжуд
• Виртуал реаллик таълимни янада осонлаштиради ва қулайлаштиради

Камчиликлари

• Ҳозирда виртуал реалликда фойдаланилаётган жиҳозлар анча қиммат
• У технологиялар мажмуасидан иборат
• Виртуал реаллик ичида ҳақақий ҳаётдаги сингари ҳаракатлана ололмай-

миз

• Зарарли томонлари тўлиқ ўрганилмаган.

Ҳозирги кунда дунёда реал ҳаётга яқин уч улчамли таълим бу VAcademiaкенгтаркалмокда.

VAcademia- дунёдаги ягона витруал муҳитдаги реал ҳаётга яқин учнуқтали таълим хисобланади. 3D-да ёзилган машғулотлар аслидан фарқ этмайди. vAcademia виртуал мухити ҳар қандай компьютер саводхонлиги юқори бўлмаган ўқитувчига ўқув машғулотларини ўтказишда юқори имкониятини яратади.

V Academia оркали виртуал муҳитида олий таълим муассасасини сифатли янги авлод электрон ресурслари билан ўқув машғулотларини бойитиш имконияти яратилади. VAcademia виртуал муҳити талабаларга аудитория машғулотлари ўрнига янги юқори сифатли муқобил таълим олиш имконияти яратилади.

V Academia виртуал мухити тренинглар, турли ўйинлар, симуляторлар, мастер-класслар орқали юқори таълим сифатини таъминлашга имконият яратади.

Виртуал таълим технологияларини амалга ошириш бўйичақуйидагича:

• Биринчидан, виртуал таълим технологияларини қўллашнинг бизнинг таълим муҳитимизга қўллаганда юзага келиши мумкин бўлган ижобий ва салбий оқибатларни жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш;
• Иккинчидан, ўзбек тилида виртуал таълим технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича қўлланмалар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш;
• Учинчидан, миллий виртуал таълим муҳитлари ва қурилмалари яратиш учун илмий тадқиқотлар олиб бориш ва тадқиқот натижасидаги дастурий таъминот ва қурилмаларни тарғиботини олиб бориш.
• Тўртинчидан, виртуал таълим ресурсларини ишлаб чиқарувчиларни ҳукумат томонидан рағбатлантириш механизмларини жорий этиш каби хулоса ва таклифлар бериш мумкин.

Таълимда хаммасофавий ўқитиш технологиясини ривожлантириш буйича эса куйидаги таклифларни тавсия килиш мумкин.

1. Таълим беришда интерактив усулларидан кенг қўллаш орқали таълим сифатини оширишга эришилади.

1. Махсус ишлаб чиқилган ўқув методик қўлланмалардан (электрон дарслик, ўқув курслари, видеофилм, аудио-видео маърузалар ва б.) фойдаланиш имконияти пайдо булади.
2. Ишлаб чиқилган тестлар банки орқали тингловчиларни ўзлаштиришини бахолашда тингловчи ва устоз ўртасидаги интеграция таъминланади.
3. Ишланма орқали жаҳонни етакчи АРМга кириш ва фойдаланиш имконияти яратилади.
4. Профессор ўқитувчилар малакасини оширишда масофавий таълим тизими жорий этилади.
5. Ишланмани амалиётга жорий этилишида тингловчилар тўлов контракт асосида таълим оладилар, бундан ташқари олий талим муассасаси учун қўшимча бинолар, инвентарлар, электро-энергия, профессор-ўқитувчилар таркиби ва бошқалар талаб этилмайди.
6. Мазкур лойихани амалиётга жорий этилиши тингловчиларни электрон дарслик, ўқув курслари, видеофилм, аудио-видео маърузалар қайта ўзлаштириш имкониятини оширади.
7. Тингловчилар ўртасида деканат (тьютор) ролини янада ошириш имконияти пайдо бўлади.

8. Таълим бераётган ва таълим олувчининг ўзаро аралашуви йўқотилади.
9. Амалиётга жорий этилиш орқали (“иш дафтари”, “Семинар дафтари”, “журналдаги бахолар” кабиларни йўқотиш) қўшимча имкониятлар пайдо бўлади.
10. Тижоратлаштириш олий таълим муассасасини иқтисодий имкониятини оширади.

Демак, Виртуал таълим технологияларива таълимда масофавий ўқитиш технологияси индивидуаллаштирилган таълим методикасини ишлаб чиқиш, талабанинг билимларини шакллантириш ва такомиллаштириш ҳамда эгаллаган билим даражасини аниқлаш каби вазифаларни ҳал қилади. Таълим жараёнида масофали ўқитиш технологияларидан фойдаланиш таълим мазмуни, шакллари ва усулларининг ижобий ўзгаришига кучли таъсир кўрсатади.

Адабиётлар:

1.Белозубов А.В. Система дистанционного обучения Moodle: Учебно методическое пособие СПб.: СПбГУ ИТМО, 2007. — 108 с.

2. Галузо И.В. Методика реализации обучающей функции тестов в средеMOODLE / И.В. Галузо, В.В. Небышинец, П.А. Сташулѐнок // Современное образование Витебщины. — 2013.— № 1. — С. 76–80.

3. Галузо И.В. Структура дистанционного обучения школьников иметодическое сопровождение учебного процесса в среде MOODLE.Могилев: МГУ имени, 2013. — 96-98 с.

4. Г.А.Ихтиярова, Н.Х.Жўрақулова, З.Қурбаналиева. Кимё соҳасида 3D виртуал технологияларидан фойдаланиш истиқболлари. “Олима аёл-интеллектуал салоҳият ва жамият тараққиёти йўлидаги фидойи куч” мавзусида республика илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент-2019 йил 16 май.

5. http://uz.infocom.uz/2013/10/14/erkin-va-ochiq-kodli-lms-tizimlar-tahl.

РЕЗЮМЕ

Maqolada oliy ta’lim tizimida kimyo fanini o’qitish jarayonida virtual ta’lim texnologiyalarini o’rni, V-Academiyasi, masofaviyo’qitish texnologiyani qo’llanilishiva bu vositalardan foydalanishga e’tibor qaratilgan.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена роли технологий виртуального обучения в преподавании высшего образования в системе высшего образования, использованию V-Academy, технологии дистанционного обучения и использованию этих инструментов.

SUMMARY

The role of staty technology in technology virtualization in prepositions is in the system of visualization, in V-Academy, in the use of V-Academy, technology and remote control.

## BO‘LAJAKO‘QITUVCHILARDAKONFLIKTOLOGIKKOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING MAZMUNI

***Shodiyev I.N.***

*Toshkent davlat pedagogika universiteti tayanch doktoranti*

**Tayanch so‘zlar:** bo’lajak o’qituvchi shaxsi, konflikt, pedagogik konflikt, pedagogik konfliktologiya, kompetentsiya, kompetentlik, konfliktologik kompetentlik.

**Ключевые слова:** личности будущего учителя, конфликт, педагогический конфликт, педагогическая конфликтология, компетенция, компетентность, конфликтологической компетентности.

**Key words:** the personality of the future teacher, conflict, pedagogical conflict, pedagogical conflictology, competence, conflictological competence.

Bugungi kunning eng dolzarb muammolardan biri oliy oʻquv yurtlarida taʼlim-tarbiya ishlari samaradorligini keskin oshirishdan iboratdir. Olib borilayotgan islohotlar samarasini yanada oshirish, davlat va jamiyatning har tomonlama va jadal rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish, mamlakatimizni modernizatsiya qilish hamda hayotning barcha sohalarini liberallashtirish boʻyicha ustuvor yoʻnalishlarni amalga oshirish maqsadida: 2017-2021-yillarda Oʻzbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yoʻnalishi boʻyicha Harakatlar strategiyasining muhtaram Prezidentimiz tomonidan tasdiqlanishi, Harakatlar strategiyasining "Ijtimoiy sohani rivojlantirish"ga qaratilgan yoʻnalishida taʼlim, madaniyat, ilm-fan, adabiyot, sanʼat va sport sohalarini rivojlantirish, yoshlarga oid davlat siyosatini takomillashtirish kabi vazifalarning qoʼyilishi ayni sohalarni dolzarblashtiradi. Boʼlajak mutaxassislarning kelgusida barkamol shaxs boʼlib yetishishida taʼlimiy faoliyatni samaradorligini taʼminlashda pedagogik jarayondagi konfliktlarning mohiyati, sababi, oqibatlarini oʼrganish, boʼlajak oʼqituvchilarda konfliktologik kompetentlikni rivojlantirishning usul, metod va vositalarini aniqlashtirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Respublikamizning rivoji, ravnaqi va istiqboli koʻproq oliy maktab tayyorlayotgan mutaxassislarning mahoratiga bogʻliqdir. Pedagogik jarayonda boʼlajak oʼqituvchilarning konfliktologik kompetentligini rivojlantirishning mazmun-mohiyatini anglashda avvalo boʼlajak oʼqituvchi shaxsiga toʼxtalib oʼtish maqsadga muvofiqdir. Boʼlajak oʼqituvchi oliy taʼlim muassasalarida tahsil olayotgan talabalar boʼlib, yosh davrlari nuqtai nazaridan oʼspirinlik davridagi boʼlajak mutaxassislardir. Tadqiqotlarda talabalar yaʼni boʼlajak oʼqituvchilar deganda moddiy va maʼnaviy ishlab chiqarishda ijtimoiy hayotga va mutaxassislikka oid rollarni muayyan qoida va maxsus dastur asosida bajarishga tayyorlanayotgan ijtimoiy guruh tushuniladi. Oliy oʻquv yurtidagi taʼlimning oʻziga xos xususiyatlari talabalarning boshqa ijtimoiy guruhlar bilan (ular xoh rasmiy, xoh norasmiy boʻlishidan qatʼiy nazar) muloqotga kirishish uchun muhim imkoniyat yaratadi. Talabalik davrining asosiy xususiyatlaridan biri ijtimoiy yetuklikning jadal surʼat bilan roʻyobga chiqishidir. Maʼlumki, ijtimoiy yetuklik (kamolot) shaxsdan zarur aqliy qobiliyatni hamda ijtimoiy turmushda bajariladigan turli rollarni egallashga (oila qurishga), farzandlarni tarbiyalashga, foydali mehnatda qatnashishga (masʼul vazifada ishlashga) tayyorlanishni talab qiladi. Mazkur jarayonning bosh mezonlari va koʻrsatkichlari oʻrta maʼlumotlilik, jamoatchilik topshirigʻi, mehnatda faollik koʻrsatish, qonunlar oldida javobgarlik, mutaxassis boʻlish imkoniyati, unga intilish tuygʻusi, irodaviy zoʻr berish, yosh otalik va onalik burchi, jamoat arbobi vazifasini oʻtash, ijtimoiy guruhga rahbarlik qilish, sport bilan shugʼullanish, boʻsh vaqtni tashkil eta olish, toʻgarakda qatnashish va hokazolardan iboratdir. Talabalik davri oʻspirinlikning ikkinchi bosqichidan iborat boʻlib, 17-22 (25) yoshni oʻz ichiga oladi va oʻzining qator betakror xususiyatlari va qarama-qarshiliklari bilan xarakterlanadi. Shu boisdan oʻspirinlik davri shaxsning ijtimoiy hamda kasbiy mavqeyini anglashidan boshlanadi. Mazkur pallada oʻspirin oʻziga xos ruhiy inqiroz yoki tanglikni boshidan kechiradi, jumladan, kattalarning har xil koʻrinishdagi (unga yoqish yoki yoqmasligidan qatʼiy nazar) rollarini tez surʼatlar bilan bajarib koʻrishga intiladi, turmush tarzining yangi jihatlariga koʻnika boshlaydi. Katta odamlarning turmush tarziga oʻtish jarayoni shaxsning kamol topish xususiyatlariga bogʻliq ichki qarama-qarshiliklarni keltirib chiqaradi. Psixologlardan B.G.Ananev, N.V.Kuzmina, N.F.Talizina, V.Y.Lyaudis, I.S.Kon, V.T.Lisovskiy, A.A.Bodalev, A.V.Petrovskiy, M.G.Davletshin, I.I.Ilyasov, A.V.Dmitrieva, Z.F.Esareva, A.A.Verbiskiy, V.A.Tokareva, E.Gʻ.Gʻoziyev va boshqalarning tadqiqotlariga

ko'ra, oliy o'quv yurtlarida ta'lim olish talabalar uchun juda og'ir kechadi, chunki bu davrda shaxsning murakkab fazilatlari, xislatlari, sifatlari takomillashish bosqichida bo'ladi. Mazkur yosh davridagi ijtimoiy-psixologik o'sishning xususiyatlaridan biri o'qish faoliyatining ongli motivlari kuchayishidir.

Oliy o'quv yurtlarida ta'lim-tarbiya jarayonida talabalar bilan o'qituvchilar o'rtasida uzluksiz ta'sirlashish hukm suradi. O'qituvchi bilan ta'lim oluvchilarning hamkorlikdagi faoliyati negizida o'quv-tarbiya ishlarini to'g'ri yo'lga qo'yish muammosi yotadi. Ushbu jarayon murakkab xarakterga ega bo'lib, bunda yuzaga kelish mumkin bo'lgan nizoli vaziyatlarni, sabablari va oqibatlarini tahlil etish hamda bartaraf etishning samarali usul va vositalaridan foydalanish avvalo, konflikt, pedagogik konfliktologiya, kompetentlik, konfliktologik kompetentlik tushunchalarining mazmunini ilmiy asosda tushunishni talab etadi.

Konflikt tushunchasiga Falsafa qomusiy lug'atida quyidagicha ta'rif berilgan. Konflikt (lot. conflictus - ihtilof, to'qnashuv, nizo) hayotiy ziddiyatlar, insonlarning istak va intilishlari, his-tuyg'ulari va ehtiroslari, o'y-fikrlari va xatti-harakatlaridagi qarama-qarshiliklar, kuchli, dramatik to'qnashuvlar, kelishmovchiliklar;  kishilarning ongi va dunyoqarashi, kayfiyati fe'l-atvoridagi qarama-qarshiliklar, kelishmovchilik va ziddiyatlarni san'atda, ilmiy va badiiy adabiyotda ifodalash shakli. Konflikt – jamiyat tararqqyotining muayyan ijtimoiy kuchlari va an'analarining to'qnashuvi asosida yuzaga keladi va yechiladi. An'anaviy ma'nodagi tenglik va tengsizlik, adolat va adolatsizlik, to'g'ri va egri, rost va yolg'on, yaxshilik va yomonlik, ma'rifat va xurofot, zulmat va nur, eskilik va yangilik kabi ko'plab qarama-qarshi va zid hodisalar tarzida namoyon bo'ladi.

O'zbek tilining izohli lug'atida "Konflikt" (lot) qarama-qarshi tomonlar, fikr, kuch va shu kabilarning to'qnashuvi; Jiddiy kelishmovchilik, keskin nizo. Dramatik konflikt. Xalqaro munosabatlarda ba'zan qurolli to'qnashuvlargacha olib keladigan janjal, mojaro. Chegara konflikti mazmuni izohlanadi.

Konflikt – o'zaro qarama-qarshi bo'lgan ziddiyatli manfaatlar va munosabatlarning ochiq to'qnashuvidir.

Konflikt tushunchasi ilmiy adabiyotlarda bir xil ma'noda qo'llanilmaydi. "Konflikt" atamasining juda ko'p ta'riflari mavjud. "Konflikt" tushunchasiga nisbatan eng umumiy yondoshuvga ko'ra, u ziddiyatga umumiy tushuncha sifatida, eng avvalo, ijtimoiy ziddiyat sifatida qaraladigan tushunchadir.

Konflikt – sig'ishmaydigan maqsadlarga ega yoki shunday maqsadlar haqida fikr yurituvchi ikki va undan ortiq tomonlar (odamlar va guruhlar) o'rtasidagi munosabatlardir.

Konfliktlar nazariyasi bilan shug'ullanuvchi mutaxassislarning bildirgan fikrlariga ko'ra, tadqiqotlar jarayonida tug'iluvchi konfliktlarni boshqarish, o'lchash mumkin. Konflikt "murakkab tizimlar uzviyligi usuli" sifatida baholanadi. U ziddiyatlashgan tomonlarning ajratilishi va qo'shilish faktori sifatida xizmat qilishi mumkin. Ikki tizim orasidagi konfliktlar yangi konflikt tizimini vujudga keltiradi. Konfliktga kirishuvchi tizimlarni boshqarishda hal qiluvchi rolni zid tomonlarning bir-biri haqida axborotga qanchalik ega ekanligi o'ynaydi. Muhim gnoseologik vosita sifatida tizimli misollarni keltirish mumkin, bunday modullar kattalashtirish darajasida qurilishi va eksperimental tadqiq etish imkonini berishi mumkin. Ijtimoiy hodisa va ziddiyatlar orasida normativ hujjatlar va real voqelik o'rtasidagi konflikt tipik hisoblanadi.

Pedagogik konfliktologiya – bo'lajak o'qituvchilar ya'ni Oliy ta'lim muassasalarida tehsil olish jarayonida ta'lim subyektlarining o'zaro qarama – qarshiliklarining mohiyati, sabablari, oldini olish strategiyalarini anglashda muhim ahamiyatga ega.

Pedagogik konflikologiya – pedagogik ziddiyatlarni kelib chiqish sabablarini, shu o'rinda turli pedagogik ziddiyatlarni oldini olishi va bartaraf etish usullari haqidagi nazariy bilimlarni amaliyotda keng tadbiq etish haqidagi fan bo'lib, bugungi kunda ta'limiy xarakterdagi nizolarni bartaraf etish ko'nikmasiga ega bo'lish, ta'lim oluvchilar bilimiga qo'yilgan asosiy talablardan biri sanaladi.

Pedagogik konflekt nizoli vaziyatlar, uning tarkibiy qismlari subyektlar va obyektning o'zaro a'loqasi xususiyati natijasida yuzaga kelib, konfliktning pedagogik holati obyektiv va subyektiv sharoitlarning kombinatsiyasi bo'lib, ta'lim maydonida yuzaga keladigan ma'lum bir psixologik stressni yaratish, shuningdek, a'loqalar subyektlarining oqilona nazoratini zaiflashtiruvchi mavjud qarama-qarshiliklarni hissiy faollashtiradigan jarayondir.

Pedagogik jarayondagi nizolarni o'rganuvchi fan sohasi "Pedagogik konfliktologiya" quyidagi masalalarni hal etadi:

- pedagogik konfliktlarning mohiyati, obyekt va predmeti, pedagogik konfliktning tuzilishi, rivojlanish darajalari va bosqichlari, pedagogik jarayondagi nizolarning yuzaga kelish omillari, ularni xal etishning o'ziga xosliklari, konfliktlarning turlari, ularni hal etish sharti, yo'llari, omillari, va usullarini bilish;
- pedagogik konfliktlarning tuzilishi va chegarasini tahlil etish, pedagogik konfliktlarning yuzaga kelishini bashorat qila olish, ularni turlarga ajrata olish, konfliktlarni bartaraf etishning turli shakl, metod va usullaridan samarali foydalana olish;
- psixologik-pedagogik adabiyotlar bilan ishlay olish, pedagogik konfliktlarni yuzaga kelishi va bartaraf etishga doir yengil tadqiqot ishlarini o'tkazish, ishga ijodiy yondashish, pedagogik konfliktlarni olidini olishga doir chora-tadbirlarni ishlab chiqish va rejalashtirish, individual, shaxsiy va yoshga oid o'ziga xosliklarni hisobga olgan holda auditoriya bilan psixologik asosli muloqot va o'zaro harakatni tashkil etish malakalarini egallay olish.

Zamonaviy sharoitda pedagogik konfliktologiyaning o'qitilishi o'qituvchining pedagogik madaniyatini rivojlantiradi va bu o'z navbatida kompetenlik bilan bevosita a'loqador.

Kompetentlik – shaxsning muayyan ta'lim yo'nalishi yoki mutaxassisligi bo'yicha olgan bilim, malaka va ko'nikmalari hamda shakllangan shaxsiy hislatlarini mehnat faoliyatida muvaffaqiyatli qo'llay olish qobiliyati. Kompetensiya – bilim, malaka va shaxsiy sifatlarini ma'lum sohada muvaffaqiyatli faoliyat uchun qo'llay olish.

Kompetensiya atamasining mazmun va mohiyati pedagog, psixolog, iqtisodchi, metodist olimlar tomonidan turlicha talqin etiladi. Talqinlar har bir fanning o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqqan holda olg'a suriladi. Masalan, pedagog olim V.I.Baydenkoning fikricha "Kompetensiya ba'zi shaxslarning tavsifnomalari (bilimga va uni qo'llashga oid, hayotiy pozitsiyasiga, malakasiga, mas'uliyatiga ko'ra) mutanosiblikni o'zida namoyon etish imkoniyataga ega bo'lishidir.

Kompetentlik esa – shaxs amaliy faoliyati bilan bogliq bo'lib, kompetensiya me'yorlarini jamiyat talablaridan kelib chiqqan holda kreativlik asosida ish tajribasida namoyon etish mahoratidir. Kompetensiya tushunchasi shaxsga nisbatan umumiylik kasb etsa, kompetentlik individuallik xarakteriga egadir. Kompetentlikning asosiy me'zoni mahsuldor faoliyat, raqobatbardosh kadrlar tayyorlash natijasi bilan belgilanadi.

"Kompetensiya" va "kompetentlik" tushunchalari mazmunan bir xil maqsadga qaratilsa-da, mohiyatan bir-biridan qisman farq qiladi. "Kompetentlik" amaliy faoliyat bilan bog'liq bo'lib, tajriba orqali kompetensiya talablarini bilim, ko'nikma, malaka orqali namoyon etish darajasi demakdir. "Kompetentlik" insonning bilimi, intellektual va shaxsiy tajribasiga asoslanadigan ijtimoiy faoliyatidir".

Kompetensiya – u yoki bu soha bo‘yicha bilimdonlik. “Kompetensiya” (lotincha competo – erishaman, mos kelaman, to‘g‘ri kelaman). Aniq tashkilotda yoki lavozimdagi shaxsga qonun, nizom yoki boshqa hujjat bilan taqsim etilgan vakolat”.

Kompetentlikning o’zi pedagogda umumiy dunyoqarashning kengligi va madaniyatning yuqoriligi, pedagogika, psixologiya, boshqaruv nazariyasi va ta’limni boshqarishning ilmiy asoslari bo’yicha kasbiy bilimlarining mavjudligi, o’z bilimlarini amaliyotda rivojlantirishga layoqatlilik, ijtimoiy va psixologik-pedagogik tadqiqotlar metodlarini bilish, pedagogik va boshqaruv ko’nikmalarining zaruriy majmuasiga ega bo’lishni nazarda tutadi. Boshqacha qilib aytganda, kompetentlik kasbiy bilim va ko’nikmalarning mavjudligi, shuningdek, ularni amaliy faoliyatda qo’llash va takomillashtirishga layoqatlilik bilan belgilanadi. Ya’ni kompetentlik - bu faqatgina o’zlashtirilgan bilimlar va tajribalarning mavjudligi va salmoqli hajmi bo’libgina qolmay, balki, ularni kerak vaqtda ishga sola bilish va o’zining xizmat vazifalarini bajarish jarayonida ulardan foydalana olish demakdir.

Kompetentlik quyidagi belgilar bilan tavsiflanadi:

– har qanday muayyan vaziyatda, uning turli xil jihatlarini hisobga olgan holda bilimlarni o’z o’rnida va tezkorlik bilan to’g’ri qo’llay bilish;
– qarorlarni qabul qila bilishga qodirlik va tayyorlik, shu bilan birga, mazkur vaziyat uchun eng maqbul qaror variantini tanlay olish;
– ijtimoiy harakatlarni tashkil etish va buning uchun barcha imkoniyatlarni ishga sola bilish;
– faoliyat doirasida boshqa odamlar bilan o’zaro munosabatlarni aniq maqsadlarni ko’zlagan holda va maqsadga muvofiq, maqbul tarzda o’rnata olish imkonini beradigan kommunikativ ko’nikmalar;
– muayyan ma’naviy qadriyatlarga, dunyoqarashga, umummadaniy va axloqiy sifatlarga egalik, faoliyatga intilish hissining mavjudligi;
– o’zining ijodiy imkoniyatlarini rivojlantirishga, faoliyatning yangi usullarini egallashga intilish.

Pedagoglik kasbi boshqaruvchi va shakllantiruvchi xususiyatga ega. Shaxs shakllanishini boshqarish kompetentlikni talab qiladi. Bu o’zida o’qituvchining nazariy va amaliy tayyorgarligini jamlagan holda uning kasbiy mahoratini namoyon qiladi. U yoki bu kasb yo’nalishi bo’yicha o’qituvchining malakaviy tasnifi pedagog kompetensiyasi modeli me’yorlari bilan o’lchanadi.V.S.Elegina va S.M.Poxlebayevlar o’zlarining ilmiy maqolasida quyidagi fikrlarni bildiradilar: “kompetensiyaga yo’naltirilgan ta’lim sharoitida talaba o’z faoliyatidan ijodiy natija oladi va shu bilan birgalikda, muvaffaqiyat qozonishning usullari, yo’llari, metodlari, yondoshuvlari va uslublarini o’zlashtirib oladi. Aynan talaba tomonidan yaratilgan ijodiy natija talaba bilan o’qituvchining hamkorlikdagi ijodiy natijasi hisoblanadi. Talabaning o’zlashtirishiga baho berishdan maqsad, berilgan ta’limning qanchalar samarador bo’lganligi darajasini aniqlash, bu birinchidan, maktabda olgan nazariy bilimlari darajasini bilish, ikkinchidan undagi kompetensiya shakllanishi, amaliyot paytidagi muvaffaqiyatli faoliyati yanada tezlashadi” .

Kompetentlikni xususiy sohalaridan bo’lgan konfliktologik kompetentlik tushunchasi professionallikning eng muhim xususiyatlaridan biri va birinchi navbatda, gumanitar faoliyat sohasiga tegishli bo’lib, u umumiy kommunikativ qobiliyatning ajralmas qismi hamdir. Ikkinchidan, konfliktli jarayonda xatti-harakatlarning mumkin bo’lgan strategiyasini bilish va ushbu strategiyalarni muayyan hayotiy sharoitda yetarlicha qo’llash qobiliyatini o’zida ifodalaydi. Bunda nizolarga qarshi kurashishning samaradorligi sifatida qarama-qarshilik shaklida qarama-qarshilikni saqlab turish qobiliyati anglashiladi. Bunda umuman olganda, nizolarni bartaraf etish samarali qarama-qarshilik shaklida, qarama-qarshilikni saqlab turish qobiliyati sifatida belgilanishi mumkin.

Pedagogning konfliktologik kompetentlik darajasini ikki bosqichda ko'rib chiqish mumkin:

Birinchidan, yuzaga kelgan ziddiyat belgilarini bilish, uning ma'lum chegaralar ichida zid bo'lgan qarama-qarshiliklar, va muammoni hal qilish uchun tartibga soluvchi usullarni qo'llash.

Ikkinchisi, ma'lum natijalarga erishish uchun zarur bo'lgan to'qnashuvlarni bashorat qilish va ularni bevosita shovqinli vaziyatlarda qurish imkonini beradi. Shuningdek, ishtirokchilarning va tomonlar sheriklarining samarali tarzda yo'naltirilgan konfliktlarini tashkil etish usullarini o'z ichiga oladi.

Xulosa qilib, bo'lajak o'qituvchilarda konfliktologik kompetentlikni rivojlantirish mazmuni o'zida moddiy va ma'naviy ishlab chiqarishda ijtimoiy hayotga va mutaxassislikka oid rollarni muayyan qoida va maxsus dastur asosida bajarishga tayyorlanayotgan ijtimoiy guruhning pedagogik jarayondagi pedagogik konfliktlarning mohiyati, obyekti, predmeti, konfliktning tuzilishi, rivojlanish darajalari va bosqichlari, pedagogik jarayondagi nizolarning yuzaga kelish omillari, ularni xal etishning sharti, yo'llari, omillari, o'ziga xosliklari, va usullarini o'rganish asnosida pedagogik konfliktlarning tuzilishi va chegarasini tahlil etish, pedagogik konfliktlarning yuzaga kelishini bashorat qila olish, ularni turlarga ajrata olish, konfliktlarni bartaraf etishning turli shakl, metod va usullaridan samarali foydalana olish sifatlarini bo'lajak o'qituvchi shaxsida rivojlantirishga qaratilgan maxsus tashkil etilgan texnologik jarayonni ifodalaydi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni. 7-fevral, 2017-yil.

2. G'oziyev E. Ontogenez psixologiyasi. – T.: Noshir, 2010.

3. Falsafa qomusiy lug'at – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2004.

4. Ahmedova M. Pedagogik konfliktologiya: O'quv qo'llanma. – T.: TDPU, 2014. 13-b.

5. Leonov N.I. Konfliktologiya: O'quv qo'llanma. – Moskva-Voronej, 2006.

6. Muslimov N.A., Abdullayeva Q.M., Qo'ysinov O.A., Gaipova N.S. Bo'lajak o'qituvchilarning pedagogik kompetentligini shakllantirish nazariyasi va texnologiyasi: Metodik qo'llanma. – T.: TDPU, 2014.

7. Riskulova K.D. Bo'lajak ingliz tili o'qituvchilari sotsiolingvistik kompetentligini shakllantirish tizimi: P.f.d. ... Dissertatsiya. – T., 2017.

8. Сластенин В.А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Педагогика: Учебное пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2013. – 576 с.

9. Елегина В.С., Похлебаев С.М. Компетентносный подход к организации обучения студентов в педагогическим вузе // Фундаментальное исследование. – М., 2012. – № 3.

РЕЗЮМЕ

Maqolada bo'lajak o'qituvchi shaxsi xususiyatlari, konflikt, pedagogik konflikt, pedagogik konfliktologiya, kompetentsiya, kompetentlik, kompetentlikning belgilari, konfliktologik kompetentlik, pedagogning konfliktologik kompetentlik belgilari, namoyon bo'lish shakllari haqida fikr muloxazalar, pedagogik qarashlar bayon etilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье представлены личности будущего учителя, конфликт, педагогический конфликт, педагогическая конфликтология, компетенция, компетентность, особенности компетенции, конфликтологической компетентности, педагогические конфликтные черты, мнения, формы выражения, педагогические взгляды.

SUMMARY

The article presents the personality of the future teacher, conflict, pedagogical conflict, pedagogical conflictology, competence, features of competence, conflictological competence, pedagogical conflict features, opinions, forms of expression, pedagogical views.

# ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАРБИЯНИНГ УЗВИЙЛИГИ ВА УЗЛУКСИЗЛИГИ

***Иргашова М.А.***

*Низомий номидаги ТДПУ "Умумий педагогика" кафедраси катта ўқитувчиси*

***Рузметова Х.А.***

*п.ф.н., Низомий номидаги ТДПУ "Умумий педагогика" кафедраси доценти*

**Таянч сўзлар:** таълим тизими, узлуксизлик, тарбия, тараққиёт, янги давр, илм-фан, Ўзбекистон, истиқбол.

**Ключевые слова:** система образования, преемственность, образование, развитие, новая эра, наука, Узбекистан, перспективы.

**Key words:** education system, continuity, education, development, new era, science, Uzbekistan, prospects.

Ўзбекистоннинг келажаги, унинг истиқболи, биринчи навбатда, ёшлар таълимига, тарбиясига, уларни соғлом қилиб ўстиришга, миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига садоқат руҳида таълим бериб тарбиялашга боғлиқ бўлиб, бу мураккаб жараённи муваффақиятли амалга ошириш мустақил мамлакатнинг энг долзарб вазифаларидандир. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" 28 йил ичида эришилган тарихий тажрибаларни умумлаштириб, ҳозирги муаммоларни ҳисобга олиб кейинги беш ва ундан кейинги узоқ йилларга мўлжалланган тарихий тараққиётнинг янги даврини очиб берди. Бу бутун моҳияти билан Ўзбекистоннинг энг янги тарихида бутунлай янги саҳифа очди. Шарк халқлари, жумладан, ўзбеклар азал-азалдан болажон халқдир. Сабр-тоқатли, буюк доно халқимиз "Ўнта бўлса ўрни, Қирқта бўлса қилиғи бошқа", "Болали уй бозор – боласиз уй мозор", "Боланинг кўпи яхши – дононинг гапи яхши" каби кўплаб ҳикматлар яратгани ҳам бежиз эмас. Ўзбек халқининг буюк шоири ва давлат арбоби Алишер Навоий ёшлар тарбиясига катта ахамият бериб қуйидаги фикрларни илгари сурган: "Ёш болага нисбатан энг зарур иш, билки, уни кичкиналигидан парвариш қилишдир". Тарбиянинг яна бир тури унга илму-адаб ўргатиш учун муаллим чақиришдир. Инсонни шакллантириш, унинг ақл идрокини мукаммалликка кўтариш, комил инсонни вояга етказиш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб келган, бу орзуни тўла-тўкис амалга ошириш қийин муаммо бўлсада, аммо бу борада қилинган изланишлар, кейинги йилларда олиб борилган инновацион ғоялар ёшларни олға етаклаб, тараққиётни тезлаштириб, янги-янги кашфиётларни келтириб чиқарди. Бу кўп қиррали ишларни давр талабига жавоб берадиган даражада бажариш учун янгича фикрлай оладиган, ақл-заковатли, фидойи, давр талабига жавоб берадиган етук кадрларни етказиш асосий мақсадларимиздан биридир.

"Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз", – деган эди Биринчи Президентимиз И.А.Каримов. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлайдиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган, билимли, маърифатли, ҳар томонлама тараққий этган, диний, дунёвий билимларга эга бўлган етук инсонни тушунамиз. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳам ривожланган мамлакатлар тажрибалари асосида кенг қамровли ишлар қилинмоқда.

Бу ўринда таълимни ислоҳ қилиш борасида қилинган жуда катта ўзгаришларни қайд этиб ўтиш керак. Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури пухта ва изчил ишлаб чиқилиши сабабли, таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг маъно ва мазмуни, энг аввало, ёшларда келажакка умид ва қобилиятнинг шаклланишига катта, ҳам моддий, ҳам маънавий кенг йўл очиб бериш, таълим бериш савиясини ҳозирги давр илғор технологиялари даражасига кўтаришга қаратилган. Таълим соҳасидаги эришилган кўпчилик муваффақиятлар тарбия тизимига ҳам таъсир килди. Ҳозирги кунда ҳам таълимнинг тарбиядан ажралиб қолганлигида, мактабнинг асосий вазифаси таълим беришдан иборат, тарбия оиланинг иши деган тахмин борлигида. Ҳатто айрим мактаб жамоаларидаги педагогларнинг онгида “Оилада яхши тарбия топмаган болани мактаб қайта тарбиялай олмайди” деган эски ғоя ҳамон сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам ҳозирги, оила-мактаб, маҳалла-ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари елкама-елка фаолият кўрсатаётганликлари сабабли ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар камаяди. Тарбиянинг ҳар бир босқичи учун жавобгар масъул шахслар худди шу босқичда болаларда, ёшларда қандай фазилатларни тарбиялаш зарурлигини яхши билишлари керак.

Ҳамма таълим муассасаларида асл мақсадга эришиш учун узлуксиз таълимгина эмас балки жуда зарур бўлган узлуксиз тарбия тизимига жамиятнинг барча тарбия тузилмалари, оила, мактабгача таълим муассасалари, умумий таълим мактаблари, академик лицей, профессоинал коллеж ва олийгоҳларда меҳнат жамоаларида ва уюшмалар, маҳаллаларда олиб бориладиган тарбиявий ҳамда маънавий-маърифий ишларни қамраб олмоғи даркор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз нутқларида келажагимиз бўлган ёшларнинг таълим-тарбиясини яхшилаш мақсадида, устоз-шогирд анъаналарини давом эттириш учун республика миқёсида олий таълим муассасалари барча профессор-ўқитувчилари “Устоз-шогирд” тизими бўйича индивидуал йиллик иш режалари ишлаб чиқилиб, талабалар билан иш олиб борилмоқда.

Назаримизда, шогирдсиз олим фарзандсиз инсон, мевасиз дарахт, ҳосилсиз боғ, сувсиз дарёга ўхшайди. Ҳақиқий олим эса етиштирган шогирдлари, яратган мактаби, издошлари ишида ривож топган илмий ғоялари билан бахтиёрдир ва улар билангина умрбоқийлик касб этади.

Нафақат ўғил-қизларимизнинг билим ва тарбияси, балки мустақил давлатимизнинг тақдири, истиқлолнинг барқарорлиги ҳам ўқитувчиларимиз меҳнати ва фидоийликларига дахлдордир. Халқимизда кўприк қурдирган, шогирд тарбиялаган, кўчат ўстирган одам жаннати бўлади деган нақл бор.

Ўзбекистон давлати юқоридаги омилларни инобатга олган ҳолда ёшлар ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Истеъдодли ёшларимиз кўп. Улар илм-фан соҳасида ҳам, китобхонлик ҳам, спорт ва санъатда ҳам катта ютуқларга эришиб, Ўзбекистоннинг обрўсига обрў қўшмоқда, ота-онасини, таълим олган ўқув юртларини, мураббий ва халқимиз ҳурматига эътирофига сазовор бўлмоқдалар.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Т., 2018.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // Халқ сўзи. – Т., 2017. – 8 февраль.

3. Akademik Siddiq Rajabov o‘qishlari: Talabalarning IV an’anaviy respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. 2018 yil 18 may. – T.: TDPU, 2018.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистон таълим тизимида тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги масалалари ўрганилган. Шунингдек таълим-тарбия тизимида яратилган шарт-шароитларнинг аҳамияти айтиб ўтилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье исследуется преемственность и непрерывность воспитания в системе образования Узбекистана. Это также подчеркивает важность условий, созданных в системе образования.

SUMMARY

This article examines the continuity and continuity of education in the educational system of Uzbekistan. It also underlines the importance of the conditions created in the education system.

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ МАСАЛАЛАРИ

***Юлчиева З.Н.***

*ТошДТУ катта ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** таълим-тарбия жараёни, янгича ёндашув масалалари, таълимни ислоҳ қилиш масалалари, ижодкорлик, самарадорлик, модернизация.

**Ключевые слова:** образовательный процесс, новые подходы, проблемы реформы образования, креативность, эффективность, модернизация.

**Key words:** educational process, new approaches, problems of educational reform, creativity, efficiency, modernization.

Таълим-тарбия миллат кўзгуси бўлиб, жамият ва давлатнинг юксалиб боришини таъминловчи, халққа яратувчанлик, ижодкорлик хусусиятларини бахшида этувчидир. Унинг махсули-интеллектуал ривожланган, кенг мушоҳада қилувчи, янгилик яратишга интилувчан баркамол шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, уни мазмунида ижодкорлик руҳи хукм суриши лозим.

Узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат босқичига кўтаришдан асосий мақсад ёшларимизнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишига қаратилган. Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири комил инсон тарбиясида “шахс манфаати ва таълим устуворлиги”дир.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да таълим жараёнида янги педагогик технологияни киритиш ва уни жадаллаштириш ҳақида таъкидланади. Педагогик технология - бу таълим жараёнига системали ёндошув бўлиб, унда таълим жараёнини ташкил этишда техника ва инсон имкониятлари ҳисобга олинади ва уларнинг ўзаро муносабати таълимнинг оптимал формалари яратилишига замин бўлади.

Янги педагогик технологияни амалда қўллаш бу педагогдан катта маҳорат ва малака талаб қилади. Хусусан, талабаларнинг тарбияланганлик даражаси ва руҳий ҳолатини билиш, жамоанинг ёш хусусиятларига мос тарзда ривожланиш даражасини аниқлаш мақсадида диагностика қилиш лозим. Бунда педагогнинг касб қобилияти, фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари шу жараёнда тўла намоён бўлади. Педагогдан маъруза жараёнида ўқув материалини муаммоли тушунтиришни, ҳар хил саволлар қўйишни, ечимини ва йўлларини талабаларга тушунтирилиши лозим. Бу изланиш

методи бўлиб, талабаларни мустақил муаммоли вазифаларни ечишга жалб этади ва самарали фаолиятни таъминлайди.

Ишбилармонлик ўйинлари бу - бўлажак мутахассиснинг келажакдаги фаолиятини ва мазмунан моҳиятини юзага келтиради. Ишбилармонлик ўйинларининг хилма-хил турлари мавжуд бўлиб, булар аниқ касбий вазиятларни таҳлил қилиш ва профессионал ечимларнинг натижаларни аниқлашдан иборатдир. Бу методлар ўзаро муносабат, ўзаро фикр алмашиш, ўзаро тушуниш жараёнларини машқ қилиш орқали ўзлаштиришдир.

Дисскусиялар - бу ҳар хил қарама-қарши фикрларга эга бўлган масалаларни кўпчилик бўлиб муҳокама қилишдан иборат. Гуманитар фанлар бўйича ташкил этиладиган дарсларда муаммоли тушунтириш, ишчан ўйинлар, ўқув тренинглари, дискуссиялардан фойдаланиш мумкин. Амалий машғулотларда интерфаол методлардан фойдаланиб бу назарий билимларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Амалий машғулотларда талабалар ўз фикрларини химоя қиладилар, улар орқали амалий билим ва малакаларни мустаҳкамлайдилар. Талабаларнинг мустақил фикрлашини ривожлантиришда уларнинг мустақил ишларининг роли жуда каттадир. Амалий машғулотларини ўтказишда интерфаол методлардан мунозара, муҳокама, диалогик метод, савол-жавоб методлардан фойдаланиш назарий билимларни мустаҳкамлайди ва талабаларда эркин фикрлашни юзага келтиради. Ўз нуқтаи назарини ёқлаш ва муҳокама қила олиш малакасини юзага келтиради.

Чунончи, илғор педагоглар тажрибасини шакллантириш, умумлаштириш ва ёйишнинг ўкув юрти таълим - тарбия тизимида тутган ўрни ва аҳамияти.

Ҳозирги замон талаблари даражасида туриш учун ҳар бир педагог ходим ва ишлаб чиқариш устаси ўз билим доирасини домий равишда кенгайтириши лозим. Ишлаб чиқариш таълими устаси учун ўз мутахассислиги бўйича илғор меҳнат методларини амалий тарзда эгаллаб олиш, ҳар бир педагог учун эса илғор педагогик тажрибани, педагогика ва психология ютуқларини мунтазам равишда ўз иш амалиётига тадбиқ этиб бориш айниқса муҳимдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педагогик тажрибаларни ўрганиб, ўқув муассасаларимизга тарғиб қилиш зарурияти бер неча бор таъкидланган.

Педагог ходимлар ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталари илғор ишлаб чиқариш тажрибалари, замонавий техника ва технология ютуқлари билан мунтазам равишда танишиб боришмаса,янги технологияни эгаллашга қодир мутахассисларни тайёрлай олишмайди.

Замонавий фан техника ютуқларини таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш. Илғор ўқитувчилар, тарбиячилар тажрибаларини шакллантириш, умумлаштириш, ёйишнинг мазмуни шакллари ва методлари.

Таълим ва тарбия жараёнининг илғор методларини ўрганиш, умулаштириш ҳамда оммавий тарзда тадбиқ этиш юзасидан қилинадиган барча ишларнинг самарадорлиги бу ишларни амалга оширишнинг аниқ тизимига, уларнинг ҳар босқичини амалга оширишда мақсадга энг мувофиқ методларни қўллашга, тўпланган тажрибани ўрганишни илмий-тадқиқот ишларининг элементлари билан, эксперимент қилиш билан, ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг янги йўллари ва воситаларини излаш билан оқилона қўшиб олиб борилишига боғлиқдир.

Аниқ тизим ҳақида гапирилганда қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

А) Педагог ўз ишининг методларини илмий тарзда англаб етиши, тизимлаштириши, таҳлил қилиб, умумлаштириши ҳамда шулар ёрдамида ижобий натижаларга эришишига оид ишларни ташкил этишдир.

Б) Талабаларни ўқитиш ва тарбиялаш юзасидан бутун педагогик жамоа тўплаган илғор тажрибани умулаштириш ва жорий этиш соҳасида билим юртлари раҳбарлари қиладиган ишлар.

В) Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги қошидаги ўрта махсус ва касб - ҳунар таълими бош бошқармаси, ўқув - методика кабинетлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари таълими тизими учун муаллим ҳамда муаллим –мухандис кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан шуғулланувчи институтларнинг илғор педагогик тажрибани режали равишда ўрганишлари ва ёйишлари лозимдир.

Ўқув юртларида мутахассислик фанлари билан бир қаторда умумтаълим фанлари бўйича цикллар мавжуд бўлиб, уларнинг иш дастуридан илғор педагогик тажрибаларни ёйиш бўйича семинарлар ташкил қилиш бўлими ўрин олиши лозим. Бундай семинарлар ёш ўқитувчи ҳамда ишлаб чиқариш усталарининг фаолияти давомида пайдо бўлаётган муаммоларни ечишга ёрдам беради. Уларга педагогик фаолиятни тўғри ташкил имкониятини беради

Шундай қилиб, таъкидлаш мумкинки, ўқитишга технологик ёндошув ўқув жараёнини оқилона, аммо шу билан бирга ижодий режалаштириш янги фикрлар билан бойитиш, уларнинг натижаларини баҳолашга ёрдам беради.

Адабиётлар:

1.Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Тошкент-1997

2.Абдуллаева О.С. Технологии повышения учебно-воспитательного процесса профессиональных колледжей и академических лицеев (на примере изучения курса информатики и информационных технологий) // Монография. Издательство: Навруз. - Ташкент, 2016.С.189.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада узлуксиз таълим-тарбия жараёнида янгича ёндашув масалалари ҳартомонлама ўрганиб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются вопросы новых подходов к непрерывному образованию.

SUMMARY

This article discusses the issues of new approaches to lifelong education.

## YOSHLARNING MA'NAVIYATINI SHAKLLANTIRISHDA XALQ OGZAKI IJODI NAMUNALARIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

**_Hamrakulova D.F._**

*ToshDTU катта o'qituvchisi*

**_Axmadjonov N.N._**

*talaba*

**Таянч сўзлар:** ёшлар, маънавият, шакллантириш, халқ оғзаки ижоди, таълим-тарбия, синфдан ташқри машғулотлар.

**Ключевые слова:** молодежь, духовность, формирование, устное народное творчество, образование, внешкольная деятельность.

**Key words:** youth, spirituality, formation, folklore, education, extracurricular activities.

Sharq mutafakkirlari azaldan bola tarbiyasiga katta ahamiyat bergan. Chunki,Inson tarbiya orqali voyaga etadi. Uning aqliy kamolotga erishishida ta`lim-tarbiya muhim

ahamiyat kasb etadi. Sharq mutafakkir allomalari, inson tarbiyasiga oid necha ming yillik tajribaga ega. Shu bois ularning inson kamoloti haqidagi g'oyalarini o'rganish va ta`limda foydalanish zarur.

Komil inson g'oyasi -ham milliy, ham umuminsoniy mohiyatga ega bo'lgan, odamzotga xos eng yuksak ma`naviy va jismoniy barkamollikni mujassam etgan, uni hamisha ezgulikka undaydigan oliyjanob g'oyadir.

Bu g'oya nafaqt alohida shaxslarni, balki butun xalqlarni yuksak taraqqiet sari etaklagan, ularni ma`naviyat va ma`rifat bobida tengsiz yutuqlarga ilhomlantirgan. Komillikni orzu qilmagan, barkamol avlodlarni voyaga etkazish haqida qaygurmagana xalqining. Millatning kelajagi yo'q.

Komil inson g'oyasi azal-azaldan xalqimizning ezgu orzusi, uning ma`naviyatining o'zviy qismidir. U islom falsafasidan oziqlanib, yanada kengroq ma`no-mazmun kasb etgan. Barkamol inson haqidagi yuksak g'oyalar Abu Nasr Forobiy va Alisher Navoiy, Berdaq kabi mutafakkirlarimizning asarlarida, ayniqsa, teran ifoda topgan.

Erkin fuqarolik jamiyatni ma`naviy barkamol haetiy e`tiqodi bo'lgan insonlargina buned eta oladi. Shuning uchun yangilanaetgan jamiyatimizda sog'lom avlodimizni tarbiyalash, erkin fuqaro ma`naviyatini shakllantirish , ma`naviy-ma`rifiy ishlarni yuksak darajaga ko'tarish orqali barkamol insonlarni voyaga etkeazishga muhim e`tibor berilmoqda. Mamlakatimizda Sog'lom avlod, salomatlikni asrash harakatining keng tus olgani, kadrlar tayerlash milliy dasturi asosida ta`lim-tarbiya tizimining tubdan isloh etilaetgani ham ana shu ulugvor maqsadni amalga oshirish yo'lidagi muhim qadamlardir.

Milliy istiqlol mafkurasini eshlar kalbiga va ongiga singdirish ta`lim-tarbiyaning turli shakllari orqali amalga oshiriladi.

Davlatimiz tomonidan qabul qilingan "Kadrlar tayerlash milliy dasturi"ning g'oyasi, maqsadi, fikrlar qamrovi teranligi bilan katta ijtimoiy ahamiyatga egadir. Mazkur dasturni ru`ebga chiqarish omillari jamiyatda zamonaviy ta`limning yuksak qadriyatlarini anglab etish hissini yuzaga keltirdi. Bugungi kunda ta`lim oldida turgan muhim masalalardan biri-bu o'quvchi eshlarda milliy ma`naviyatni, barkamol shaxsni shakllan- tirishdir. Ma`naviyatni shakllantirishda qoraqalpoq xalqining tarbiyaviy an`analarining axamiyati muhimdir. Bularni tadqiq qilish hozirgi kunda dolzarbdir.

Barkamol shaxsni shakllantirish jaraenida xalqimizning tarbiyaviy an`analarining tutgan o'rni alohida e`tiborga sazovordir. Hozirgi kunda xalq pedagogikasi namunalaridan samarali foydalanish yo'llarini ishlab chiqish va amalietga tadbiq qilish ham muhimdir. Chunki ular yuqori malakali kadrlar tayerlash jaraenida o'zining samarali natijasini beradi. Ta`lim-tarbiya jaraenida xalqimizning tarbiya borasidagi ish-tajribalarini qo'llanish keng tus olmoqda. Lekin, bu borada ilmiy izlanishlar keng ko'lamda amalga oshirilmayapti. Ma`lumki, qoraqalpoq xalq pedagogikasining ta`lim-tarbiyadagi o'rni beqiesdir. Bizga meros bo'lib qolgan madaniy va ma`naviy boyliklarimiz eshlarimizni ma`naviy-axloqiy tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi. Asosan, barkamol shaxsni shakllantirishda xalqning tarbiyaviy an`analarining ahamiyati alohida e`tiborga molikdir. Ota-bobolarimiz tarbiyaning bu sohasi bo'yicha ko'pgina dono fikrlar, baholi maslahatlar aql-nasiyhat va tajribalar qoldirganlar. Bular asrlar davomida bolalarni tarbiyalash jaraenida sinalgan xalq pedagogikasi bo'lib sanaladi. Xalq pedagogikasida bola tarbiyasi haqidagi fikrlar mavjud. Teran tarixga ega bo'lgan xalq pedagogikasi namunalari ezma adabietda ham o'z aksini topa bordi. Bola tarbiyasi, shu jumladan shaxsni tarbiyalash yuzasidan fikr yuritgan X-XII asr Sharq klassik adabieti namunalarida, jumladan: hind xalqining "Kamila va Dimna", Nizomul Mulining "Siesatnoma", Nosir Xisrovning "Saodatnoma", "Rushnoma", Yusuf Xos Xojibning "Kitodg'u bilig", Maxmud Qashqariyning "Devonu lug'atit turk", Axmad

Yugnakiyning “Hibotul haqayiq”, Qayqobusning “Qobusnoma”, qoraqalpoq xalqining buyuk shoirlari Berdaq, Ajiniez, Kunxoja, Jiyen jirov asarlari jahon olimlarining e`tiborini o’ziga tortgan.

Xalqimizga xos milliy xususiyatlar, uning milliy madaniyati, ilm-fan, san`at va adabiet sohasida erishgan yutuqlarida, oilaviy turmush tarzida, bola tarbiyasida qo’llangan usul va tadbirlarida nomoendir.

Yosh avlodni haetga tayerlashda ko’p asrlar davomida qo’llanilgan usul va vositalar, tadbir shakllari, urf-odat va an`analar, tarbiya haqidagi g’oyalar-haetiy tajribalar xalq pedagogikasida mujassamdir. Hali maktab bo’lmagan pedagogika fan sifatida shakllanmagan davrdaeq, qabila a`zolarining bolalar tarbiyasi sohasida orttirgan tajribalari haetiy tajriba mevasi sifatida bizning davrga qadar etib keldi va xalq pedagogikasi shaklida tarkib topdi. Har bir jamiyatda yashagan xalq ruhi, do’stlik, birodorlik, mardlik, vatan va xalqqa sodiqlik g’oyalari, ota-onalarining o’z-aro ahilligi, ular bilan farzandning o’z-aro muhabbati, qadr-qiymati, insoniy yaxshi fazilatlari u ijod etgan maqol, topishmoq, ertak, latifa, lapar, askiya, dostonlarda tarannum etildi. Bu edgorliklar o’z muxtasarligi, qiziqarligi, ravonligi ohangdorligi, pandnomaligi, g’oyaviyligi bilan g’oyatda muhim tarbiyaviy ahamiyatga egadir.

O`quvchilarning ma`naviyatini shakllantirishda sinfdan tashqari olib boriladigan ishlarning tutgan o’rni ahamiyatlidir. O`quvchi dars mobaynida kerakli bilimlarni oladi, tarbiyalanadi. Bundan so’ng u o’zi bo’sh vaqtlarda faoliyat ko’rsatadi. Mana shu bo’sh vaqtlarinin maqsadli tashkil etishda sinfdan tashqari ishlarning mazmun mohiyati ma`naviyatni shakllantirishga qaratilgan bulishi kerak. Bu esa o’quvchining o’z Vataniga bo’lgan mehr-muhabbatni, o’zlarining burchlarini anglashda katta erdam beradi. Albatta, ma`navi ytarbiyalash hozirgi kunda juda muhimdir. Chunki eshlarda ma`navityani shakllantirish masalasi davlat ahamiyatiga ega bo’ldi. Mustaqillikning dastlabki kunlaridan boshlab oq ma`naviyatni yuksaltirish maqsadida ma`naviyat markazlari tashkil qilindi. Ular hozirda faoliyat ko’rsatmoqda.

Ma`naviy ishlarni to’g’ritashkil qilishda sinfdan tashqari olib boriladigan ishlarningshakl va usullari bizga katta imkoniyat yaratadi. Bu ishlarni olib boorishning usullarni yangicha talqin etish va takomillashtirish mutaxassislik ishimizning vazifalaridan biridir. Chunki, o’qituvchilarimiz uchun ma`naviyatni shakllantirishning maqbul yo’llarini tanlash muhim. Har bir o’qituvchi va tarbiyachi murabbiy esh avlodni Uzbekiston talablari darajasida tarbiyalashda bulardan samarali foydalanish zarur.

Hozirgi vaqtda hukumatmiz ma`naviy ishlarni olib borishga katta imkoniyatlar to’g’dirdi. Chunki , eshlar bilan ishlashishda , ularda milliy qadriyatlarni shakllantirishda tarbiyaviy ishlarni tug’ri yo’lga qo’yish kerakligini o’qtirib o’tdi. Tarbiya ishi hamiysha birinchi o’rinda turishligini davlatimiz rahbari va Sharq allomalari o’zlarining asarlarida takror-takror aytib o’tganlar.

Demak, bizning Sharq xalqlarida ma`naviy-ahloqiy tarbiyaga katta e`tibor bilan qaragan. Sababi, ma`naviy jihatdan boy inson, jamiyatning qurilishida , o’zining ishlarini olib borishda namuna bo’la oladi. Ma`naviy boyliklar bilan moddiy boyliklar birgalikda taraqqiy etsa bunda yuksaklikka erishamiz. Bularni davlatimiz rahbari qayta-qayta o’z chiqishlarida aytib o’tgandi.

Ma`naviyatni shakllantirish ishlari birdaniga bo’ladigan oson ish emas. Buni yaxshi anglashimiz darkor.

Sinfdan tashqari tarbiyaviy tadbirlarga rahbarlik qilsh pedagogik mahoratni , zukkolikni, chuqur bilim va ijodkorlikni talab etadi. Yuqori sinf o’quvchilarini milliy ong va milliy g’urur asosida jamiyat manfaatlari uchun xizmat qiluvchi har tomonlama barkamol

kishilar qilib shakllantirishda muhim ahamiyatga tarbiyaviy tadbirlarni tanlash va tavsiya etish , uni o'tkazishda o'quvchilarning hatti-harakatlarini boshqarish , muvofiqlashtirib borish, har bir o'quvchining o'z qobiliyatini namoen etishi uchun zarur sharoit yaratib berish lozim. Buning uchun har bir o'quvchining haetiy tajribasini qizikishini, moyilligini o'rganish kerak.

Sinfdan tashqari olib boriladigan ishlarning qo'yidagicha shakl va usullari mavjud:

– ommaviy
– guruhlar bilan
– yakka tartibda foydalanish
– ommaviy turdagi tadbirlarga xalq sayllari, "Navruz", "Mehrjon", "Hosil bayrami", "Xotin qizlar" bayrami, Ramazon , Qadimiy milliy o'yinlar, allomalarning tavallud to'ylari, va boshqalar.
– guruhlar bilan o'tkaziladigan tadbirlar "Fol`klor", "Naqqoshlik" , "Xalq amaliy san`ati", jismoniy to'garaklar va har xil tanlovlar.
– yakka tartibda o'tkaziladigan tadbirlarga ma`naviy meroslarni o'rganish bo'yicha ma`ruzalr tayerlash, konspekt ezish, mustaqil o'qish va h.

Bundan tashqari tarbiyaviy tadbirlarni o'tkazish maqsadga muvofiqdir.

Milliy istiqlol g'oyasini ommaga etkazishda ularning ongiga singdirishda siesiy partiyalarning faoliyatini atab o'tish o'rinlidir. Chunki ular xalqimizga farovon haet qurish yo'lidagi ishlarmizni tug'ri tushuntiradi.

Mamlakatimiz ijtimoy haetida faoliyat kursataetgan nodavlat tashkilotlar mafkuraviy jaraenlarda ham faol ishtirok etishi lozim. Respblika Ma`naviyat va ma`rifat kengashi bu boradagi amaliy ishlarni muvofiqlashtirib borishi, Inson xuquqlari milliy markazi, Oila markazi, Faylasuflar milliy jamiyati, Ijtimoiy fikr markazi kabi tashkilot lar o'z faoliyatini milliy istiqlol mafkurasi bilan o'yg'un holda tashkil etishi maqsadga muvofiqdir.

Shuningdek, milliy g'oya va milliy istiqlol mafkurasini moddiy, tashkiliy va ma`rifiy jihatdan kumak beradigan «Sog'lom avlod», «Kamolot», «Umid», «Ulug'bek», «Oltin meros», «Amir Temur», «Imom Buxoriy» , «Ustoz» «Mahalla» jamgarmalari va boshqa jamoat tashkilotlari imkoniyatlari imkoniyatlaridan foydalanishga e`tibor qaratish zarur. Bundan tashqari umuiy o'rta ta`lim tizimida milliy istiqlol g'oyasini keng targ'ib etish ishlarida sinfdan tashqari ishlarni tashkil etish maqsadga muvofiqdir. Chunki o'quvchilaring bo'sh vaqtlarini bekolrga o'tkazmaslik zarur. Ularning vaqtlarining mazmunli o'tishi uchun shart-sharoitlar yaratilmog'i lozim.

Albatta, milliy istiqlol g'oyasini keng targ'ib etishda ommaviy axborot vositalarining o'rni alohida e`tiborga sazovor. Axborot vositalari orqali kerakli ma`lumotlarni olamiz. Shu bois kelajak avlodlarga milliy istiqlol g'oyasi mazmunini tushuntirishda mazkur vositalardan foydalanishimiz lozim.

Ular avvalo eshlar ongiga milliy qadriyatlarimizning mazmunini tushuntirishi kerak. Gazeta va junallarning roli ham alohida. Bularni o'qish orqali ham esh avlod kerakli ma`lumotlarni oladi.

Zamanoviy maktabning ta`lim jaraenini insonparvar- lashtirish va bola shaxsinin har tomonlama rivojlantirish asosiy bilim, ko'nikmalarni shakllantiradigan o'quv faoliyati bilan individual iste`dodni, bilimga intilish faolligini , nostandart masalalarni hal qilish qobiliyatini ravnaq toptiriuvchi ijodiy faoliyatni birga olib borishini taqozo etadi. Pedagogik jamoaning asosiy vazifalaridan biri bolaning shaxsiy motivatsion tahliliy sintetik doirasini , diqqatini makoniy farz qilish va bir qator aspektlarni rivojlantirishga maxsus yo'naltirilgan turli xil mashg'ulotlarni an`anaviy o'quv jaraeigsha faol kiritishdir.

Hozirgi vaqtda boshlang'ich maktab o'quvchilarining baza dasturi talablarini o'rganishga qaratilgan o'quv faoliyati bolalarning aqliy rivojlanishini to'xtatib qo'yishi mumkin.

Адабиётлар:

1.Хошимов К., С.Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
2.Иномова М. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий 3адриятлар. – Т.: Фан, 1995.
3.О.Мусурмонова., А.Телегенов. Достонлар – тарбия мактаби. – Т.: Маънавият, 1999.
4.Сатторов М. Ўзбек удумлари. – Т.: Фан, 1993.
5.Бобомирзаев Х. Халқ оғзаки ижоди ва унинг таълим тарбиядаги самараси. – Т.: Ўқитувчи, 1996.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ёшларнинг маънавиятини шакллантиришда халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланишнинг аҳамияти тўғрисида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В этой статье обсуждается важность использования примеров фольклора в формировании духовности молодежи.

SUMMARY

This article discusses the importance of using examples of folklore in shaping the spirituality of youth.

# БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДАГИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНГАНЛИГИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

***Тўрақулов У.Х.***

*ТДПУ ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** ўқитувчи, динамик тизим, аниқлаш, баҳолаш, интеллектуал ресурс, интеллектуал салоҳият, интеллектуал фаолият, интеграция,инновацион дастур, инновацион метод, инновацион технология.

**Ключевые слова:** учитель, динамическая система, признание, оценка, интеллектуальный ресурс, интеллектуальный потенциал, интеллектуальная деятельность, интегрированная инновационная программа, инновационный метод, инновационные технологии.

**Key words:** teacher, dynamic system, recognition, evaluation, intellectual resource, intellectual potential, intellectual activity, integrated innovation program, innovative method, innovative technologies.

Интеллектуал фаолиятни ташкил этиш ўзига хос динамик жараён бўлиб, у тизимли мантиқий кетма- кетликка эга бўлиши лозим. Бунинг учун бўлажак ўқитувчиларда интеллектуал фаолиятни шакиллантириб олишга тўғри келади ва буни қуйдаги кетма-кетликда тадқиқ қилишга эришдик: интеллектуал фаолиятга оид маълумотлар базасини шакиллантириш ва уларни бўлажак ўқитувчилар интеллектуал фаолиятга тайёрлашнинг мақсад- вазифаларини эътиборга олган ҳолда синфлаштириш; бўлажак ўқитувчиларни интеллктуал фаолиятга тайёрлашнинг алгаритемик босқичларини илмий-методик жиҳатдан асослаш; замонавий

Жамият тараққиётининг ҳозирги даври илм-фан ва техника-технологияларнинг инновацион ривлжланиши натижалари билан тавсифланмоқда (характерланмоқда).

Бу албатта жамиятни ахборотлаштириш ва интеллектуаллаштириш негизида амалга оширилади ва бундай замонавий тараққиётни таъминловчи интеллектуал ривожланган баркамол авлод тарбияси эса маълумки, таълим-тарбия тизимига боғлиқ. Бунда бўлажак мутахассисларни интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёрлаш ниҳоятда долзарб масаладир.

Шу сабабли мазкур мақолада бўлажак ўқитувчиларининг интеллктуал фаолияти шакилланиганлигини баҳолашнинг динамик тизимини ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўйдик. Талабларни ҳисобга олган ҳолда бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш йулларини илмий- методик жиҳатдан асослаш; бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлашнингмазмуни, усуллари ва шаклларини тадқиқ этиш; бўлажак ўқитувчилардаги интеллектуал фаолиятни ташкил этишни таълим сифати сари технологияси негизида амалга ошириш методикасини ишлаб чиқиш; бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятни ташкил этишга ўргатишга “ИНТЕЛЛЕКТ”номли кўмакчи компъютерли тизим ишлаб чиқиш.

Булар асосида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилардаги интеллектуал фаолиятни ташкил этиш, кўникма ва малакаларини шакилланганлигини баҳолашнинг динамик тизимини ишлаб чиқдик.

Бунда дастлаб бўлажак ўқитувчилар интеллектуал фаолиятнинг шаклланганлигини аниқлашга ўзаро ўзвий боғлиқ бўлган  динамик равишда бири иккинчисини тўлдириб борувчи босқичларни асослаб олдик.

Улар: интеллектуал ресурсларни шакиллантириш босқичи (биринчи босқич бу 1-курс талабалари таълим жараёни бўйича шакиллантирилади);

Интеллектуал потенциал (салоҳият)босқич (икинчи босқич бу 2-курс талабалари таълим жараёни бўйича аниқланади);

Интеллектуал фаолият шакилланганлиги босқич (учунчи босқич-бу 3-курс талабаларидаги таълим жараёни бўйича аниқланади);

Бўлажак ўқитувчининг интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёргарлиги босқичи   (туртинчи босқич-бу бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигини баҳолаш негизида баҳоланади).

Бу қайт этилган кетма-кетлик динамик характерга эга бўлиб, уларнинг ҳар бир босқичи ўзига хос ижодий ёндашув қилишни талаб этади. Ҳар бир босқичнинг номидан ҳам кўриниб тўрибдики, уларнинг ҳар бирига тизимий ёндашувга асосланган тадқиқот усулидан фойдаланишга тўғри келади ва улар бўйича шакиллантирилган маълумотлар базаси бўйича билимлар банки ташкил этилади. Бўлажак ўқитувчилар таълим-тарбиясидаги ҳар бир босқич охирида белгиланган босқични ифодаловчи билимлар банки буйича 50 тадан тест-синовлари тузилади ва уларни ўзлаштириш натижалари бўйича бир босқичдан иккинчисига  ўтишга тавсия берилади ва керакли жойларда тузатишларга (корректеровка қилишга) маслаҳат берилади. Ушбу динамик тизимдан амалиётдан кенг фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда бўлажак ўқитувчилар интеллектуал фаолиятининг баҳолашнинг динамик тизимини ишлаб чиқдик (1-расмга қаранг). Расимдан кўриниб турибтики, бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёргарлигини баҳолаш тизими уч қисмдан иборат бўлади.

Унинг биринчи қисми асосан бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлаш жараёнининг илмий-методик таъминотини ишлаб чиқишни амалга оширилади.

Мазкур жараён анъанавий таълим негизида амалга оширилади ва у интеллектуаллаштиришга мос шакиллантирилган маълумотлар базаси ва унга мос креатив аъборотлар муҳити билан интеграцияланади. Ўрганиладиган тушунча (мавзу, фан)га мос маълумотлар базаси ва креатив ахборотлар муҳитидан қандай фойдаланиш мазкур тадқиқотимизнинг интеллектуал фаолиятга мос маълумотлар базасини шакиллантириш ва улар асосида бўлажак ўқитувчиларни интеллектуалфаолиятни ташкил этишга тайёрлаш қисмида батафсил берилган. Шу асосда улар негизида инновацион метод ёки  технология танланади ва айрим ҳолларда янги вариант ишлаб чиқилади. Шу сабабли ҳам бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлашга мос инновацион дастур тайёрланди ва у тўғри ўқув йилига мўлжалланди. Бу дастур асосидаги ўқув жараёни интегратив характерда бўлиб у ҳар бир ўрганиладиган манба бўйича режалаштирилган билим, кўникма ва малакаларга нечоғлиқ эришганлиги ҳамда ўрганиладиган тушунча (мавзу, фан)нинг бўлажак ўқитувчилар касбий компетентлигидаги ўрни ва аҳамиятлари мунтазам равишда назорат қилиб боришга кенг имкониятлар яратади.интеллектуал муокгача бўлган атамалар мазмун –моҳият бўйича справочник материаллари тайёрланади ва улар тажриба гуруҳи таълим жараёнидаги муайян мавзу (фан) мазмунига интеграция қилиниб берилади. Булар бўйича вертуал стендлар ҳам ташкил этилади ва уларни талабалар қўл телефонига жойлаштириш мумкин. Бундай кўринишларда ташкил этилган интеллектуал ресурсларнинг таркиб топганини ўқув йили охирида тест-саволларига жавоблар олиш йўли билан баҳоланади.номли босқични (биринчи босқич) таркиб топтириш БМТЎнинг биринчи курсларга мўлжалланган




1-расм. Бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёргарлигини баҳолаш тизими.

бўлиб, унда интеллектуал фаолиятнинг дастлабки босқичи шакиллантирилади. Бу босқичдаги интиеллектуал-лаштириш масаласи 1-курсдаги анъанавий таълим жараёни ва интеллектуал мулкка тегишли ахборотлар билан интеграция қилиш негизида амалга оширилади.Бунинг учун интеллектуал ресурслар бўйича маълумотлар базаси шакиллантирилади ва улар бўйича ақл, онг, фикр, ғоя кабилардан иборат.

Бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёргарлигини баҳолаш тизимининг иккинчи қисми бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёргарлигини аниқлашга бағишланади ва у ўзаро узвий боғлиқ бўлган тўрта босқичдан иборат. Мазкур қисм ҳам динамик характерга эга бўлиб, унинг ҳар бир бўлаги иккинчи бўлаги учун пропедевти қисм бўлиб ҳисобланади. Унда белгиланган тескари алоқа (олдинги ўрганилганларга мурожат қилиш имконияти) мазкур йуналишдаги режалаштирилган мақсадга етиб боришни кофолатлайди. Шу сабали бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёргарлиг қисмини ўзаро узвий боғлик бўлган тўрт босқичдан иборат бўлган ҳар бир босқични амалда жорий этиш учун ўзига хос ижодий ёндашув керак бўлади. Хусусан, интеллектуал ресурс

Интеллектуал ресурсларга оид маълумотлар қайта ишланиб, ахборотлар кўринишига келтириб қўйилади ва тайёрланган ахборотлар анъанавий таълим тизимидаги ўрганиши режалаштирилган муайян тушунча (мавзу, фан) мазмунига мослаб интеграцияланади ҳамда улар асосида манбани ўрганиш учун билимлар банки ташкил этилади . Шу йўсинда фанни ўрганишга мосланган билимларбанки ҳам шакиллантирилади. Булар бўйича таълим сифати сари технологияси негизида бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлаш методикаси ва бўлажак меҳнат таълими ўқтувчиларининг интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакиллантиришга “ИНТЕЛЛЕКТ” номли кўмакчи компъютерли тизимлар ҳам ишлаб чиқилган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёргарилигини аниқлашнинг иккиничи босқичи интеллектуал салоҳиятни таркиб топтириш деб номланади. У асосан 2-курсдаги таълим –тарбия жараёни давомида олиб борилади. Бунда 1-курсга оид бўлган интеллектуал ресурсларни шакиллантириш жараёни давом эттирилиб, интеллектуал потенциални таркиб топтиришга оид атама ва тнрминлар (интеллектуаллаштириш, ахборотлаштириш, интеллектуаллаштирилган технологик харита, интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизими, интеллектуаллаштирилган инновацион дастур, талабани шаҳсий интеллектуал мулки ва заковат ўйинларини ташкил эта олиши ҳамда тренинглар ўтказа олиши, компъютерли дастурлар ва ҳ.к.)нинг мазумун моҳияти ва уларнинг бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлашдаги аҳамиятлари тўғрисидаги қисқача изоҳли луғат тайёрланади. Булар мазкур тадқиқот ишимизнинг биринчи қисмидаги инновацион дастур асосида мўлжалланган тушунча (мавзу, фан )ни ўрганишга улар мазмунига интеграцияланади. Ўқув йили (семестр) охирида тайёрланган тест саволлари асосида бўлажак ўқитувчиларда интеллектуал салоҳият таркиб топганлиги аниқланади ва бунда мақсадга эришганлик ҳақида хулоса қилинади. Бунда бўлажак ўқитувчи интеллектуал салоҳиятни таркиб топганлиги ҳақида ижобий хулосага эга бўлинса

кейинг босқичда тавсия берилади, акс ҳолда бўлажак ўқитувчига креатив ахборотлар муҳити ва таълим сифати сари технологияси бўйича яна бир бор шуғулланиб кўришга маслаҳат берилади. Уни қисқа вақтда уддалай олиш мумкин. Бунга имконият бор, яъни кампъютерли дастурлар ишлаб чиқилган. Мазкур тадқиқот ишининг бир босқичдан иккинчисига ўтишда “ИНТЕЛЛЕКТ”номи кўмакчи кампъютерли тизим муҳим дидактик имкониятлар манба бўлиб ҳисобланади.

Бўлажак ўқитувчилар интеллектуал фаолияти шакилланигалигини аниқлашнинг учунчи босқичи асосан 3-курс таълим –тарбияси жараёнида олиб борилади. Бунда анъанавий таълим тизими негизидаги таълим жараёни билан қайта ишланган мос маълумотлар базаси интеграция қилинади ва булар ишлаб чиқилган инновацион метод ёки технология муайян мавзу (тушунча, фан)ни ўрганишда жорий этилади. Ушбу босқичнинг асосий мақсади бўлажак ўқитувчилардаги интеллектуал фаолият шакилланганлиги аниқланади ва мазкур босқични шакиллантиришда интеллектуал ресурс билан потенциалдан фойдаланишнинг савияси ва сифати диққат марказимизнинг асосини ташкил этиш керак, чунки уларсиз интеллектуал фаолиятни шакиллантириб бўлмайди, яъни шакиллантирилган интеллектуал ресурс ва потенциалар бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини интеллектуаллаштириш учун тайёрланган.

Демак, ушбу босқичда бўлажак меҳнат таълим ўқитувчилари муайян тушунча (мавзу, фан)ни ўрганишдаги интеллектуаллаштирилган дарсларни тинглашга ва ўзлаштиришга тайёр бўлади. Улар билан ўрганиладиган манбага оид заковат ўйинларини ташкил этиш, тренинглар ўтазиш, интеллектуаллаштирилган синов дарслари уюштириш, дидактик компъютерли ўйинларни амалиётга жорий этиш, кўмакчи компъютерли тизимлар ёрдамида тушунча (мавзу, фан)ни ўзлаштириш масалаларини ҳал этиш мумкин. Шунингдек, таълим жараёнига мос бўлган содда интеллектуаллаштирилган дидактик ўйинлар (заковат,зиама-зина, олтин тож, ақилий ҳужимга асосланган таълимга оид дидактик ўйинлар ва турли тренингларни ташкил этиш ва ҳ.к)ни ташкиллаштиришга ҳам тайёр бўлади.

Ушбу босқичнинг бошқа босқичлардан фарқи шундаки, дастлабки икки босқичдаги фаолият тайёргарлик босқичи бўлса, бу босқичда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиси бевосита интеллектуаллаштирилган дарсларни тенглайди ва уларнинг ўзлари ҳам мустақил равишда синов дарсларини ташкил этишга тайёрланадилар. Бунинг учун уларга интеллектуаллаштириш ресурс ва потенциал ҳамда интеллектуал фаолият мазмун-моҳияти ва уларнинг функционал вазифаларини англаб етиш кабилар етарли бўлади. Шунингдек,инновацион таълимни интеллектуаллаштириш ресурслари ва айниқса, интеллектуаллаштирилган хариталар ва компъютерли дастурлардан фойдаланган ҳолда дарс машғулотларини олиб бориш ҳам бўлажак ўқитувчиларнинг интеллеткуал фаолиятга нечоғлиқ тайёр эанлигини аниқлашда муҳим рол ўйнайди. Босқич охирида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисидаги интеллектуал фаолият шакилланганлиги ўқув йили (семестр)охирида аниқланади. Бу ҳам тест-саволларига жавоб олиш негизида амалга оширилади ва улардаги ижодий жавоблар бўйича тўртинчи босқич тавсия берилади. Салбий натижага эга бўлган бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларига дастлабки босқичларига (улар “ИНТЕЛЛЕКТ”номли кўмакчи компъютерли тизим билан осонгина ҳал бўлади)

ва креатив ахборотлар муҳити ҳамда инновацион дастурларга мурожат қилишга маслаҳат берилади. Тадқиқотимизнинг мазкур қисмида хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ушбу босқичда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиси интеллектуал фаолият тайёр бўлишлиги ва энди уни ташкил этишга ҳам тайёр бўлади.

Бўлажак меҳнат таълим ўқитувчиларнинг интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёргарлигини аниқлаш босқичи тўртинчи босқич да бўлажак ўқитувчиларни интеллектуаллаштирилган касбий фаолиятга тайёрлашга касбий фаолиятга тайёрлашга бағишланади. Бунда бўлажак ўқитувчилар турли интеллектуаллаштирилган дидактик ўйинлар ва синов дарслари, тренинглар ҳамда компьютерлаштирилган дарс машғулотларини ўтказишга тайёр бўлади. Улар инновацион метод ва технологиялар, хусусан, бўлажак меҳнат таълими ўқутувчиларнинг интиеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакиллантиришга мўлжаллаб тайёланган таълим сифати сари технологияси негизидаги методикаси бўйича дарс машғулотларини уюштиришга ҳам тайёр бўлади.

Бу босқичда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларига қуйидагидек, илмий-методик ва интеллектуаллаштирилган методик салоҳиятларга эга бўлишлик каби талаблари қўйилади: инновацион ривожланган ҳолда касбий фаолиятга тайёргарлик; таълимни ахборотлаштиришнинг дидактик асосларини билишлик ва уларга мос дастурий воситалар(маҳсулотлар) тайёрлай олишлик; ўзларида шаклланган интеллектуал фаолият ютуқларидан кейинги касбий фаолиятида фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишлик; муайян тушунча (мавзу, фан)ни ўзлаштириш учун интеллектуаллаштирилган харита тузишлик; интеллектуаллашти-рилган ўқитиш тизимлари ишлаб чиқиш учун маълумотлар базасини шакллантиришва улар негизида билимлар банкини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишлик; интеллектуаллаштирилган дкарс машғулотларининг бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини баҳолай олишлик ва шу кабилар.

Ушбу босқич охирида ҳам одатдагидай ўқув йили(семестер) охирида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида интеллектуал кўникма ва малакаларини шаклланганлигини фаолиятини ташкил этиш аниқланади ва у тест-саволлари жавоблар олиш орқали амалга оширилади ва бу “ИНТЕЛЛЕКТ” номли кўмакчи компъютерли тизимдан фойдаланган ҳолда ҳам амалга ошириши мумкин.

Тест-саволларига олинган жавоблар асосида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларига касбий фаолиятга тавсия берилади. Бу тест-саволларга жавоблар ижобий бўлган ҳол учун тўғри келади. Агар олинган натижа касбий фаолиятга тавсия этишга етарли бўлмаса, у ҳолда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларига интеллектуал фаолиятни шакллантирилишидаги тренинглар синов машғулотлари, интеллектуал дидактик ўйинларни такрорлаб кўришга тавсия берилади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шаклланганлигини аниқлашнинг мазкур динамик тизими ва уни амлга ошириш усули бўлажак мутахассисларни инновацион ривожланган ўқитувчи сифатида шакллантиришга мустаҳкам пойдевор бўлади ва шу

йўсинда тарбияланган ўқитувчилар жамиятни интеллектуаллаштиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи куч бўла олади.

Энди бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларнинг интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёргарлигини баҳолаш тизимининг учинчи қисми ҳақида қисқача маълумот берамиз.

Табийки, ҳар қандай фаолиятни баҳолашда уларнинг пировард натижалари асосий кўрсаткич ҳисобланади. Шунинг учун қаралаётган баҳолаш тизими учинчи қисмининг дастлабки босқичи эришилган натижаларнинг режалаштирилган натижавий кўрсаткичга тўғри келиши баҳоланди. Бунда баҳолаш тизимининг иккинчи қисмидаги тўрт босқичдаги натижалар ҳисобга олинади, яъни

Ир+Ис+Иф+Ифт=∑_(i=I)^4Икм

Бу ерда, ИР – интеллектуал ресурс,

Ис - интеллектуал салоҳият,

Иф – интеллектуал фаолият,

Ифт – интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёрлик

Икм – интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларнинг шаклланганлиги,

i=I,4 – ўқув йўллари тартиби(курслари). Агарда баҳолаш семестрлар олиб борилса, бу кўрсаткич i=I,8 кўринишни олади.

Бу кўрсаткич эришилган натижанинг қайси қисмига тўғри келишини аниқлашда асосий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади ва бу ўз навбатида эришилган натижани баҳолаш мезони ҳамдир. Бу мезонни амалиётга жорий этиш учун олдиндан ривожлантирилган натижаларнинг миқдорлари белгилаб олинган бўлади. Бизнинг тадқиқотимизда у 100 баллик тизимда баҳоланиб, улар режалаштирилган натижага ( улар ҳам 100 баллик тизим учун тайёрланган) таққосланади, яъни эришилган натижа (∑4i=I Икм миқдори) режалаштирилган натижаларнинг қайсисига тўғри келиши аниқланади. Бунда режалаштирилган натижалар қуйидагича ифодаланган: бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакалари шаклланганлиги 86≤∑4i=IИIкм≤100 бўлса, унга “аъло” даража, агарда 72≤∑i=IИ2км≤86 бўлса, унга “яхши” даража, агарда 55≤∑4i=IИ3км≤72 бўлса, унга “қониқарли” даража берилиб, ∑4i=IИ4км нинг 55 баллдан паст қийматларида “ёмон” даража берилади.

Бу қайд этилган тўрт натижа билан эришилган натижалар таққосланади, яъни ∑4i=IИtкм миқдори юқоридаги баҳолаш мезони оралиқлардан қайси оралиққа тўғри келиши аниқланади ва эришилган натижага мос даража аниқланади. Тадқиқот давомида режалаштирилган натижага эришилганликни аниқлашда аниқлик ва ишончликка кучли эътибор қаратишга тўғри келади, чунки бу натижалар орқали бўлажак мутахассисни касбий фаолиятга тайёрлашнинг оптимал вариантларини яратиш мумкин бўлади.

Аниқланган натижалар бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёргарликнинг даражаланган кўринишларини ифодалашга имкон беради. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларнинг интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакалари шаклланганлигининг “аъло” ва “яхши” даражалари

уларнинг касбий компетентлиги ҳам юқори эканлиги ҳам эътиборга олинади. Шу сабабли эришилган натижаларга мос хулосаларни шакллантиришда улар эътиборга олинди ва уларга мос хулосалар шакллантирилди. Улар қуйидагилар:

1. “Аъло” даражага мос хулоса: бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисида интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакалари юқори даражада шаклланган ва улар интеллектуал салоҳиятидан ўзларининг ушбу соҳадаги касбий компетентлигини юксалтиришда фойдалана оладиган инновацион кадр.

2. “Яхши” даражага мос хулоса: бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисида интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакалари шаклланган ва улар эгаллаган интеллектуал салоҳиятларидан ўзларининг ушбу соҳадаги касбий компетентлигини юксалтиришни қўшимча изланишлар олиб бориш негизида амалга ошириш мумкин.

3. “Ўрта” даражага мос хулоса: бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисида интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникмаларигина шаклланган ва улар ўзларининг мазкур соҳадаги касбий компетент-лигини намоён қилишда айрим муаммоларга дуч келиши мумкин.

4. “Ёмон” даражага мос хулоса: бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисида интеллектуал салоҳиятни ташкил этиш кўникма ва малакалари шаклланмаган ва мазкур соҳада касбий компетентликка тайёр эмас.

Бу келтирилган хулосалар бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий фаолиятига (меҳнат бозорига) тавсия беришда дидактик асос бўлади. Шунинг учун ҳам тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичида хулосаларга мос тавсиялар тайёрлаш, деб атадик. Юқорида қайд этилган тўртта хулосага мос равишда тавсиялар тайёрладик. Уларни қуйидагидек ифодаладик:

1. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиси мазкур йўналиш бўйича магистратура таълимини давом этишларича ва ўзининг инновацион ривожланган салоҳиятини янада юксалтиришга тавсия берилади ва у орқали келажакда ундан интеллектуал салоҳияти юқори бўлган илмий-педагогик кадр етишиб чиқиши мумкинлиги таъкидланади.

2. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиси интеллектуал фаолиятни ташкил этиш ишларига тайёр ва ўзининг касбий компетентлигига доимо эътибор бериб юришга тўғри келади.

3. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисининг интеллектуал фаолиятни ташкил этиш малакаларига эга бўлгунча қадар яна мустақил равишда шуғулланиш керак ва улар негизидаги касбий компетентликка эътибор қаратиш лозим.

4. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисига интеллектуал фаолиятни ташкил этиш бўйича кўникма ва малакаларни мустақил равишда ўзлаштиришига маслаҳат ва кўрсатмалар берилади.

Маълумки, тадқиқотимиз олдига қўйилган мақсад бўлажак меҳнат ўқитувчиларининг интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга бағишлангани учун ушбу жараёндаги таълим сифати муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотимиз давомида уларни эришилган натижалар ва уларга мос хулосалар ҳамда тавсиялар негизида баҳолаб олдик. Бунинг учун қуйидагидек мақсад функциясини ишлаб

чиқдик:

fIб(x) – сифатли, агар fIб (x) › f0б(x)

fIк(x) – сифатли, агар fIк (x) › f0к(x)

Fкм(x) =fIм(x) – сифатли, агар fIм (x) › f0м(x)

fIком(x) – сифатли, агар fIком (x) › f0ком(x)

Бу ерда, Fкм(x) – бўлажак меҳнат таълими ўқитувчисидаги кўникма ва малакаларнинг шаклланганлиги даражаси миқдори;

f0б(x) ва fIб(x) - бўлажак мутахассисдаги шаклланган билимнинг дастлабки ва кейинги миқдори;

f0к(x) ва fIк(x) - бўлажак мутахассисда шаклланган кўникманинг дастлабки ва кейинги миқдори;

f0м(x) ва fIм(x) - бўлажак мутахассисдаги шаклланган малаканинг дастлабки ва кейинги миқдори;

f0ком(x) ва fIком(x) - бўлажак мутахассисдаги шаклланган касбий компетентликнинг дастлабки ва кейинги миқдори.

Ушбу қийматлар олиб борган тадқиқотимизнинг нечоғлик ҳаққонийлиги ва ишончлилигини асослашда фойдаланилади. Энди тадқиқотимиз давомида олиб борилган асосланган илмий изланишларимиз натижаларига асосланиб, бўлажак мутахассисларга касбий тавсиялар беришимиз мумкин бўлади. Биз уни қуйидагича ифодаладик:

– бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиси илмий, илмий-педагогик фаолият олиб боришига тайёр, ундан келажакда жамиятни интеллектуаллаштиришга муносиб ҳисса қўша оладиган кадр чиқиши аниқ;
– бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиси ўрта умумтаълим мактабларда фаолият олиб боришга тайёр, унда ўз касбий фаолият-ларини янада юксалтиришга интеллектуал салоҳият етарли;
– бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиси анъанавий касбий таълимни олиб боришгагина тайёр, унга ўз интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга кўпроқ ҳаракат қилишга тўғри келади;
– бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиси интеллектуаллаштирилган таълим жараёнини олиб боришга тайёр эмас, ундан ушбу соҳадаги касбий фаолиятини шакллантириш учун кўплаб тренинг, заковат ўйинлари кабиларни такрорлаш талаб қилинади.

Олиб борилган тадқиқотимиз жараёни ва уларни амалга оширишнинг динамик тизимидан кўриниб турибдики, мазкур тадқиқот методикаси универсал характерга эга бўлиб, у бўлажак мутахассисларни интеллек-туаллаштирилган таълимга тайёрлашнинг фундаментал ва мантқий узвий кетма-кетликка эга бўлган асосини ташкил этади.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шаклланганлиги баҳолаш тизимидан бошқа бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашни оптималлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Зарипов Л.Р., Насриддинова Г.С., Тўрақулов У.Х. Бўлажак касб таълими ўқитувчилари касбий шакилланиши механизими// Таълим тизими бошқарув кадирларини тайёрлаш: муаммо

ва истиқболлар: Республика илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами.-Т.:2014-Б.119-121.

2. Тўрақулов У.Х., Жиянқулова Р.Х., Рахмонов Ф.Г. Ўқувчиларни касбга тайёрлашда иммитацион вертуал тренажорлардан фойдаланиш// "Фан, таълим ва амалиёт" мажмуасининг долзарб муаммолари. Илмий мақолалар тўплами.-Т.:
"Fan va texnologiya", 2015.-Б.402-405.

3. Тўрақулов У.Х. интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимлари негизида ўқувчиларни касбга тайёрлашнинг илимй-методик таъминоти. Магистрлик дессертацияси.-Т.:2016.-124б.

4. Тўрақулов У.Х., Инновацион таълим технололгияларини ишлаб чиқишда интеллектуаллаштириш воситаларидан фойдаланиш//таълимнинг узвийлигини ва узликсизлигини таъминлаш-соҳа тараққиётининг муҳим мензони:Республика илмий-амалий конференцияси мақола ва анжуман материаллари тўплами.-Т-:2015.-Б.206-207.

5. Тўрақулов У.Х., Бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлаш босқичлари// таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. ИМЖ.-Т.:2018.-№1.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчилар интеллектуал фаолиятини шакилланганлигини баҳолаш тизмн ишлаб чиқилган. Мазкур баҳолаш тизимидан бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал фаолиятни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакиллантиршда фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

В этой статье анализируется, как структурируется интеллектуальная деятельность будущих учителей. Эта система оценки может использоваться для формулирования навыков и компетенций будущих учителей в организации интеллектуальной деятельности.

SUMMARY

This article analyzes how the intellectual activity of future teachers is structured. This evaluation system can be used to formulate the skills and competences of future teachers in the organization of intellectual activity.

# МУСТАҚИЛ ИЖОДИЙ ЛОЙИҲА ТАЙЁРЛАШ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТ СОҲАСИНИ ЛОЙИҲАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

***Тоҳиров Ў.О.***

*Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси*

**Таянч сўзлар:** лойиҳалаш технологияси, мустақил ижодий лойиҳа, ижодий фаолият, замонавий таълим, инновация, босқич, техник вазифа, эскиз.

**Ключевые слова:** технология проектирования, самостоятельный креативный проект, творческая деятельность, современное образование, инновация, сцена, техническое задание, эскиз.

**Key words:** design technology, independent creative project, creative activity, modern education, innovation, stage, terms of reference, sketch.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 187-сонли Қарори, шунингдек 2019 йилнинг 19 март куни Президентимиз бошчилигида ўтказилган ёшларимизга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, юртимиз ёшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан илгари сурилган "Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш

вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус"да белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларни ҳаёт амалиётига тайёрлаш, тўғри ва онгли равишда касб танлашга йўллашда мустақил ижодий фаолият соҳасини лойиҳалаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, замонавий таълим тизими, анъанавий таълимдан фарқли ўлароқ, амалиётда ўрганилаётган илмий-назарий ва методик услубни кундалик ҳаётда қандай қўллаш мумкинлигини кўрсатишга имкон берадиган муҳит ҳисобланади. Айнан, "Технология" фани дарслари давомида ўтиладиган барча мавзулар кундалик ҳаёт билан боғлиқ бўлиб, эгалланган билимларни амалиётдаги натижасини тезда кўрсатиш имкониятини яратади. Шу боис, инновацион ёндашувлар асосида "Технология" фанидан

8-9-синфлар учун ўқув дастурлари янгидан ишлаб чиқилди. Мазкур дастур асосида 8-синф "Технология" фани дарслиги илк авлодини янги аспектдаги методологияси илғор хорижий тажрибалар, инновацион технологиялар ва интернет ресурслари имкониятларидан келиб чиққан ҳолда яратилди. Инновацион ёндашувлар асосида дарсликка QR-код белгилси орқали амалий машғулотлар видеороликларини жойлаштириб берилганлиги мавзуларни ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлаб ўтиш имкониятини яратиб берди.

Шу билан бирга дарсликка "Ижодий лойиҳа тайёрлаш технологияси" бўлими янгидан киритилган бўлиб, бундан кўзланган мақсад – ўқувчиларни мустақил ижодий фаолиятга йўналтиришдан иборат ҳисобланади.

Ижод – бу онгнинг олий даражаси, фаолиятнинг юқори ва анча мураккаб шакли бўлиб, у инсонга ҳосдир. Ижод инсоннинг янги моддий ва маънавий неъматлар яратиш фаолиятидир.

Меҳнат – инсоннинг асосий фаолият турларидан бири ҳисобланади. Бу фаолият туфайли инсон моддий ва маънавий бойликлар яратади. Ижод эса, меҳнатнинг тури, унинг махсус ва олий шакли ҳисобланади. Ижод шундай меҳнатки, унинг натижасида маънавий бойликлар яратилади.

Меҳнат жараёнида ақлимизда турли муаммоларнинг ечими ёки янгиликлар ҳақида фикрлар туғилади. Фикрлар одатда бирор ҳаётий муаммо ечимини излаш жараёнида шаклланади. Бу эса ўқувчиларни таълим олиш жараёнида олган билим ва малакаларини нафақат "Технология" фани дарсларида балки бошқа фанларни ўзлаштиришда ҳам намоён қилиш имкониятини беради. Бу ишдаги муввафақият кўп жиҳатдан амалга оширмоқчи бўлган ижодий лойиҳа йўналишининг тўғри танланганлигига боғлиқ.




1-шакл.

Ижодий лойиҳа – фан бўйича мустақил натижавий ижодий иш ҳисобланади.

Хоҳиш ва қизиқиш билан бажарилган ишгина инсонга ўзини тўлиқ намоён қилиш имкониятини беради. Ишни бажаришда юқори кўрсаткичга эришиш мақсадида аҳамият берилиши керак бўлган иккинчи жиҳати, бу мустақил ижодий лойиҳа ишини бажариш босқичларини аниқ ва тўғри ташкил қилишдан иборатдир (1-шакл).

Бу жараёнда мустақил ижодий лойиҳа ишининг индивидуал режа-

сига таянган ҳолда мустақил изланишнинг мақсадини ва ижодий лойиҳа иши мавзусини танлаб олиш керак бўлади.

Танланган ижодий лойиҳа иши мавзуси асосида мустақил ижодий фаолият соҳасини лойиҳалаштириш мустақил ижодий лойиҳа иши босқичлари бўйича амалга оширилади.

I. Тайёрлаш босқичи.

Ижодий лойиҳани тайёрлаш босқичи изланувчиликни талаб қилади. Лойиҳани тайёрлашда қуйидаги тавсияларга эътибор қаратиш керак бўлади.

Объектни танлашда маҳсулотни қанчалик даражада фойдали эканлигига эътибор қаратилади. Лойиҳаси тайёрланаётган маҳсулот қаерда фойдаланиш учун мўлжалланганлигини ва унга бўлган талаб даражаси қанчалик юқори эканлигини диққат билан ўрганиб чиқиш зарур (2-шакл).




2-шакл. Талаб (эҳтиёж).

Лойиҳа объектини қанчалик даражада кераклигини асослашдан олдин маркетингни асосий ҳолатини яъни маҳсулотни меҳнат бозоридаги ҳаракатини кўз олдимизга келтиришимиз керак.

Лойиҳалаштирилаётган маҳсулотга бўлган эҳтиёж даражасини аниқлаш маркетинг изланиш асосида амалга оширилиши лозим.

Бугунги кунда “Маркетинг” тушунчасига кўпгина таърифлар берилган.

Маркетинг (инглизча “market” – бозор ва “ing” – қўшимчаси ҳаракат, фаолият маъносини англатади) бозор ҳаракати билан боғлик фаолият маъносида таржима қилинади.

Маркетинг – истеъмолчи талабини тўлиқ қондириш мақсадига қаратилган тадбирлар тўпламидир.

Талаб – инсон тамонидан нормал ҳаёт кечириш учун муҳим бўлган бирон бир нарсада етишмовчиликни хис қилишдир.

Техник вазифа – техник объектни тайёрлашга ёки таъмирлашга қўйиладиган талаблардан иборат. Техник вазифа ўз ичига объектни лойиҳалаш ва тайёрлаш босқичларини қамраб олиши керак.

Техник вазифани шакллантириб Сиз иш жараёнига лойиҳалашни киритасиз. Биринчи қадам лойиҳавий изланиш ҳисобланади.

Лойиҳавий изланиш. Техник адабиётларга таянган ҳолда тайёрланиши керак бўлган маҳсулотга ўхшаш объектларни ўрганиб чиқилади. Бу жараёнда лойиҳа материали, мавзуга оид видеороликлар, ишлаб чиқариш корхоналари, бозор ва соҳага оид турли кўргазмаларни айланиб чиқиш каби изланишлар орқали танлаган мавзуси бўйича ютуқ ва камчиликларини баҳолаш ҳамда тайёрланаётган конструкцияга қўшимчалар киритиш имкониятини беради.

II. Конструкциялаш босқичи.

Конструкциялаш босқичи эстетик ва дизайн бўйича изланишдан бошланади. Бу эса ўз навбатида лойиҳа объектини принципиал ечимини ишлаб чиқиш имкониятини беради. Уни асосида нафақат бошқа лойиҳачиларни тажрибаси, балки лойиҳани тех-

ник вазифасини ҳал этувчи ўзингизни мустақил ягона фикрингиз ётади. Конструкциялаш босқичини шакллантиришдан бошлаб Сизни лойиҳа устидаги фаолиятингиз бошланади.

Конструктор вазифа – техник объектнинг функционал мақсадини таъминлайдиган маҳсулотнинг оптимал ва рационал ечимларини қидириш ва ҳал қилишдан иборат.

Маҳсулотга қўйилган асосий талабларни ишлаб чиқиш эса, ўз навбатида иқтисодий, конструкторлик, техник ва экологик, эргономик ва эстетик талабларни қамраб олади (3-шакл).




Маҳсулот ҳаракатланувчанлиги, енгил, сифатли, узоқ вақт хизмат қилиш каби мезонларга эга бўлиши керак.

Конструкция қисмларини ишлаб чиқишда ўзингиз белгилаган ҳамда конструкциялашнинг умумий талабларга амал қилиш керак бўлади.

Эскизларни тўғрилаш. Агар сизга чизмани қайсидир қисми қониқтирмаётган бўлса эскизни устидан калка қоғоз қўйиб нусхасини тушириб олинади. Маъқул келмаган қисмларни янги чизмада ўзгартириш мумкин.

Чизма устида ишлаганда вариантдан вариантга ўтган сари конструкция такомиллашиб боради.

Конструкция ниҳоясига етганда оралиқ вариантларни яна бир бор кўздан кечириб чиқинг, айрим ҳолларда қизиқарли техник ечимлар эсдан чиқиб қолиб кетиши мумкин.

Маҳсулотни шакли, ўлчамлари (модели)ни ишлаб чиқишда осон ишлов бериладиган материалдан фойдаланиш мумкин (қоғоз, картон, пластилин).

Модель келгуси маҳсулотни кўринишини, уни ютуқ ва камчиликларини кўриш, айрим ўзгартиришларни ўз вақтида киритиш имконини беради.

Конструкциялаш босқичи конструкторлик ҳужжатини тузиш билан якунланади. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

1. Маҳсулотни ишлатилишига қўйилган талаблар билан бирга конструкция материаллари рўйхати.
2. Конструкторлик ечимлар вариантлари эскизи.
3. Маҳсулотни ишчи эскизи (деталлари ва умумий йиғилмаси).
4. Маҳсулотни конструкциялаш ҳисоблари (маҳсулот мустаҳкамлиги, ўлчамлари ва ҳокозо).

III. Технологик босқич.

Бу босқичда маҳсулотни ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ масалаларни ечиш керак бўлади.

Технологик вазифа – маҳсулот ишлаб чиқаришда технологик жарённи энг оптимал ва рационал ечимини топишдан иборат.

Технологик жараён деб чизма ва техник талаблар асосида маҳсулотни айрим қисмларини (шакли ва ўлчамлари, хусусиятлари, ташқи кўриниши) йиғиб тайёр ҳолга келтиришда ўзгартиришлар киритувчи операциялар мажмуига айтилади.

Технологик жараён ишлаб чиқариш жараёнини бир қисми ҳисобланиб, бу жараён қуйидаги босқичлардан иборат:

– маҳсулотга шакл бериш технологияси (кесиш орқали ишлов бериш, босим орқали ишлов бериш, қуйиш ва бошқалар);

– материални хусусиятини ўзгартириш технологияси (кимёвий ишлов бериш, термик ишлов бериш, кимёвий-термик ишлов бериш ва бошқалар);
– маҳсулотни йиғиш технологияси;
– маҳсулотни декоратив безаш;
– маҳсулотни текшириш ва синаб кўриш технологияси;
– маҳсулотни қадоқлаш ва элтиб бериш (транспортировка);

Маҳсулотни ишлаб чиқиш жараёни технологик харита деб аталадиган ҳужжат асосида амалга оширилади. Технологик харита қуйидаги жадвал кўринишида бўлиши мумкин:

______________________ технологик харитаси

| **Т/р** | **Иш кетма-кетлиги** | **Ишни бажариш бўйича кўрсатма** | **Асбоблар** | | **Жиҳоз ва мосламалар** |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | **Ўлчов** | **Иш** | |
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |

IV. Маҳсулотни тайёрлаш босқичи.

Маҳсулотни тайёрлаш босқичини иш жойини ташкил этишдан бошланади. Иш жараёни вақтида иш юритиш маданиятига риоя қилиш лозим. Бунга қуйидаги талаблар киради:

– маҳсулот тайёрлашни кетма-кетлигини инобатга олиш;
– хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этиш;
– ишни мустақил бажариш;
– меҳнат интизомига риоя этиш;
– иш жойида тартиб ўрнатиш ва иш жойини йиғиштириш ҳамда ишни якунлаш.

Бу каби талабларга доимий риоя этиш ишни тез ва сифатли бажаришга ёрдам беради.

V. Якуний босқич

Якуний босқичда маҳсулотни иқтисодий, экологик жиҳатдан асосланади, маҳсулот рекламаси тайёрланади, лойиҳа тақдимотини тайёрлаш ва ўтказиш амалга оширилади.

Иқтисодий асослаш – ижодий лойиҳадаги объектни тан нархини (яъни маҳсулотни тайёрлашдаги хом ашё, ишчи кучи ва бошқа ҳаражатларни инобатга олган ҳолда) белгилаб берувчи қисм ҳисобланади.

Маҳсулотни экологик асослаш – ижодий лойиҳани бир қисми бўлиб, бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга экологик баҳо берилади.

Маҳсулот рекламаси – лойиҳани муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотга қизиқишни уйғотади ва маҳсулотни бозорда ҳаракатланишини таъминлайди.

Лойиҳа тақдимотини тайёрлаш ва ўтказишда тайёр маҳсулот ва унга тегишли барча ҳужжатлар тақдим этилади. Тайёр маҳсулот билан бутун синф олдида 3-5 дақиқага мўлжалланган маъруза ташкил этилади. Лойиҳасини ҳимояга олиб чиққан ўқувчи дастлаб маҳсулотини афзаллик ва камчилик томонларини ёритиб бериши лозим. Ҳимоя вақтида барча хоҳловчилар лойиҳа юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларини беришлари мумкин. Саволларга берилган жавоблар ўқитувчи ва ўқувчилар тамонидан баҳоланиб борилади.

Шу асосида ижодий лойиҳани якуний баҳоси келиб чиқади. Муҳокама жараёнида иштирок этувчи барчани фикри инобатга олинади. Лойиҳани ҳимоя қилувчи ўқувчи ҳамма қатори ўзини ижодий ишига баҳо бериши ҳам мумкин.

Ижодий лойиҳа ишини бажарилиши бўйича ўқитувчи томонидан баҳолаш қайдномаси тўлдирилади. Унда баҳолашни ҳамма мезонлари ҳисобга олинган бўлиб, якунда жамоавий баҳо чиқарилади. Бу эса ижодий лойиҳа иши натижаларини объектив баҳолаш имконини беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда алоҳида таъкидлаш лозимки, “Технология” фани дарси мактабдаги бошқа фанлар учун умумий дидактик принципларни қўлласада, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Ўқувчилар билиш фаолияти билан эмас, балки яратиш фаолияти билан шуғулланадилар. Технология фани предметлари, куроллари, жараёнлари оддий ўрганиш объекти сифатида эмас, балки ўқувчилар ишларини фаоллаштирувчи кўрсатмалилик воситаси, дидактик материал, таълимнинг техник воситаси сифатида хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида юртимизда инновацион ва креатив фикрлайдиган, ўз инновацион ғояларини амалиётга татбиқ қила оладиган замонавий кадрлар тайёрлашда катта аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекицон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил

6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарори. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон,

230-модда.

2. Шарипов Ш.С., Муслимов Н.А. Техник ижодкорлик ва дизайн. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “ТДПУ”, 2007-206 б.

3. Гончаров Б.А., Елисеева Е.В., Электов А.А. и др. Технология.

8-класс: учебник для учащихся общеобразовательных учреждений. – М.: “Вентана-Граф”, 2011,-208 с.

4. Тоҳиров Ў.О. Технология ўқув фани давлат таълим стандарти ва ўқув дастурини таълим амалиётига жорий этиш методикаси. // Методик тавсиянома. – Т.: “РТМ”, 2017.-72 б.

5. Тоҳиров Ў.О. Технология фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар. // Ўқув модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: “ТДПУ”, 2018.-136 б.

6. Тоҳиров Ў.О., Каримов И., Махсимова М.М. Технология: Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик. – Т.: “Илм Зиё” нашриёт уйи, 2019.-160 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқувчиларни мустақил ижодий фаолиятга йўналтириш орқали ҳаёт амалиёти билан боғлиқ бўлган таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришда 8-синф “Технология” фани ўқув дастурига муаллиф томонидан янгидан киритилган “Ижодий лойиҳа тайёрлаш технологияси” бўлими бўйича назарий ва амалий машғулот мавзуларини ўқувчиларга ўргатиш юзаидан мустақил ижодий лойиҳа тайёрлаш ва ижодий фаолият соҳасини лойиҳалаш методикасига оид маълумотлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

Статья представляет собой самостоятельный творческий проект по обучению студентов теоретическим и практическим занятиям по технологии разработки креативного дизайна в рамках учебной программы 8-го класса «Научные технологии» по развитию поддерживающей и научно обоснованной компетенции, связанной с самостоятельной творческой деятельностью учащихся. информация о методологии проектирования и проектирования творческой деятельности.

SUMMARY

The article is an independent creative project for teaching students theoretical and practical lessons on creative design technology within the framework of the 8th grade curriculum “Scientific

Technologies” on the development of supporting and scientifically based competence associated with students’ independent creative activities. information on the methodology of designing and designing creative activity.

# КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАР – ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ НАТИЖАСИНИНГ ЯНГИ ПАРАДИГМАСИ

***Мамутова Г.Ш.***

*Ажиниёз номидаги НДПИ ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** таълим-тарбия жараёни, бўлажак математика ўқитувчилари, компетенция, компетентлик, мотивация.

**Ключевые слова:** образовательно-воспитательный процесс, будущие учителя математики, компетенция, компетентность, мотивация.

**Key words:** educational process, future teachers of mathematics, competence, competence, motivation.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида: «Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл, аввало, таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот – ўқитувчи ва мураббийларнинг олийжаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз.

Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаҳатли касб эгалларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар беқиёс эканини ўзимизда яхши тасаввур қиламиз» - деган фикрни алоҳида таъкидлаб ўтадилар.

Замонавий таълим тизимида педагогик кадрларни тайёрлашга доир хилма-хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, мазкур ёндашувлар орасида компетенциявий ёндашув бўлажак ўқитувчи шахсининг юқори даражада ўзини-ўзи англай олиши, ўзини-ўзи намоён эта олиши ҳамда ўзини-ўзи ривожлантиришга имкон бериши билан алоҳида ажралиб туради. Турли компетенция (коммуникатив; ахборот билан ишлаш; таълим олувчиларнинг шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш; ижтимоий фаол фуқаролик; умуммаданий; математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш)ларни ўзлаштириш таълим жараёнининг асосий мақсади ва натижаси ҳисобланади. Аслида, таълим сифатини бошқариш, шу жумладан, ўқув жараёнида таълим олиш натижалари сифатида ўзлаштирилиши зарур компетенцияларни аниқлаш билан бошланади. Замонавий таълим соҳасида компетенциявий моделни қўллаш таълим жараёнини ташкил этиш, уни бошқариш, ўқитувчилар фаолиятида ўқув жараёнининг натижаларига кўра билимларни ўзлаштириш концепциясига асосан талабаларнинг таълим натижаларини баҳолашда принципиал ўзгаришларни назарда тутади. Асосий мақсад – бу маълумотлар ҳажмини ўзлаштириш эмас, балки уларга ўзларининг мақсадларини аниқлаш, қарор қабул қилишда, одатий ва ностандарт ҳолларда ҳаракат қилиш имконини берадиган кўникмаларга ўргатишдир.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони , 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини

янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарорининг қабул қилиниши мазкур масалага давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Инсоннинг тегишли компетенцияни эгаллаганлиги компетентлик термини билан аниқланади. Компетенция таълимий тайёргарликнинг аввалдан берилган нормаси бўлса, компетентлик маълум соҳада шахснинг сифатли, сермаҳсул фаолияти учун зарур бўлган сифатидир.

Илмий педагогик ва психологик манбаларда берилишича, компетенция, компетентлик ўта мураккаб, кўп қисмли барча фанлар учун зарур бўлган тушунчадир. Шу боисдан унинг талқинлари, изоҳлари таркибига кўра маъно, мантиқ мундарижаси жиҳатдан турли-туман. Терминнинг моҳияти «самарадорлик», «мослашувчанлик», «муваффақиятлилик», «натижалилик», «сифат» каби тушунчалар асосида тавсифланмоқда. Таълим-тарбияни инсонпарварлаштириш таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири эканлиги «Таълим тўғрисида»ги қонунинг 3-моддасида белгилаб қўйилган. Шунга мувофиқ бўлажак мутахассисларга касбий билим, кўникма ва малакалар бериш билан бирга уларни касб-ҳунарга йўналтиришда меҳнатсеварлик, табиатга ва инсонга меҳр-шафқатли, миллий ва касбий анъаналарни ҳурмат қилишни ўргатишдан иборат. Зеро, бўлажак мутахассисни бундай профессионал компетенциялар ва шахсий сифатлар уйғунлиги асосида тарбиялаб бориш таълим олувчини тўғри ва онгли равишда касб-ҳунарга йўналтиришда ижтимоий аҳамият касб этади.

Ўқув-тарбиявий жараёнда компетенциявий ёндашув муаммоларини И.А.Зимняя учта тарихий даврларга ажратади:

1-босқич (1960-1970-йй.). Бу даврда илмий тадқиқот методига компетенция тушунчаси киритилади ва бу тушунчаларнинг ўзаро фарқланиши кўрсатилади.

2-босқич (1970-1990-йй.). Бу босқичда компетенция ва компетентлик категориялари тилни ўрганишда, бошқарувдаги профессионализмда, менежментда ишлатилади.

3-босқич (1990-1999-йй.). Компетентликни таълимдаги илмий категория сифатида ўрганади ва турли давлатлардаги асосий компетенцияларни аниқлайди.

Компетентликнинг педагогик ҳодиса сифатидаги асосий хусусияти шундан иборатки, компетентлик – специфик билим ва малакалар эмас, балки мавҳум умумфан бўйича фикрлаш ёки мантиқий операциялари, исталган ёшдаги, исталган касбдаги инсон учун зарур муайян ҳаётий малака ва кўникмалардир.

Таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, таълим олувчи шахси ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда қуйидаги таянч компетенциялар:

- коммуникатив компетенция;
- ахборот билан ишлаш компетенцияси;
- ўзини-ўзи ривожлантириш компетенцияси;
- ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси;
- миллий ва умуммаданий компетенция;
- математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенциялари шакллантирилади.

Қуйида педагогик олий таълим муассасаларида математикага доир фанларни ўқитишда бўлажак математика ўқитувчиларида шаклланиши зарур бўлган таянч компетенциялар ҳақида фикр юритамиз.

Бўлажак математика ўқитувчисида коммуникатив компетенцияни шакллантиришда, уларнинг келгусида жамиятда мулоқатга киришиши учун зарур бўладиган оғзаки ва ёзма нутқини мукаммал ўзлаштириши, ўз фикрини аниқ ва тушунарли баён этиш, дарслик ва қўшимча адабиётлардан фойдаланиб мантиқий саволар тузиш ва ҳоказолар.

Ахборот билан ишлаш компетенцияни шакллантиришда қўшимча адабиётлар ва Интернет сайтларидан маълумотлар йиғиш ва ушларнинг асосида реферат, доклад ва тақдимот материалларини тайёрлаш, дарс, дарсдан ташқари ишлар, экскурсиялар ва синфдан ташқари машғулотларнинг таълим олувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиришдаги аҳамияти ҳақида маълумотларга эга бўлиш .

Ўзини-ўзи риовжлантириш компетенциясини шакллантиришда бўлажак математика ўқитувчилариниңг ўзини-ўзи баҳолаши ва келгуси педагогик фаолиятида фойдаланиши учун мавзулар бўйича стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари базасини яратиш, уни компьютер хотирасига жойлаштириб адаптив тест топшириқларига айлантириш ва бошқалар.

Ижтимоий фаол фуқаролик компетенциясини шакллантиришда муайян касбни мукаммал эгаллаш орқали Ватан равнақига ҳисса қўшиш, жамият ва оиласи манфаатлари учун хизмат қилишга ундаш зарур.

Миллий ва умуммаданий компетенцияларини ривожлантиришда бўлажак математика ўқитувчиларига ўзгаларнинг дунёқараши, дини, миллий ва этник хусусиятлари, анъана ва маросимларини ҳурмат қилиш, халқнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга ва ҳоказоларга эътибор қаратиш лозим.

Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенциясини ривожлантиришда мустақил, мантиқий ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида ҳисоблашга доир математик масалалар, ностандарт ўқув топшириқлари билан ишлашни йўлга қўйиш керак деб ҳисоблаймиз.

Компетенциянинг шаклланиши таълим мазмунини берувчи воситалар орқали амалга оширилади ва ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Компетенция ўз билимларини тинмай бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, шу кун ва давр талабларини ҳис этишни, янги билимларни излаб топиш маҳоратини, уларни қайта ишлашни ҳамда ўз амалий фаолиятида қўллашни талаб қилади. Компетенция эгаси бўлган бўлажак ўқитувчи муаммоларни ечишда ўзи ўзлаштириб олган, айнан шу шароитга мос методлардан фойдаланишни яхши билиши, ҳозирги вазиятга муносиб бўлган методларни танлаб олиб қўлланиши, тўғри келмайдиганларини рад этиши, масалага танқидий кўз билан қараш каби кўникмаларга эга бўлади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлик сифатини тубдан ошириш унинг мазмуни билан бевосита боғлиқдир, чунки бўлажак ўқитувчиларни касбий шакллантириш педагогик ва методик билимларни фан, таълим, техника, технология ва ишлаб чиқариш иқтисодиёти соҳаларидаги ўзгаришларга асосланган интеграцияни таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу жараён эса бўлажак математика ўқитувчиларни тайёрлаш мазмунини асослаш ва касбий компетентлигини шакллантириш технологиясини яратишда муайян ўзгаришларни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради.

Тадқиқотларимиз натижасига кўра, бўлажак математика ўқитувчисининг касбий компетентлиги фаолиятини аниқ бир мақсадга йўналтирилиши ва бу мақсадга эришиши учун қуйидаги шартларга риоя қилиши керак деб ҳисоблаймиз:

– бўлажак математика ўқитувчиси маълум мақсад асосида ва маълум тартибда ўзида қуйидаги сифатларни шакллантириб бориши керак, яъни келгуси педагогик фаолиятида (ёки педагогик амалиётда) таълим олувчиларнинг интилишлари, қизиқишларини чуқур ҳис қилиш, тушуниши, уларнинг маънавий эҳтиёжларини ҳисобга ола билиш ҳамда улар билан эммоционал алоқа ўрнатиш, уларнинг ақлий, ахлоқий ва амалий фаолияти томонларига фаол таъсир этиши;
– ўз билимини мустақил ошириш мазмунини бўлажак математика ўқитувчиси мутахассислиги бўйича педагогик амалиёт ўтаётган таълим муассасасининг ўқув хонасидаги аниқ шароитларга, амалиётнинг шароитларини таълим олувчиларга мослаштирилиши керак;
– бўлажак математика ўқитувчиси ўзининг педагогик маҳоратини ошириш устида излаш тизимининг (коммуникатив ва ахборот билан ишлаш компетенциялари) энг самарали усуллари ва йўлларини танлаб олиши ҳамда технологик жараён ва техник объектларни тўғри танлаб фаолият кўрсатиши керак;
– бўлажак математика ўқитувчиси аниқ шароитларни ҳисобга олган ҳолда ва уларга мос тарзда индивидуал тарзда ёки жамоа билан бирга ўз билимини ошириш шаклларидан (педагогик ҳамкорлик ва бошқалар) фойдаланиши, амалий машқлар бажариши мақсадга мувофиқдир;
– бўлажак математика ўқитувчиси ўз билимларини оширишни доимий ижодий изланишлар тарзида ташкил этиш ва маълум мақсадга йўналтириши зарур. Бунинг учун у:
– ижодий изланишлар жараёнини бошқаришга мойил бўлиши;
– ижодий изланишларнинг самарадорлиги ўқитувчининг педагогик, психологик ва назарий тайёргарлигига боғлиқ бўлишини эсда тутиш лозим.

Ҳозирги вақтда касбий-педагогик компетентликни шакллантиришда бу вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган касбий йўналтирилган ўқитишнинг интерфаол технологияларига катта эътибор берилмоқда. Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби томонидан ишлаб чиқилаётган ва фойдаланилаётган ўқитишнинг интерфаол технологиялари бўлажак математика ўқитувчиси касбий компетентлигининг қарор топиши ва тарбиялаш таълим тизимининг таркибий қисми бўлиб, касбни эгаллашнинг касбий-аҳамиятли базасини яратишга, касбий фаолиятни юқори даражада амалга ошириш учун назарий, амалий ва мотивацияли тайёргарликнинг босқичма-босқич шаклланишига ёрдам беради.

Мотивация – бу биологик жиҳатдан инсоннинг ирсий ва тўпланган тажрибаси асосида индивидуал ва гуруҳий равишда эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган туйғу. Инсонни ўқишга, ўрганишга ҳам ана шу туйғу ундайди. Субъектив нуқтаи назардан эса мотивация биринчи ўринда туради. Ўқитувчи дарс ўтишнинг интерфаол методларини танлар экан, албатта, талабалардаги мотивация даражасига эътибор бериши керак. Дарс ўтишнинг интерфаол методларини танлаганда таълим қонуниятлари ва тамойилларини реализация қилишни назардан қочирмаслик керак. Математикага оид ҳар бир фанни ўрганишда дарс ўтишнинг интерфаол методлари таълим қонуниятларидан ва дидактик тамойиллардан келиб чиққан ҳолда танланади.

Маълум бўладики, мутахассиснинг касбий компетентлиги моҳиятини ва тузилишини аниқлаш жараёнида, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ўрганишнинг асосларига эга бўламиз.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 130.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Тошкент., 2017. www.lex.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори // Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. – Тошкент: 2017. – 15 б.

4. Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования. – Москва:, 2000. –С.18-20. http://aspirant.rggu.ru.

5. Иванова Е.В. Информационная компетентность учителя в современной школе // Развитие научного педагогического знания: проблемы, подходы, результаты. Сб.нач.ст.аспирантов. –Вып. 1. –СПб.: НИИХ СПбГУ, 2003. -334 с.

6. Морковина Э.Ф. Развитие информационной компетентности студента в образовательном пространстве: дисс…. канд.пед.наук. –Оренбург, 2005. – 212 с.

7. Коджаспирова Г.М. Педагогический словарь: для студ. высш. и сред. пед. учеб. заведений. –Москва: Издательский дом «Академия», 2000. – 176 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак математика ўқитувчиларини касбий-педагогик компетентликка тайёрлаш ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаси эканлиги, бўлажак математика ўқитувчиси таълим-тарбия жараёнининг ҳар бир соҳасини амалга ошириш учун компетентли бўлишлари талаб этилиши ва жамият ривожида ўқитувчи маҳорати ва ўрни тўғрисида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

В этой статье обсуждается актуальная задача будущих учителей математики – подготовка к профессиональной компетентности, чтобы будущий учитель математики был компетентным для реализации каждого аспекта образовательного процесса, роль и важность их работы.

SUMMARY

This article discusses the urgent task of future mathematics teachers - preparing for professional competence, so that the future mathematics teacher is competent for the implementation of every aspect of the educational process, the role and importance of their work.

# TA'LIM-TARBIYA JARAYONI SAMARDORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING O'RNI VA AHAMIYATI

***Hamrakulova D.F.***

*ToshDTU катta o'qituvchisi*

***Yoldasheva N.S.***

*talaba*

**Таянч сўзлар:** инновацион технологиялар, тарбия, фойдаланиш, самарадорлик, педагогик омиллар, моддий-техник таъминот, интерактив методлар, умумтаълим мактаби, мустақил фикрлаш.

**Ключевые слова:** инновационные технологии, образование, использование, эффективность, педагогические факторы, логистика, интерактивные методы, общеобразовательная школа, самостоятельное мышление.

**Key words:** innovative technologies, education, use, efficiency, pedagogical factors, logistics, interactive methods, comprehensive school, independent thinking.

«Innovasiya» tushunchasi lotin tilidan olingan bo'lib (t-ga, pouiz-yangi), ya'ni tarjimasi «yangilanish», «o'zlashtirish», «qandaydir yangilikni kiritish», «yangini joriy qilish», «yangilik kiritish». O'z navbatida «yangi» so'zi ushbu tushunchaning asosiy yadrosini tashkil etadi. Pedagogik innovasiyalar keng qamrovli ko'rinishga ega bo'lib,ularning umumtomonidan qabul qilingan aniq tipologiyasi yoki tasnifi mavjud emas. Innovasiyalarni guruhlashtirishga doir yigirmadan ortiq tasnif mavjud, masalan: uzoq muddatli innovasiyalar va qisqa muddatli innovasiyalar, radikal va reformatorli, avtoritar va liberal, inisiativ va administrativ va boshqalar.

«Mustaqil fikrlash - insonning bevosita o'ziga va o'zgalarning mavjudligiga bog'liq bo'lgan, uning tashqi ijtimoiy muhitning turli ta'sirlariga nisbatan fikr-o'ylari vositasida qarshilik ko'rsatish va o'z fikrini bayon etish qobiliyatidir»1. Biroq mustaqil fikrlash faqatgina turli ta'sirlarga nisbatan fikr-o'ylari vositasida qarshilik ko'rsatish va o'z fikrini bayon etishnigina emas, yuzaga kelgan muammoga javob topish asnosida o'quvchi yangi gipotezalarni o'ylab topishini ham qamrab olishi ta'rifda aks etmaydi.

B.Xodjayev o'zining «Umumta'lim maktabi o'quvchilarining mustaqil fikrlashini shakllantirishning didaktik asoslari (5-7-sinf tarix darslari misolida)» mavzusidagi nomzodlik dissertasiyasida mustaqil fikrlashni shakllantirishga ta'sir etuvchi omillarni yaxlit yondashuv asosida ochib bergan.

Tadqiqotda o'quvchilarning mustaqil fikrlashini shakllantirishga ta'sir ko'rsatuvchi asosiy - fiziologik, psixologik, ijtimoiy va pedagogik omillar hamda maxsus - metodik omillar, ularning rivojlanishiga olib keluvchi «mahsuldor sabablar» alohida-alohida o'rganilgan.

Mustaqil fikrlashni shakllantirishga pedagogik jihatdan ta'sir ko'rsatuvchi mahsuldor sabablarni to'rtta umumiy omilga ajratib ko'rsatish mumkin: fanlarning o'quv-uslubiy majmualar bilan ta'minlanganligi; mustaqil fikrlashni shakllantirish jarayonning tarkibiy qismi sifatida yuzaga chiquvchi sinf xonasining moddiy-texnik ta'minoti; bilimlar zahirasi hamda o'qituvchi shaxsi va pedagogik faoliyati.

**Pedagogik omillar:**

Fanlarning o'quv-uslubiy majmualar bilan ta'minlanganligi

Sinf xonasining moddiy-texnik ta'minoti

Bilimlar zahirasi

O'qituvchi shaxsi va pedagogik faoliyati

Mustaqil fikrlashni shakllantirishga ta'sir ko'rsatuvchi pedagogik omillar (B.X.Xodjayev tasnifi bo'yicha). Muallifning fikricha, mustaqil fikrlashni shakllantirishga ta'sir etuvchi omillar yaxlit ko'rinishga ega bo'lib, tadrijiy tavsifga egadir. Ya'ni mazkur jarayonga ta'sir etuvchi mahsuldor sabablarning to'planib borishi, ularning tabaqalashuvi, ta'sir doirasi ularni umumiy omillar tarzida jamlashga imkon beradi.

Mustaqil fikrlashni shakllantirishga ta'sir etuvchi omillarni bilish va ularning ta'sir etish darajasini baholay olish o'quvchilarning mustaqil fikrlashini muvaffaqiyatli shakllantirishga keng imkon yaratadi.

Fikrlash bilan bog'liq adabiyotlarni o'rganish natijasida mustaqil fikrlashni ijodiy va tanqidiy fikrlash bilan chambarchas bog'liq va aloqadorlikda ekanligiga amin bo'ldik.

**Mustaqil fikrlash** - bu insonning muammoni, uni hal qilish yo'llarini o'zi ko'ra olishi va unga mustaqil javob topa olish qobiliyatidir. Mustaqil fikr tayyor mulohazalarga,

boshqalarning fikrlariga qaram bo'lib qolmaydi. U voqyelikni bilishga ijodiy yondashadi va uni o'rganishning yangi yo'llarini izlab topadi. Mustaqil fikrlash fikrning tanqidiyligi bilan chambarchas bog'liq bo'lib, shaxs ijodiy faolligining muhim qirrasini o'zida aks ettiradi.

Mustaqil fikrlashini rivojlantirish aniq ta'limiy sharoitni taqozo etib, auditoriya mashg'ulotlari jarayonida ta'limiy innovasiyalardan keng foydalanishni talab etadi. Kasb-hunar kolleji o'quvchilarining mustaqil fikrlashini rivojlantirishda foydalanish lozim bo'lgan ta'limiy innovasiyalarni uchta katta guruhga bo'lish mumkin:

1) ta'limning interfaol metodlari;

2) grafik organayzerlar;

o'yinlar.

o'quvchilarining mustaqil fikrlashini rivojlantirishga doir ta'limiy innovasiyalar

I. Interfaol metodlar.

**«Erkin yezish» interfaol metodi.** Uqituvchi o'quvchilarga besh minut vaqt davomida «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi haqida bilganlarini daftarlariga yozishni so'raydi. Vaqt tugagach, ba'zi talabalardan yozganlarini o'qib berishni so'raydi. Vaqtdan yutish uchun qolgan talabalar avval o'z yozganlarini o'qib bergan talabalarnikiga o'xshamagan fikrlarini aytishlari mumkin.

**«Besh minutlik esse» interfaol metodi.** Yozma topshiriqning ushbu turida talabalardan quyidagi ikki topshiriqni bajarish: mazkur mavzu bo'yicha ular nimalarni o'rganganliklarini mustaqil bayon etish va ular baribir javobini ololmagan bitta savol berish so'raladi.

**«Asoslangan esse» interfaol metodi.** Masalan, o'quvchilarga «Boshlang'ich ta'limni rivojlantirishning zarurligi shundaki» mavzusida asoslangan esse yozish topshirig'ini berish mumkin.

**Topshiriqni bajarish tartibi:**

1. Mazkur mavzu yuzasidan o'z nuqtai nazarlaringizni bayon eting.
2. Nuqtai nazaringizni asoslash uchun dalillar kiriting.
3. Mavzu yuzasidan aniq xulosalar chiqaring.

**«Og'zaki va yozma davra suhbati» interfaol metodi.** o`qituvchilarning mustaqil fikrlash faolligini ta'minlash maqsadida «yozma» va «og'zaki» davra suhbatlaridan foydalanish maqsadga muvofiq.

Yozma «Davra suhbati» - bu birgalikdagi o'qitish metodi bo'lib, bunda qog'oz va ruchka doimo aylana bo'ylab, o'yin ishtirokchilarining kichik guruhi orasida uzatib turiladi. Misol uchun, sheriklardan bir qandaydir g'oyani yozib, keyin varaqni chap tomonidagi sherigiga uzatadi. U o'sha g'oyaga o'zining qandaydir mulohazalarini qo'shadi va vraqni keyingi kishiga uzatadi. Ushbu rusum-qoidaning boshqa variantida har bir ishtirokchi yozuvini o'zining rangi bilan yozadi. Bu umumiy fikrni shakllantirishda qo'shilgan hissani ko'rinarli darajada ko'rsatib turadi va o'qituvchiga tushunishga va har birining ishtirokini qayd qilishga yordam beradi.

Ogzaki «Davra suhbati» - bu birgaliqda o'qitish metodi bo'lib, oldingisiga o'xshaydi, faqat u og'zaki shaklda o'tkaziladi. Har bir ishtirokchi navbati bilan oldingi odam aytgan fikrni ilg'ab oladi va rivoj l antiradi.

**«Chalkashtirilgan mantiqiy zanjirlar ketma-ketligi» interfaol metodi.** Masalan, «Ta’lim metodlari» mavzusi bo’yicha amaliy mashg’ulot o’tkazilayapti, deylik. Dastlab o’qituvchi doskaga ta’lim metodlarni chalkashtirilgan holda yozib qo’yadi. So’ngra, ulardan mazkur metodlarni qaysi guruhga kirishiga qarab, og’zaki, ko’rgazmali va amaliy metodlarga tasniflashni taklif etadi.

Mashq
Hikoya
Videometod
Munozara
Didaktik o’yinlar
Laboratoriya metodi
Suhbat
Tushuntirish
Ma’ruza
Kitob bilan ishlash
Illyustrasiya
Dmeonstrasiya
Og’zaki
Hikoya
Munozara
Suhbat
Tushuntirish
Ma’ruza
Ko’rgazmali
Videometod Kitob bilan ishlash Illyustrasiya Demonstrasiya
Amaliy
Mashq
Didaktik o’yinlar
Laboratoriya metodi

II. Grafik organayzerlar.

T-chizmalar. T-chizma munozara vaqtida qo’shaloq javoblar (ha/yo’q, tarafdor/qarshi) yoki taqqoslash-zid javoblarni yozish uchun universal grafik organayzer hisoblanadi.

“Таълим воситалари” мавзусидаги концептуал жадвал

| Восита | Белгилари | Таърифи | Функцияси | Қоидалари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| Идеал воситалар | | | | | |
| Материал воситалар | | | | | |
| Таълимнинг техник воситалари | | | | | |

Masalan, o'quvchilarga «Zamonaviy oilalar rivojining ijobiy va salbiy jihatlarini aks ettiruvchi T-chizmani to'ldirishni taklif etish mumkin:

Konseptual jadval. o`qituvchilarning mustaqil fikrlashini rivojlantiruvchi grafik organayzerlardan biri, bu - konseptual jadval. Uchta va undan ko'p jihatlar yoki savollarni taqqoslash taqozo etilganida ushbu metod, ayniqsa foydali bo'ladi. Jadval quyidagicha tuziladi: vertikal bo'yicha taqqoslanadigan narsalar, gorizontal bo'yicha esa, ushbu taqqoslash bajariladigan xususiyat va xossalar joylashtiriladi.

Venn diagrammasi. Venn diagrammasi bir-birini kesadigan ikki yoki undan ortiq doiralarda qo'llaniladi, ular o'rtasida yozish uchun yetarli joy kolishi kerak. U g'oyalarni zidlash uchun ishlatilishi yoki ularning umumiy xususiyatlarini ko'rsatib berishi kerak.

Masalan, o'quvchilarga boshlang'ich sinf o'qituvchisining kasbiy faoliyati va innovasion faoliyatini o'zaro taqqoslab o'rganish topshirig'i berilishi mumkin. Topshiriqni bajarish tartibi:

1) kichik guruhlarda Venn diagrammasini tuzadilar va kesishmaydigan joylarida boshlang'ich sinf o'qituvchisining kasbiy faoliyati va innovasion faoliyati fikrlarini oydinlashtirib olib, to'ldiradilar.
2) juftliklarga birlashadilar, o'zlarining diagrammalarini taqqoslaydilar va to'ldiradilar.
3) doiralarning kesishuvchi joyida ikki doira uchun umumiy bo'lgan fikrlar ro'yxatini tuzadi.

ish natijalarining takdimoti.

«Kasbiy faoliyat» tushunchasi

«Innovasion faoliyat» tushunchasi

«Xulosalash» grafik organayzeri. Qo'llash tartibi:

1. o`qituvchilarni beshta guruhga bo'linadi.
2. Har bir guruhga umumiy mavzuning alohida qismlari tushirilgan tarqatma materialni takdim etadi.
3. Har bir guruh o'ziga taqdim etilgan muammo yuzasidan savollarga javob topib, o'z xulosalarini jadval ko'rinishida tayyorlashadi.
4. Barcha guruhlar o'z jadvallari bo'yicha taqdimot qilishadi. Guruhlarning xulosalariga asoslangan holda, umumiy xulosalar chiqariladi.

Ikki qismli kundaliklar grafik organayzeri. Ikki qismli kundaliklar o'quvchilarga matn mazmunini o'z shaxsiy tajribasi bilan chambarchas bog'lash, o'zining tabiiy qiziquvchanligini qondirish imkonini beradi. Ayniqsa, o'quvchilar qandaydir adabiyotlarni o'quv auditoriyasidan tashqari o'qib chiqish topshirig'ini olishganida ikki qismli kundaliklar foydalidir.

Ikki qismli kundalik uchun talabalar yozilmagan qog'ozning o'rtasidan tik chiziq o'tkazib, uni ikkiga ajratishlari kerak. Kog'ozning chap tomoniga matnning qaysi qismi ularga eng ko'p taassurot qoldirganini qayd etishadi.

Ehtimol, u qandaydir xotirani uyg'otar yoki hayotlarida yuz bergan voqyealarni esga tushirar, yoki shunchaki taajjubga solar. Yoxud ularning qalbida keskin norozilik hissini uyg'otar.

Ung tomonida ular sharh berishlari kerak: ayni shu sitatani yozishga ularni nima majbur etdi? Ularga qanday fikrlar uygotdi? Shu munosabat bilan ularda qanday savol

tug'ildi? Qisqasi, matnni o'qirkan, talabalar vaqti-vaqti bilan to'xtashlari va o'zlarining qo'shaloq kundaliklarida shunday belgilar qo'yib borishlari kerak.

III. O'yinlar.

«Zanjir» o'yini. Topshiriqni bajarishga doir ko'rsatma:

1) jadvalning chap tomonida berilgan savol va topshiriqlar bilan tanishib chiqing;

2) jadvalning o'ng tomoniga savolning mazmuniga mos keluvchi javobni topib qo'ying;

3) javobingiz bir so'zdan yoki jumladan iborat bo'lishiga e'tibor qarating.

«BLIS» o'yini.

Topshiriqni bajarishga doir ko'rsatma:

1) jadvalning chap tomonida berilgan tushunchalar bilan tanishib chiqing;

2) dastlab individual ravishda tushunchalarga mos javobni o'ng tomondagi fikrlar orasidan tanlab, tartiblangan raqamini «indiv. javob» ustuniga (masalan «1» raqamli tushunchaga «10» raqamdagi javob) yozib qo'ying;

3) so'ngra xuddi shunday tartibda guruhlarda ishni davom ettiring.

«Charxpalak» o'yini.

Qo'llash tartibi:

1. Quyida berilgan xususiyatlar bilan tanishing.
2. O'zingiz to'g'ri deb hisoblagan xususiyatni mos katak ichiga maxsus belgilar(+, -, X, U )dan biri yordamida belgilang.
# ТАЛАБАЛАРНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШГА ЎРГАТИШ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

***Ибрагимов С.Л.***

*Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти*

**Таянч сўзлар:** моделлаштириш, тизимлар, касбий, таълим, фаолиятли, ёндашув, математик, модел.

**Ключевые слова:** моделирование, системы, профессиональное, обучение, деятель-ностный, подход, математический, модель.

**Key words:** modeling, systems, professional, training, activity, approach, mathematical, model.

Ҳозирги жамиятга ташқи оламга ижобий яратувчанлик муносабатида бўлишга тайёр бўлган инсонга бўлган зарурият муҳим аҳамиятга эга. Ташқи олам ва у билан муносабатларни моделлаштириш ташқи олам билан гармоник муносабатларини ўрнатади.

Бу ҳолат 5350400 - “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими” ихтисослиги ўқув дастурига талаба танлов фани сифатида “Табиий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш” предметини киритиш заруриятини асослайди. Мазкур предметни киритишдан мақсад: касбий таълим ихтисослигини бўлажак битирувчиларини атроф оламда юз бераётган жараёнларни тадқиқ қилишда, бу жараёнларни математик моделларини тузиш ва ҳисоблаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Киритилаётган фанни ўзлаштириш натижасида талабалар қуйидаги компетентликка эга бўладилар:

1) ўрганилаётган муаммоларни сифатли моделини қуриш компетентлигига яъни, улардаги энг муҳимларига тегишли далилларни ажрата билиш ва улар бўйсунадиган қонуниятларни аниқлашдан иборат. Бу компетентлик математикани ўрганиш жараёнида шаклланмайди, лекин барча малакали муҳандис-педагоглар учун у кераклидир;
2) ўрганилаётган муаммоларни математик моделини тузиш компетентлиги, яъни ҳақиқий жараённи абстракт математик белгилар орқали ёза билиш, бунда тузилган математик ифодаларни тадқиқ қилиш қаралаётган жараённинг моҳиятига кириш имкониятини бера олади;
3) амалий масалаларни ечишда математик аппаратни қўллай билиш компетентлиги. Бу компетентлик математика курсини ўзлаштириш жараёнида шаклланади. Ўрганилаётган курсда ёрдамида модель ичидаги ечимларни топиш усулларининг қўлланилиши кенгайтирилади;
4) модель ичидаги ечим натижаларини молеллаштирилган объект билан таққослаш кўникмаси, тузилган математик моделни ва моделлаштирилган объектга берилган дастлабки маълумотларга керакли аниқликда мос келиш даражасини аниқлайди [Р.В.Габдрев49, 92-93 бетлар].

Замонавий таълим жараёнига ўтиш йўлларидан бири - методик таъминот мажмуасини яратишдан иборатдир.

Методик таъминот мажмуасини ишлаб чиқиш заруриятининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

– мавжуд бўлган методик таъминотнинг олий ўқув юртлари ўқув жараёнларида моделлаштиришнинг барча имкониятларини қўллаш йўлларини очиб бера олмаслиги;

– математика курси ҳамда табиий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш курсларини алоҳида-алоҳида эканлиги.

Бу ҳолат ўқув жараёнини ташкил этишни умумлаштиради – ҳаётий принципларга асосланган қарашни замонавий йўлларини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди.

“Табиий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш” предметини ўқув режасидаги бошқа предметлар билан алоқадорлигини аниқлаш ва бу предметни ихтисосликларни касбий тайёрлаш тизимидаги ўрнини аниқлаш учун қуйидагилар:

1) Кафедрадаги предметлар макони модели.
2) Кафедра предметларининг тузилмаси.
3) Кафедра предметларининг асосий функцияси нималардан иборатлилиги ишлаб чиқилди.

Кафедра предметларини ягона тизимга бирлаштирувчи кафедранинг предметлар макони моделини яратиш – умумлашган ҳаётий принципларга асосланган қарашни амалга ошириш - биринчи амалий қадам. Бу қадам кафедранинг ўқув жараёни макони ҳар томонлама тайёр касбий ихтисосликни битирувчисини тайёрлашнинг асосий функциясини ўзига хос томонларини аниқлаш имконини берди.

Ана шулар асосида кафедра предметлари таркиби тузилмаси қайтадан кўриб чиқилди. Бу эса турли предметларнинг функционал ўзаро боғлиқлигини ва уларнинг мазмуни бўйича бир-бирига боғлиқлиги даражасини аниқлаш имконини берди. Мазкур ҳаракатлар натижасида ихтисосликни касбий тайёргарлик тизимида “табиий ва ижтимоий-иқтисодий моделлаштириш” предметининг ўрни аниқланди.

Янги ўқув жараёнини ҳаётий принципларга асосланган ёндашувга кўра ташкил этишда кафедранинг ҳар бир предметини асосий функциялари аниқланади. Бунда предметларнинг мазмунини белгилашга эмас, ихтисоликни бўлғуси битирувчиларида билимни эгаллаш, уларни тадбиқ этиш компетентлигини шаклланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Дастурни ишлаб чиқишнинг биринчи босқичи - ихтисосликни битирувчиси тайёрлашда, уни ўрганиш учун ўқув предметини киритилиш мақсади билан боғлиқ. Ана шу мақсадда 5350400 - “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими” ихтисослигининг мувофиқлик тавсифномаси таҳлил қилиб чиқилди. Бунда ушбу предметни ўрганиш, касбий-педагогик фаолиятига тайёрлаш билан бирга, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишга тайёрлаш имкониятини яратилади.

Иккинчи босқичда предметнинг тузилиши аниқланади. Бунда асосий тизимлашган элемент сифатида предметнинг ўрганиш объекти ва бу объектни ихтисосликни битирувчисни касбий фаолиятига муносабати қаралди.

Учинчи босқичда ҳар бир мавзу мазмуни ва амалий қўлланишига қўйилган, келгусида ўқув предметини ўрганиш мақсадларини аниқлаштирадиган шартлар аниқланди.

Бу шартлар, ҳар бир мавзуни ўрганиб бўлгандан сўнг, талабалар керакли билимни ўзлаштирганлиги ҳамда зарурий кўникмаларни эгаллаганликларини текшириб кўриш имконини берадиган қилиб тузилди.

Тўртинчи босқичда амалий ишлар режалаштирилди. Бунда амалий ишлар биргаликда талабаларда предметни тўла ўзлаштириш амалий кўникмаларни шаклланишига хизмат қилади. Ўқув режани ишлаб чиқишнинг бешинчи босқичида талабаларни мустақил ишларини ҳажми ва мазмуни аниқлаб олинади.

Дастур ва унга ёзилган тушунтирувлар келгусидаги касбий фаолиятида (5350400 - “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими” ихтисослиги)

"Табиий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш" предметининг ўрни ва аҳамиятини белгилайди; келгусида талабалар ишлаб чиқаришда фаолиятларини муваффақиятли давом эттиришлари учун эгаллаши зарур бўлган компетентликларни мазмуни ва ҳажми; мазкур компетентликларни шаклланиши - муҳим, аниқ мазмунга асосланган дунёқараш ғояларини ўзлаштиришга имкон берувчи ўқув муаммолари ва масалаларни белгилаб беради.

"Табиий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш" ўқув дастури кириш қисми ва иккита бўлимдан иборат бўлди.

Кириш қисми предметни ўрганиш маконида талабани ўзига керакли йўналишни шакллантиришга боғланган (замонавий муҳандис-педагог, касбий мактаб педагоги ижодида математик моделлаштириш методлари очиб берилади).

Биринчи бўлимнинг мақсади талабаларнинг ўзларини яратувчанлик имкониятларини тасаввур қила олишларига ва ўзларини ўраб турган оламнинг тизимли эканлигини билишни таъминлашдан иборат. "Оригинал", "модель", уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда модель турлари каби назарий тушунчалар киритилади.

Иккинчи бўлимнинг мақсади, оригинални тизимлаштирилган ўрганишни шакллантиришни ташкил этиш, математик моделларни тузиш ва ўрганишдан иборат. Математик модель тушунчаси киритилади, математик моделлаштиришни назарий жараёнларини объектив мазмуни очиб берилади (бу жараённи ҳар бир ҳаракати тушунтирилади):

1) Берилган оригинални сифатли моделини тузиш (берилган оригинални тизимлашган таҳлили);
2) Берилган оригинални математик моделини тузиш (вазиятни математик белгилар системасига ўтказиш; тизим элементлари ва уларни боғловчи турларини белгилаш; ўрганилаётган жараённи математик моделини тузиш).
3) Модельнинг ички ечими (математик масалани ечиш учун математик аппаратни қўллаш);
4) Модельнинг ички ечими натижаларини моделлаштирилаётган объект билан таққослаш (натижалар интерпретацияси ёки талқини).

Математик моделлаштириш жараёнини ўзлаштириш учун махсус ўқув масалалари ишлаб чиқилди. Бу масалаларни жараённинг ҳар бир алоҳида олинган амаллари учун ва бутун жараён учун тузилган масалаларга ажратиш мумкин.

Яратилган янги режа олдиндан мавжуд режалардан кескин фарқ қилади. Унинг асосида замонавий тизимли ва ҳаётий принципларга асосланган қараш ётади. Предмет мавзулариаро боғланишлар асосида тизимлаштириш амалга оширилган, бунда ўқув мавзуларини кетма-кет ўқитишда ўқув материалларни етарли бўлмаган қисмлари аниқланади. Бунда, фикримизча, ўқув режасининг кириш қисмида янги маълумотларни киритилганлиги - принципиал ўзгаришдир.

Биринчидан, ташқи оламни тизимлаштирилган тузилишига эга эканлиги ҳақидаги маълумот, ҳар қандай жараённи, айниқса моделлаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, табиат ва инсонни бир бутун эканлигига асосланувчи табиий системалар ҳақидаги маълумотлар киритилган. Талабалар, ҳозирги замонда яшаш учун бизни ўраб турган табиий муҳит (табиат) билан ҳамнафас бўлиб яшамаслик мумкин эмаслигини ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни амалга ошириш лозимлигини ҳис қилишлари зарур. Амалий дарсларда талабалар, олдинги

дастурларда учрамайдиган, юқоридаги мазмундаги масалаларни ечдилар.

Учинчидан, инсон ҳақида маълумотлар - ўқув жараёни марказида инсон унинг қизиқишлари, имкониятлари ва интилишларни эътиборга олувчи инсонпарварлик анъаналарини эътиборга олиш заруриятидир.

Дастурда олам яхлит бир тизим сифатида қаралади. Талаба, ихтисосликни бўлажак битирувчиси сифатида, оламни бир бутун яхлит, барча элементларини бир-бири билан боғлиқ равишда тасаввур қилиш қобилиятини шакллантирилади. Бу талабага боғланишларни сабаблари-натижаларини кўриш тушуниб етиш имкониятини беради. Турли ҳаётий ва ишлаб чиқариш жараёнларида тўғри қарор қабул қилишга ўргатади.

Тизимлашган ёндашув ва моделлаштириш талабаларни фойдали касбий фаолиятга тайёрлаб, зарурий методлар билан таъминлайди.

Бу дастурни афзаллиги, уни асосида ҳаётий принципларга асосланган ёндашув ётганлигидадир. Ундан мақсад - масалани ечиш усулларини эгаллаш, компетентликни фойдали шакллантиришдан иборатдир. Бир томондан, бу талабалардан ўқув жараёнини кўргазмали томонларини ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда олиб боришни, ўрганиш жараёнига қизиқишни ҳар доим сақлаган ҳолда, ўқиш орқали ўз-ўзини ўзгартиришга ва қониқиш ҳиссини шакллантирса, иккинчи томондан талабаларда касбий фаолиятини муваффақиятли олиб боришини аниқлайдиган имкониятлар тизимини шакллантиради, жумладан:

- атрофимиздаги олам ходисаларини, жараёнларини, тизимларини ва объектларини ўрганиш;
- атрофимиздаги олам ходисалари, жараёнлари, тизимлари ва объектларини математик моделини тузиш;
- моделнинг ички ечимини топиш;
- ташқи олам билан муносабатларни тузиш;
- ўзининг шахсий ҳаракатларни баҳолаш.

Шундай қилиб, бугунги ахборот технологиялари замонидан истиқомат қилаётган инсон: кузатиши, мулоҳаза қилиши, таклифлар киритиши, қабул қилинган қарорларига жавоб бериши ҳамда муаммо ва қарама-қаршиликларни енга олишга мажбур. Бунинг учун у масалани қўя олиш ва уни бартараф этиш компетентлигига эга бўлиши зарур.

Адабиётлар:

1. Маркова С.М. Теоретические основы проектирования образовательных систем в условиях многоуровневного непрерывного профессионального образования: Автореф.дисс...докт. пед.наук. – СПб, 2002. -50с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада қўршаб турган олам тизимлари ва улар ўртасидаги муносабатларни моделлаштириш маълум бир фаолият шакли бўлиб, у инсонга атроф олам билан гармоник муносабатларни ўрнатишга имкон бериши ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идет что мо¬делирование систем мира и отношений между ними является формой работы, которая позволяет человеку устанавливать гармоничное взаимодействие с ок-ружающим пространством.

SUMMARY

The article says that modeling systems of the world and the relations between them is a form of work that allows a person to establish harmonious interaction with the surrounding space.

# ZAMONAVIY DASTURLASH TILLARINI O'QITISHDA QIYOSIY TAHLILLARDAN FOYDALANISH

***Panjiyev S.A., Eshmurodov A.G'., Xoliqulov B.J.***

*QarMII axborot texnologiyalari kefdrasi o'qituvchilari*

**Tayanch so'zlar:** Delphi,C++,C# dasturlash tili, File.Copy(), File.Exists(), CloseFile (), Remove(), Erase(), File.Delete().

**Ключевые слова:** Язык программирования Delphi,C++,C#, File.Copy(), File. Exists(), CloseFile (), Remove(), Erase(), File.Delete().

**Key words:** Programming language Delphi,C++,C#, File.Copy(), File.Exists(), CloseFile (), Remove(), Erase(), File.Delete().

C++ dasturlash tili hozirgi kunda zamonaviy ob'yektga yo'naltirilgan dasturlashga kirish uchun asosiy kalit sifatida qa-raladi, hamda yuqori darajali samaradorlikka ega bo'lgan dasturiy ta'minot yaratish maqsadida ishlab chiqilgan.

C++ tili boshqa zamonaviy dasturlash tillari uchun asosiy konseptual poydevor vazifasini bajaradi va hozirgi kunda asosiy bazaviy dasturlash tili sifatida professional dasturchilar tomonidan tan olingan va dunyodagi yetakchi oliy ta'lim muassasalarida o'qitiladi. Zamonaviy dasturlash tillari qatoriga kiruvchi Java hamda C# tillari uchun asos vazifasini o'taganligini juda ko'plab manbalarda keltirilgan [2, 3]. Lekin bu ikkala dasturlash tilining bog'lanishi boshqacha tarzda talqin qilinadi.

C++ va Delphi dasturlash tillaridagi bog'lanishlar asosan ulardagi ob'yektlarga yo'naltirilganlik xususiyatlari bilan birgalikda funksiya generator - berilganlarning toifalarga ajratilgan tizim, hamda Win32 ilovalar yaratishdagi umumiy o'xshashliklardan iborat hamda ularni yaratishda bu ikkala til bitta VCL (Visual Component Library) platformasidan foydalanadi.

Dasturlash tillaridagi bog'lanishlarni klassifikatsiyalash asosida qiyosiy tahlil qilish mumkin. Qiyosiy bog'lanishlarning bitta sinfi sifatida mavzular bo'yicha qiyosiy tahlil sinfini qarab chiqish mumkin. Buning uchun oqimlar bilan bog'liq matnli fayllar mavzusi asosida yuqorida keltirilgan 3 ta dasturlash tillarini qiyosiy tahlil masalalarini qarab chiqamiz.

Matnli fayllar universal fayllar turkumi sifatida qaraladi va ma'lumotlarni qayta ishlashda katta qulayliklarga ega. Fayllar bilan ishlash jarayonini odatda 2 qismga ajratish mumkin:

– fayllarni aktivlashtirish va kiritish - chiqarish bilan bog'liq amallar;
– fayllarni qayta ishlash bilan bog'liq jarayonlar;

Fayllarni aktivlashtirish jarayoni biz qarayotgan uchala tilda har xil formatlarda ishlatiladi lekin bajaradigan vazifalari jihatidan bir xil:

– C++ tilida - open ();
– C# tilida - new Stream (Writer yoki Reader);
– Delphi tilida - AssignFile ();

Bu dasturlash tillarida matn fayllarida kiritish - chiqarish bilan bog'liq jarayonlardagi bog'lanishlarni o'zaro qiyosiy jihatdan quyidagicha izohlashimiz mumkin:

– terminlar - (operatorlar, funksiyalarning formatlaridagi o'xshashliklar yoki farqlari jihatidan);
– bajaradigan vazifalari boyicha o'xshashliklari yoki farqlari jihatidan;

C++ va C# dasturlash tillarida kiritish - chiqarish jarayoni oqimlar yordamida amalga oshiriladi va bu jarayon bilan bog'liq funksiyalar qo'llaniladi, shu sabab bu ikkala dasturlash tillaridagi bog'lanish darajasi ancha yuqoridir, ya'ni umumiylik parametrlari ko'p.

Ma'lumotlarni qayta ishlash jarayonlari bilan bog'liq qiyosiy tahlillar sinflar, va ob'yektlar, oqimlar va sistema buyruqlariga bog'liq. Qaralayotgan dasturlash tillaridagi umumiy va farqli jihatlarining ayrimlarining qiyosiy tahlillarini quyidagi jadvalda keltiramiz:

| № | C++ tilida Ifodalanishi va vazifasi | C# tilida Ifodalanishi va vazifasi | Delphi tilida Ifodalanishi va vazifasi | C++/C# tillari aniqlanish sohasining farqlanishi | C++/ Delphi tillari aniqlanish sohasining farqlanishi | C#/ Delphi tillari aniqlanish sohasining farqlanishi |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | is_open() - fayl ochishda xatolikn aniqlash funksiyasi. | File.Exists() - fayl bor yoki yo'qligini tekshirish funksiyasi. | FileExists()- fayl bor yoki yo'qligini tekshirish funksiyasi. | Vazifasi, tipi bir xil, ammo nomi bilan farqlanadi. | Vazifasi, tipi bir xil. ammo nomi bilan farqlanadi. | Vazifasi, tipi bir xil, ammo, nomi bilan farqlanadi. |
| 2 | CopyFile()- funksiyasi mavjud fayldan nusxa olish uchun ishlatilinadi. (#include <windows.h> tubxonasidan foydalanamiz) | File.Copy()- fayldan nusxa olish funksiyasi | CopyFile()- fayldan nusxa olish funksiyasi | Vazifasi, tipi jihatidan bir xil, ammo nomi bilan farqlanadi. Bunda nusxalanayotgan $F$ fayl ko'rsatilgan kotologda mavjud bo'lsa, yangi hosil qilingan $F_n$ faylga nuxsalaydi. bo'lmasa ham yangi Fn fayl joriy kotalogda mavjud bo'lsa ham dastur ishlamaydi. | Vazifasi va tipi jihatidan bir xil. Ammo, nomi bilan bir - biridan farqlanadi. Bunda nusxalanayot-gan $F$ fayl ko'rsatilgan katalogda mavjud bo'lsa, yangi hosil qilingan $F_n$ faylga nuxsalaydi. | Vazifasi va tipi jihatidan bir xil. Ammo, nomi bilan bir biri-dan farqla-nadi.Bunda nusxalanayotgan $F$ fayl ko'rsatilgan kotologda mavjud bo'l-sa, yangi hosil qilingan $F_n$ faylga nuxsalaydi |
| 3 | Remove() - funksiyasi mavjud faylni o'chirish uchun ishlatiladi. Agar o'chirilayotgan fayl mavjud bo'lsa 0, mavjud bo'lmasa - 1 qiymat qaytaradi. Istisno holatlari: agarda o'chirilayotgan fayl mavjud bo'lmasa bu faylni o'chirib bo'lmaydi | File.Delete() - metodi mavjud faylni o'chirish uchun ishlatilinadi Istisno holatlari: agarda o'chirilayotgan fayl mavjud bo'lmasa bu faylni o'chirib bo'lmaydi. | Erase() - protsedurasi mavjud faylni o'chirish uchun ishlatilinadi. Istisno holatlari: agarda o'chirilayotgan fayl mavjud bo'lmasa EinOutErrorga murojaat bo'ladi. DeleteFile () - fayl nomini o'chiradi va manti-qiytarzda ishlaydi | Vazifasi jihatidan bir xil. Ammo, nomi bilan bir - biridan farqlanadi. C++ dasturlash tilida amalda foydalanayotgan faylni Remove() - funksiyasi yordamida shu dasturning o'zida o'chirib bo'ladi. C# dasturlash tilida esa File.Delete () - metodi yordamida amalda foydalanilayotgan faylni shu dasturning o'zida o'chirib bo'lmaydi, ya'ni dasturda xatolik sodir bo'ladi. | Vazifasi bir xil. Ammo, nomi bilan bir - biridan farqlanadi. | Vazifasi jihatidan bir xil. Ammo, nomi bilan bir - biridan farqlanadi. |
| 4 | Close () - faylni yopish funksiyasi | Close () - faylni yopish metodi | CloseFile () - faylni yopish protsedurasi | Vazifasi va nomi bir xil. C++ dasturlash tilida sinf, C# dasturlash tilida esa metod deb nomlanadi | Vazifasi va nomi bir xil. C++ dasturlash tilida sinf, Delphi dastur-lash tilida esa protsedura deb nomlanadi | Vazifasi va nomi bir xil. C# tilida metod, Delphi tilida esa protsedura deyiladi |

Jadval yordamida qiyosiy tahlil qilingan tushunchalarni misollar yordamida uchala dasturlash tilida ifodalab o'tamiz, mos tushunchalar ajratilgan holda berilgan.

Masala Mavjud fayldagi ma'lumotlarni yangi faylga nusxalash hamda ekranga chiqarish dasturi.

Qiyosiy o'qitish jarayonida mazkur masalani uchala dasturlash tilida yechish va ularni o'zaro qiyosiy tahlil qilishni ko'rib chiqamiz.

C++ dasturlash tilida

```
#include <iostream>
#include <fstream>
#include <windows.h>
using namespace std;
int main () {
ifstream reading;
ifstream file_read;
string line;
file_read.open (“d:\\cdata.txt”);
if (file_read.is_open ()) {
CopyFile (“d:\\cdata.txt”,”d:\\copyfile.txt”, FALSE); //Faylni copy qiladi funksiyasi;
reading.open (“d:\\copyfile.txt”);
while (!reading.eof ()) {// ekranga chiqarish uchun;
getline (reading, line);
cout << line << endl;}
reading.close ();}
else {cout << “Nusxalanayotgan adressdagi fayl mavjud emas!!!” << endl;}
return 0;}
```

C# dasturlash tilida

```
using System;
using System.IO;
class Program
{static void Main (string [] args)
{string data_file = “d:\\cdatafile.txt”;
string copy_file = “d:\\ccopyfile.txt”;
if (File.Exists (data_file))
{File.Copy (@data_file, copy_file, true);
Console.WriteLine (File.ReadAllText (copy_file));}
else
{Console.WriteLine (“Nusxalanayotgan adressdagi fayl mavjud emas!!!”);}
Console.ReadKey ();}}
```

Delphi dasturlash tilida

```
programm Project1
{$APPTYPE CONSOLE}
uses
SysUtils;
var
```

```
srcFile: Text;
destFile: Text:
line: string;
begin
AssignFile (srcFile, 'c:\data.txt');
{$I-} Reset (srcFile);
{$I+}
if IOResult = 0 then
begin
AssignFile (destFile, 'c:\copy.txt');
{$I-} Rewrite (destFile);
{$I+} if IOResult = 0 then
Begin while not Eof (srcFile) do
Begin ReadLn (srcFile, line);
WriteLn (destFile, line);
WriteLn (line);
end; CloseFile (destFile);
WriteLn; end;
CloseFile (srcFile);
end; ReadLn; End.
```

Dasturlash tillarini qiyosiy tahlil qilish shu tillarni o'rganish jarayoniga bog'liq. Oliy o'quv yurti talabalari o'qish davrida bir necha tillarni o'rganadilar, bundan tashqari umumiy o'rta ta'lim maktablarida, akademik litsey va kasb - hunar kollejlarida ham ayrim dastirlash tillarini o'rganadilar.

Demak, shuni xulosa qilib aytish mumkinki, bitta dasturlash tilini bilish asosida ikkinchi dasturlash tilini o'rganish uchun qiyosiy o'qitish uslublaridan foydalanish yaxshi samara beradi, ya'ni vaqtni tejash hamda chuqur o'rganish uchun asos bo'la oladi.

Adabiyotlar:

1. Г. Шилдт. С++. Базовый курс. Перевод с англ. 3-издание. Изд. Дом "Вилъямс" Москва Санкт-Петербург -Киев 2008 г.

2. Шилдт Г. Полный справочник по С#. Издательский дом "Вилъямс" Москва Санкт-Петербург - Киев 2004 г

3. Aripov M.M, Babadjanov K. U. "Ob'yektga yo'naltirilgan dasturlash tillarini qiyoыiy o'qitish uslubiyati". Fizika, matematika va informatika. Ilmiy - uslubiy jurnal. - T.: 2009 y. 6 - son.

4. Madraximov Sh.F. Gaynazarov S.M. C++ tilida programmalash asoslari. - T.: 2009 y

5. CAY HORSTMANN. TATU tarjima ikkinchi nashr 2016.

РЕЗЮМЕ

Mazkur ishda obyektga yo'naltirilgan dasturlash tillarini qiyosiy o'qitish masalalalri uchta dasturlash tili misolida matn fayllari yordamida tushuntirib berilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной работе рассматриваются вопросы сравнительного обучения объектно-ориентированных языков программирования на примере обработки данных текстовых файлов.

SUMMARY

In this paper, questions of comparative learning of object-oriented programming languages are examined on the example of processing data of text files.

# МУҲАНДИСЛИК ЙЎНАЛИШИЛАРИ МАСАЛАЛАРИНИ ВИЗУАЛ ДАСТУРЛАШ ТИЛЛАРИ ЁРДАМИДА ЕЧИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

***Эргашев Н.Ғ.***

*ҚарМИИ*

**Таянч сўзлар:** визуализация, график объектлар, график интерфейс, Delphi, Windows, Messages, Forms, Dialogs.

**Ключевые слова:** визуализация, графические объекты, графический интерфейс, Delphi, Windows, Messages, Forms, Dialogs.

**Key words:** visualization, graphic objects, graphic interface, Delphi, Windows, Messages, Forms, Dialogs.

Маълумки, визуализация – мақсаднинг тасаввурдаги образини яратишдир, чунки инсон нимага эришишни истаса, уни қандай амалга оширишни тасаввур эта бошлайди, уни режасини тузади.

Самарали визуализацияни амалга ошириш - истак объекти ва унга эришиш ҳаракатларини ўз ичига олади. Одатда мақсадингизга эришиш учун ҳар бир қадамни тасаввур этишингизга тўғри келади: қайси йўналишда ишлайсиз, қандай тўсиқларни енгишингиз лозим ва буни қандай амалга оширасиз.

Визуализацияни нима учун қўллашади ёки уни тадбиқ этиш учун қандай зарурат мавжуд? Опра Уинфри, Жим Керри, Уилл Смит каби кўплаб тадқиқотчилар визуализацияни муваффақиятларнинг бир қисми деб ҳисоблашган.

Психологлар визуализацияни қуйидаги йўналишлар учун қўллашни тавсия этадилар: янги кўникмаларга эга бўлиш; мураккаб мақсадларга эришиш; ўзини назорат қилиш ва ишонч ҳиссини ошириш; зўриқиш вақтида хотиржамликка эга бўлиш; янги режа ва стратегияларни ишлаб чиқиш.

Амалиётчи инсонлар мазкур техникага ишонмасликлари мумкин. Чунки, у илмга асосланмагандек кўринади. Аслида, визуализация инсон онгги билан бевосита боғлиқ бўлиб, у миямизга таъсир кўрсатади, илмий маълумотлар ҳам буни тасдиқламоқда.

Визуализациядан қандай қилиб тўғри фойдаланиш мумкин? Самарали визуализациянинг бир неча асосий жиҳатлари мавжуд. Масалан, ўлчамга эга аниқ мақсад белгиланг. Визуализация учун расм тўплаганда уни максимал даражада аниқ бўлишига ҳаракат қилинг.

Агар визуализация техникаси ҳам шубҳали кўринаётган бўлса, дастлаб кичикроқ мақсадга эришиш учун ундан фойдаланиб кўринг, хусусан, китобни тез ўқишни ўрганиш, қўшимча иш топиш, янги дўст орттириш. У ҳаётингизга амалий ёрдам беришига ишонч ҳосил қилганингиздан сўнг, уни қолган соҳаларга ҳам тадбиқ этишингиз мумкин.

Визуал дастурлаш – дастур матнни ёзиш ўрнига график объектларни ўзгартириш орқали компьютер дастурини яратиш усулидир. Визуал дастурлаш одатда матн асосида дастурлаш тилларини ривожлантиришнинг кейинги босқичи сифатида тақдим этилади. Масалан, Microsoft Visual Studio, график мосламаларни тартибга солинадиган ва мос келадиган дастур матни бир вақтнинг ўзида кўрсатилади. Визуал дастурлаш асосан график фойдаланувчи интерфейси бўлган операцион тизимлар

учун GUI дастурларини яратиш мақсадида ишлатилади. Визуал дастурлаш муҳити браузерлар учун web-илованi ёзиш имконини беради. Визуал дастурлаш муҳити микроконтроллерлар, програмаланадиган микрочипларни дастурлаш учун консол иловасини (график интерфейссиз консолда) яратишга имкон беради.

Одатда дастурлаш юқори савияли дастурлаш тиллари (Delphi, C++ Builder, Paskal) воситасида амалга оширилади. Бу дастурлаш тилларининг семантикаси инсон тилига яқинлиги туфайли дастур тузиш жараёни анча осон кечади.

Компьютерда дастурлаш – компьютер микропроцессори учун турли буйруқлар бериш, қачон, қаерда нимани ўзгартириш ва нималарни киритиш ёки чиқариш ҳақида буйруқлар беришдир. Дастурлаш тиллари иккита катта гуруҳларга бўлинади, Қуйи ва Юқори даражали дастурлаш тилларидир. Қуйи даражали дастурлаш тили анча мураккаб бўлиб, улар махсус соҳаларда ишлатилади. Қуйи дастурлаш тиллари (масалан: ассемблер) кўпинча миктопроцессорлар билан ишлашда керак бўлиши мумкин. Одатда дастурлаш юқори савияли дастурлаш тиллари (Delphi, Java, C++, Python) воситасида амалга оширилади. Бу дастурлаш тилларининг семантикаси одам тилига яқинлиги туфайли дастур тузиш жараёни анча осон кечади. Ўзбекистонда кўпчилик Delphi тилидан фойдаланади. Бунинг асосий сабаби: соддалиги, компонентларнинг кўплиги, интерфейсининг тушунарлилиги ва ҳ.к.. Лекин, Windowsда дастурнинг асосий ишлаш моҳиятини анча кейин бўлади(компонентларнинг кўплиги ва API функциялари дастурда кўрсатилмаслиги учун). Яна бир тарафи, Delphi(Packal) оператив хотирани тежашга келганда, ундаги камчиликлар сезилиб қолади. Чунки, унда ўзгарувчиларни олдиндан эълон қилиб қўйиш эвазига ишлатилмайдиган ўзгарувчилар ва массивлар ҳам жой олиб туради.

Компьютер ёрдамида ҳал қилинадиган ҳар қандай масала учун махсус дастур ишлаб чиқиш талаб қилинади. Компьютер орқали ечимини кутаётган масалалар учун —эски дастурлаш воситалари ёрдамида дастурлар ишлаб чиқиш иқтисодий жиҳатдан ўзини қопламаслиги ҳамда дастур ишлаб чиқиш жараёнининг мураккаблиги янги дастурлаш тилларига бўлган эҳтиёжни юзага келтиради. Бу масала тажрибали дастурчилар ёки дастурчи гуруҳлар томонидан ҳал қилинади. Ана шундай дастурчиларни тайёрлаш, уларни келажакдаги касбий фаолиятларида эҳтиёжига қараб фойдаланиши учун зарур маълумотларни (дастурлаш асослари, дастурлаш тиллари, ахборот технологиялари ва х.к.) ўргатишдек жараённи самарали ташкил этиш ўқув юртларидаги дастурлаш асослари фани ўқитувчиларининг энг асосий вазифаси ҳисобланди.

Касбий фаолиятда учрайдиган турли ҳил масалаларга замонавий муҳадис - алгоритмлар туза олиш, алгоритмнинг турларни фарқлай олиш, тасвирлаш усулларига оид мисоллар келтириш, рекурсия ва итерация, алгоритмнинг мураккаблиги тушунчаларни ажрата олиш, самарали алгоритмлар ишлаб чиқишнинг асосий усуллари(балансировка, динамик дастурлаш ва бошқалар)ни амалий қуллай олиш, бирор бир дастурлаш тиллари ва уларнинг турларини фарқлай олиш, дастурлаш тиллалари ёрдамида амалий масаллаларга дастурлар туза олиш, массивлар, график операторлар, сатрий катталиклар билан ишлаш, функциялар ва процедуралар, ёзувлар, рўйхатлар, файллар, модулли дастурлар ҳақидаги билимларни амалда қуллай олиш, объектга йўналтирилган дастурлаш тилларидан фойдалана олиш, бошқариш

элементлари, ойналар, диалоглар, воқеалар ва ҳабарлар, объектга йўналтирилган муҳитларда ҳабарларни узатиш ва уларга ишлов бериш, объектлар иерархияси асосида дастурларни лойиҳалаш малакаларига эга бўлишлари керак.

Қуйида Delphi дастурлаш тили визуал муҳитидан фойдаланиб, параболик типдаги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун қўйилган чегаравий масалаларни сонли усулда ечишни дастурий воситадан фойдаланиб ҳал этилишини кўриб ўтамиз.

Масаланинг қўйилиши:

Параболик типдаги хусусий ҳосилали тенгламалар учун қўйилган чегаравий масалаларни сонли ечиш усуллари Иссиқлик тарқалиш тенгламасини сонли ечиш

$$\frac{\partial u}{\partial t} = \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + 5x - 4$$

$$\begin{cases} u = 2x^2 + 5tx \\ u(x,0) = 2x^2 \\ u(0,t) = 0 \\ u(4,t) = 32 + 20t \end{cases}$$

$$t_{\max} = 0{,}2$$




1. Ошкор усул

1) Соҳани дискрет соҳага алмаштириб оламиз ва нуқталарга бўламиз.

$$h = \frac{b-a}{N}, \qquad x_i = a + h_i, \qquad i = \overline{0, N} \quad N = 10;$$

$$\tau = \frac{T}{M}, \qquad t_j = \tau_j, \qquad j = \overline{0, M} \quad M = 40$$

$$\frac{\tau}{h^2} \le \frac{1}{2}$$

$$h = 0{,}4 \qquad \tau = 0{,}0005$$

Соҳада аниқланган функция: $u(x_i, t_j) = u_i^j = u_{ij}$

$$\frac{u_i^{j+1} - u_i^j}{\tau} = a^2 \frac{u_{i+1}^j - 2u_i^j + u_{i-1}^j}{h^2} + f_i^j \qquad (5) \qquad 1 \le i \le N-1$$

$$0 \le j \le M-1$$

(2) шартни ўрнига $u_i^0 = \varphi_i$ (6) ни оламиз.

(3) ни ўрнига
$$u_0^j = \psi^j \qquad (7)$$
$$u_N^j = \xi^j \qquad (8) \qquad j = \overline{1, M-1}$$

Четки нуқталардаги нуқталарни топдик, энди ички нуқталардаги ечимларни киритамиз. Шу нуқталарни белгилаб оламиз.




$$u_i^{j+1} = u_i^j + \frac{\tau a^2}{h^2}\left(u_{i+1}^j - 2u_i^j + u_{i-1}^j\right) + \tau f_i^j \qquad (9) \text{ ошкор усул}$$

(9) бўйича аниқ ечим олиш учун $\frac{\tau}{h^2} < 1$

$\tau$ ҳ дан жуда кичик бўлади.

2.Ошкормас (прогонка) усул

$$\frac{u_i^{j+1} - u_i^j}{\tau} = a^2 \frac{u_{i+1}^{j+1} - 2u_i^{j+1} + u_{i-1}^{j+1}}{h^2} + f_i^j \qquad (10)$$




$u_i^0 = \varphi_i$ (11)

$u_0^j = \psi^j$ (12) $j = \overline{1,\ M-1}$

$u_N^j = \xi_j$ (13)

$$\begin{cases} a_i u_{i+1}^j + b_i u_i^j + c_i u_{i-1}^j = F_i^j \\ \alpha_{01} u^0 j + \beta_{01} u_i^j = \gamma_1^j \\ \alpha_{02} u_{N-1}^j + \beta_{02} u_N^j = \gamma_2^j \end{cases}$$

Прогонка масалссига келтирамиз.

$a_i = \dfrac{\tau a^2}{h^2}$ $b_i = -2\dfrac{\tau a^2}{h^2} + 1$ $c_i = \dfrac{\tau a^2}{h^2}$

$F_i^j = -u_i^{j+1} - f_i^j$

$u_i^0 = \varphi_i$ (11)

$u_i^j = \psi^j$ (12)

$u_N^j = \xi^j$ (13)

Чегравий шартлардан у $_0$ ни топамиз.

$u_0 = x_1 u_1 + z_1$ (8)

$u_0 = -\dfrac{\beta_{01}}{\alpha_{01}} u_1 + \dfrac{\gamma_1}{\alpha_{01}}$ (9)

(8) билан (9) таққослаб, қуйидагиларни топамиз

$$\begin{cases} x_1 = -\dfrac{\beta_{01}}{\alpha_{01}} \\ z_1 = \dfrac{\gamma_1}{\alpha_{01}} \end{cases}$$

(8) тенгламада и=Н деб (4) га қўямиз

$\alpha_{02}(x_N u_N + zN) + \beta_{02} u_N = \gamma_2$

$u_N(\alpha_{02} x_N + \beta_{02}) = \gamma_2 - \alpha_{02} z_N$

$u_N = \dfrac{\gamma_2 - \alpha_{02} z_N}{\alpha_{02} x_N + \beta_{02}}$ (11)

Ўнг прогонка усули:

1) $\alpha_{01}, \beta_{01}, \alpha_{02}, \beta_{02}$ *larni keltirib chiqaramiz* $|\alpha_{01}| \geq |\beta_{01}|$

2) $x_1 = -\dfrac{\beta_{01}}{\alpha_{01}}$ $z_1 = \dfrac{\gamma_1}{\alpha_{01}}$

3) $x_{i+1} = -\dfrac{a_i}{b_i + c_i x_i}$ $z_{i+1} = \dfrac{f_i - c_i z_i}{b_i + c_i x_i}$

4) $u_N = \dfrac{\gamma_2 - \alpha_{02} z_N}{\alpha_{02} z_N + \beta_{02}}$

5) $u_{i-1} = x_i u_i + z_i$

**Натижаси:**







Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Параболик типдаги хусусий ҳосилали тенгламаларни қўйилган чегаравий масалаларни сонли ечишда Визуал дастурлаш тилидан фойдаланиш яхши самара беради, яъни натижа олишда вақтни тежаш ҳамда чуқур ўрганиш учун асос бўла олади.

Адабиётлар:

1 Культин М.Б. Программирование в Turbo Paskal и Delphi, Санкт-Петербург, 2002 г.

2 Кондзюба С.П, Громов В.Н.Delphi. База даннх и приложения. М.-Санкт-Петербург-Киев, 2002 г.

3 WWW.Intuit.ru. Интернет-Университет информасионих технологий. Москва.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада визуал дастурлаш тилларининг аҳамияти, Delphi визуал дастурлаш тили ёрдамида хусусий ҳосилали тенгламаларни Delphi дастурлаш тили визуал муҳити ёрдамида ечиш тушунтириб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статьи исследовано важност языков визуального программирования и языка визуального программирования Delphi, объясняется с помощью визуальной среды языка программирования Delphi.

SUMMARY

In this study, the importance of Visual Programming languages and the Delphi visual programming language are explained by using the Delphi programming language visual environment.

# МАТЕРИАЛШУНОСЛИК ВА КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

***Холмуродов Д.С.***

*Қарши давлат университети*

**Таянч сўзлар:** тизимли ёндашув, тизимли таҳлил, методик тизим, тамойиллар, шаклланиши, таркиб, муҳандис.

**Ключевые слова:** системный подход, системный анализ, методическая система, принципы, формирование, инженер.

**Key words:** system approach, system analysis, methodological system, principles, formation, engineer.

Техника олий ўқув юртлари таълим жараёнида хусусан, “Материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси” фанини ўқитиш жараёни ўзида бир қанча компонентларни бирлаштирган ҳолда мураккаб тизимни намоён этади. Шунинг учун ҳам “Материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси” фанини комплекс ўқув фани сифатида қараш мақсадга мувофиқ бўлиб, техник олий юртлари талабаларини умумтехник ва технологик тайёргаргарлигини таъминлаш учун хизмат қилади.Бунда яхлит ва ҳар бир компонентни алоҳида алоҳида тадқиқ этиш учун тизимли ёндашувнинг асосий концепциясини ишлаб чиқишимизга тўғри келади. Турли фанларда объектларни тизим сифатида ўрганишни назарда тутадиган методологик йўналиш “тизимли ёндашув” атамаси билан номланади. “Тизим – ўзаро муносабатда бўлган, аниқ бирлик ва яхлитликни ташкил этувчи элементлар тўпламидир. Замонавий фанларда, техника соҳасида ва амалий фаолиятда тизим тушунчаси жуда ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади”.

Шу ўринда айтишимиз мумкинки, таълимда тизим тушунчаси унинг турли томонларини: тузилмаси, таркиби, мавжудлик шартлари ва ривожланиш шаклини қамраб олади. Материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси фанларини техника таълим йўналишларида ўқитишнинг методик тизими – техника олий таълимининг ягона тизимига тизим ости (ёки бошқача айтганимизда унинг элементи) сифатида кириб, талабаларда табиий-илмий фанлардан олинган билимлар асосида материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси фанлари бўйича нафақт кўникма ва малакани шакллантиришга имкон беради, балки бошқа предметларни ўзлаштириш натижасида билим ва кўникмаларни ўзаро боғланишини ҳам

таъминлайди.

Тизимли ёндашув устида олиб борилган тадқиқот ишларини таҳлили бизга мазкур ёндашув ҳақида қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

1) мураккаб ташкилий тизимлар конструкцияси ва тадқиқотлар методи вазифаларини ечиш, жумладан, таълимнинг методик тизимини ҳам;
2) тадқиқ этилаётган объектларни тизим сифатида тақдим этадиган воситаларини ишлаб чиқиш ва турли синф ҳамда ўзига хос хусусиятга эгалигига қараб умумлаштирилган тизим моделини қуриш;
3) тизим назарияси таркибини тадқиқ этиш;
4) замонавий материалшунослик таркибларига кўра (микротаркибдан макрохусусиятларга) объект хусусиятини аниқлаш.

Ҳар қандай тизим нисбатан юқори тартибдаги тизимнинг элементи сифатида қаралиши мумкин. Иерархиялик, кўпдаражалик – тизимнинг тузилиши, морфологиясини, унинг ҳаракатланиши ва функция кўрсатишини тавсифлайди. Тизимнинг иерархиклигига мисол сифатида техника олий таълими тизимини материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси фанларини ўқитиш тизимига нисбатан яхлитлилигини, нисбатан юқори тартибли тизимни, нисбатан паст тартибли тизимга бўлган муносабати сифатида қарашимиз мумкин. Шу сабабдан ҳам материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси фанларини ўқитиш тизими техника олий таълими яхлит тизимига компонент сифатида киради. Тадқиқотимизда бундай ёндашувни танлаш шу билан асосланадики, техника олий таълимининг ягона тизими ўзида аниқ синфдаги мураккаб ташкил этилган тизимни намоён этиб, унга материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси фанларини ўқитиш тизими таълимнинг методик тизимига нисбатан пастда турувчи синфдаги тизим сифатида киради.

Мос равишда қуйидаги:

1) турли мураккаб объектларни тақдим этиш воситаларини танлаш (фунда¬ментал, касбий, фаолиятли ва шу каби субъект тизимлари);
2) таълимда материалшуносликни илмий билиш методи ва фундаменталлик ғоясини амалга оширишни тадқиқ этиш (микротаркибдан макрохусусиятларга);
3) материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси фанлари таълимини муҳандислик масалаларини ечишга йўналтирилган фундаменталлик ва илмий билишнинг интегратив боғлиқлигини ўрнатиш имкониятлари пайдо бўлади.

Тизимли ёндашув устида олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили, тадқиқотимизда танлаган ёндашувимиз тўғрилигини тасдиқлаб, тизим тушунчасининг тавсифий белгиларини ажратишга имкон беради:

1) тўпламнинг (гуруҳ) мавжудлиги;
2) элементлар ёки таркибий қисмларни ажратиш;
3) ушбу элементларни тўлдириш учун асос бўладиган аломат ва принципларни ажратиш, хусусан фундаменталлик, бир-бирини тўлдиришлилик принциплари (тамойиллари) - материалшунослик фани бўйича илмий билимлар (микротаркибдан макрохусусиятларга);
4) ушбу уюшмада тартибнинг мавжудлиги;
5) тизимнинг элементлари, таркибий қисмлари ўртасида маълум боғланишлар ва ўзаро таъсирларнинг мавжудлиги;
6) тизимнинг яхлит бирлик сифатида ишлаши;

7) тизимнинг ишлашига мақсадни йўналтириш;
8) тизимнинг ишлаши учун бошқаришнинг мавжудлиги.

Тизим тушунчаси объектнинг яхлитлигини ифода этади, таркиб ҳамда муҳит тушунчалари билан узвий боғлиқдир. Таркиб тушунчаси унинг ички дискретлигини намоён этиб, ўзаро боғлиқ муносабатда бўлган қисмларнинг «ташкилий тузилишини» ифодалайди, шу сабабли улар яхлитлиликни ҳосил қилади .

Яхлитлик – берилган объектнинг ички бирлиги. Тизимнинг мураккаблиги дейилганда,ундажудакўптурли хил боғланишлармавжудлигитушунилади. Ичкитартиб тавсифи, муносабатлар ва элементлар ўртасидаги боғланишларнинг таркиблашганлиги бу тизимни ташкил қилиниши ҳисобланади.

Тизимни яратишда, элементлар уларнинг эҳтиёжлари асосида бир бутун таркиб сифатида, унга нисбатан роли ва функциялари ҳамда уларнинг бир-бирларига функционал мувофиқлигини ҳисобга олинган ҳолда бирлаштирилади.

Бундай ҳолда қуйидагилар зарур:

1) тизим компонентларини ва уларнинг мазмунини аниқлаш;
2) тизимнинг ҳар бир элементига бўлган эҳтиёжни асослаш;
3) тизим ташкил этувчи боғланишларни аниқлаш;
4) тизимнинг ички компонентлари мослигини кўрсатиш;
5) тизимнингишлашиникўрсатиш .

Тизимли ёндашувнинг асосий тушунчалар ва ҳолатларини таълим жараёнига тадбиқи методик тизимни яратиш имконини беради. Тизимли ёндашувдан ташқари, тизимли таҳлилни методик тизим моделининг конструкциялаш усули сифатида қараб чиқиш зарур.

Тизимлитаҳлил – мураккаб,ўта мураккаб объектларни конструкциялаш ватадқиқ қилишда фойдаланиладиган усулларвавоситалартўплами бўлиб, энг аввало ижтимоий, иқтисодий, инсон-машина ва техник тизимларни лойиҳалаштириш, яратиш ва бошқаришдаги қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ҳамда асослаш усулларидир. Тизим таҳлилининг назарий ҳамда методологик асосини тизимли ёндашув ва тизимларнинг умумий назарияси ташкил қилади.

Аммо,агар биз хусусий ҳолда, материалшунослик ва конструкцион материаллар технологиясини ўқитишнинг методик тизимини яратишни қарайдиган бўлсак, у ҳолда замонавий материалшуносликнинг илмий моҳияти таркибига тизимли ёндашув элемент сифатида кириши керак.

Ўқув мақсадларига эришиш учун ўқув жараёнининг мазмунини, талабаларда шакллантирилиши керак бўлган билим ва кўникмаларни, шунингдек мақсадга эришишнинг усуллари, шакллари ва воситаларини аниқлаш керак бўлади. Таълим мақсадлари нафақат билимларни, балки муайян фаолият турларини шакллантиришни ўз ичига олади.

Материалшунослик ва конструкцион материаллар технологиясини ўқитишнинг умумий таълимий мақсадлари қуйидагилардан:

1) замонавий фундаментал таркибий-интегратив ёндашувга асосланган илмий дунёқарашни шакллантириш; материалларнинг физик-механик хусусиятларини аниқлаш ва ўзгартиришга олиб келадиган илмий субстратни (материалнинг микро тузилиши ва уни ўзгартириш механизмлари) танлашдан;
2) материалшунослик махсус мутахассислик фанларининг фундаментал асоси эканлиги ҳақидаги илмий тасаввурни шакллантиришдан;
3) материалларнинг тузилиши, уларнинг аллотропик шакллари, материалларни

емирилишининг дислокацион-таркибий механизми ҳақида билимларни шакллантиришдан;

4) материалларнинг тузилиши ва хусусиятларига таъсири натижасида материалларда юзага келадиган ҳодисаларнинг физик моҳияти тўғрисида билимларни шакллантиришдан;

5) материалларнинг асосий гуруҳлари тўғрисида билимларни шакллантиришдан;

6) муаммоларни ҳал қилиш учун материалшунослик ва конструкцион материаллар технологиясида билим ва кўникмаларни мақсадли қўллашга йўналтирилган талабаларнинг ижодий илмий-техник тафаккурини ривожлантиришдан иборат.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, таълим тизими қуйидагиларни:

1) талабаларда табиий-илмий ва илмий-техник назарий билимларни шакллантиришнинг ўқув мақсадлари таркибига илмий субстратни ажрата олиш ижодий қобилиятлари (микро тузилма ва материалларни хусусиятининг ўзгариши), 2) таълим методлари, шакллари ва воситаларини шакллантиришда материалларни танлаш ва ишлатиш учун фундаментал билимларни қўллай олиш кўникмаси эътиборга олинади. Таълим тизимида ажратиб кўрсатилган компонентларининг қисмлари ўзаро боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тўлдириб туради. Ушбу тизимнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши эса ўқув мақсадларининг мазмуни, усуллари, шакллари ва воситаларининг қай даражада мувофиқлигига боғлиқ.

Адабиётлар:

1. Майков Э.В. Взаимосвязь общепрофессиональных и естественнонаучных дисциплин при подготовке инженерных кадров. Автореф. дисс. док. пед. наук. - М.: 2003.

2. ГагаевА.А. Теория и методология субстратного подхода в научном позна¬нии. Автореф. дисс. док. философ.наук. - М.: МГУ, 1994.

3. Алексеев В.П. Системность как основа в развитии инженерного образования: https://cyberleninka.ru/article/n/sistemnost-kak-osnova-v-razvitii-inzhenernogo-obrazovaniya.

РЕЗЮМЕ

Фаннинг методологик йўналиши сифатида тизимли ёндашувга асосланиб, материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси комплекс (мажмуавий) ўқув фанлари таълими методик тизими талабаларда нафақат билим ва малакаларни шакллантириши, балки келажакдаги муҳандислик фаолиятларида уларни қўллай олиш қобилиятини шакллантириш нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

На основе системного подхода как методологического направления науки проанализирована методическая система обучения материаловедению и технологии конструкции материалов как комплексная учебная дисциплина для студентов втузов, которая должна формировать у студентов не только знания и умения, но и способность их применять в будущей инженерной деятельности.

SUMMARY

On the basis of a systematic approach as a methodological direction of science, the methodological system of teaching materials science and materials construction technology is analyzed as a comprehensive educational discipline for university students, which should form students not only knowledge and skills, but also the ability to apply them in future engineering activities.

# ЎҚУВЧИЛАРДА ФАОЛЛАШТИРУВЧИ ЁНДАШУВ ОРҚАЛИ “АЛГЕБРА” КУРСИДА МАТЕМАТИК ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

***Бобомуродов К.А.***

*Қарши давлат университети*

**Таянч сўзлар:** ўқувчилар, фаоллаштирувчи, ёндашув, математика, тушунчалар, шакллантириш.

**Ключевые слова:** ученики, актуализированный, подход, математика, поятия, формирования.

**Key words:** students, actualized, approach, mathematics, singing, formation.

“Тушунча” атамасига ҳаётий амалиёт ва фандаги турли нуқтаи назарлардан тавсиф берилади. Жумладан, тушунчанинг методологик жиҳатини мантиқ (логика) илми ва фалсафада ўрганилса, инсон индивидуаллиги ва гуруҳларидаги уларнинг боғлиқлигини психология, педагогика ва социология соҳаларида ўрганилади. Ҳар бир фан тизимига янги тушунчаларни киритиш учун аввало ушбу тушунча аниқланади ва таърифланади.

Мантиқий нуқтаи назардан тушунчага шундай таъриф берилади: “... тушунча фикр бўлиб, унда реал предметларнинг ўзига хос фарқ қилувчи хоссалари ва улар ўртасидаги муносабатлар акс этади; тушунча хоссаси ва муносабатлари ҳақида фикр юритиш мантиқий тавсифга эгадир”.

Юқорида келтирилган таърифларни умумлаштириб, қуйидаги хулосани чиқаришимиз мумкин, тушунча – мураккаб мантиқий ва гносеологик категориядир. У қандайдир босқичдаги моддий дунёнинг у ёки бу объектлари ҳақидаги билимларимизни ривожланиши натижасидир. Тушунча пайдо бўлиши билан унинг ўзи ҳам билиш объектига айланади. Шу билан бирга тушунча – тафаккурнинг шаклларидан бири бўлиб, мазкур маънода у билишнинг воситаси сифатида намоён бўлади.

Тушунча объектни акс эттиришнинг шундай шаклики, у буюмларнинг моҳиятини, предметларнинг ички ўзагини, аниқловчи хоссаларини, уларнинг ички зиддиятли табиатини очиб беради. Шунга асосан, тушунча атроф-оламдаги ҳодиса ва предметларнинг муҳим хусусиятларини (томонларини), улар ўртасидаги муҳим боғланишлар ҳамда муносабатларни билишдир, дейишимиз мумкин.

Математика – идеаллаштирилган фандир, унинг ўзига хослиги “предмет”ни буюм сифатида ўзлаштирилишини эмас, балки “предмет” сифатида унинг хоссалари, боғланишлар ва муносабатлари моҳиятини ўзлаштирилишини назарда тутади. Улар (предмет) билан фаолият натижасидагина, унда яширинган мазмун очиб берилади. Барча тушунчалар умумлаштириш амали орқали ташкил топади, бу эса узвий абстрактлаш билан боғлангандир.

Педагогика ва методикада тушунчаларни мутлақ ва нисбийга бўлинишини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Тушунчаларни номланишини ўзи эса ҳар бир гуруҳнинг моҳиятини англатади. Мутлақ тушунчаларда, предметлар моҳияти тавсифланади ҳамда предметларни аниқ бир белгиларига кўра синфларга бирлаштирилади. Нисбий тушунчалар ҳолатида эса объектлар синфларнинг хоссаларига асосан ҳамда бошқа объектларга нисбатан тавсифланишига кўра бирлаштирилади.

Нисбий тушунчалар мутлақ тушунчаларга кўра ўқувчиларни онгли ўзлаштиришларида жиддий қийинчиликлар келтириб чиқариши психологлар томонидан исботланган ва тажриба натижасида ўз тасдиғини топган. Қийинчиликларнинг моҳияти шундан иборатки, ўқувчилар тушунчаларнинг нисбийлигини ҳисобга олмасдан, улардан мутлақ тушунчалар сингари фойдаланишади.

Тушунчани ўзлаштириш ва татбиқи билан ишлашдаги муҳим жиҳат – унинг таърифини киритишдир. “Тушунча таърифи” атамаси кенг ва тор маънода тушунилади. Тушунчага таъриф бериш – аниқланадиган предметнинг барча хосса, жиҳат ва боғланишларини батамом тугалланмаган ҳолда бермасдан, балки унинг энг умумий, асосий ва муҳим хоссаларини қиқсқа шаклда ифодалашдир. Уларни келтириш кўп ҳолларда осон иш эмас, лекин агарда илгари ўзлаштирилган тушунчалардан ўринли фойдаланилса вазифа содда кўринишни олади

Таърифни тор маънода бериш – тушунча маъносини очиб берувчи гапдир, яъни у тушунчани аниқлашга тегишли бўлиб, объектлар синфини ажратиш учун керак бўладиган зарурий ва етарли шартлар тўпламидир. Тушунчани конструкциялаш жараёни - талаб этиладиган объектлар синфини бир қийматли таърифлаш учун етарли бўлган барча зарурий шартларни излаш ва тизимлаштириш сифатида кечади.

Тушунчаларга таъриф беришнинг бир неча усуллари мавжуд. Улардан асосийси: энг яқин тури ва кўринишидаги фарқлар орқали таърифлаш ҳамда предметни ташкил топиш усулини кўрсатиш орқали таъриф бериш - генетик таъриф.

Таъриф беришнинг асосий биринчи усули яқин турни кўрсатиш билан бошланади. Тур тушунчаси – кенг тушунча бўлиб, унга аниқланаётган тушунча кўриниши “мослаштириб” келтирилади. Кейинги босқичда эса, аниқланадиган тушунчани кўринишидаги фарқларга эътибор қаратилади. Ҳар бир турга кўпчилик кўринишлар киради. Тушунчани аниқ таърифини киритиш учун, ушбу турнинг мазмунини, шундай ўзига хос, муҳим белгисини топиш лозимки, таъриф унда кўрсатилган турга кирувчи мазкур тур шу жиҳатлари билан бошқа турлардан фарқ қилиши лозим.

Иккинчи усул – генетик таъриф – шундай таърифки, унда таърифланаётган тушунча предметининг келиб чиқиши, айни вақтда яратилаётган предмет усули кўрсатилади.

Хусусан, “функция ҳосиласи” тушунчаси учун тур тушунчаси – функция, кўринишдаги фарқ эса дифференциаллаш амали орқали ҳосил қилинган функциядир.

Математик мазмуннинг ўзига хослиги (абстрактликнинг юқорилиги, ўзига хос белгилардан фойдаланиш ва бошқаларга) туфайли ўқувчиларда математик тушунчаларни шакллантириш ва уларни онгли ўзлаштириш жараёни жуда мураккаб кечади.

Турли методик қўланмаларни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларни айтишимиз мумкин. Математика ўқитиш методикасида ҳар доим математик тушунчаларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Амалиёт шуни кўрсатадики, муҳим белгиларни билиш мос реал ҳолатларда улардан онгли фойдаланишни таъминламайди. Демак, тушунчанинг шаклланиши – бу нафақат дунёни ўқувчилар онгида алоҳида шаклланиш жараёни, балки аниқ ҳаракатлар тизими ҳам экан. Ўқувчилар аста-секинлик билан қатор босқичларни босиб ўтиб, шахсий амалий тажрибаси натижасида предметларнинг муҳим белгиларини ажратишга ўрганишади.

Юқоридагитаҳлиллар, тушунча таърифини ифодалаш уни онгли ўзлаштирилишини таъминламайди деган хулоса чиқаришимизга асос бўлади.

Тушунчаларни шакллантиришни алоҳида предмет ва ҳодисаларни кузатишни ташкил этишдан, кузатувларни кенгайтириш, ўрганиладиган предмет ва ҳодисаларни умумий муҳим белгиларини аниқлаштиришдан бошлаш лозим.

Математика таълими жараёнида баъзан шундай тушунчалар билан ишлашга тўғри келадики, уларни шакллантиришда бевосита ўқувчи тажрибасига, кўргазмали образларга ва объектни сезги идрок этилишига, илгари ўзлаштирилган билимларга таяниб бўлмайди.

Мактабда тушунчаларни шакллантириш босқичлари атрофлича келтирилган бўлиб, уни шакллантириш ўн тўрт босқичга бўлинган :1) Ҳиссиётли-аниқ идрок этиш. 2) Кузатилаётган объектнинг умумий муҳим хоссалари синфини аниқлаш. 3) Абстрактлаштириш. 4) Тушунча таърифини бериш. 5) Тушунча муҳим белгиларини хотирада аниқлаштириш ва мустаҳкамлаш. 6) Мазкур тушунчани бошқа тушунчалар билан боғлиқлигини ўрнатиш. 7) Ўқув тавсифига эга бўлган элементар масалаларни ечишда тушунчаларни татбиқ этиш. 8) Тушунчаларни классификациялаш. 9) Ижодий тавсифдаги масалаларни ечишда тушунчаларни татбиқ этиш. 10) Тушунчани бойитиш. 11) Тушунчани атрофлича тўлиқ, иккиламчи таърифини бериш. 12) Янги тушунчани ўзлаштиришда мазкур тушунчага таяниш.13) Тушунчани янгитдан бойитиш. 14)Бошқа тушунчалар билан мазкур тушунчани янги боғланишлари ва муносабатларини ўрнатиш.

Математик тушунчаларни шакллантириш босқичларининг биз учун энг қулай деб ҳисоблаган схемаси ҳам мавжуд ва унинг босқичлари кетма-кетлиги қуйидаги кўринишга эгадир: 1) мотивацион босқич; 2) тушунчанинг муҳим хоссаларини ажратиш ва синтез қилиш;3) тушунча таърифини келтириш;4) таърифдаги сўз мазмунини тушуниш ва унинг мантиқий таркибини ўзлаштириш; 5) тушунчани татбиқ этиш;6) ўрганилаётган тушунча билан бошқа тушунчалар ўртасидаги боғланишни ўрнатиш.

Муаллиф ҳар бир босқич учун методик тавсияномаларни, масалалар блокларини контрукциялаш усулларини ва ўрганилаётган тушунчани тизимлаштириш йўлларини атрофлича баён этган.

Психологлар томонидан ҳар қандай тушунчани муваффақиятли ва самарали шакллантириш жараёни учун қуйидагиларни амалга ошириш: тушунчани аниқлаб олиш, тушунчага келтириш ва тушунчага тегишли далилдан натижаларни келтириб чиқариш - умумий ўқув ҳаракатларини ривожлантириши исботланган. Бир вақтнинг ўзида буларнинг барчаси тушунчани шакллантириш воситаси сифатида ҳам намоён бўлади.

Юқорида қайд этилганларнинг барчаси тушунчаларни шакллантириш босқичини ишлаб чиқишдаги ушбу қатор умумий принципларни бирлаштиради: 1) Предмет ҳаракатларини кузатишдан тушунча шаклланиши бошланди; 2) Олинган натижалар асосида тушунчанинг муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларини аниқлашади; 3) Тушунчалар ўзига яқин тур ва кўринишлардаги фарқлар орқали шакллантирилади; 4) Тушунчани ўзлаштириш таъриф билан олиб борилган ишларга юқори даражада боғлиқ.

Қайд этилган принциплар мазкур ёндашувни таълим жараёнига татбиқ қилиниш соҳасини шартлайди. У тур кўриниши таърифини тавсифловчи тушунчаларни шакллантиришда муваффақиятли татбиқ қилиниши мумкин.

Хусусан, алгебра курсидаги тушунчалар таърифи тузилмаси ўзгача мантиққа эгадир. Яъни, тушунча таърифи тур кўриниши усули ўрнига кўпинча генетик (таърифда предметни келиб чиқиши кўрсатилади) усулдан фойдаланилади. Шундай қилиб, ўқувчилар объект-тушунчалар билан ишламасдан, улар учун янги бўлган муноса-

батли-тушунчалар билан ишлашади. Юқорида таъкидланганларнинг барчаси юқори синф алгебра курсида тушунчаларни шакллантириш жараёнини нисбатан мураккаблаштиради.

Тушунчалар моҳияти ва таърифларнинг мантиқий таркибини келиштирган ҳолда алгебра курси тушунчаларини шакллантириш босқичларида уларни мослаштириш зарурати пайдо бўлади.

Юқори синф ўқувчиларида алгебра фани таълими жараёнини ташкил этиш, унда шакллантириладиган математик тушунчалар ўзлаштирилиб, субъектнинг ҳаётий тажрибасига кириши ва шахсий мазмун доирасининг бир қисми бўлиб қолиши масаласи ҳар доим долзарблигича қолади.

Юқори даражадаги абстракт тушунчаларни шакллантиришда фаоллаштирувчи ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тушунчаларни шакллантишдаги фаоллаштирувчи ёндашув қуйидаги ҳолатларда:

– юқори даражадаги абстракт тушунчаларга тегишли бўлса;
– қандайдир янги назариянинг асоси (базаси) бўлиб хизмат қилса;
– таърифда мураккаб мантиқий таркибий белгиларга эгалиги кузатилса;
– таърифда кўрсатилганлар шундай белгиларга эгаки, улардан мазкур синфга тегишли объектни таниш учун фойдаланишда амалга оширилиши мумкин. Масалан, мос алгоритмларни тузиш орқали (ҳисоблаш усуллари).

Демак, фаоллаштирувчи ёндашув - ўқувчи ҳаётий тажрибасидан (ассоциациялар, тасаввурлар, интуитив ечим ва хулосалар) фойдаланишга асосланган, масала ечими воситаси сифатида қатъий тушунчага олиб келадиган тушунчаларни шакллантирувчи ёндашувдир.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган фикрлар бизга қуйидагича хулоса чиқаришимизга имкон берди: математик тушунчаларни шакллантиришдаги фаоллаштирувчи ёндашув “Алгебра” курси мазмунига айнан мос келади. Тушунчаларни шакллантириш жараёнида фаоллаштирувчи ёндашувни амалга ошириш, бевосита математик тушунчалар мазмунини уларни шакллантиш жараёнида очиб бериш билан боғлиқ.

Адабиётлар:

1. Горский Д.П. Вопросы абстракции и образования понятий. - М. : Изд-во Академии наук СССР. -1981. - 347 с., с. 99 - 100
2. Саранцев Г.И. Методика обучения математике в средней школе: учеб. пособие для студ. мат. спец. пед. вузов и ун-тов. -М.: Просвещение. -2002. -224 с.
3. Усова А.В. Формирование у школьников научных понятий в про¬цессе обучения. - М. : Педагогика. - 1986.- 176 с.

РЕЗЮМЕ

Таълим жараёнида тушунчаларни шакллантиришга фаоллаштирувчи ёндашувниамалга ошириш, мавҳум математик тушунчаларни шакллантириш босқичларини мослаштиришни шарт қилиб қўяди, бунда предмет мазмунининг ўзига хослиги ҳисобга олинади.

РЕЗЮМЕ

Актуализированный подход к формированию понятий, реализуемый нами в учебном процессе, обусловил адаптацию этапов формирования абстрактных математических понятий, в ходе которой учитывается специфика предметного содержания.

SUMMARY

The actualized approach to the formation of concepts, implemented by us in the educational process, led to the adaptation of the stages of formation of abstract mathematical concepts, during which the specificity of the subject matter is taken into account.

# УЧУВЧИЛАРНИ ТЕХНИК ТАЙЁРГАРЛИГИ ЖАРАЁНИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

***Толибов Н.Н.***

*ЎР ОҲАБЮ кафедра каттаўқитувчиси, подполковник*

**Таянч сўзлар:** ҳарбий, авиация, жанговар, касбий, экипаж, тренажёр,фаолият, нишон.

**Ключевые слова:** военный, авиация, боевой, профессионал, экипаж, тренажёр, деятельность, цель.

**Key words:** military, aviation, combat, professional, crew, simulator, activity, aim.

Ҳарбий учувчилик касбига тайёрлаш жараёни ўзига хос мураккабликларга эгадир. Учувчилик касбини эгаллаш унга қизиққан йигитлар учун ўзига хос жиддий меҳнат тури сифатида, унга психоэмоционал кучланганлик, ахборот юкламалари, вақт танқислиги кабилар хос бўлиб, атроф-оламни жисмоний омилларининг таъсири билан ҳам ажралиб туради. Ҳарбий авиация учувчиси ҳаво навигациясидан турли шароитларда фойдалана билиши, тактик ва метрологик ҳолатларда учиш аппаратларини жанговар ҳолатини сақлаган ҳолда уларни амалиётга қўллаш вазифаларини бажара олиши лозим.

Ҳарбий учувчилик касби авиация мутахассислигининг ўзига хос махсус касбларидан бири саналади.

Ҳарбий учувчилик касбий фаолиятини мазмуни тарихийлик нуқтаи назаридан аҳамиятли эволюцион йўлни босиб ўтди, хусусан, аппаратларининг нишонга олиш навигация тизимларининг ривожланишидан тортиб, парвозда учувчи зиммасига юкланадиган вазифаларнинг мукаммаллашишигача бўлган ўзгаришларни айтиб ўтишимиз мумкин.

Ҳозирги давр ҳарбий авиация олдига қўйилаётган мажмуавий вазифалар ва юкламаларни жиддий кўпайиши билан тавсифланади. Учиш аппаратларида амалда барча объектларни ерда, ҳавода ва денгизда яксон қилиш имкониятини берадиган нишонга олиш замонавий навигация мажмуалари ўрнатилмоқда. Навигация ва уларни жангда қўллаш вазифалари асосан автоматлаштирилмоқда. Ҳавода ҳарқандай экипаж аъзоларига топшириқлар бериш имконияти туғилди, бунинг оқибатида ҳар бир экипажнинг касбий таёргарлиги даражаси кескин ошди.

Ҳарбий учувчи касби тушунчаси мазмунига аниқлик ва ўзгартиришлар киритиб бориш талаб қилинмоқда, бунинг оқибатида унинг зиммасига қўшимча турли тактик топшириқлар юклатилмоқда. Учувчининг олдига қўйилган вазифаларнинг замон талабига қараб ўзгариши учувчи кадрларни қисман кучайтирилган амалий йўналиш бўйича тайёрлашда ислоҳотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Учувчининг касбий фаолиятини амалга ошириш учун экипаж зиммасига қуйидаги: ахборот-мантиқий, тезкор-тафаккур, бошқарувчилик функциялар юклатилади. Мазкур функцияларнинг ҳар бирини алоҳида алоҳида таҳлил қилиб чиқамиз.

Ахборот-мантиқий функцияси - кўриш, эшитиш, вестибуляр, мушак-тактилли ва бошқалар орқали келаётган идрок этиш, ахборотларни таҳлил қилиш ҳамда қайта ишлашни бирлаштиради. Бу ерда маълумотлар ташқи ва ички алоқа каналлари орқали келиб тушади.

Тезкор-тафаккурли бошқарув функцияси учувчи фаолиятида қисқа вақт интервалида турли даражадаги оптимал ечим ва қарорларни қабул қилишда намоён бўлади.

Самолёт кабинасида бошқарув органлари орқали амалга ошириладиган бошқарув функциялари рационал ва аниқ ҳаракатларни талаб этади.

Барча функциялар айро ҳолда мавжуд бўлмасдан, улар бир-бирлари билан узвий боғланиб кетган. Одатда учувчи бир вақтнинг ўзида ана шу ўзаро боғланиб кетган ижодий ва изланишли тавсифга эга мураккаб занжирли ҳаракатларни амалга оширади.

Ҳарбий учувчи касбий фаолиятининг асосий кўринишлари қуйидагилардан иборат:

1. Маълумотларни тўплаш ва назорат қилиш: парвоз вақтида, тизим ва жиҳозларнинг ишга яроқлилиги, маршрут назорати ва чегара худудларидан ўтиш, маршрут бўйича йўналишни тўғри танлаш, нишонни тўғри олиш ва нишон маълумотларини аниқлаштириш, визуал кузатув орқали радиолокация ва фазовий тахминий мўлжалларни амалга ошириш - 30%;

2. Қарорқабулқилиш - 8%;

3. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш: парвознинг навигация элементлари, шамол йўналиши, учиш аппаратининг жойлашган жойи, йўналиш курсига аниқлик киритиш, парвознинг учиш тезлиги ва баландлиги, мўлжал назорати ва чегаралардан ўтиш вақтлари, нишонга олиш маълумотлари, манёврлар, хисобга олинган чегара баландлигидан пасайиш, қолган ёқилғи миқдори ва бошқалар - 37%;

4. Борт тизимлари ишлашини назорат қилиш ва бошқариш: геотехник ва радиотехник тизимларни, радиоэлектрон жиҳозларни ҳамда бошқа приборларни учишга тўғрилаб мослаштириш ва қайта созлаш - 13%;

5. Коммуникативишлар: бошқарув пункти билан радио алоқа олиб бориш, ердаги радиотехник воситаси чақирувларини (позивнойларини) эшитиш, амалга оширилган ҳаракатлар ҳақида маълумот бериш, манёврларни бажаришга буйруқлар бериш ва экипаж аъзолари саволларига жавоб бериш, эҳтиёткорлик ва радио эҳтиёткорликни амалга ошириш- 7%;

6. Парвозни ҳужжатлаштириш: парвоз харитаси билан ишлаш, нишонга олиш маълумотларини, назорат мўлжалларидан ўтишда бажарилган ҳисоб-китоб ишларини, парвозни амалга ошириш тартибларини борт журналига қайд этиб бориш - 6% .

Шундай қилиб, учувчининг парвоздаги иш фаолияти таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Учувчи парвози, фаолиятнинг юқори суратларда, асаб-эмоционал юкланганлик, учиш омилларининг ноқулай таъсирлари билан тавсифланади.
- Одатда учувчи бир вақтнинг ўзида мураккаб занжирли, ўзаро боғланиб кетган, ижодий изланиш тавсифидаги кўникмалардан фойдаланиладиган ҳаракатларни амалга оширишига тўғри келади. Зиммасига ижодий изланиш тавсифига эга бўлган қийин занжирли вазифани амалга ошириш юклатилади. Қабул қилинган қарор натижаси одатда эҳтимоллик нуқтаи назаридан қаралади.
- Учувчи томонидан касбий мажбуриятларини бажарилиши объектив баҳоланиши мумкин бўлган аниқ вақт параметрларига эга амалиёт мажмуаларида тақдим этилиши мумкин.
- Касбий фаолият кўникмаларининг шаклланмаганлиги ёки шаклланиш даражасининг пастлиги парвоз вазифасни бажарилмаслигига ёки экипаж азъоларининг иш самарадорлигининг кескин пасайиши ҳолатларига олиб келиши мумкин.
- Носозликлар вужудга келганда функционал-амалий фаолият ҳажми

кескин тарзда ошади, бу ностандарт мажбурий вазиятларда билим ва тажрибага таянган ҳолда ҳаракат қилишни талабэтади.

Учувчи ўз фаолиятини муваффақиятли бажариши – компетентликни ҳамда интеллектуал, психофизиологик ва жисмоний касбий муҳим сифатларни уйғунлаштиришни талаб этади. Касбий таълимнинг макро тизими: назарий ва амалий таълим тизимларини ташкил этади. Амалий таълим тизими ўз навбатида учиш таълим тизими ва тренажёр таълим тизимидан (учувчининг тренажёр ва учиш тайёргарлигидан) ташкил топган.

Ўтган давр давомида йиғилиб қолган анъанавий тизим ва техник тайёргарлик методлари, ҳозирги замонавий талабларга тўлақонли жавоб бермайди. Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, республикамизда ягона бўлган олий авиация билим юртида такомиллашган махсус Н-125 вертолётининг процедурали тренажёри мавжуд бўлиб, ундан учувчиларнинг касбий маҳоратни шакллантиришда кенг фойдаланилмоқда.

Тренажёр тайёргарлиги билимни ва маҳоратни мустахкамлайдиган асосий восита бўлиб, у орқали касбий фаолиятга йўналтирган квалификация талабларига мос келадиган парвозларга таёрлашни ташкиллаштириш яхлит ғоя ва режалар асосида амалга оширилиши мумкин.

Касбий фаолиятни ва маҳоратни шакллантириш ҳозирги замон муаммоларидан бири бўлиб, профессор-ўқитувчилар ва инструкторлар таркибининг касбий таёргарлиги пасайиши тенденцияси юзага келмоқда, бироқ парвозлар ва амалий жангавор қўлланишларнинг камлиги ушбу жараёнларда тренажёр таёргарлиги кўпайишига олиб келмади.

Касбий таълим беришнинг анънанавий тарзда ташкил қилиш.

Касбий таълим беришнинг анънанавий ва экспериментал ташкил қилиш:

- Турли таълим воситаларидан фойдаланган ҳолда компетентликни шакллантириш сифати ва даражаси: учувчининг-ўқув самолёти, тренажёрлар ва учишни ҳисобловчи жиҳозлари бир-биридан муҳим жиҳатлари билан фарқланмайди;
- Тренажёр тайёргарлиги тизимида компетентликни шакллантириш методикаси, парвоз таълими методикасининг нусхасидир, бу эса маҳсулдорлик даражаси компетентлигини шакллантириш жараёнига салбий таъсирида кўринади.
- Тренажёрда таълим бериш асосан ўрта ва паст мураккаблик даражасида олиб борилади, тренажёрларнинг имконияти ва ютуқларидан тўлиғича фойдаланилмайди;
- Тренажёрлардаги мустақил машғулотлар фоизи жуда ҳам паст даражада;
- Назорат етарли даражада унумли олиб борилмайди;
- Таълим олувчининг дастлабки тайёргарлик даражасига компетентликни шаклланганлик даражаси сезиларли тарзда боғлиқдир.

Тренажёрлар қуйдагиларни:

- барча турдаги касбий фаолиятни ва компетентликни шакллантиришда учувчилик вазифаларини ечимини топишда транажёрда машқларни амалга ошириш;
- мураккаблик даражаси ҳарқандай бўлганида ҳам таълим хавфсиздир;
- назоратнинг соддалиги ва тўлиқ объективлиги, таълим жараёнларини баҳолашни ва таълим олувчиларнинг билиш фаолиятининг натижаларини статик қайта ишлов бериш имконятининг мавжудлиги;
- доимий ўз-ўзини назорат қилиш имконияти;

- ҳатоликларни аниқлаш ва коррекцияловчи ҳаракатлар самарадорлигини аниқлаш, таълим олувчиларга уни тушунтириш;
- касбий фаолиятда юқори даражадаги моделнинг ўхшаш кўринишида намоён қилиш;
- таълим олишнинг юқори даражадаги мустақиллиги;
- таълим олувчининг индивидуал қобилиятларни инобатга олган ҳолда таълим олишини, яъни индивидуал таълим олишнинг траекториясини амалга ошириш;
- дастурлаштирилган, модулли, муаммоли ва ривожлантирувчи таълим ютуқлари ва имкониятларини амалга ошириш;
- талаб даражасидаги компетентликни шакллантиришда вақт сарфини пасайтириш;
- сезиларли тарзда иқтисодий самарага эришишни таъминлайди.

Адабиётлар:


1.Развитие интеллектуальных возможностей у курсантов авиационных училищ. Учеб. пособие. - М.: Версия, 1997. - 416 с.

2.Толибов Н.Н. Авиационное оборудование МиГ-29. Жиззах. ЖАҲАБЮ босмахонаси. 2014.100-б.



РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ҳарбий учувчилик касбига тайёрлашнинг ўзига хослиги ва уларни назарий ва амалий тайёргарлиги, тренажёрларда бўлғуси учувчилар маҳоратини шакллантириш жараёни, шунингдек таълим беришда учраётган камчиликлар ва уларнинг бартараф этиш чоралари бўйича тавсиялар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена специфике теоретической и практической подготовки военных летчиков, процессу формирования навыков будущих пилотов на тренажерах, а также недостаткам подготовки и мерам по их преодолению.

SUMMARY

The article is devoted to the specifics of the theoretical and practical training of military pilots, the process of forming the skills of future pilots on simulators, as well as the training deficiencies and measures to overcome them.


# ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДА ТЕХНИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ


***Қўзиев Н.М.***

*Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, ўқитувчи*



**Таянч сўзлар:** касбий, муҳандис, фаолият, техник, тафаккур, интеллект, сифат.

**Ключевые слова:** профессиональный, инженер, деятельность, технический, мышление, интеллект, качества.

**Key words:** professional, engineer, technical activities, thinking, intelligence, quality.


Таълим жараёнида талабаларда техник тафаккурни шаклланганлик даражаси динамикасини ва бўлғуси муҳандисларда техник тафаккурни шаклланишининг таянч моментлари ҳақида ўқитувчилар ҳамда талабаларни тасаввурларини ўрганиш

тадқиқотни мақсади бўлди.

Инсоннинг бирор бир касбга эга бўлиши ёки эришиши – касбни танлаш вақтидан бошлаб, шахснинг касб эгаси бўлишгача бўлган яхлит узлуксиз давом этадиган жараёндир. Мазкур тасдиқнинг мантиғидан келиб чиқадиган бўлсак, тадқиқот иштирокчиларининг асосий қисми: ўз касбий танловини амалга ошириб, касбга эга бўлишнинг дастлабки (олий таълимни биринчи босқич) босқичида бўлганларидан бошлаб, касб эгаси бўлиш арафасида турган ва касбга эга бўлишнинг турли қийинчиликларига дуч келган (олий таълим муассасасини битирувчи босқич) талабалариташкил этди. Магистратурада таълим олаётган талабалар мазкур танловда иштирок этишмади.

Тадқиқотнинг эмпирик қисмини ўтказиш жойи сифатида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг қилоқ хўжалигига тегишли бўлган йўналишлар танлаб олинди: 5410500 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича), 5410700- Ер кадастри ва ердан фойдаланиш, 5430100 – Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, 5610600 – Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича).

Олинаётган маълумотлар бир томонлама бўлмаслиги учун, яъни таълим жараёнининг фақат битта субъектидан (талабалардан) олинган бўлмаслиги учун худди шу саволлар бўйича иккинчи субъект (ўқитувчилар) фикрларини тўплаб таҳлил қилиб чиқишга ҳам қарор қабул қилинди.

Тадқиқот жараёнида улар “эталон” гуруҳ ролида иштирок этишди. Мазкур фаолиятда ўқитувчилар ўз касбларини эгаси, яъни умумилмий, техник ва технологик теран билимларга эга бўлганликлари сабабли, уларнинг “техник тафаккур” тушунчаси мазмуни, талабаларда мазкур тафаккурлаш кўринишини шаклланганлик даражасини, техник фанларни ўрганиш жараёнида касбий тафаккур кўриниш динамикаси ҳақидаги фикрларини билиш.

Шундай қилиб, тадқиқот иштирокчиларини тўртта гуруҳга ажратиш мумкин бўлди: 5410500 – Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича), 5430100 – Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналишлари талабалари биринчи гуруҳ, 5410700- Ер кадастри ва ердан фойдаланиш, 5610600 – Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича) ихтисосликлари талабалари иккинчи гуруҳ ҳамда турли йўналишларда машғулот олиб борувчи ўқитувчилар - учинчи гуруҳ.

Эмпирик тадқиқот изланувчи ва ифодаланувчи тавсифга эга бўлганлиги сабабли ҳамда ўрганилаётган муаммонинг мураккаблиги ва кўпқирралилиги эътиборга олиб, тадқиқотнинг асосий йўналишларини белгилаб олдик.

Биринчидан, бизни турли ихтисосликлар талабаларининг техник тафаккурга тафаккурнинг касбий муҳим кўриниши сифатида муносабатлари қизиқтирди:

- “техник тафаккур” атамасини тушунилиши;
- техник тафаккурнинг шаклланганлик даражасини мустақил баҳолай олиш;
- олий муҳандислик таълимида техник тафаккурни шаклланиш жараёнини англаш ёки қандай англанилади.

Иккинчидан, бизни техник тафаккур ҳақида тафаккурнинг касбий муҳим кўриниши сифатида ўқитувчиларнинг фикрлари қизиқтирди:

- техник тафаккур тушунчасининг субъектив мазмуни;
- талабаларнинг техника фанлари турли босқичларини ўзлаштиришларида техник тафаккурнинг шаклланганлик даражасини баҳолаш;
- бўлғуси муҳандисларда техник тафаккурнинг ривожлантиришга

йўналтирилган психологик-педагогик таъсир кўрсатишнинг самарали методларини аниқлаш.

Учинчидан, турли босқич талабаларида техник тафаккурнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш ва турли йўналишларда мазкур даражани динамикасини ўрганиш ҳамда ушбу динамиканинг сабабларни аниқлаш муҳим бўлди. Шундай сабаблар сифатида қуйидаги омиллар:

– техник тафаккурни фаолллаштирувчи ўқув предметлари бўйича ўзлаштириш даражасининг таъсири;
– турли фаолиятлар кўринишларига талабаларнинг мойиллигини таъсири;
– техника билан ишлаш фаолиятига талабаларнинг мойиллигини англаниш даражасини таъсири каби омиллар таҳлил қилиб чиқилди.

Буларнинг барчаси талабалар томонидан техника олий таълимини олиш даврида техник тафаккурнинг шакллантириш тизимини яратиш учун билиш зарур эди.

2015-2018 йиллар давомида ўтказилган эмпирик тадқиқотларда жами 1387 киши иштирок этди, жумладан:

талабалар 1314 улардан 332 таси қиз болалар ва 982таси йигитлар.

ўқитувчилар – 73 киши, улардан 14 таси хотин-қизлар ва 59 таси эркаклар (уларнинг иш стажлари бир неча ойда 42 йилгачадир).

Тадқиқот иккита кетма-кет, мантиқий шартланган босқичлардан ташкил топди.

Тадқиқотнинг биринчи босиқичи талабаларни техника олий таълими муассасасида таълим олишлари даврида техник тафаккурни шаклланиши динамикасини ўрганишга йўналтирилди. Бизни: “Техника олий таълимини олиш даврида талабаларда техник интеллектнинг ривожланиши амалга ошадими?” деган саволга жавоб қизиқтирди холос. Умуман олганда мазкур муаммо ҳам ҳаётий ва ҳам илмий асосларга эгадир. Бир томондан олий таълимда фаолият юритувчи ўқитувчилар талабаларда олий таълим олиш даврида ақлий ривожланиши қайд этилади, бошқа бир томондан – баъзи ҳолларда таълим олишнинг тўлиқ даврида баъзи бир талабаларда интеллектуал ривожланишларида ўзгариш кузатилмайди. Шундай қилиб, эмпирик тадқиқотнинг биринчи босқичи – изланишли тавсифга эга бўлди.

Тадқиқотнинг иккинчи босиқичини ташкил этиш ва ўтказиш қуйидагилар учун:

– тадқиқотнинг биринчи ва иккинчи босқичларида биринчи маротаба иштирок этган талабаларнинг техник тафаккур даражасини таққослаш (биринчи босқичда олинган натижаларни текшириб кўриш);
– тадқиқотнинг биринчи ва иккинчи босқичларида такрорий иштирок этган талабаларнинг техник тафаккур даражасини таққослаш (лонгитюд таҳлилни ўтказиш). Агар такрорий ташҳислаш натижалари дастлабки ташҳислаш натижаларига нисбатан юқори бўлса, у ҳолда таълимнинг ривожлантирувчи самараси ҳақида хулоса қилиш мумкин; натижаларнинг аҳамият касб этмайдиган ўсиши кузатилса, бу тест материалларга ўрганиб қолиш эффектидан гувоҳлик беради.
– техник тафаккурни шаклланиш жараёнига талаба ва ўқитувчиларнинг онгли муносабатда бўлишларнинг ўзига хослигини аниқлаш учун зарурдир.

Адабиётлар:

1 .Klimov.YE.A. Psixologiya professionalnogo samoopredeleniya [Tekst] /YE. A. Klimov. - Rostov-na-Donu: Izd-vo «Feniks», 1996 - 512s

2. Klimov, YE. A. Psixologiya professionalnogo samoopredeleniya [Tekst] /YE. A. Klimov. - Rostov-na-Donu : Izd-vo «Feniks», 1996 - 305-310s

3. Воденников, В. А. Динамика личностных характеристик инженеров в про¬цессе профессионального становления :автореф. дис. ... канд. психол. наук [Текст] / В. А. Воденников. - Казань, 2001. - 24 с.

РЕЗЮМЕ

Муҳандислик касбий фаолияти кўпқиррали бўлганлиги сабабли, турли йўналиш, мутахассислик ва уларни даражалари муҳандис шахсига бўлган умумий талабларни аниқлаш жуда мураккабдир. Муҳандислик фаолияти устида тадқиқот олиб борувчиларнинг барчаси қуйидаги хулосага келишган: техник тафаккур – техник интеллект, техник-конструктив қобилиятлар муҳандиснинг муҳим аҳамиятли касбий сифатлари ҳисобланади.

РЕЗЮМЕ

Поскольку профессиональная инженерная деятельность многогранна, чрезвычайно сложно определить общие требования к личности инженеров раз¬личных направлений, специальностей и уровней. Практически все исследователи инженерной деятельности приходят к выводу, что техническое мышление - тех¬нический интеллект, конструктивно-технические способности является важ¬нейшим профессионально значимым качеством инженера.

SUMMARY

Since professional engineering activity is versatile, extremely difficult to establish common requirements for identity of engineers of different areas, occupations and levels. Virtually all researchers engineering activities have come to the conclusion that technical thinking technical intelligence, constructive-technical ability is an essential professional quality important engineer.

# ТАЪЛИМ КОНТЕКСТИДА ВИРТУАЛ ТАЪЛИМ МУҲИТИДАН ФОЙДАЛАНИШ

***Панжиев С.А.***

*ҚарМИИ, катта ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** «виртуал таълим муҳити», “виртуал ҳақиқат” , “виртуал жамият”, мултимедиа виртуал ҳақиқати , виртуаллик ғояси, интерактивлик, виртуаллик ғояси, виртуализация.

**Ключевые слова:** “виртуальная образовательная среда”, “виртуальная реальность”, “виртуальное общество”, мультимедийная виртуальная реальность, виртуализм, интерактив, виртуальная идея, виртуализация.

**Key words:** virtual learning environment, virtual reality, virtual society, multimedia virtual reality, notion of virtualism, interactivity, virtualization.

Мамлакатимизда ахборотлаштириш ва ахборот коммуникация имкониятларидан фойдаланишни давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонининг ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига доир IV йўналиш, 4.4-бандига кўра таълим тизимини ривожлантириш кўзда тутилади. Унда таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш сиёсатини давом эттириш белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси 2017-йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорнинг биринчи бандида-таълим жараёнини, олий таълим тизимида янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиб такомиллаштириш кўзда тутилган.

«Виртуал таълим муҳити» тушунчасини мазмунан таҳлил қиладиган бўлсак, компьютерлаштириш билан моҳиятан бевосита боғлиқ эмас. Лекин инсон фаолияти ва “виртуал ҳақиқат” ўртасидаги ўхшашликни кўрсатадиган кўплаб янги сиёсий иқтисодий ва маданий ҳодисаларни ўрганишда кенг қўлланиладиган «виртуал ҳақиқат» кўлами ва моҳияти билан чамбарчас боғлиқ.

Мазкур атаманинг келиб чиқишини илмий жиҳатдан аниқлаштириш, унинг таркибини ёритиб бериш, шунингдек, замонавий талқинларининг турли-туманлигидан “виртуал ҳақиқат” ва “виртуал таълим муҳити” тушунчалари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш заруриятини юзага келтиради.

Биламизки, “виртуал ҳақиқат” (virtual reality) атамасини замонавий талқинда кибермаданиятнинг машҳур намоёндаларидан бири Д.Ланье XX аср 80-йилларнинг охирида илмий муомалага киритган эди.

А.Эйнштейнгача замонавий Европа маданияти оламнинг механик ёки И. Ньютон таърифлаганманзарасидан фарқли ўлароқ, виртуаллик ғояси Европа маданияти учун мутлақоянги бўлган. Бунда дунё тузулиши мураккаблигини акс эттирган тафаккур парадигмасини таклиф этади. Шу маънода виртуал ҳақиқатнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд деб айтиш мумкин:

яратишқобилияти;

долзарблик;

автоном;

интерактивлик.

Шунингдек, “виртуал ҳақиқат” бошқа ташқи воқеликнинг фаоллиги туфайли вужудга келади - шу маънода у сунъий, яратилган, ишлаб чиқарилган каби таъсурот уйғотади. Виртуал ҳақиқат фақат “бу ерда ва ҳозир” мавжуд бўлиб, фақат вужудга келтирувчи воқелик фаол бўлганда мавжуддир. Виртуал ҳақиқат ўзининг вақти, майдони ва мавжудлик қонунларига эга. Виртуал ҳақиқатда бўлган одам учун ўтмиш ва келажак йўқ, бу маънода у автономдир. Виртуал ҳақиқат бошқа барча воқеликлар билан ўзаро таъсир қилиши мумкин. Шу нуқтаи назардан “виртуал ҳақиқат” интерфаолдир.

Виртуаллик тушунчаси асосида замонавийликнинг социологик моделларини яратишда уринишлар Германияда А. Бюл , Канадада А. Крокер ва М. Вэйнстейн , Россияда Д.В. Иванов томонидан амалга оширилди.

“Виртуал жамият” назарияси муаллифи А. Бюль нуқтаи назаридан, виртуал ҳақиқат технологияларининг ривожланиши билан компютерлар ҳисоблаш машиналаридан “кўзгу оламини ишлаб чиқариш учун универсал машиналар”га айланди. Шунинг учун “вертуал ҳақиқатни” аниқлаш учун уларни мантиқий қисимларга бўламиз:

1. “Виртуал ҳақиқат” - бу кишилар ўзаро алоқа қиладиган, маълумот алмашадиган тармоқ муҳити.

2. Мултимедиа виртуал ҳақиқати - бу ичига киришмасдан интерфаол мултимедиа имкониятларини кенгайтириш.

3. Сезгир-киришиш виртуал воқелик фойдаланувчига компютер томонидан яратилган дунёда қолиш ва ўзаро алоқада бўлишга имкон берадиган восита, дастурий таъминот ва концептуал воситалар комплексини ўз ичига олади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, “виртуал ҳақиқат” деб компютер технологиясини ва унинг маҳсулоти – фаол ўзаро муносабатда ёки уларнинг ичида виртуал тасвирларни яратиш ва амалга ошириш воситалари ва усулларининг комплексидан фойдаланадиган ва юқори даражадаги ишончлиликка эга бўлган интерфаол “виртуал муҳит” – тушунилади.

Жамиятни ишлаб чиқариш жойи сифатида ҳақиқий муҳитни компютерлар ёрдамида виртуал макон билан алмаштириш А. Бюл виртуализациялаш деб атайди.А.

Бюлнинг “виртуал жамият” тушунчаси билан параллел равишда А.Крокер ва М. Вэйнстейн томонидан «виртуал синф” назарияси яратилган. Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, замонавий техник ишланмалар виртуал объектлар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишга имкон беради ва технологиялар нафақат ҳақиқатни тақлид қилиш, балки уни бутунлай тақдим қилишга қодир.

Виртуал ҳақиқат ягона глобал алоқа майдонни яратадиган Интернет глобал тармоғига ўхшайди. Интернетдаги матнли виртуал ҳақиқатлар кўплаб психологик ва ижтимоий психологик тадқиқотлар объекти бўлибқолди. Интерфаол муҳит сифатидаги «тармоқ виртуал ҳақиқати»га келажакнинг коммуникатив майдони деб қаралади. Шунгингдек, коммуникатив ҳаракатлар ва муносабатларнинг бутун тизими, ҳамда яхлит инсон фаолиятининг натижасида тўпланган ресурслар ягона глобал тузилишга боғланганлигини аниқлаш мумкин. Виртуал дунё ҳақиқатдан ҳам мавжуд бўлган нарсаларнинг моҳиятига кириб бориш ва яхлит маълумотларга кириш имконияти, идрокни кўп ўлчовли визуаллаштириш, лойиҳалаш жараёнларининг мураккаб табиати моҳиятига кўра ҳақиқийлигидан унча фарқ қилмайди. “Виртуал ҳақиқат” юқори даражадаги воқеликка даъво қилиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, виртуал ўзаро мулоқатда тўғри ва акс мулоқатлар мавжуд экан, бундай имкониятдан таълим ва тарбия беришда тўла қонли фойдаланиш мумкин.

“Виртуал ҳақиқат” барча коппонентлари билан бевосита таълим методи ва усулларини ўзида намоён қилади. Шунинг учун “виртуал таълим муҳити” маъносида унинг тамойилларини замонавий таълимда қўллаш самарали бўлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. http://lex.uz/docs/3107036

2. Ўзбекистон Республикаси 2017-йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори http://www.lex.uz/docs/3171590

3. Носов Н. А. Виртуальная реальность (виртуальная философия, виртуальная психология) // Вопросы философии. 1999. № 10. С. 152-164.

4. Розин В. М. Существование, реальность, виртуальная реальность // Концепция виртуальных миров и научное познание. СПб.: РХГИ, 2000. С. 56-74.

5. Севальников А. Ю. Онтологические аспекты виртуальной реальности // Виртуалистика: экзистенциальные и эпистемологические аспекты. М.: Прогресс-Традиция, 2004.

6. Culatta R. The Traditional LMS is Dead: Looking to a Modularized Future. URL:http://www.innovativelearning.com/learning_management/modular-lms.html

7.E-learning. URL: http://ru.wikipedia.org/wiki/E-learning

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада»Виртуал таълим муҳити» тушунчаси ва мазмуни дидактик нуқтаи назардан таълил қилиниб, унинг такомиллаштириб бориш тамойилидан фойдаланган ҳолда метод сифатида қўллаш ғояси илгари сурилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье анализируется концепция и содержание «виртуальной учебной среды» с дидактической точки зрения и предлагается ее использование в качестве метода, использующего принцип совершенствования.

SUMMARY

This article drives the notion and content of the Virtual Learning Environment from a didactic point of view and proposes its use as a method, using the principle of improvement.

# FIZIKADAN VIRTUAL LABORATORIYA ISHLARIGA C++ DASTURLASH TILIDA ELEKTRON ISHLOV BERISH ORQALI TA’LIM SIFATI VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH

**_Turayev S.J._**

_Toshkent axborot texnologiyalari universiteti Qarshi filiali_

**Tayanch so’zlar:** Borland C++ builder6, dasturlash, tahlil, qayta ishlash, natija, laboratoriya stendlari, hisobot.

**Ключевые слова:** Borland C++ builder6, программирование, анализ, обработка, результаты, лабораторные стенды, отчет.

**Key words:** Borland C++ builder6, programming, analysis, processing, results, laboratory stands, report.

Zamonaviy pedagogikaning asosiy vazifasi ilm-fan taraqqiyotining barcha talablariga to‘la javob bera oladigan yetuk kadrlar tayyorlashdan iborat bo‘lib kelmoqda. Pedagogikaning rivoji dunyodagi shiddatli o‘zgarishlardan zinhor orqada bo’lishi mumkin emas. Bu esa o‘z navbatida ta’lim jarayoniga eng ilg‘or vositalarni qo‘llashni taqozo qiladi.

Eng zamonaviy kadr sifati uning dunyoqarashining kengligi, zamonaviy axborot-kommunikatsion texnologiyalarni puxta egallagan bo’lishi, bir so‘z bilan aytganda uning ijodiy va amaliy faoliyatini yuksak darajada faollashgan bo‘lishi bilan belgilanadi. Talaba ijodiy faoliyatining yuksak darajada faollashgan bo‘lishi uchun esa unda matematika, fizika va axborot texnologiyalari sohasidagi bilim va amaliy ko‘nikmalarining yetarlicha shakllangan bo‘lishi zarurdir. Ya’ni talaba biror tabiiy jarayonni fizikaviy talqin qila olishi, matematik hisoblay olishi va qaysidir dasturiy vosita orqali uning virtual yoki grafik tasvirlay olishi uchun yitarli bilim va amaliy ko‘nikmaga ega bo‘lishi zarurdir.

Fizikadan laboratoriya ishlarini bajarishda talaba ijodiy faoliyati davriyligi jarayonini tashkil etish, boshqarish, nazorat qilishning hozirgi an’anaviy amaliyoti shunday shakllanganki, uning zaif tomoni talabaning ijodiy faoliyati aktidan bosqich yoki davrlarga o‘tish maqsadi, vositalari aniq emas. Shuningdek, talaba ijodiy faoliyati natijasi, uning darajalarini aniqlash chegaralari ham ma’lum emas. Xususiydan umumiyga qarab borish yo‘li bilan talaba ijodiy faoliyati davriyligi bayon qilinadi. Bu yo‘l bilan fizikadan laboratoriya ishlarini bajarishga amal qiladigan talaba ijodiy faoliyati davriyligini kuzatish ma’lum darajada osonlashadi.

Talaba ijodiy faoliyati akti va bosqichlarining takomillashib, talaba ijodiy faoliyati davriga aylanishi talaba faoliyatining har bir davrda erishilgan natijalarni qayd etish imkoniyatlarini oshiradi. Fizikadan laboratoriya ishlarini bajarishda talaba ijodiy faoliyati davriyligi ikki subyekt – o‘qitish va o‘qish faoliyatining o‘zaro ta’siri sifatida ajratiladi. Bunday yo‘l tanlanishida qator didakt olimlarning ilmiy izlanishlari nazariy asos bo‘lib xizmat qiladi.

Akademik M.I.Maxmutov o‘z ilmiy izlanishlarida talaba faoliyatini o‘qitish va o‘qishning o‘zaro ta’siri jihatidan asoslab bergan. U hatto, dars tiplarini ajratishda talaba faoliyatini o‘qitish va o‘qish o‘zaro ta’siridan kelib chiqqan. Talaba ijodiy faoliyati ikki tomonlama jarayon bo‘lib, unda o‘qitish va o‘qish faoliyati o‘zaro uyg‘unlashib, natijada talaba ijodiy faoliyatining ijtimoiy institut sifatida amal qilishiga olib keladi. I.Y.Lernerning yozishicha, talaba ijodiy faoliyati jarayoni ijtimoiy tajribaning ma’lum qismini o‘zlashtirish maqsadida o‘qituvchi va talaba o‘zaro ta’siridan shakllanadigan aktdir. Talaba ijodiy faoliyati aktlarining borishi, ularning o‘zaro sintezlashuvidan talaba ijodiy faoliyati jarayonining yanada yerikroq birliklari – bosqich davrlari shakllanadi.

Boshqalarga o‘xshab faoliyat ko‘rsatish, o‘zgalarga ergashish, o‘qituvchi tushuntirishlari va izohlarini tinglash, o‘qituvchi tushuntirganidek fizikadan laboratoriya ishlarini bajarish yo‘llari bilan o‘quvchida amaliy faoliyat shakllana boshlaydi. Laboratoriya ishini bajarishda talaba amaliy faoliyati o‘quvchi xotirasiga mo‘ljallangan bo‘lib, u butun umr bo‘yi takomillashib boradi. Amaliy jarayonda fizikadan laboratoriya ishlarini bajarishda talaba amaliy faoliyatini

faollashtirish maqsadida zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish, xususan fizikadan laboratoriya mashg'ulotlari jarayoniga dasturiy vositalarni qo'llash o'qituvchi va talaba o'zaro ta'siri sifatida muhim ahamiyat kasb etadi.

Fizikani o'rganish jarayoniga kompyuter dasturlarini qo'llashning jiddiy muammolaridan biri dasturlash tilini tanlashdir. Tilni tanlash foydalaniladigan kompyuterlar turiga bog'liq. Kompyuterni o'quv jarayoniga unumli tadbiq qilish uchun kompyuter bilan ta'minlangan hamma ta'lim muassasalar sinf xonalari uchun yagona dasturlash tilini tanlab olish zarur. Bu narsa hozirgi vaqtda ko'p sonli mutaxassislar tomonidan turli yo'nalishlarda ishlab chiqilayotgan pedegogik dasturiy vositalardan foydalanishni ancha soddalashtiradi. Bundan tashqari dasturlarni ko'paytirish va tayyor dasturlarni ta'lim muassasalar sinf xonalariga uzatish mumkin bo'ladi.

Fizikadan laboratoriya mashg'ulotlari jarayonida noan'anaviy uslub sifatida kompyuter va axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish ekologik mazmun kasb etish bilan bir qatorda ham o'qituvchiga, ham o'rganuvchi-talabaga bir qator afzalliklarini yaratadi. Fizikadan laboratoriya mashg'ulotlari sifatini va talabalarning laboratoriya mashg'ulotlariga bo'lgan qiziqishini oshirish maqsadida zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish, laboratoriya mashg'ulotlari jarayoniga dasturiy vositalarni qo'llash bugungi kunda har qachongidan ko'ra muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shu bilan birga fizikadan laboratoriya mashg'ulotlari jarayoniga dasturiy vositalarni qo'llash, masalan, fizikadan laboratoriya ishlarida olingan natijalarga elektron ishlov berish va xisobotini elektron tashkil etish birinchidan talabaga laboratoriya ishlarini topshirish jarayonini osonlashtiradi va tezlashtiradi, ikkinchidan o'qituvchiga ham bir qator qulayliklar yaratadi. Ma'lumki fizikadan laboratoriya mashg'ulotlari jarayoni virtual yoki fizik jihozlar yordamida amalga oshiriladi, bunda olingan natijalar daftarga hisobot shaklida yozilib jadval asosida to'ldiriladi so'ngra o'qituvchi hisobotlarni tekshirib tegishli ball bilan baholaydi.

Yuqorida keltirilgan muammolarni yechimiga yaqinlashish, fizikadan laboratoriya ishlarini bajarish, olingan natijalarga elektron ishlov berish va tahlil qilish, hisobot topshirish jarayonini soddalashtirish, hamda talaba amaliy faoliyatini faollashtirish maqsadida maqolada, namuna sifatida, fizikaviy stendlar yoki virtual usulda olingan natijalarga elektron ishlov berish, hisobotini elektron shakldа to'ldirish va topshirish jarayonini Borland C++ dasturlash tilida dasturini ishlab chiqamiz.

Jarayon quyidagi keltirilgan ketma-ketlik orqali bajarishda o'z ifodasini topadi:

➢ Microsoft Access 2003 dasturi yordamida ma'lumotlar bazasini hosil qilamiz va **db1.mdb** kabi saqlaymiz [2,3]:

Таблица1 : таблица

| Код | L | N | t | T_davr | g | g_o'rt | delta_g | delta_g_o'rt | g_haqiqiy | epsilon |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 1 | 5 | 10,40 | 2,08 | 9,11 | | 0,64 | | | |
| 2 | 1,1 | 7 | 15,1 | 2,15 | 9.38 | | 0,37 | | | |
| 3 | 1,2 | 6 | 13,25 | 2,2 | 9,77 | | 0,02 | | | |
| 4 | 1,3 | 5 | 11,19 | 2,24 | 10,21 | | 0,46 | | | |
| 5 | 1,4 | 6 | 14,41 | 2,4 | 9,58 | | 0,17 | | | |
| 6 | 1,5 | 7 | 17,54 | 2,5 | 9,46 | 9,75 | 0,29 | 0,31 | 9,81 | 3,16 |
| 7 | 1,6 | 8 | 20,4 | 2,55 | 9,7 | | 0,05 | | | |
| 8 | 1,7 | 5 | 12,9 | 2,58 | 10,07 | | 0,32 | | | |
| 9 | 1,8 | 5 | 13,2 | 2,64 | 10,18 | | 0,43 | | | |
| 10 | 2 | 6 | 16,9 | 2,81 | 9,98 | | 0,23 | | | |
| 11 | 0,5 | 8 | 11.6 | 1,4 | 10.06 | | 0,85 | | | |
| 12 | 0,7 | 10 | 16,95 | 1,695 | 9,6 | | 0,15 | | | |
| 13 | 0,9 | 9 | 17,22 | 1,91 | 9,72 | | 0,03 | | | |
| 14 | | | | | | | | | | |
| (Счетчик) | | | | | | | | | | |

➢ 4 ta yangi forma ochamiz va 1-formaga komponentalar palitrasidagi quyidagi komponentalar joylashtiramiz:

**ADO->ADO Connection**, **ADO->ADO Table**, **Data Access->Data Source** ,

**Standard->Main Menu**  **; ActiveX->ShockwaveFlash** ;

**ADO Connection** tarkibiga **Connection String** xossasiga **db1.mdb** ma'lumotlar bazasini

biriktiriladi va **LiginPromt** xossasiga **true** o’rnatiladi;
**Data Source** tarkibidan **Data Set** xossasiga **ADO Table1** o’rnatiladi;
**DB Grid** tarkibidan **DataSource** xossasiga **DataSource1** o’rnatiladi, natijada **DB Grid** oynasida jadval paydo bo’ladi;
**ADOTable** tarkibidan **Active** xossasini **true** ga o’zgartiriladi;
**Main Menu** tarkibiga **Yuriqnoma, Laboratoriya ishi, Jadval, Jadval PDF, Grafik, Pechat (Yuriqnoma, Jadval), Dasturdan chiqish, Dastur haqida** o’rnatiladi;

- Borland C++ builder 6 dasturlash tili komponentalar palitrasida hujjatlar bilan ishlovchi **FastReport4** yuqligi uchun **fr4bcb6.exe** drayverini o’rnatamiz bu esa o’z navbatida hujjatlar bilan ishlash imkoniyatini yaratadi;
- 2-formaga quyidagi komponenetalarni joylashtiramiz:

**Fast Report 4.0->frxReport** , **Fast Report 4.0->frxPreview** ; **frxReport** tarkibidan **Name** xossasiga **frxReport1** o’rnatamiz va **frxReport->Fayl->New Page** yangi oynasiga yo’riqnomani joylashtiramiz;

- 3-formaga quyidagi komponenetalarni joylashtiramiz:

**Fast Report 4.0->frxReport** , **Fast Report 4.0->frxDBDataset** , **Fast Report 4.0->frxPreview** , **Fast Report 4 export->frxPDFExport** ;
**FrxDBDataset** tarkibidan **DataSource** xossasiga **Form1. Data Source1** o’rnatilai; **frxPreview** komponentaga sichqoncha chap tugmasi ikki marta bosilib **Fayl->New Report, Report->Data…** o’rnatiladi;
**Data Controls** tarkibidan **DB Edit** komponentasini formaga joylashtiriladi va **DataSource** xossasini **Form1.DataSource1** nom bilan, **Data Field** xossasini jadvaldagi tegishli nom bilan belgilanadi;




- 4-formaga **Data Controls** tarkibidan **TDBChart** komponentasi joylashtiriladi va **Chart->Add->Fast Line, Series->DataSource->Data Set->Form1.Table1** kabi belgilanadi [4].

1-forma komponentalari uchun yozilgan dastur kodlari quyidagicha:

```
//------------------------------------------------
#include <vcl.h>
#include <mshtml.h>
#pragma hdrstop
#include "Unit1.h"
#include "Unit2.h"
#include "Unit3.h"
#include "Unit4.h"
#include "Unit5.h"
//------------------------------------------------
---------
#pragma package(smart_init)
#pragma link "SHDocVw_OCX"
#pragma link
"ShockwaveFlashObjects_OCX"
#pragma resource "*.dfm"
TForm1 *Form1;
//------------------------------------------------
------
void__fastcall
 TForm1::YURIQNOMA1Click(TObject
 *Sender)
{
Form2->frxReport1->ShowReport();
Form2->frxReport1->Print();
}
//------------------------------------------------
void __fastcall
 TForm1::JADVAL2Click(TObject
 *Sender)
{
Form3->frxReport1->ShowReport();
Form3->frxReport1->Print();
}
//------------------------------------------------
---------
 __fastcall
TForm1::TForm1(TComponent* Owner)
        : TForm(Owner)
 {
 }
//------------------------------------------------
---------void__fastcall
TForm1::LABORATORIYAISHI1Click(T
Object *Sender)
 {
 ShockwaveFlash1-
>Movie=ExtractFilePath(Application-
>ExeName)+"/pendulum-lab.swf";
 ShockwaveFlash1->Play();
 }
//------------------------------------------------
---------
 void __fastcall
TForm1::MENYU1Click(TObject
*Sender)
 {
 Form2->Show();
 Form2->frxReport1->ShowReport();
 }
//------------------------------------------------
---------
 void__fastcall
TForm1::DASTURDANCHIQISH2Click(
TObject *Sender)
 {
 Form1->Close();
 }
//------------------------------------------------
---------
 void__fastcall
TForm1::JADVAL1Click(TObject
//------------------------------------------------
 ---------
void__fastcall
 TForm1::JADVALPDF1Click(TObject
 *Sender)
{
Form3->frxReport1->ShowReport();
Form3->frxReport1->Export(Form3-
 >frxPDFExport1);
}
//------------------------------------------------
 ---------
void__fastcall
 TForm1::DASTURHAQIDA1Click(TObje
 ct *Sender)
{
 Form5->Show();
 Form5->frxReport1->ShowReport();
}
//------------------------------------------------
 ---------
{
ADOConnection1-
 >ConnectionString="Provider=Microsoft.Je
 t.OLEDB.4.0;User ID=Admin;
 DataSource="+ExtractFilePath(Application
 ->ExeName)+ "db1.mdb;Mode=Share
 Deny None;Jet OLEDB:System
 database="";Jet OLEDB:Registry
 Path="";Jet OLEDB:Database
 Password="";Jet OLEDB:Engine
 Type=5;Jet OLEDB:Database Locking
 Mode=1;Jet OLEDB:Global Partial Bulk
 Ops=2;Jet OLEDB:Global Bulk
 Transactions=1;Jet OLEDB:New Database
 Password="";Jet OLEDB:Create System
 Database=False;Jet OLEDB:Encrypt
 Database=False;Jet OLEDB:Don't Copy
```

```
*Sender)
 {
 Form3->Show();
 Form3->frxReport1->ShowReport();
 }
 //-------------------------------------------------
---------
 void __fastcall
TForm1::GRAFIK1Click(TObject
*Sender)
 {
 Form4->Show();
 }
```

```
 Locale on Compact=False;Jet
 OLEDB:Compact Without Replica
 Repair=False;Jet OLEDB:SFP=False;";
ADOConnection1->Connected=true;
ADOTable1->Active=true [5,8];
}
```

Kompilyatsiya jarayoni amalga oshirilgach quyidagi natija kelib chiqadi:




**Dasturning afzalliklari:**

- ✓ Virtual laboratoriya ishini bajarish [7];
- ✓ Jadval ma’lumotlar kiritishni soddaligi va qulayligi;
- ✓ Avtomatik ravishda grafik tasvirni hosil qilish;
- ✓ Jadvalni PDF formatga o’tkazish;
- ✓ Jadval yoki yuriqnomadan nusxa chop etish;
- ✓ Laboratoriya ishida olingan natijalarni tahrir qilish [6];
- ✓ Laboratoriya ishini topshirish va qabul qilishni tezlashtirish;
- ✓ Laboratoriya ishini bajarishda ortiqcha qog’ozbozlikka yo’l qo’ymaslik;
- ✓ Hisobotlarni uzoq muddat va ishonchli saqlanishi;
- ✓ Dasturdan foydalanib o’quvchilarni masofaviy o’qitish imkoniyatlari mavjud [1,7].

Mazkur dasturdan foydalanib O'zbekiston Respublikasi akademik litseylari, kasb-unar kollejlari va umumta’lim maktablarida fizika fanidan laboratoriya darslarida, ayniqsa oliy ta’lim

muassasalarining masofaviy ta'lim tizimidan foydalangan holda ta'lim shakli kunduzgi, sirqi va maxsus sirtqi bo'gan talabalarga laboratoriya mashg'ulotlarini o'tkazish mumkin.

Xulosa o'rnida aytish mumklinki, fizikadan laboratoriya mashg'ulotlari jarayonida o'qituvchining talabalardan hisobot qabul qilishida aniqlik va tezkorlik muhim ahamiyatga ega bo'lib ushbu dastur hisobotlarni qabul qilish va baholash jarayonini bir necha marta tezlashtirishi bilan birga masofaviy ta'lim saytidan to'laqonli foydalanish imkoniyatini yaratadi. Bu esa o'z navbatida ta'lim sifati va samaradorligiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Adabiyotlar:


1. Широкова О.А. Практикум по компьютерному математическому моделированию. Часть II: Компьютерное моделирование физических процессов: учебно-методическое пособие.– Казань: КФУ, 2015г. – 85 с.
2. Черноусова А.М. Создание и использование баз данных. Оренбург: ГОУ ОГУ, 2009. -244с.
3. Подбельский В.В. Язык С++. М.: «Финансы и статистика» 2003г.-562 с.
4. Глушаков С.В. и др. Язык программирования С++. Харьков «Фолио» 2001г.-505 с.
5. Савельев И. В. Курс физики. М.: Наука 1989 г.
6. Turayev S.J. Fizikadan virtual laboratoriya ishini bajarish, olingan natijalarni topshirish va qabul qilishning elektron dasturi. № DGU 05478 raqamli mualliflik guvohnomasi. O'zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi. 25.06.2018 yil.
7. http://phet.colorado.edu
8. http://samouchiteli.ru



РЕЗЮМЕ

Maqolada fizikaviy stendlar yoki virtual usulda olingan natijalarga elektron ishlov berish, hisobotini elektron shakldа to'ldirish hamda topshirish jarayonini Borland C++ builder6 dasturlash tilida ishlab chiqish ko'rsatib o'tilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены программы электронной обработки результатов, полученных при помощи лабораторных стендов по физике или виртуалным методом, а также заполнения и сдачи отчета в электронном виде в программном языке Borland C++ builder6.

SUMMARY

The article presents a method for electronic processing of results obtained with the help of laboratory stands on physics or virtual method, as well as filling out and submitting the report electronically in the program language Borland C++ Builder6.


## ТАЛАБАЛАРДА ИЖОДИЙ КОММУНИКАТИВЛИКНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС АСПЕКТЛАРИ


***Шодиев Р.Д., Ҳаитова Ю.С.***

*Қарши давлат университети*



**Таянч сўзлар:** ижодий, коммуникативлик, талабалар, таълим, креативлик, интеллект, қобилият.

**Ключевые слова:** творческий, коммуникативносить, студенты, воспитание, креативность, интеллект, способность.

**Key words:** creative, communicative, students, education, creativity, intelligence, ability.

Ижодий коммуникативлик феномени туб моҳиятини очиб бериш учун биз тадқиқотимиз нуқтаи назаридан илгари олиб борилган тадқиқот ишлари таҳлилига эътиборимизни қаратамиз.

“Коммуникативлик омилини фаоллаштириши ҳисобига муаммоларни ечиш учун янги имкониятларни ностандарт ва самарали яратиш, у ёки бу коммуникатив вазифанинг ечишнинг янги усулини очиш ёхуд уни такомиллаштиришга субъектнинг қодирлиги сифатида “коммуникатив тайёргарлик” тушунчаси муомалага киритилади [2, 14-б.].

Шахснинг хусусиятлари сифатида коммуникативликнинг асосий белгилари қуйидагилар саналади: 1) коммуникативлик шахс мотивацион соҳасининг компоненти сифатида намоён бўлади (қизиқишлар, кўрсатмалар соҳаси); 2) коммуникативлик мулоқотга доим очиқликни назарда тутади; 3) коммуникативлик ижтимоий фаолликнинг вербал ва новербал воситаларини ўзлаштиришни таъминлайди.

Қийинлаштирилганмулоқотконтекстидаижодийкоммуникативлик“субъектнинг мулоқот мақсадларига эришишга, субъектив фаровонликни сақлаш ва шерик билан субъектлараро муносабатларни оптималлаштиришга қаратилган қийин коммуникатив вазифаларни ҳал этишнинг оригинал, ностандарт усулларини генерациялашга қодирлик”дир. Биз ҳам мазкур таърифни асос қилиб оламиз.

Шундай қилиб, биз ижодий коммуникативликдеганда инсоннинг суҳбатдоши билан субъектлараро муносабатларда мулоқот мақсадларига эришишга ва субъектив муносабатларини сақлашга қаратилган коммуникатив вазифаларни ҳал этишнинг оригинал, ностандарт усулларини генерациялашда намоён бўлувчи қобилиятини тушунамиз.

Мулоқот психологияси тадқиқотчилари мулоқотнинг уч томонини ажратиб кўрсатишади: а) коммуникатив, б) перцептив, в) интерфаол. Мулоқотнинг турли томонларини фаоллашувчи ижодий-коммуникативлик кўрсаткичлари аниқ белгилаб берилганТаҳлил қилинган тадқиқотларни умумлаштирарканмиз, биз ижодий коммуникативликнинг таркибий компонентлари сифатида қуйидагиларни қараймиз:

1. Эмоционал;
2. Когнитив;
3. Конатив.

Эмоционалкомпоненткишида юмор ҳиссини, ижодкорлик мотивациясини, суҳбатдошни эмпатия қабул қилиш туйғусини, шунингдек, эмоционал мослашувчанлик ва беқарорликни ишга тушириб юборади. Ушбу компонент коммуникатив сўзлашув, мулоқот техникасининг мослашувчанлиги ва ҳаракатчанлиги, юмор элементларини жалб қилиш, оригиналлик, суҳбатдошнинг эмоционал ҳолатини тушуниш, эмоционал турфа-хилликни намоён қилишнинг янги усулларини фаол излаш чоғида юзага чиқади.

Когнитив компонентпсихологик қизиққонлик, интеллектуал ташаббускорлик, коммуникатив контактларни ўрнатишнинг осонлиги, мулоқот қилишнинг қулайлиги ва оригиналлиги кабиларни ўзида жамлаган. Когнитив компонент шахс типлари, мулоқот усул ва йўсинлари, вазиятга қараб мулоқот қилиш усулини, суҳбатдошнинг хусусиятларини, коммуникатив контакт вақти, мулоқотдаги тўсиқларнинг олдини олиш, нуқтда сўз бойлиги ва ассоциатив қаторнинг ранг-баранглиги ҳақидаги янги билимлар билан савияни кенгайтириш эҳтиёжи ва истагида ўз ифодасини топади.

Конатив компонентнинг мазмуний таркибини коммуникатив фаоллик, импровизацияга қобилият, мустақиллик ва реакция билдиришнинг адекватлиги ишга

тушади, бу эса коммуникатив контактларга қўшилиш фаоллиги, киришувчанлик, ролга мослашувчанлик ва эгилувчанлик, коммуникатив хулқ-атворнинг оригинал ва адекват шакллари рангбаранглиги, суҳбатга берилиш, ортиқча сўзлардан, танаффусдан, нормативдан ташқари лексикадан қочиш, ҳар қандай суҳбатни қиздира олишда ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, таҳлилларимизижодий коммуникативликни юзага чиқадиган уч асосий соҳани аниқлаб олиш имконини берди:

1. Мулоқот контексти (биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш);
2. Функционал йўналганлик (контактни ушлаб туриш, ўзаро муносабатни мувофиқлаштириш, ахборот алмашиш, функцияларни тақсимлаш);
3. Ўзаро муносабат усулларини операциялаштириш (коммуникатив жараённи вақтинчалик ташкил этиш, мулоқот восита ва усулларини янгилаш).

Адабиётлар:

1. Вишневская О. Н. Актуализация коммуникативной креативности в процессе межсубъектного затрудненного общения :дис. ... канд. психол. наук: 19.00.05 / О. Н. Вишневская. - Кострома, 2015. - 212 с.

2. Голованова А. А. Коммуникативная креативность субъекта как фактор эффективности решения задач :дис. ... канд. психол. наук : 19.00.01 / А. А. Голованова. - Казань, 2003. - 147 с.

3. Khaitova Y. S. The system of developing communicative creativity in future teachers. –научные исследования высшей школы и по приоритетным направлениям науки и техники международной научно-практической конференции.г. УФА, РФ 2019. -136 с.

РЕЗЮМЕ

Ижодий коммуникативликни талабаларда шакллантириш қатор илмий-назарий ҳолатлар билан аниқланади: ижодийлик назариясининг ривожланиши; таълим ва тарбия назариясининг шаклланиши ҳамда шахс коммуникативлигини тарбиялаш ғоясининг ривожланиши.

РЕЗЮМЕ

Проблемы воспитания творческой коммуникативности у студентов определяется целым рядом научно-теоретических предпосылок, а именно: развитием теории творчества; становлением теории воспитания и образования; развитием идей воспитания коммуника¬тивности личности.

SUMMARY

The problems of cultivating creative communication among students are determined by a who lerange of scientificand the oretical back ground, namely: development of the theory of creativity; the establishment of the theory of upbringingand education; development of ideas for the development of personal communication.

## ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТУВЧИ МОДЕЛИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ТАШКИЛОТЧИСИ СИФАТИДАГИ ВАЗИФАЛАР

***Нуруллаева Ш. Ў.***

*Қарши ДУ доценти, педагогика фанлари номзоди*

***Бойматова М.***

*Қарши шаҳридаги 39-мактаб ўқитучиси*

**Таянч сўзлар:** замонавий ўқитувчи, ташкилотчи, таълим жараёни, вазифалар, модель, методик кўрсатмалар, мактабгача таълим жараёни.

**Ключевые слова:** современный учитель, организатор, учебный процесс, задачи, модель, методические указания, процесс дошкольного образования.

**Key words:** modern teacher, organizer, educational process, tasks, model, guidelines, the process of preschool education.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ушбу асосда яратилаётган замонавий таълим модели юртимиз ёшларининг дунё ҳамжамияти илм-фани тараққиётида ўз ўрни ва ўз овозига эга бўлиши учун асос бўлади. Зеро, таълим-тарбия - барча соҳа тараққиётининг асосидир. Жумладан, мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълимнинг таянч босқичи бўлиб, педагогик-психологик жиҳатдан зарурий билим, кўникма ва малакалар, методик кўрсатмалар билан қуролланган мутахассислар томонидан амалга ошириладиган мактабгача таълим жараёни умумий ўрта таълим, хусусан бошланғич таълимни муваффақиятли ташкил этиш учун хизмат қилади. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида мактабга тайёрлов босқичини самарали ўтаган биринчи синф ўқувчисининг мактабдаги таълим-тарбия жараёнига адаптацияси енгил кечади. Мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш ҳамда болаларни мактабгача таълим ёшидан бошлаб пойдевор билимлар билан қуроллантиришга дунёнинг Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Германия, Буюк Британия каби ривожланган мамлакатларида алоҳида эътибор қаратилиб келинаётганлиги бежиз эмас. Юртимизда ҳам таълимнинг ушбу муҳим босқичига алоҳида эътибор қаратилиб, 2016 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2707 сонли қарор қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастур қабул қилинди.

Мактабгача таълим соҳасида қабул қилинган бундай давлат ҳужжатлари МТМ тарбияланувчиларини замон талабларига мос қилиб тарбиялаш борасида ҳам изланишлар олиб боришни тақозо этади. Аммо кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда кичик мактаб ёшидаги болаларнинг, хусусан 1- синф ўқувчиларининг мактабдаги фаолиятлари ни йўлга қўйишда қуйидаги қатор муаммолар юзага келаётганлигини аниқладик:

1. Бола учун бирмунча масъулиятли бўлган мактаб муҳитига мослаша олмаслик. Яъни оила муҳитида ёки МТМда ҳар қандай жиддий, масъулиятли вазифалардан ҳоли бўлган болалар учун янги муҳитга мослашиши қийин кечади.
2. Ўқитувчи қўяётган талабларнинг қатъийлигидан чўчиш. Баъзан ўқитувчининг тажрибасизлиги натижасида ўқувчиларга меъёрдан ортиқ топшириқларнинг берилиши ёки топшириқларнинг бола ёш ва индивидуал хусусиятларига мос бўлмаслиги ушбу муаммони келтириб чиқаради.
3. Билимларни ўзлаштириш жараёнига тайёргарликнинг пастлиги ёки тенгдошларига нисбатан ўзини паст баҳолаш. Бу ҳолат айниқса МТМ га қатнамаган болаларда кўпроқ кузатилади.
4. Қатъий талаблар белгиланган янги кун тартибига мослаша олмаслик. МТМ даги ёки оилада тарбияланаётган бола кун тартибининг мактабга қатнай бошлаган ўқувчи кун тартибидан кескин фарқланиши ва ушбу ҳолатга боланинг тайёр эмаслиги мазкур муаммони келтириб чиқариши мумкин.

5. Ўқитувчи ёки синфдошлари ўртасидаги ўзаро муносабатларининг кескинлашиши. Мактаб муҳитига мослаша олмаслик боланинг атрофидагиларга нисбатан ҳам муносабатнинг ёмонлашувига сабаб бўлиши мумкин.
6. Психологик зўриқишлар натижасида бола саломатлиги ва таълим сифатининг пасайиши. Юқоридаги муаммоларнинг ўз вақтида бартараф этилмаслиги, аввало, бола саломатлиги ёмонлашувига, турли хилдаги психологик зўриқишлар юзага келишига ҳамда ўз навбатида таълим сифатининг паст бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Бошланғич синф ўқитувчиси мактабга илк қадам қўйган ўқувчи дуч келиши мумкин бўлган бундай муаммоларнинг олдини олиш учун, аввaламбор, ушбу муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш лозим. Муаммолар илдизларини ўрганиш жараёнида уларнинг келиб чиқиш сабабларини қуйидаги 3 гуруҳга ажратдик:

**1-гуруҳ.** Субъектив сабаблар: ўқувчидаги эгоцентризмнинг кучлилиги, масъулиятни тан олмаслик, ўйинқароқлик, оила аъзоларининг меҳрини суистеъмол қилиш ва ҳ.к.

**2-гуруҳ.** Педагогик сабаблар: мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг МТМ га тўлиқ қамраб олинмаганлиги, МТМ да мактабга тайёрлов босқичининг нотўғри ташкил этилиши ёки ўқитувчининг тажрибасизлиги ва ш.к.

**3-гуруҳ.** Ижтимоий сабаблар: ота-оналарнинг бола учун масъулиятли бўлган ушбу даврга нисбатан лоқайдлиги, бола ижтимоийлашув жараёнининг қийин кечиши, болани ўраб турган муҳитнинг мактаб ҳаёти билан алоқасининг ёмонлиги.

Демак, ўқитувчи мактабга остонасига илк қадам қўйган бола ҳаётидаги психологик-педагогик муаммоларни бартараф этиш учун ҳам худди шу йўналишларда иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Яъни, биринчидан, психологнинг ўқитувчилар, уларнинг ота-оналари ёки МТМ тарбиячилари билан ҳамкорликда 1-синф ўқувчиларига мўлжаллаб олиб борадиган ишларини ривожлантириш керак.

Инсон ўз ҳаётида болалик давриданоқ бошқа инсонлар билан турли ижтимоий муносабатларга киришади. Инсон ҳаёти бошқалар билан бўладиган турли узлуксиз муносабатлардан иборат бўлган жараёндир. Ана шу муносабатлар эса ҳар доим ҳам бир текис, силлиқ ва тинч давом этавермайди. Психология фани бошқа инсонлар гап оҳанги, юз ҳаракатлари ва бошқа яққол кўзга ташланадиган ҳаракатлардан уларнинг эмоционал ҳолатини аниқлаш тажрибасига эга. Бироқ педагогик мулоқот доирасида бундай масалалар асосли равишда тадқиқ этилмасдан қолмоқда. Шу билан бир қаторда эмоционал қизиқишларни англаб олиш қобилияти, уларга мос ахборотларни қабул қилиш даражасини билиш педагог учун жуда фойдалидир.

Иккинчидан, ўқитувчининг психологик-педагогик ва методик тайёргарлигини такомиллаштириш лозим.

Бугунги кунда бошланғич таълимнинг сифати, самарадорлиги ўқитувчи зиммасига, унинг изланувчанлиги, фидоийлиги, ўз масъулиятини қай даражада хис этишига боғлиқ бўлиб қолди. Дарсларни замонавий усулда ташкил этиш учун бир қатор методик ва педагогик талабларга қатъий риоя қилиш лозим. Биринчи навбатда ўқитувчи назарий ва методик томондан яхши таъминланган ва ўз касбининг жонкуяр фидоийси бўлмоғи даркор. Иккинчидан эса, эстетик дид билан маълум бир тизимда ишланган кўргазмали қуроллар ва тарқатма дидактик материалларга эга бўлиши керак. Шунингдек, ўзи ўқитаётган синф ўқувчиларини ўз фарзанди меҳри билан севиши ва ўз олдига ёш авлодни келажакнинг етук ҳамда баркамол авлоди этиб тарбиялашдек мураккаб ва масъулиятли вазифа турганини унутмаслиги лозим.

Учинчидан, бошланғич синф ўқитувчиси ҳар бир ўқувчида ўзига хос қобилият нишоналарини аниқлаш ва уни ривожлантириш мумкин эканлигига ўқувчининг ўзида ишонч ҳосил қилиш керак.

Олий таълим муассасаси битирувчиси педагогик фаолиятини бошлар экан, унинг учун янги марра сифатида қўлга киритилган диплом ва олий таълим муассасида таҳсил давомида олинган назарий билимлар ҳар доим ҳам ҳаётий вазиятда юзага келадиган кўпгина муаммоларнинг ечими бўла олмайди. Зеро, жамиятда айнан бир хил инсон ва айнан бир хил вазият бўлмаганлиги сингари, бир хил педагогик вазият ва унинг стандарт ечими ҳам мавжуд эмас. Педагогик тажрибага ҳамда етарлича психологик билимларга эга бўлган ўқитувчи ҳар бир ўқувчига ўзига хос ёндашувни танлай олади, улардаги мавжуд лаёқатни, имкониятларни ва иқтидор нишоналарни аниқлаб, уларни ривожлантиришга ҳам муваффақ бўлади.

Тўртинчидан, бошланғич синф ўқитувчилари ота-оналар билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишларни кенгайтириш лозим. Ўқитувчи доимий равишда ўқувчиларнинг ота-оналари билан алоқа ўрнатиб туриши муҳимдир. Айниқса, мактабда ота-оналар учун семинарлар, давра столлари ёки махсус ўқув курслари ташкил этилиши ҳамда ушбу машғулотлар давомида тажрибали ўқитувчилар ва психолог билан ҳамкорликда махсус дастур асосида ота-оналарга педагогик билимлар бериб бориш ўқитувчи меҳнатини бирмунча енгиллаштиради.

Бешинчидан, болада мактабгача таълим муассасасидан бошлаб уни ўраб турган муҳит – ўқувчилар жамоаси, ўртоқлари, оила аъзолари орқали билим олишга бўлган муносабатини ўзгартириш, мактабга ва билим олишга нисбатан меҳрини уйғотиш лозим. Бунинг учун эса ўқитувчи, авваламбор, жамоани тўғри шакллантириши ҳамда жамоада билим олишга интилувчанлик муҳитини яратиши лозим. Баъзан, ўқувчига ота-она ёки ўқитувчига қараганда ўртоқларининг, синфдошлар жамоасининг таъсири сезиларли даражада кучли бўлади. Шу сабабли, жамоавий тарбиядан 1-синфданоқ ўқувчиларни мактаб муҳитига мослашувида ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Демак, бошланғич таълим сифатини ошириш борасида олиб борган изланишларимиз шуни кўрсатадики, узлуксиз таълимнинг асоси бўлмиш мактабгача ва бошланғич таълимнинг узвийлиги, алоқадорлиги ўқувчиларнинг таълим жараёнига адаптациясини енгиллаштиради ва ўз навбатида таълим сифатини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Жалолова Г. Мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш. Тошкент, 2004.
2. Крамаренко Н.С. Адаптация детей к школе как психологическая проблема. www.portal-slovo.ru

РЕЗЮМЕ

Замонавий ўқитувчи моделида унинг таълим жараёни ташкилотчиси сифатидаги вазифалари муҳим ўрин тутади. Мақолада педагогик жараён субъектларидан бири бўлган ўқувчиларни таълим муҳитига адаптацияси борасидаги муаммолар таҳлил қилинган ва ушбу муаммоларни бартараф этишда замонавий ўқитувчи амалга ошириши лозим бўлган вазифалар ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В модели современного учителя его роль как организатора образовательного процесса играет важную роль. В статье анализируются проблемы адаптации учащихся, являющихся субъектами педагогического процесса, к учебной среде, а также обсуждаются проблемы, которые современный учитель должен принять для решения этих проблем.

SUMMARY

In the model of a modern teacher, his role as an organizer of the educational process plays an important role. The article analyzes the problems of adaptation of students who are subjects of the pedagogical process to the learning environment, and also discusses the problems that a modern teacher must accept to solve these problems.

# МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

***Ибраймов А.***

*А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ доценти*

**Таянч сўзлар:** анъанавий малака ошириш, масофавий малака ошириш, малака оширишда ўқитиш шакллари, ўқитиш шакллари орасидаги фарқлар, ўзлаштириш назорати, семинарлар, видеоконференция, вебинар, виртуал моделлаштирилган муҳит.

**Ключевые слова:** традиционное усовершенствование, дистанционное обучение, формы обучения, различия между формами обучения, овладение контролем, семинары, видеоконференции, вебинар, среда виртуального моделирования.

**Key words:** traditional improvement, distance learning, forms of training, differences between forms of training, mastery of control, seminars, video conferences, webinar, virtual modeling environment.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши ўқитиш шаклларига ҳам ўзгаришлар олиб кирмоқда. Масалан ҳозирги кунда ўқитиш жараёнида анъанавий шаклида маъруза, семинар, амалий машғулот, давра суҳбати, мустақил иш, маслаҳат ва бошқалар кенг қўлланилади. Масофавий шаклида эса, электрон маърузалар, видеоконференция ёки вебинар шаклидаги семинар машғулотлари, ахборот технологиялари ёрдамида амалга ошириладиган маслаҳатлар, мустақил ишлаш каби машғулот турларидан, тест синови ва бошқалардан фойдаланилади.

Юқорида таъкидланганлардан малака оширишнинг анъанавий ва масофавий шакллари орасидаги фарқларни таҳлил қилиш ҳамда шу ҳар икки ўқитиш шаклларининг афзал ва камчилик жиҳатларини илмий асослаш орқали ушбу шакллардан тегишли ўринларда фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш мумкин эканлиги кўриниб турибди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, анъанавий ва масофавий малака ошириш шакллари орасидаги фарқларни айрим машғулот турлари мисолида кўриб иқамиз. Жумладан, ушбу шакллар орасидаги фарқларни маъруза машғулоти мисолида қуйидаги кўринишида ифодалаш мумкин.

Анъанавий ва масофавий малака ошириш жараёнида маърузанинг амалга оширилиши анъанавий ўқитиш жараёнида:

маърузани ўтказиш жойи ва вақти аниқ белгиланади, тасдиқланган жадвал асосида ташкил этилади;

таълим олувчилар гуруҳ бўлиб иштирок этадилар;

- маърузани баён қилиш давомида қисқача ёзиб олинади;
- атамаларнинг изоҳи ўқувчига маълумот тарзида оғзаки етказилади;
- ўқув материали фақат маъруза жараёнида баён этилади;
- ўқув материалнинг кўргазмали тақдимоти учун плакат ёки видео проектордан фойдаланилади;
- ўзлаштириш ўқитувчи билан жонли алоқа ва ўзаро таъсирлашув орқали амалга оширилади.

Анъанавий ва масофавий малака ошириш жараёнида маърузанинг амалга оширилиши масофавий ўқитиш жараёнида:

- маърузани ўтказиш жойидан қатъий назар, уни исталган жойдан туриб

ҳамда тингловчи ўзига қулай вақтда тинглаши, кўриши, ўқиши мумкин;
- ҳар бир таълим олувчи мустақил иштирок этиши ва ўрганиши мумкин;
- таълим олувчи маърузa матнини тўлиқ ҳолда олиши имконияти мавжуд;
- атамаларнинг изоҳи ўқувчига глоссарий кўринишида етказилади;
- ўрганилаётган материални бир неча марта такроран ўрганиш имконияти мавжуд;
- материални тақдим этиш учун компьютер технологиялари (аудио ва видео воситалар, мультимедиа, виртуал моделлаштирилган муҳит)дан фойдаланилади;
- ўзлаштириш компьютер технологиялари воситасида ўқитувчи билан реал алоқа орқали амалга оширилади.

Масофавий малака оширишда маърузалар ўқитувчи билан жонли алоқа қилишни инкор қилмайди, шу билан бирга, у бир қатор устунликка ҳам эга. Жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб маърузаларни визуал кўринишда ташкил этиш мумкин бўлиб, бунда маърузаларни хоҳлаган вақтда ва хоҳлаган жойда, масофадан туриб ўрганиш имкони пайдо бўлади.

Таълим жараёнида маъруза ва амалий машғулотларда таълим олувчининг ўқув материалини назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштириш даражасини текшириш учун назорат қилиш усуллари мавжуд. Бунда ўзлаштириш даражасини текширишнинг самарали усулларидан бири тест усулидир. Масофавий малака оширишда тест назорати жуда кенг қўлланилади. Чунки, тест усули масофавий малака оширишда тингловчиларнинг мустақил ўқиш жараёнида ўз-ўзини назорат қилишлари учун қулай, шу билан бирга, мустақил машқ қилиш имконини беради. Қуйида анъанавий ва масофавий малака оширишда тестдан фойдаланишнинг фарқларини кўриб чиқамиз.

Анъанавий ўқитиш жараёнида:
- қоғозда нашр этилган тестлардан фойдаланилади;
- баҳолаш ўқитувчи томонидан муайян даражада субъектив амалга оширилади;
- тест синовини ўтказиш учун аниқ жой ва вақт белгилаб қўйилади;
- тест саволларининг барча турлари қоғоз шаклида бажарилади;
- тестлардан компьютер орқали фойдаланиш мумкин;

Масофавий ўқитиш жараёнида:
- АКТ ёрдамида электрон тестлардан фойдаланилади.
- баҳолаш акт ёрдамида объектив амалга оширилади.
- тест синовидан ўтиш исталган жойдан туриб ва исталган вақтда амалга оширилади.
- тест саволларининг барча турлари (тўғри жавобни танлаш, формула, мосликни танлаш, саволларнинг маъносига кўра қисқа жавоб бериш, бўш қолдирилган жойлар ўрнини тўлдириш ва ҳ.к.) электрон шаклда бажарилади.
- тестлардан асосан компьютер орқали фойдаланилади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, тестдан фойдаланишнинг масофавий шакли бир мунча афзалликларга эга.

Анъанавий ва масофавий малака ошириш курслари якунида малака иши ҳимоя қилинади. Анъанавий малака оширишда ҳимоя ишлари бевосита таълим муассасасида амалга ошириладиган бўлса, масофавий малака оширишда ҳимоя ишлари тингловчи таълим муассасасига келиб ёки масофадан туриб тингловчиларнинг иш жойида, замонавий компьютер технологиялари билан таъминланган таълим муасса-

сасида видеоконференция шаклида амалга оширилиши мумкин. Анъанавий малака оширишдаги малака иши ҳимоясида 1 та ёки 2 та гуруҳ иштирок этиши мумкин. Масофавий малака оширишда эса, кўплаб тингловчилар иштирок этиши мумкин. Бу эса, кўпчилик билан фикр, тажриба алмашиш имконини беради.

Шунингдек, семинар машғулотларини анъанавий малака оширишда ишдан ажралган ҳолда белгиланган вақтда ташкил этилса, масофавий малака оширишда эса, семинарларни видеоконференция, вебинар шаклида ишдан ажралмаган ҳолда ташкил этиш мумкин. Қуйида анъанавий ва масофавий малака оширишда семинарлар ўтказишнинг фарқлари акс эттирилди.

Анъанавий ўқитиш жараёнида:

- семинар иштирокчилари аниқ белгиланган жойда ва вақтда иштирок этадилар;
- семинарнинг бошидан охиригача қатнашиш талаб қилинади;
- аниқ бир мавзу бўйича белгиланган вақтда ташкил этилган семинарда иштирок этилади;
- ўқитувчи иштирокчиларни бевосита кузатади;
- иштирокчилар сони чекланган бўлади;
- семинарда фақат белгиланган жойдаги иштирокчилар қатнашиши мумкин.

Масофавий ўқитиш жараёнида:

- семинар иштирокчилари ўзлари учун қулай жойда ва вақтда иштирок этадилар;
- бир неча қадам кейинга қайтиб олдинги фикрларни бемалол ўқиш, хоҳлаган вақтда муҳокамага қўшилиши имкони мавжуд;
- мавжуд семинарлардан тингловчи ўзи истаган мавзулардаги семинарларни танлаши мумкин;
- иштирокчилар сони чекланмайди;
- ўқитувчи иштирокчиларни масофадан туриб экран орқали кузатади;
- семинарда бир нечта ҳудудлардаги иштирокчилар қатнашиши мумкин.

Бундан кўринадики, масофавий семинарнинг асосий ютуғи иштирокчилар сони чекланмагани ва турли ҳудудлардан туриб иштирок этиш имконияти яратилишидан иборат.

Семинарларни АКТ асосида масофадан туриб ўтказилганда бир вақтнинг ўзида кўп тингловчилар иштирок этиши мумкин. Шунингдек, семинарлардан ташқари масофавий малака оширишда маслаҳатлар телефон, электрон почта, видеоконференциялар орқали амалга оширилади. Маслаҳатлар ўқитувчилар фаолияти долзарб масалалар бўйича тезкор маълумотлар бериб бориш мумкин, бу эса  имкониятини беради.

Шундай қилиб, анъанавий ва масофавий малака оширишда маъруза, семинар, тест синови, маслаҳатларни ташкил қилиш ва ўтказиш усулларини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, анъанавий малака оширишда тингловчи берилган материални ўқийди ва амалий машғулотларни бевосита таълим муассасасида бажаради, масофавий малака оширишда эса, таълим олувчи қаердалигидан қатъий назар, ўзи мустақил равишда ахборотлар билан ишлайди ва электрон тармоқлар орқали бошқалар билан ўз тажрибаларини алмашиш имкониятларига эга бўлади.

Адабиётлар:

1. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х.. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан, 2009 . - 145 б.

2. Елдашева Г.В., Джаналиева Г. Малака оширишда масофавий таълим технологиясидан фойдаланиш // Kasb-hunar ta'limi.–Т.: 2004. - № 4.–Б. 21 - 22.

3. Корякина А.Н. Формирование профессиональных компетенций преподавателей вузов в области дистанционного обучения: Дис. канд. пед. наук. - Санкт-Петербург: ЛГУ, 2007. 168 с.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада масофавий таълимда ўқитиш шаклларини такомиллаштириш масалалари сифатида анъанавий ва масофавий шакллари орасидаги фарқлар малака ошириш жараёнидаги маърузa, семинар, тест синови, турли хил маслаҳатларни ташкил қилиш ва ўтказиш мисолида таҳлил қилиниб, шу ҳар икки ўқитиш шаклларининг афзал ва камчилик жиҳатлари илмий асослашга ҳаракат қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируются различия между традиционными и дистанционными формами в плане улучшения форм дистанционного обучения, в форме лекций, семинаров, тестов и различных консультаций в процессе профессионального развития.

SUMMARY

Analyzing and negotiating the form of business and distance formats in the airplane form with distances, in the form of lectures, seminars, tests, and consultations in the professional training process.

# БЎЛАЖАК ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

***Айтымбетов Н.З.***

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети,*

*Физика кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** интеграция, интегратив ёндашув, бўлажак физика ўқитувчилари, таълим-тарбия жараёни, ўқитувчи.

**Ключевые слова:** интеграция, интеграционный подход, будущие учителя физики, учебно-воспитатльный процесс, преподаватель.

**Key words:** integration, the integration approach, the future teachers of physics, teacher.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳатлар ёшларимизнинг хориждаги тенгдошлари билан илм-фан, маданият, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқатда бўлиши, уларнинг ўз салоҳиятини дунё миқёсида намоён этиши учун катта имконият яратмоқда. Буларнинг барчасида ягона бир мақсад – Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши кераклиги кўзда тутилиши таъкидланди. Шулар бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини глобаллашув жараёни талаблари асосида такомиллаштириш заруриятини вужудга келтирди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "педагог кадрларнинг касбий маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш" олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди .

Ахборотлар кўламининг ортиши, бўлажак ўқитувчиларга бериладиган билимлар ҳажмининг кўпайиши ўқитиладиган фанлар миқдорининг ортишига олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бўлажак ўқитувчиларга психологик ва физиологик жиҳатдан уларнинг фанга бўлган қизиқишларини сусайтиришга, билимларни ўзлаштириш даражасининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Бундай салбий ҳолатларни бартараф

этиш учун ўқув фанларини интеграциялаш муаммосини муваффақиятли ҳал этиш зарурати вужудга келади.

Педагог олимлар тадқиқот ишларининг таҳлили натижаларидан маълум бўлмоқдаки, бўлажак ўқитувчилар ўрганадиган ўқув материалларининг кўлами кенг ва мураккаб, уларнинг баён этилиши ортиқча зўриқишга олиб келади, кенг ҳажмдаги маълумотларни эслаб қолишга ундайди, шу билан бирга, замонавий фан асослари техник ва ишлаб чиқариш технологиясидан орқада қолишга олиб келади.

Бу эса таълим сифатини оширишда фанлараро интеграциянинг зарурлигини келтириб чиқаради. Интеграция муаммосини дидактик жиҳатдан тадқиқ этиш уни таълим принципи сифатида талқин этиш талаб этади.

Методик нуқтайи назардан олиб қаралганда, интеграция таълим-тарбия жараёнини такомиллаштирувчи ҳамда кўзланган натижани кафолатловчи шарт-шароит ва усулдир.

Ўқув материали мазмунини интеграциялаш дидактик жараён сифатида кўпқиррали, кўп ўлчовли тизим шаклидаги тадқиқот объекти ҳисобланади. Уни таҳлил қилиш тизимли-тузилмавий ёндашувни талаб этади, чунки унинг функцияси, таркиби, тузилиши ва шу каби муҳим хусусиятларни ўрганиш кўзда тутилади.

Таълим мазмунини интеграциялашда ўқув предмети мазмунига бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйиши учун зарур бўлган билимларни сингдириш мақсадга мувофиқдир.

Интегратив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда касбий компетенцияларни шакллантиришнинг зарурий шартларидан бири таълим жараёнида фанлараро тизимни боғловчи ўқитувчи, бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил билим олишларини таъминловчи йўналтирувчи, маслаҳат берувчи, тафаккурини ривожлантиришнинг тўғри йўлларини кўрсатувчи, ҳамкорлик қилувчи шахс саналади.

Таълимда интеграцияни амалга ошириш педагогик, психологик ва физиологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бўлажак физика ўқитувчиларининг ижодий қобилиятларини намоён қилиши учун қулай имконият туғилади. Натижада ўқув-билув жараёнининг самарадорлик даражаси ортади. Фанларни интеграциялаш бўлажак физика ўқитувчиларида фанларга бўлган қизиқишни кучайтиради, билим даражаларини оширади, ўқув материалининг ўзаро узвийликда бўлишини таъминлайди.

Тадқиқотчи Б.С.Абдуллаева дарс жараёнида таълим олувчиларнинг математик тафаккурини фанлараро алоқадорликдан фойдаланиш натижасида ривожланганлик даражаси, ўтилган мавзуларни ўзаро алоқадорликда тушунтириш натижасида, таълим олувчиларни мустақил фикрлаш, масалаларни ечишга ижодий ёндашиш, оптимал ечимларни излаш, илмий изланиш каби кўникма ва малакаларнинг шаклланганлиги мисоллар ёрдамида тушинтириб берилган .

Ш.С.Абдураимовнинг фикринча, интегратив ўқув предмети мазмунини танлаш ва маълум тизимига келтириш жараёнини қуйидагича амалга ошириш мумкин:

- жамиятнинг аниқ соҳа мутахассисларига қўйган ижтимоий-иқтисодий ташкилий ишлаб чиқариш ва шу кабиларни танлаш;

– соҳа фани, техникаси ва ишлаб чиқариш технологиясининг ҳозирги замондаги ривожланганлик даражаси ҳамда истиқболга мос келадиган ахборотларни танлаб олиш;
– танлаб олинган маълумотларга педагогик ишлов бериб, ўқув-меъёрий ҳужжатларга киритиш;
– интеграллашган материални бевосита таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш;

– таълим олувчилар томонидан ўқув материалининг мазмуни қандай ўзлаштирилаётганлиги ва амалиёт талабининг қандай қондирилаётганлигини аниқлаш;
– аниқланган муаммоларнинг ечимини топи шва зарур йўналишларга кўра такомиллаштириш .

Интеграция жараёнлари олий таълим тизимида бир қанча вазифа, интилиш, йўналиш, тур, даража ва аниқ шаклларнинг моделини ҳисобга олади.

Демак, ўқитувчи интеграциялашган таълимни амалга оширишда, энг аввало:

– у ёки бу жараён ва ҳодисалар моҳияттини ўрганишга умумий ёндашувни акс эттирадиган мақсадни аниқлаб олиши;
– фанлараро алоқалардан фойдаланиш кўникмасини етарли даражада яхши эгаллаган бўлиши ва улардан амалда муваффиқиятли фойдалана олиши;
– таълимни табақалаштиришни сақлаган ҳолда, уларни интеграциялаш учун алоҳида предмет доирасида ўрганиладиган ўқув материалларининг мақбул ўзаро муносабатини билиши;
– предметларни интеграциялаш асосига қўйиладиган етакчи ғояни аниқлай олиш маҳоратига эга бўлиши керак.

Исталган йўналишдаги мутахассисларнинг (шу жумладан, физика ўқитувчиларининг ҳам) касбий фаолият соҳаларида ахборот технологияларининг узлуксиз ва шиддат билан жорий қилиниши касбий тайёргарликни, ахборот ва коммуникатив компетенцияни такомиллаштиришнинг асоси сифатида ўқув жараёнида компьютерлар қўлланилишини талаб қилади. Табиийки, замонавий техника қурилиши ва улардан фойдаланиш тамоийилларини тушуниш, кишининг кундалик амалий фаолиятида муҳим бўлган илмий-техникавий тушунча ҳамда ғояларни англашда компьютер саводхонлиги ёрдамида келади. Замонавий ахборот технологияларининг аппаратли ва дастурий воситалар ёрдамида кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ўқув фанларидаги билимларни жалб қилиш йўли энг юқори самарага эришиш имконини беради. Шунингдек, ахборот технологияларига асосланган ўқув фанларининг мазмуни бир қатор бошқа ўқув фанлари хусусиятларини белгилаши ёки аксинча, бошқа ўқув фанларидаги айрим билимлар ахборот технологияси фанларида ўзаро уйғунлашиши ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, таълим ислоҳатларининг муҳим йўналишларидан бири сифатида бўлажак физика ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда фанлараро интеграциянинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.

2. Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (Ижтимоий-гуманитар йўналишлардаги академик лицейларда математика ўқитиш мисолида): Пед. фан.докт….дисс. автореф. –Т.: 2006, - 49 б.

3. Абдураимов Ш.С. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро амалий интеграция. –Тошкент.: Наврўз, 2014. –Б. 143.

РЕЗЮМЕ

Мақолада олий таълим муассасалари бўлажак физика ўқитувчиларини тайёрлашда интегратив ёндашувнинг илмий асослари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, мутахассислик фанлари бўйича фанлараро алоқадорлик, уларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш тўғрисида маълумотлар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье отражены идеи научных основ подготовки будущих учителей физики в высших учебных заведениях на основе интегративного подхода. Также, даны данные о формировании профессиональных компетенций на основе использования межпредметных связей.

SUMMARY

In article in higher educational institutions ideas of scientific bases of preparation of the future teachers of physics are reflected in a basis integration the approach. Also, data about formation professional компетенций on the basis of use of intersubject communications are given.

# IMPLEMENTATION OF A PRESCHOOL ORGANIZATION DEVELOPMENT PROGRAM

***Shadiyev R.D., Yarasheva S.K.***

*Karshi State University*

**Таянч сўзлар:** innovatsiya, rivojlanish dasturi, maktabgacha ta'lim, model, pedagogik jarayon.

**Ключевые слова:** инновация, программа развития, дошкольное образование, модель, педагогический процесс.

**Key words:** innovation, development program, preschool, model, pedagogical process.

The institution has developed a development program, drawn up for the period 2017-2020.

The purpose of the program: to ensure the work of the preschool educational institution in the mode of continuous development aimed at the holistic and diverse development of pupils.

Tasks:

- improve the work to preserve and strengthen the health of pupils;
- improve the quality of education of pupils;
- contribute to improving the professional skills of teachers, the disclosure of their creative potential;
- increase the competence of parents of pupils in matters of education and training of children;
- to strengthen the material and technical base in order to create a spatially developing educational environment for the education of the value qualities of the personality of a preschooler.

This program is a long-term plan, designed to determine and implement the strategic goals of the organization:

- create conditions for the full and harmonious development of the child in accordance with his physical and mental capabilities;
- create conditions for socially oriented forms of work with children, based on modern programs and technologies that contribute to the implementation of educational tasks and social order.

The mission is defined: by the mission of a preschool educational institution we mean a statement of the philosophy of pedagogical activity, the purpose and meaning of the kindergarten. During the development of the mission of the preschool educational

institution, we came to the conclusion that kindergarten education is the first and very important stage of education in Uzbekistan.

We believe that the content of educational values should be based on an idea based on the very essence of human being in a civilized society. This idea can be concentrated in two basic concepts, two keywords: morality and professionalism.

The technology of moral education should come from an understanding of the life of the child throughout his stay in kindergarten. We recognize the only way: a teacher, educate a child, educate him by personal example, your personality, your beliefs, your truth, your attitude to numerous life realities, your argument in assessments.

Key issues identified

- a low level of knowledge by beginner teachers of the forms and methods of work to prevent child morbidity, to increase the resistance of the child's body;
- low motivation of some teachers to work in the development mode of a preschool educational institution, focusing on traditional values;
- insufficient amount of methodical literature and demonstration manuals on the section "Artistic and creative activity" (acquainting children with the works of artists, genres of fine art, architecture), the need to replenish methodological manuals on the social and personal development of children;
- it is necessary to strengthen the material and technical base: the acquisition of new didactic materials and toys, the installation of small architectural forms in the areas, the acquisition of computer equipment, the updating of dishes on the catering unit and in groups, the replacement of children's furniture; replacement of pipes for hot and cold water supply, obsolete plumbing, replacement of obsolete fixtures.

Innovative activity

The object of innovation is the social and personal development of preschoolers and involves:

- Creation of a creative group of teachers to introduce innovative activities;
- conducting research on the problems of social and moral development of children;
- ensuring the professional growth of teachers;
- Presentation of the experience of teachers at methodological events of various levels;
- inclusion in the innovative activity of parents (legal representatives of the child).

Key areas for innovation

- institution management
- structure and content of the educational process.

Desired Future Concept

The concept of the kindergarten involves building the upbringing and educational process as a single structure and ensuring the unity of requirements in public and family education, continuity in training, education and development. Kindergarten functions as the first stage of education.

The content of the work is a combination of federal and regional components and the priority of a preschool educational institution.

1. The first two components include work on the program for the education of a preschool child.

2. The priority of the preschool educational institution ensures the variability of the process for the social and moral development of children and allows the kindergarten to independently choose and develop educational programs and pedagogical technologies in accordance with the mission of the preschool educational institution.

The implementation of the Development Program began with the study of innovative managerial experience, etc., introspection by the head of his managerial activity, all elements of the management cycle (pedagogical analysis, planning, organization, leadership and control), as well as analysis of the activities of the preschool educational institution: are employees ready to work in development mode.

Based on this analysis, a plan has been developed for the institution to transition to a development mode, which includes 3 stages.

Stage 1 - organizational (2017 - 2018):

- mastering modern management technologies by the administrative unit;
- development of a regulatory framework;
- selection of content and development of a structure for updating the content of the educational environment of a preschool educational institution;
- organization of personnel training;

Creation of creative groups of highly qualified and creative specialists whose activities are aimed at the local testing of programs and technologies;

- development of a model of the spatial domain.
- creating social and material conditions for the implementation of the development program.

Stage 2 - implementation (2018 - 2019):

- projecting personality-developing and socially adaptive technologies on the content of educational programs;
- determination of the level of quality of competence of children in preschool educational institutions;
- formation of a databank based on available methodological materials. • strengthening the material and technical base and improving the development environment; • interim analysis of the effectiveness of the implementation of educational and health-saving technologies and their adjustment (if necessary).

Stage 3 - analytic - productive (2019 - 2020):

- processing of information and analytical materials;
- comparison of performance indicators of preschool educational institutions for the implementation period;
- analysis of the impact of innovative technologies on the development of preschool educational institutions;
- identify positive and negative trends in implementation;
- translation of pedagogical experience at city and regional events.

Thus, the Development Program was designed based on a specific analysis of the state of the kindergarten, the territorial specificity (the possibility of the external environment of the kindergarten), the specifics of the contingent of children, and the needs of parents.

Literature:

1. Интеллектуальное развитие и воспитание дошкольников/Л.Г.Нисканен.-М.:Академия,2009.-109с.

2. Шодиев Р.Д., Ибрагимова Г., Набиев И. Современное дошкольное образование и инновационная деятельность. Бюллетеньнаукиипрактики — Bulletin Of Science and Practice (scientific journal) №4 2018. p-457-460.

РЕЗЮМЕ

Ushbu dasturni ishlab chiqish pedagogik jarayonning zamonaviy mazmuniga asoslangan maktabgacha ta’lim muassasasini tashkil etish va faoliyatining o’zgaruvchan modelini yaratishni o’z ichiga oladi.

РЕЗЮМЕ

Разработка данной программы заключается в создании изменяющейся модели организации и функционирования дошкольного учреждения на основе современного содержания педагогического процесса.

SUMMARY

The development of this program is to create a variable model of the organization and functioning of a preschool institution based on the modern content of the pedagogical process.




# БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

## БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

***Усманов Н.У.***
*ЖДПИ доценти*
***Ҳамзаев Ҳ.***
*ЖДПИ ўқитувчиси*
***Бахрамов О.***
*ЖДПИ ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** таълим, тарбия, ўқитувчи, кўникма, малака, ўқувчи, миллий ғоя, ахборот-коммуникацион технология, компьютер, педагогик андоза, мультимедиа, техник восита.

**Ключевые слова:** образование, воспитание, учитель, навыки, квалификация, учащийся, национальная идея, информационно-коммуникационные технологии, компьютер, педагогическая модель, мультимедиа, технические средства.

**Key words:** education, upbringing, teacher, skills, qualification, student, national idea, information and communication technologies, computer, pedagogical model, multimedia, technical means.

Ўзбекистон Рес публикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани янги босқичга кўтариш тўғрисида” ги Қарорида тараққиётнинг янги босқичида таълим тизимини такомиллаштириш, замонавий ахборот ва инновацион технологияларни татбиқ этиш, соғлом фикрли, ахлоқий юксак ва ижтимоий фаол шахслар тарбиялаш, инсон, жамият ва давлат ҳаётида муҳим ўрин тутувчи қадрлар тайёрлаш долзарб аҳамиятга эга эканлиги белгилаб берилди . Шу маънода бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлашда ахборот–коммуникацион технологияларининг аҳамияти катта ҳисобланади. Чунки миллий ғоя тарғиботида айнан ахборот–коммуникацион тизим бугунги кунда муҳим ўрин тутмоқда. Миллий ғоя янги фактлар, фикрлар, ёндашувлар ва қарашлар асосида тарғиб қилиниши керак.

Зеро, ахборот – коммуникацион технологияларни миллий ғоя тарғибот ишида жорий этишнинг педагогик андазасини яратишда мавжуд имкониятлар ва омиллардан келиб чиқиб, ёндашиш керак. Чунки бу масала таълим-тарбиянинг маънавий-маданий хусусиятларибилан боғлиқ ҳодисадир. Унга кўра, ахборот-коммуникацион технологияларини жорий этиш “ўқитувчи–ахборот–коммуникацион воситаси - ўқувчи” тизими бўйича шахсни ижтимоий етук қилиб вояга етказиш илк режага қўяди. Бундай ёндашиш мазкур масала бўйича кутилган самарадорликка эришиш имконини беради.

Бошланғич таълим жараёнида ахборот–коммуникацион технологияларидан фойдаланиш ўқувчининг онги ва қалбига миллий ғоянинг асосий тамойилларини кутилган даражада сингдириш имконини беради. Бунинг учун бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари қуйидаги кўникма ва малакаларни эгаллаши керак:

– бошланғич синф ўқувчиларининг ёш ва физиологик хусусиятларини билиши;
– бошланғич синф ўқувчиларининг ёш ва физиологик хусусиятларига мос ўқитиш дастури ва режасини туза олиши;
– бошланғич таълим жараёнида компьютер ва техник воситалардан унумли фойдаланиш;
– бошланғич таълим жараёнида мультимедиа, оҳангли тасвирлар, қизиқарли лавҳалар ва кўрсатувлардан фойдаланиб машғулот ўтиш;
– имкон қадар миллий ғоянинг асосий тамойиллари бўйича роликли ўқув материаллари тайёрлаш;
– ўқув материалларини тайёрлашда давлат таълим стандартларига қатъий амал қилиш.

Бошланғич таълим жараёнида ахборот–коммуникацион технологияларидан фойдаланиш педагогик–психологик қонуниятларга қатъий асосланишни тақозо этади. Чунки онги, дунёқараши ва ахлоқи шаклланиш жараёнида бўлган бошланғич синф ўқувчилари компьютер ва техник воситалардан мақсадли ўрганишга кўникишлари керак. Акс ҳолда, уларда компьютер ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш бўйича нотўғри тасаввурлар пайдо бўлади. Олий педагогик таълим жараёнида талабалар бу масалани етарли даражада идрок қилишлари керак. Шу маънода биз бу масалада қуйидаги модел асосида иш кўриш кутилган самарани беради, - деган фикрдамиз:




Бунда:
1 – СЙ – роликлар;
2 – СЙ – тасвирлар;
3 – СЙ – лавҳалар;
4 – СЙ – расмлар;
5 – СЙ – изоҳлар;
6 – СЙ – таърифлар;
7 – СЙ – мисоллар.

Миллий ғоянинг ўқувчилар онгида шаклланганлик даражасини аниқлаш учун қуйидагиларга диққат қилиш керак:

– ўқувчиларнинг миллий ғоянинг асосий тамойилларини билиши;
– ўқувчиларнинг миллий ғоянинг асосий тамойилларини ўз фикри ва нутқи билан ифодалаб бериши;
– ўқувчиларнинг миллий ғоянинг асосий тамойилларини компьютердаги тасвирлар, роликлар ва мисоллар воситасида идрок қила олиш даражаси.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари миллий ғояни ўқувчилар онгига сингдиришда ахборот таъминоти бўйича қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

– миллий ғоянинг асосий тамойиллари бўйича аниқ дастур тузиши;
– ҳар бир мавзу учун медиаматериаллар банкини шакллантириши;
– қўшимча маълумотлар, материаллар ва фактлар мажмуасини тайёрлаб бориши.

Талабалар бизнинг назаримизда, мазкур модел воситасида тайёргарлик босқичидан ўтса, бошланғич таълим жараёнида ахборот–коммуникацион технологияларидан фойдаланиш сифати ошади.

Бўлажак ўқитувчиларни миллий ғоя тарғиботига тайёрлашда ахборот–коммуникацион технологияларини жорий этишнинг педагогик андазасини кучайтиришда тизимли ёндашишга амал қилиш мақсадга мувофиқдир. Унга кўра, ахборот–коммуникацион технологиялари имкониятларидан комплекс фойдаланиш керак. Жумладан, компьютер техник воситасидан фойдаланишда талабалар қуйидаги имкониятларга эга:

– энг сўнгги ва янги маълумотлар ҳамда материалларни олиш;
– таълим – тарбия беришнинг янги моделлари, парадигмалари ва йўналишларини ўзлаштириш;
– янги педагогик технологиялар, воситалар ва усуллар билан танишиш ва ҳ.к.

Бундай имкониятлар компьютер техник воситасидан фойдаланиш асосида талабаларнинг касбий етук тайёргарлиги даражасини юксалтиришга олиб келади. Чунки "таълим–тарбияда ахборот технологияларининг асосий вазифалари–бу ўрганилаётган объектга тегишли барча ахборот ресурсларини оптимал бошқариш ёрдамида истеъмолчига керакли бўлган ахборотларни ишлаб чиқиш ва улардан таълим объектини бошқаришда фойдаланиш учун ахборотли ва техникавий таъминот муҳитини яратишдир" [3].Шу маънода ахборот – коммуникацион технологияларини жорий этишда режали ва дастурли ёндашиш исталмаган муаммоларнинг олдини олиш имконини беради. Мазкур масалада Ўзбекистонда режали ишлар амалга оширилмоқда. Таълим – тарбия тизимига "ZiyoNET" ягона комплексли вебсайти жорий қилинди. Бунинг натижасида ахборот–коммуникацион технологияларини амалга жорий қилишнинг марказлашган тажрибаси таркиб топди. Ахборот– коммуникацион технологияларини кенг жорий этиш, компьютерлардан тўлақонли ва оқилона фойдаланиш, тармоқлар ва тизимларга уланиш бутун Республика бўйича амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчаси ахборот–коммуникацион технологияларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлаш жараёнига жорий этишда педагогик андазани кучайтириб боришни талаб этади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари олий педагогик таълим олиш жараёнида бунинг асосларидан тўлиқ хабардор бўлишлари лозим. Олимлар тафаккур механизмларини энг замонавий компьютерларнинг конструктив хусусиятларидан қидирмоқдалар ва натижада инсон миясининг кўпчилик хусусиятлари ЭҲМларга ўтиб бормоқда. Жумладан:

– ўқишга ўрганиш, бунда тил, ёзув ва маълумотлар билан ишлашни ўрганишнинг кенг кўламли дастурлари юзага келди;
– керакли ҳисоблар кетма – кетлигини тиклаш;
– машинанинг шахмат ўйнаши;
– машинанинг мусиқа ижро этиши;
– разрядли спортсменлар ўртасида мусобақалар ўтказилиши ва ҳ.к.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ахборот–коммуникацион технологияларини жорий этишда тарбиявий аҳамиятга эга хусусиятларга алоҳида диққат қилиши керак бўлади. Бунинг учун олий педагогик таълим жараёнида қуйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

– ахборот–коммуникацион технологияларини жорий этиш бўйича имкон қадар ҳар бир талаба билан индивидуал ишлаш;
– мазкур йўналишда махсус ўқув дастури яратиш ва уни махсус курс сифатида ўқитиш;

– талабаларнинг ахборот–коммуникацион технологияларидан фойдаланиш малакасининг шаклланишини мониторинг тизимида кузатиб бориш.

Шундай қилиб ахборот–коммуникацион технологияларини жорий этишнинг педагогик андазаси янгича ёндашувларга таянишни тақозо этади. Бунда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлашга ахборот–коммуникацион технологияларини жорий этишнинг методологик асослари мақбуллик ва маъқуллик принципларига таяниши лозим. Мазкур масалада ахборот–коммуникацион технологияларидан оқилона фойдаланиш, унга эстетик ёндашиш ва уларни чуқур билиш асосий негиз ҳисобланади. Натижада, "ўқитувчи-ахборот–коммуникацион воситаси ўқувчи" тизими ташкил топади.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани янги босқичга кўтариш тўғрисида" ги Қарори //"Халқ сўзи" газетаси, 2017 йил 29 июль сони.

2.Тўрақулов Х.А. Педагогик тадқиқотларда ахборот тизимлари ва технологиялари. –Т.: Фан, 2006. –210 б.

3.Тўрақулов Х.А., Усмонов Н.Ў., Фарсахонова Д.Р. Талабалар маънавий – ахлоқий тарбияси ва унинг ахборот – коммуникацион технологияси. – Т.: Fan va texnologiya, 2009. – 116 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлашнинг педагогик андозаси масалалари ўрганилган бўлиб, бунда педагогик андазасини кучайтиришда тизимли ёндашишга амал қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги, унга кўра, ахборот–коммуникацион технологиялари имкониятларидан комплекс фойдаланиш зарурлиги тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье исследуется педагогическая модель подготовки будущих учителей начальной школы к национальным идеям, исследуется необходимость системного подхода к совершенствованию педагогической модели и необходимость комплексного использования информационных и коммуникационных технологий.

SUMMARY

This article explores the pedagogical model of preparing future elementary school teachers for national ideas, explores the need for a systematic approach to improving the pedagogical model and the need for the integrated use of information and communication technologies.

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИДА ОИЛАГА ҚАДРИЯТЛИ МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТЛАРИ

***Хўжақулов А.Э.***

*Қарши давлат университети ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** қадриятли, муносабат, оила, мактабгача ёшдаги тарбияланувчилар, таълим, тарбия, жараён.

**Ключевые слова:** ценностное, отношения, семья, дошкольники, образовательный, воспитательный, процесс.

**Key words:** value, relationships, family, preschoolers, educational, educational, process.

Илмий-педагогик адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, таълим муассасасидан ташқари фаолиятда оилада қадриятли муносабатларни шакллантиришнинг концептуал асослари педагогик шарт-шароитлар мажмуасини ҳисобга олганда муваффақиятли амалга ошади. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларида оилада қадриятли муносабатларни муваффақиятли шакллантиришнинг педагоглар ва ота-оналар олдида турган қатор ташкилий-бошқарув вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ қуйидаги "ташкилий-бошқарув" шароитлари ажратиб кўрсатилган: қонуний вакиллар ҳузурида МТМ ва гуруҳда тарбияга йўналган барча тадбирларни ташкил этиш; ота-оналарни билан бирга ишлаш тизимини ташкил этиш (психологик, тиббий, педагогик); оила билан ўзаро муносабатлар муаммоси бўйича таълим жараёни иштирокчилари (педагоглар) билан узлуксиз методик ишлашни такшил этиш; тарбия жараёни иштирокчилари ўзаро муносабатларини рағбатлантирувчи тизимни ишлаб чиқиш ва таъминлаш; сайлов органи – ота-оналар қўмитаси ишини ташкил этиш, МТМ жамоаси кундалик фаолияти масалаларини ҳал этишда унинг пресстижи ва ролини кўтариш. Назаримизда тақдим этилган шароитлар рўйхати бир томондан турли тарафламалиги билан, бошқа томондан бир қадар тизимсизлиги билан фарқланади.

Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси шахсини шакллантиришнинг яна бир педагогик шартлари мажмуасига эътибор қаратмиз: педагогнинг энг аввало намуна манбаи сифатидаги шахсий хусусиятлари ва МТМ тарбияланувчисини ёшига доир руҳий хусусиятлари (тақлидчилиги ва таъсирчанлиги, эмоционаллиги); оила - мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси таъсири приоритети сифатида ва ниҳоят хулқ-атвор эталонини намоён қилувчи тенгдошлар. Мазкур жараённи тўлдирган ва аксиологик бойитган ҳолда биз тарбияланувчиларда оилани қадрлаш туйғусини шакллантиришнинг самарадорлигини таъминловчи қуйидаги педагогик шарт-шароитларни ажратиб кўрсатамиз. Ушбу шартлар мазкур тадқиқот иши методологик мўлжаллари сифатидаги тизимли фаолиятга оид, аксиологик, фамилистик, шахс фаолиятига оид, гуманистик, гендерли ва компетентли ёндашувлар контекстида ажратилган:

- ўқувчиларнинг ёшга доир хусусиятларини ҳисобга олиш;
- МТМнинг ижтимоий-маданий таълим муҳитида мақбул оилавий майдон яратиш;
- хусусий қўшимча таълим муассасаси методологик фаолияти орқали, ота-оналарнинг проспектик ва интроспектик рефлексиясини ривожлантириш технологиясини қўллаган ҳолда ота-оналар компетентлигини шакллантириш;
- педагоглар фамилистик компетентликни шакллантириш;
- МТМ тарбияланувчиларида машғулотлардан ташқари фаолиятда оилани қадрлаш туйғусини шакллантириш бўйича маъно излаш фаолиятида оилани психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш.

МТМдаги мажбуриятлар ва ўқиш машаққати боланинг ўз хатти-ҳаракатларини бошқариш қобилиятига таъсир ўтказиши табиийдир. Тамойиллар, принципиал муносабатлар ва хулқ-атворни, эътиқод ва идеалларни шакллантириш мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларида муносабатлар ривожини характерлайди. Жамият ривожининг ўзгарувчан шароитларида вояга етаётган МТМ тарбияланувчиси учун эмоционал таъсир этиш методлари долзарблигича қолади. Ота-оналарнинг тарбия жараёнига жалб қилиниши пайтида эса ушбу методлар самарадорлиги сезиларли ошиб боради. Шунга кўра, ушбу тоифа учун тарбия ишларини олиб боришнинг асосий шакллари фарзандлар ва ота-оналарнинг биргаликда ҳордиқ чиқариши ва ўқишни ташкил этиши бўлиб қолади.

Маълумки, иродани қарор топтириш эмоцияларга боғлиқ. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчисида интеллектуал, ахлоқий, эстетик туйғулар интенсив равишда ривожланади. Ушбу ҳиссиётлар оила ва оилавий муносабатларни қадрлашга бўлган мўлжалларни сақлаб туради. Тарбияланувчилар улғайгани сари рефлексив тарикибий қисм анча аҳамиятли бўла боради. Ўз ривожининг ушбу даврида бола катта ёшли ва бошқа болалар орасидан ўзини ажратиб олади, ўзининг бошқача эканини (индивидуаллиги)ни англайди; педагогик бошқарув чоғида мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси янги позицияни эгаллашга интилиш ва ўқишга бўлган мотивларнинг тор доирада эканлиги ўртасидаги жиддий мотивацион синишни тўлиғича ҳис этиш ва ҳал этишга қодир бўлади. Ушбу синиш, кўпинча ўз-ўзига танқидий баҳо бериш орқали кечади. Д.И. Фельдштейн жамоада ижтимоий муҳим мавқени эгаллашга, шунга мос равишда, ижтимоий ривожнинг янги босқичини ўтишга интилишига ишора қилади. Машғулотлардан тақшари фаолиятда қадриятли муносабатлар туйғусини шакллантириш учун мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси ахлоқий рефлексиция юзага чиқишида ёшга доир хусусиятни эътиборга олиши зарур: меъёрларни тушуниш ва ўз қилмишларига ахлоқий баҳо беришга қодирлик. Мактабга ўтиш ёшида турли жиҳатли меъёрлар ўзига нисбатан қўйилган талабларга айланади.

Муаммони ҳал этишнинг илмий-методик ракурси Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларида қадриятли муносабатларни шакллантиришнинг тарбиявий-дидактик воситаларини талаб қилади. Дарсдан ташқари фаолиятда оилани қадрлаш туйғуси, оилани сақлашга онгли муносабат шаклланиши, оилада шахслараро муносабатлар қуришда тарбияланувчиларнинг тажрибасини оширишни тақозо этувчи факторлар тизимига энг аввало ечими оилани қадрлаш туйғусини ва оилапарвар инсон ролини шакллантирувчи, турли оилавий вазиятларда энг муносиб хулқ-аттворни намоён қилувчи алоҳида фанларни ўрганиш чоғида ҳам, МТМдан ташқари фаолиятда ҳам ўқувчилар олдига илгари сурилаётган вазифалар тизими киритилиши даркор. Бўлажак оилапарвар шахсини камол топтиришга, оилавий қадриятларни шакллантиришга турли жиҳатдан ва яхлит таъсир ўтказиш учун тарбия ва ўқитиш воситалари тизими шахснинг келажакда оила ҳаётига тайёрлиги таркибига мувофиқ бўлиши керак. Тарбияланувчиларнинг МТМдан ташқари фаолиятда оилани қадрлаш туйғусини шакллантириш жараёни оилаварвар кишига қимматли ижтимоий оилавий тажрибани узатиш ва ижодкорликка асосланган салоҳиятни ривожлантириш йўли билан унинг шахсиятини шакллантиришнинг бош воситаси сифатида майдонга чиқади. Тарбияланувчилар учун тарбиянинг бундай жараёни самарадорлигини фақат ота-оналарнинг амалий йўналишдаги иштироки чоғида таъминлаш мумкин.

Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларида қадриятли муносабатларни шакллантириш моделини яратарканмиз, у қадрлаш туйғуси ўзида руҳий функциялар тўпламини эмас, балки шахс сифатларининг яхлит тизимини ифодалайди. Ўқув-тарбия жараёни эса яхлит шахсни шакллантиришга қаратилган, оилавий ҳаётга тайёрлик эса – унинг ривожлантиришнинг турли жиҳатли факторлари ҳаракати натижасидир. Оилапарвар инсон ролининг ўзи ёки оилавий фаолият яхлит шахс функцияси сифатида намоён бўлади. Унинг муваффақиятли амалга ошириш меҳнат, ахлоқий, жамоавий, интеллектуал ва билим олишга оид ва бошқа функцияларни ҳам бажаришга тайёрликка боғлиқ. Оилапарвар инсон мажбуриятларининг кўп томонлама экани тайёргарлик таркибига шахснинг турли даражадаги характеристикаларини қўшишни тақозо этади: элементар амалий-қўшимча билимлар ва кўникмалардан тортиб шахснинг оилага ижтимоий-шахсга доир қадрият сифатида муносабати, оилапар-

вар инсон ролини бажаришни тартибга солувчи қадриятли мўлжаллар, оила-никоҳ эҳтиёжлари, олиавий хулқ-атвор мотивлари ва шунга ўхшаш стерженли сифатларига қадар. Шу билан боғлиқ равишда тарбияланувчиларда оилани қадрлаш туйғусини шакллантириш структурасида икки даражани ажратиб кўрсатиш мумкин: моҳиятан оилага тайёрликни характерловчи тизимли сифатлар даражаси ва оилапарвар инсон ролини бажаришнинг алоҳида компонентларини характерловчи функционал сифатлар даражаси. Албатта, бу фарқлаш мутлақ эмас. Айрим функционал хислатлар оилавий фаолиятга нисбатан тартибга солувчи роль касб этаркан, шу билан бирга тизимли даражага кўтарилади. Биз тадқиқот ишимизда таянаётган психологик концепциялари (Л.С. Выготский, И.В. Дубровина, Н.А. Менчинская и др.), ўсиб келаётган ёш авлоднинг оилавий ҳаётга тайёргарлигини жамоатчилик алоқалари, оиалвий вазиятадан айри кўриб чиқишга имкон бермайди.

Шундай қилиб, мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларида қадриятли муносабатларни шакллантириш коцнцепциясини қуришда методологик мўлжаллар бўлиб тизимли фаолиятга доир, аксиологик, фамилистик, шахс фаолиятига доир, гуманистик, гендерли, компетентли ёндашувлар уларнинг бирлиги ва ўзаро алоқасида ҳисобланган. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларида МТМдан ташқари фаолиятда оилани қадрлаш туйғусини шакллантириш қуйидаги педагогик тамойилларга асосланади: оилага, унинг анъаналарига, урф-одатларига, фарзанднинг ҳаёт тарзи ва тарбияси усулига эмоционал қадриятли муносабат; болаларга нисбатан ҳурмат ва инсоний муносабатни сақлаган ҳолда талабчанликдан моҳирона фойдаланиш; императив қадрият сифатида оилада меҳнат қилиш атмосферасини яратиш ва меҳнатсеварлик кўникмасини тарбиялаш. Таълим жараёни субъектларининг ўзаро муносабатининг назарий асосланган модели машғулотлардан ташқари фаолиятда мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларида қадриятли муносабатларни шакллантириш таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Рожков, М.И. Воспитание толерантности у школьников: учеб.-метод. пособие/ М.И. Рожков, Л.В. Байбородова, М.А. Ковальчук. -Ярославль: Академия развития. - 2003. -191 с.

2. Фельдштейн, Д.И. Психолого-педагогические проблемы построения новой школы в условиях значимых изменений ребенка иситуации его развития/ Д.И. Фельдштейн// Вопросы психологии. - 2010. - №3. - С. 47-56.

РЕЗЮМЕ

Мақолада, мактабгача ёшдаги болаларда машғулотлардан ташқари фаолиятда оилага қадриятли муносабатни муваффақиятли шакллантиришни назарий жиҳатдан асосланган модели таъминлаши мумкин. Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларида қадриятли муносабатларни шакллантириш моделини яратарканмиз, у қадрлаш туйғуси ўзида руҳий функциялар тўпламини эмас, балки шахс сифатларининг яхлит тизимини ифодалайди.

РЕЗЮМЕ

В статьти показано, что успешное формирование у дошкольников старшего возраста ценностного отношения к семье во внеурочной деятельности может обеспечить теоретически обоснованная модель взаимодействия субъектов образовательно-воспитательного процесса, которая учитывает специфику формирования у дошкольников ценностного отношения к семье во внеурочной деятельности.

SUMMARY

The article shows that the successful formation of a value-based attitude towards family in extracurricular activities among preschool children can provide a theoretically substantiated model of interaction between subjects of the educational process, which takes into account the specifics of the formation of a value-based attitude toward family in preschool children in extracurricular activities.

# МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ИНДИВИДУАЛЛИГИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЖАМОАВИЙ МУНОСОБАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МОДЕЛИ

***Ярманова Ю.***

*Қарши давлат университети*

**Таянч сўзлар:** индивидуаллик, шахс, жамоавий, мактабгача ёшдаги болалар, ҳамдардлик, муносабат, ўзаро ёрдам.

**Ключевые слова:** индивидуальный, личностный, коллективный, дошкольники, сочувствие, отношение, взаимопомощь.

**Key words:** individual, personal, collective, preschoolers, empathy, attitude, mutual help.

Мактабгача ёшдаги болалар индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда уларда жамоавий мунособатларни шакллантиришнингпедагогик моделини ишлаб чиқишдаасосий концептуал ёндашувларни асослаш зарурдир.

Тахминимизга кўра, концептуал ёндашувлар лойиҳалаштириладиган таълим моделининг иккита ўзаро таъсирдаги қуйи тизимларини акс эттиради: индивидуал, шахсий ва жамоавий, уларни динамик режимда текшириб кўришни таъминловчи педагогик тажриба-синовнинг асосий йўналишларини аниқлаш, жамоавий мунособатлардаболанинг индивидуал ривожланишининг омилларини аниқлаш.

Жамоавий тарбия шароитида,ҳар бир бола тенгдошлари жамоасига кириши, унда ўз ўрнини топиши ва бошқаларни тан олиши керак бўлади. Бунинг учун болада алоҳида фазилатлар шаклланган бўлиши лозим, улар ёрдамида эса бола тенгдошлари билан турли хил муносабатларни ўрната олади. Бунда болани ижобий тавсифловчи бундай фазилатларигаташкилотчилик,тартиб-интизомлилик, қизиқиш кабилар киради, лекин, булар ҳали болани ўз тенгдошлари даврасига қўшилиб кетди degani эмас.Бунинг учун болалар билан мулоқот қилиш ва муносабатларни ривожлантиришга ёрдам берадиган бошқа шахсий фазилатлар һam керак бўлади. Агар мактабгача ёшдаги боланинг индивидуал хатти-ҳаракатларині фақат унга тегишли бўлган ўзига хос хусусиятлар билан аниқлаш мумкин бўлса, унда ижтимоий хатти-ҳаракатлар, болага тенгдошлари жамоасига эркин кира олиши ва боликнинг мазкур муҳитида ҳаракатланишига имкон берадиган махсус фазилатлар билан тавсифланади.Унда индивидуалликнинг ижтимоий моҳиятини тавсифловчи потенциал имкониятларни намоён этадиган хайрихоҳлик, ҳамдардлик, қайғуриш, ўзаро ёрдам каби фазилатларни мактабгача ёшдаги боланингахлоқий ривожланишининг шарти сифатида ҳисоблаймиз. Табиатан улар ижтимоийликни намоён этганлиги сабабли, улар ҳар бир бола учун мажмуавий шакллантирилиши, шахсан муҳим маъно касб этиши керак. Ушбу фазилатларнинг шахсан муҳим маъноси, шахс лаёқатлилигининг таъсири билан кучаяди, унинг аҳамияти биргаликдаги жамоавий фаолиятда аниқланади, бунда ҳар бир тарбияланувчи ўз имкониятларини амалга ошириб, умумий ишда ўз ҳиссасини қўшган ҳолда ўзини кўрсатиши мумкин.

Психологик ва педагогик адабиётларда юқорида қайд этилган фазилатлар инсонпарварликнинг асоси, субъектниҳис этишга тайёрлик, бошқа бир инсон сингари ҳаракат қилишга тайёрлиги сифатида очиб берилади. Ушбу фазилатлар маъноси мулоқот ва биргаликдаги фаолият жараёнида:кимгадир ёрдам бериш, ғамхўрлик қилиш, қўллаб-қувватлаш ва эътибор бериш, шунингдек, уларнинг таъсирини ўзида ҳис қилишда намоён бўлади.

Тенгдошларига нисбатан инсоний муносабатларни пайдо бўлишининг муҳим шарти–шериклари бошдан кечираётган ҳолатни билиши ҳисобланади.

Қайғуриш, ҳамдардлик, ўзаро ёрдамни биз боланинг изчил ривожланиб борадиган ахлоқий фазилатлари сифатида тавсифлаймиз, шу билан бирга қайғуриш, ҳамдардлик ҳиссиётига қараганда анча мураккаб хусусиятдир ва ўзаро ёрдам эса бу фазилатларнинг намоён бўлишини натижасидир. Бу ерда, кузатувчанлик, тенгдошини сезиш қобилияти ахлоқий потенциални ривожлантиришнинг дастлабки бўғини бўлади.

Шундай қилиб, инсоннинг ижтимоий фазилатларини намоён бўлиши маълум бир кетма-кетлик асосида қурилади:

Ҳамдардлик - бошқа қандай сезса шундай сезиш, эмпатияга ўтиш ҳолати.

Қайғуриш- бошқа одамга ҳамдардлик, унинг ҳолатини билиш, унга танланган усул ва воситалар ёрдамида фаол кўмак бера олиш қобилияти.

Ўзаро ёрдам - ўзгарувчан хусусиятга эга бўлган, бошқа одам манфаати учун қилинадиган ҳаракатлар.

Ўз фаоллигини англаш, бошқа кишига ёрдамлашиш бола учун жамоавий муносабатларга тайёрлик кўрсаткичи, шахснинг ахлоқий ривожланишининг кўрсаткичи, жамоавий муносабатларнинг ахлоқий асоси бўлиши мумкин. Ўзаро ёрдам мактабгача ёшдаги болаларнинг биргаликдаги фаолиятида ҳамдардлик ва қайғуришнинг пайдо бўлиши жараёнида амалга оширилади.

Шахсий ҳиссий туйғулар билан бойитилган муносабатлар ҳар бир боланинг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ривожланса, ахлоқий хусусиятга эга бўлади, болалар муҳитида уларнинг муваффақияти ва тан олинишини рағбатлантиради.Бундай муносабатлар аста-секинлик билан жамоавий муносабатлар сифатида ривожланади, уларга индивидуаллик контексида инсоннинг ижтимоий тавсифдаги хатти-ҳаракати боғлиқ бўлади.

Айнан ижтимоий ғояларнинг ташувчиси бўлган жамоа орқали,алоҳида олинган шахснинг муносабатлари шаклланади. Жамоанинг муайян воқеаларга, ҳодиса ва реал далилларга бўлган муносабатларга боғлиқ ҳолда инсоннинг уларга нисбатан муносабати шаклланади. Ўз навбатида, ҳар бир шахс болалар жамоасига индивидуал сифатларни, фаолиятга бўлган қобилиятларни намоён бўлиш жараёнида ўз таъсирини кўрсатади. Шундай қилиб, шахс жамоанинг аъзоси сифатида намоён бўлади ва у бошқа аъзолар билан аниқ муносабатлар орқали боғланади. Болаларнинг бошқалар орасида эмоционал комфорт ҳолати унинг жамоага бўлган эътибори, у билан муносабатда бўлишга тайёрлиги ва бошқа болаларнинг ҳолатига бўлган эмоционал муносабати билан белгиланади.

Боланинг эмоционал тажрибаси, шахсий кечинмаларида ҳамда бошқага йўналтирилган кечинмаларида намоён бўлади. Кузатувчанлик асосида қайғуриш ва ҳамдардлик намоён бўлади, бу эса ўз навбатида ахлоқий потенциални ривожлантиришдаги зарурий компонентдир.

Кузатувчанлик, тахминимизга кўра, ўз кечинмаларини фарқлашда ва бошқа одамларнинг эмоционал ҳолатини билиш қобилиятида намоён бўлади. Кузатувчанлик боланинг индивидуал фазилатини тавсифлаб, қайғуриш, ҳамдардлик, ўзаро ёрдамнинг пайдо бўлишини бошланиши бўлиб, у тенгдошида қизиқарли фаолият субъектини кўриш имкониятини беради.

Ривожланишда мустақил кузатувлар муҳим аҳамият касб этиб, субъектив равишда бошдан кечадиган ҳиссий таассуротларни тўплаш орқали индивидуалликни бойитади. Шахснинг ўзлаштирилган эмоционал тажрибаси жуда муҳимдир, чунки, турли интенсивлик билан идрок этиладиган субъектив кечинмалар,эмоционалликнинг

турли томонлари ҳар бир аниқ тажрибани индивидуаллаштиради, ўзига хослигига ҳамда биргаликдаги жамоавий фаолиятда эса - ижтимоий хатти-ҳаракатга таъсир қилади.

Эмоционал индивидуал тажриба потенциал имкониятларга эга бўлиб, мактабгача ёшдаги болаларни жамоавий муносабатларида ҳамдардлик, қайғуриш, ўзаро ёрдам кўрсатиш лаёқати шахсан аҳамиятли бўлиши лозим. Битта бола учун шахсий аҳамият унинг тенгдошига мурожаат қилиб, ўзининг ахлоқий ривожланиши учун шароит яратишида намоён бўлади, чунки бу пайдо бўладиган жамоатчиликнинг сифати бўлиб, унинг индивидуаллигини шаклланишига ҳисса қўшади.

Педагогик жараённи ташкил этиш, назаримизда, жамоавий тавсифдаги биргаликдаги фаолиятни ўзлаштиришда тарбиявий вазифаларни муваффақиятли ҳал этади. Агар болаларнинг ўзаро таъсирлашиши пайтида юзага келадиган ўзаро боғлиқлик доминант мақсадларга асосланган бўлса, у ҳолда тарбиячилар бу жараёнда ҳамроҳ бўлишади. Доминант мақсадлар учун қизиқарли фаолиятни ташкил этиш контекстида шакллантирувчи тажриба-синов ишини ўтказишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, барча педагогик ишлар икки йўналишда амалга оширилади:

– мактабга ўтиш ёшидаги болалар  гуруҳи тарбиячилари иштирокида;
– педагогик тажриба-синов ишинимахсусташкилэтишорқали.

Ҳар хил фаолият турларида болаларнинг лаёқатини намоён бўлиши, бир томондан, ҳар бир боланинг ўзига хослигини бўлса,   бошқа томондан ужамоавий муносабатларга бўлган эҳтиёжни акс эттиради, чунки улар асосида ўз тавсифига кўра  маънавийликасосида шахснинг ижтимоий компетенцияси  ривожланади.

Мактабгача ёшдаги бола шахсини ривожлантирувчи ахлоқий потенциали унинг индивидуаллик нуқтаи назаридан ижтимоий  моҳиятини белгилайди ва жамоавий муносабатлар сифатига таъсир қилади.

Мактабгача ёшдаги болалар индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолдаги жамоавий муносабатларни шакллантириш модели,болага қаратилган барча педагогик таъсирларни яхлит педагогик жараёнга интеграллаштиради, бу мактабгача ёшдаги бола шахсини ривожлантириш мақсадлари ва вазифаларини амалга оширишни таъминлайди ҳамдаушбу тажриба-синов ишларини концептуал ёндашувларни акс эттиради.

Адабиётлар:

1. Усова А.П. Роль игры в воспитании детей. - М., 1976. -С. 96.

2. Эстетическое воспитание и развитие детей дошкольного возраста: Учебн. пособие/ Е.А. Дубровская, Т.Г.Казакова и др; Под ред. Е.А.Дубровской, С.А.Козловой. - М.: ИЦ «Академия». - 2012. - 256 с.

3. Якобсон С.Г., Чернявская С. и др. Формирование взаимоотношений между детьми 3 - 4 лет // Дошкольное воспитание. - 2002. - №1.

РЕЗЮМЕ

Концептуал ёндашувлар лойиҳалаштириладиган  таълим моделининг иккита ўзаро таъсирдаги қуйи тизимларини акс эттиради: индивидуал, шахсий ва жамоавий, уларни динамик режимда текшириб кўришни таъминловчи педагогик тажриба-синовнинг асосий йўналишларини аниқлаш, жамоавий муносабатларда боланинг индивидуал ривожланишининг омилларини аниқлаш.

РЕЗЮМЕ

Концептуальные подходы, отражают взаимодействие двух подсистем проектируемой воспитательной модели: ин¬дивидуальный, личностный, и коллективный, определить основные направ¬ления педагогического эксперимента, призванного обеспечить проверку их в динамическом режиме, выявить детерминанты процесса развития индивидуальности ребенка в коллективных взаимоотношениях.

SUMMARY

Conceptual approaches reflect the interaction of two subsystems of the projected educational model: individual, personal, and collective, to determine the main objectives of the pedagogical experiment, designed to ensure that they are tested in dynamic mode, to identify the determinants of the development of the child's individuality in collective relationships.

# МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФОЛКЛОР ЎЙИНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС АСПЕКТЛАРИ

***Қурбонова М.Ш.***

*Қарши давлат университети*

**Таянч сўзлар:** фаолият, фольклор, мактабгача ёшдаги болалар, мусиқа, ижод, метод, шакллантириш, ривожлантириш.

**Ключевые слова:** деятельность, фольклор, дошкольники, музыка, творчества, метод, формирование, развитие.

**Key words:** activity, folklore, preschoolers, music, creativity, method, formation, development.

Фольклор фаолияти асосида, мактабгача ёшдаги болалар мусиқа қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришда усул ҳамда методларини ишлаб учун жуда муҳим саналади. Аввало мазкур усул ва методларни қараб чиқишдан олдин, болаларнинг интеллектуал ва руҳий ривожланишларига мос равишда машғулотларни энг оптимал шаклини танлаб олиш зарурдир.

Кўпчилик психолог олимларнинг фикрларига кўра (Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғозиев, Р.И.Суннатова ва бошқалар) мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий фаолияти ўйин ҳисобланади, чунки унда бола руҳиятидаги асосий ўзгаришлар рўй беради.Бола ривожаланишининг янги юқори босқичига ўтказишга тайёрловчи руҳий жараёнлар ривожланади. Мавзуга нисбатан қарайдиган бўлсак, ўйиндан ташқаридаги фаолиятда боланинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратиб бўлмайди, чунки бола фақатгина ўйин давомида юқори даражадаги эркинликка эга бўлади ва унинг ижодий потенциали рўёбга чиқади.

Мактабгача ёшдаги болалар фолклор фаолияти доирасида ўйин методларини тадбиқини қарган ҳолда, хорижий ва мамлактимиз олимларининг ўйинлар назарияси аспектини очиб бериш эътиборини четда қолдириб бўлмайди, чунки бу биз учун принципиал нуқтаи назардан жуда муҳимдир.

Тарихда ўйинлар ривожланишини тадқиқ этишни К Гроссуга тегишли бўлиб, унинг ишларида биринчилардан бўлиб, катта миқдордаги материал умумлаштирилиб, тизимлаштирилган ва ўйинларнинг биологик муҳимлиги ва аҳамияти қайд этилган. К.Гроссунинг назарияси хорижий психологияда ўттиз йилдан ортиқроқ вақт давомида доминанта ролини ўйнади.Хорижий йирик олимлар ва болалар психологияси намоёндалари бўлган Эд.Клапаред, Ст.Холл, ДЖ.Дьюи, К.Бюлер, В.Штерн, З.Фрейд каби олимлар унинг тарафдорлари бўлишган. Уларнинг барчаси ўйинлар назариясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишган, баъзи алоҳида томонларини ривожлантиришган, лекин энг асосийси К.Гроссу позициясида қолишган. Замонавий психологик-педагогик фанлар нуқтаи назаридан К Гроссунинг ўйинлар назарияси фақат тарихийлик нуқтаи назаридан аҳамиятга эга, лекин унинг боланинг руҳий ривожланишидаги муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги ғояси кейинчалик Ж.Брунер ва

Ж.Пиаженинг тадиқиқотларида сақланиб қолди.

Ҳозирги вақтда психология ва педагогика фанларида ўйинларнинг психологик аспектлари атрофлича ўрганиб чиқилган. “Гап шундаки, ўйинда нафақат янгитдан интеллектуал амаллар шаклланади ёки ривожланади, балки боланинг позицияси атроф оламга нисбатан тубдан ўзгаради ва позициядаги мумкин бўлган ўзгариш механизми шаклланади ҳамда ўз нуқтаи назарини бошқаларнинг нуқтаи назари билан координациялаш амалга ошади”. Ўйин хатти-ҳаракатларни акс эттирувчи модель сифатида ҳаётдаги турли жараёнларни муқобил сценарийсини ўзида намоён этади. Лекин, ҳар қандай ўйинда ўзлигини намоён этишнинг “эркин” асослари, ижодий йўллар импульси, танлов, афзал кўришлар ётади”.

Болани ўйин амалиётидан воз кечтириш – унинг асосий ривожланиш манбасини: ижод импульслари, ҳаётий тажриба ва ижтимоий амалиёт белгиларини, дунёни англаш жараёнини ўзлаштиришини рад этишбилан баробардир.

Шундай қилиб, педагог олимларнинг умумий фикрига кўра ўйин – фаолиятнинг бошланиши бўлиб, унинг ёрдамида инсон дунё реаллигини ўзгартиради. Бола ўйини масаласини таҳлил қила туриб, тадқиқотчилар унинг қуйидаги аҳамиятли жиҳатларини ажратиб кўрсатишади: 1) шахснинг атроф оламга нисбатан алоҳида муносабати; 2) бола фаолиятининг ўзига хослиги, у боланинг субъектив фаолияти сифатида ўзгаради ва ривожланади; 3) фаолият тури ёки боланинг ароф оламга нисбатан рнгли муносабати; 4) боланинг руҳиятидаги ривожланишни амалга ошиш фаолияти; 5) бола ҳаётини ижтимоий-педагогик шаклини ташкил этиш.

Ўйинга педагогик  жараён сифатида қуйидаги: мазмун, тасаввурларни тўғри ва тўлиқ акс этиши тарбиявий-билиш нуқтаи назаридан қадриятли эканлиги; ўйин ҳаракатларининг мақсадга мувофиқлиги, фаоллик, ташкилотчилик ва ижодий тавсифга эгалиги; қоидаларга бўй суниш ва улар асосида алоҳида болалар ва барча ўйин иштирокчилар манфаатларини эътиборга олиб ўйинни олиб бориш; ўйин материалидан мақсадли фойдаланиш; муносабатларнинг яхшилиги ва болалар кайфиятини яхшиллашга йўналтириш каби талаблар қўйилади.Ўйинни бошқара туриб педагог бола шахсининг турли томонларига: унинг онгига, сезгисига, иродасига, хатти-ҳаракатларигатаъсир кўрсатади ва боланинг ақлий, маънавий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш мақсадида улардан фойдаланади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама ривожлантириш жараёнига киритилган асосий фаолият тури нуқтаи назаридан  ўйин масалаларини таҳлил қиладиган бўлсак, болаларнинг ижодий-мусиқий ривожлантириш воситаси сифатида фольклор фаолиятини ташкил этиш метод ва усулларини танлаш ана шу ҳар томонлама ривожлантиришга мос келади деб ҳисоблаймиз. Бундай фаолият турининг энг оптимал шакли – фольклор ўйин бўлиб, у педагог раҳбарлигидаги машғулот жараёнига киритилган мактабгача ёшдаги боланинг сюжетли-ролли ўйинларини барча функциясини бажаради. Тадқиқот мавзусидан келиб чиқиб, бизни энг аввало  мактабга ўтиш давридаги болаларнинг фольклор асосидаги мусиқавий қобилияти қизиқтиради. Фақат ўйин шаклидагина ижобий натижаларга эришишимиз мумкинлигини қайд этишимиз жоиздир, чунки, фақат ўйинда болаларда мусиқавий фольклор машғулотларига қизиқиши уйғониши мумкин, бу эса болалар билан ишлашнинг муҳим педагогик шарти ҳисобланади.

Юқорида келтирилган фикрлар ҳамда шахсий амалий тажрибамиздан келиб чиқиб, фольклор ўйин – мактабгача ёшдаги боланинг шундай фаолият кўриниши эканки, у болалар томонидан миллий анъаналарни амалий нуқтаи назардан ўзлаштиришга, миллий ўзликни шакллантиришга, миллий анъаналаримизга мос жамият ҳаётида

хатти-ҳаракатлар қонун-қоидалар, меъёрларини ўзлаштиришга қаратилган бўлади. Фольклор ўйин сюжетли-ролли ўйинлар кўринишида шакллантирилиб, болаларни ривожлантириш функцияси сифатида: интеллектуал билиш, маънавий-эстетик жумладан, мусиқий ривожланиш кабиларни бажаради. Фольклор ўйинни ташкиллаштира туриб, педагог сюжетли-ролли ўйинларнинг тузлмавий методларини билиши лозим. Фольклор ўйинлар намуналарини ўрганишни бошлашдан олдин, болада халқ ҳаёти моҳияти ҳақида тасаввурни шакллантириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ана шунга асосан, фольклор ўйинни ташкил этишнинг уч гуруҳ методини ажратиб кўрсатамиз: методларнинг биринчи гуруҳи болаларни халқ ҳаёти ҳақидаги тасаввурларни ва билимларини бойитиш билан боғлиқдир. Мазкур гуруҳ методлари болани халқ маданияти соҳасидаги билимларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлади. Лекин, болаларда ушбу тасаввурларни шакллантириш учун фольклор муҳитини яратиш зарур, улар ана шу муҳитдан керакли маълумотни оладилар.

Методларнинг иккинчи гуруҳи фольклор ўйинларни шаклланишига ва ривожланишига туртки беради. Чунки, улар машғулотлар давомида амалга ошиши сабабли, тўлиқлигича педагогнинг хатти-ҳаракатларига боғлиқ бўлади. Қайд этишимиз жоиз, фольклор ўйин болаларнинг мустақил сюжетли-ролли ўйинлари учун тавсифли эмасдир. Болалар фольклор ўйинни машғулотлар давомида тўлиқ ўзлаштирганларидан сўнггина, мустақил ўйин фаолиятларига ўтказишлари мумкин, бу эса болаларни халқ ҳаёти анъаналарини муваффақиятли ўзлаштирганларидан дарак беради.

Шундай қилиб, қайд этилган ана шу иккита метод фольклор ўйинларни ташкиллаштириш ва режалаштиришга, болаларни мусиқавий фольклорни идрок этишга тайёрлашга, мактабгача таълим ёшидаги болаларни халқ ҳаёти соҳасидаги билимларини ривожлантиришга йўналтирилган экан.

Ушбу кўринишдаги машғулотларни ўтказишдан мақсад - болаларни мусиқавий қобилиятларини ривожлантиришдир. У ҳолда учинчи гуруҳ методлари сифатида мусиқа таълими билан боғлиқ бўлган методларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин, улар фольклорнинг мусиқавий-нутқ мисолида амалга оширилади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, фольклор ўйинлар давомида болаларнинг асосий мусиқий қобилиятларини ривожланиши фаол тарзда амалга ошади - меторитмларни сезиш, мусиқавий хотира ҳамда мусиқавий фольклор соҳасида мусиқавий-эшитиш тасаввурлари шаклланади.

Адабиётлар:

1. Байкова Л. А. Гуманизация педагогической системы образовательного учреждения: теория и опыт. - Рязань, 2000. - 245с

2. Теплов Б.М. Проблемы и психофизиология индивидуальных различий. -М., Воронеж, 1998.- 538 с

РЕЗЮМЕ

Мақолада, мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама ривожлантириш жараёнига қаратилган асосий фаолият тури нуқтаи назаридан ўйин масалаларини таҳлил қилиниб, унда болаларнинг ижодий-мусиқий қобилиятини ривожлантириш воситаси сифатида фольклор ўйин фаолиятини ташкил этиш метод ва усулларини танлаш, ана шу орқали болани ҳар томонлама ривожлантириш устида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статьи рассматривается вопросыоб игры, как основного вида деятельности дошкольников, включенного на сегодняшний день в процесс всестороннего развития, мы полагаем, что подходить к выбору методов и приемов организации фольклорной игровой деятельности,

как средству развития музыкально¬-творческих способностей детей, необходимо с позиций игровой деятельности.

SUMMARY

The article deals with the issues of the game as the main activity of preschool children, included today in the process of comprehensive development, we believe that the approach to the choice of methodsand the methods of organization of folklore game activity, as a means of development of musical and creative abilities of children, it is necessary from the standpoint of game activity.

# ПРЕДМЕТЛАР ДУНЁСИНИ МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ТОМОНИДАН ИДРОК ЭТИЛИШИ ВА АНГЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

***Ашурова Т.Э.***

*Қарши давлат университети*

**Таянч сўзлар:** мактабгача ёшдаги бола, идрок этиш, англаш, предмет, белги, фикрлаш, фаолият.

**Ключевые слова:** дошкольник, восприятие, ос¬мысленный, предмет, признак, мыслительный, деятельность.

**Key words:** preschooler, perception, meaningful, subject, sign, mental, activity.

Буюмлар дунёси (предметлар, объектлар) мактабгача ёшдагибола ҳаётида мустақил бир маънога эгадир: фаолиятидагидастлабкиобъект, бола учун атрофдаги воқеликни англай бошлашининг биринчи объекти бўлиб қолади.

Предметлар дунёсини идрок этиш ва англаш асосларини очиб беришга предметнинг хусусиятларини ҳисобга олиш ва уни боланинг ижодий ривожланишидаги потенциал имкониятларини ошкор қилиш орқали эришилади.

Энг аввало, қўйилган вазифани бажариш учун «предметлар дунёси» тушунчасига киритилган мазмунни аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Турли тадқиқотлардаги предметларга берилган таърифларни ўрганиш ва таҳлили уларни бир-бирига яқинлаштирадиган умумий жиҳатни аниқлаш имкониятини берди: аниқроғи, предметларда инсонни кўп асрлик тажрибасининг моддийлашуви амалга оширилган, у умумлаштирилган ҳолда жисмоний ва динамик хусусиятлар, фазилат ва муносабатлар бола олдида очиб бериш орқали намоён бўлади. Бунда, сифат предметларнинг объектив ва умумий тавсифи нуқтаи назаридан тушунилади,бу уларнинг хусусиятларини йиғиндисида аниқланади, хусусият эса предметнинг бошқа томонлардан фарқини ёки улар билан умумийлигини белгилайдиган ҳамда уларнинг муносабатларида янада аниқроқ намоён бўладиган томонидир.

Предметлар дунёсининг ушбу хусусиятлари орқали болаларга ижтимоий воқеликнинг барча жиҳатлари (шахс, жамият, буюмлар дунёси) намоён бўла бошлайди. Бундан ташқари, танланган хусусиятлар мактабгача ёшдаги болаларга предметларни ўзлари яратиш ва ўзгартириш жараёнида қатнашиш ҳамда ижодкорликни намоён қилишига имконият яратади.

Тадқиқотимиз учун аҳамиятли бўлган предметлардунёси хусусиятларининг мазмуни бир қатор тадқиқот ишларида уларда танланган объект нуқтаи назаридан қараб чиқилган. Умуман олганда, предмет шакли ташқи шаклда ифода этилган ва геометрик шаклларда умумлаштирилган атрофдаги воқеликнинг предмет мазмунини ташувчиси сифатида қаралади (З.М. Богуславская, Н.П. Сакулина, Т.С. Комарова, Г.А. Кислюк, А.Г. Рузская ва бошқалар).Функцияси предметлардан фойдаланиш усули сифатида, белгиланиши - муайян инсон эҳтиёжларини қондириш нуқтаи назаридан қаралади. Шу билан бирга, меҳнат натижасида предметнинг белгиси, инсон фаолиятининг маҳсулида аниқ намоён бўлади (В.И.Логинова). Муайян таркибий қисмларни тўлдириш билан, предмет мактабгача ёшдаги болада атрофдаги ҳақиқийлик тўғрисида мавжуд бўлган маълумотларни етказади, уни билишига ёрдам беради.

Педагогика фанининг назарияси ва амалиётида предметлар дунёси билан таништириш муаммоси Ян Амос Коменскийнинг (1592-1670) педагогик назариясида аллақачон кўриб чиқилган. «Суратлардаги буюмлар сезгилар олами» (1658) асарида у сезгилар ёрдамида аниқ ғояларни тўплаш учун турли хил нарсалардан фойдаланишни таклиф қилган. Унинг иши болалар учун ўзига хос энциклопедия бўлиб, унинг асосида болага дунёнинг хилма-хиллиги ва фан ютуқлари ҳақида гапириб бериш мумкинлиги ғояси ётади, аммо буни кўргазмалилик ёрдамида амалга ошириш керак бўлади. Бундан келиб чиқиб, у энциклопедия принципини билимларни танлашнинг асосий мезони деб атаган.

Маълумки ҳар қандай педагогикада ғарб педагогикасининг таъсири сезилиб туради. Бунда Ф.Фребель ва М.Монтессорининг назариялари алоҳида эътибога моликдир.

Ф. Фребельпредметлар дунёси билан танишишнинг муҳимлигини таъкидлар экан, унинг фикрига кўра, кичкина бола учун асосий кўникма - тўғри қараш, предметларга белги қўйиш, алоқаларни ўрнатишдир. Шу мақсадда у эрта ёшлик чоғидан бошлаб болаларга турли хил ижтимоий борлиқ объектларини шакли, ранги, материали билан таништиришга имкон берадиган совғалар тизимини яратди.

М. Монтессори асосий нарса бу предметнинг хусусиятларини (шакли, ранги, ўлчами ва бошқалар) аниқлашда болалар учун энг муҳими машқлар деб ҳисоблаган. У бола ўз хатоларини мустақил равишда аниқлай олиши ва тузатиши, шу билан билим ва фаолиятга эга бўлиши учун турли тарзда тузилган материаллардан фойдаланган.

Предметнинг информацион функцияси, фикримизча, болаларга предметнинг хусусиятлари ҳақида маълумот беришдир: шакли, ўлчами (ҳажми), ранги, материали ва бошқалар. Билим, бир томондан, болани ижтимоий муҳитга йўналтиради, иккинчи томондан, шахснинг фаолияти жараёнида намоён бўладиган шахсий фазилатлари ҳақида тасаввур ҳосил қилади.

Предметлар дунёсининг информацион функцияси болага унинг кўп қиррали таркибини (сенсор, маданий, ижтимоий, этнографик, меҳнат, эстетик ва бошқалар) очиб беради.

Кўпгина тадқиқотларнинг таҳлили мазкур мавзудаги энг асосийси - бола ҳиссий жиҳатдан ўрганадиган хусусиятлар, деган хулосага келишимизга имкон

беради. Ушбу хусусият туфайли, сезги ва идрок ёрдамида болалар предметларнинг ташқи хусусиятларини ва уларнинг умумийлигига мўлжални оладилар.

И.М.Сеченов ёзганидек, бола фикрларининг илдизи ҳис қилишда ётади. Ушбу вазиятнинг ривожланишини давом эттирган психолог А.Б.Брушлинский, сезги органлари тақдим этадиган дунёнинг ҳиссий манзараси зарур, аммо предметлар дунёсига чуқур йўналтириш учун етарли эмаслигини айтган. Ҳиссиётлар ва идрок этишнинг бой эканлиги ички алоқалар билан танишиш учун зарурий шартдир, чунки ташқи ҳислар барча рационал ишларга материал беради. Кейинчалик, фикрлаш ёрдамида бола сабаб-оқибат муносабатларни тушунишга ва уларни бошқаришга киришади.

Объектив дунёнинг информацион функцияси ижтимоий воқелик ҳақидаги зарур ғояларни ривожлантиришга ёрдам беради, олимларнинг фикрига кўра (В.И. Логинов) унинг асосий бўғини катталар иш фаолияти тўғрисидаги билимдир. Предмет ижодий жараённинг ҳақиқий, ёрқин маҳсули эканлиги сабабли тасаввурлар шаклланади.

В.И.Логинованинг тадқиқотида предмет меҳнат фаолияти ва дунёни мунтазам равишда билишнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Предмет муҳитининг информацион функцияси болаларга меҳнат маҳсулотларининг ижтимоий аҳамияти тўғрисида маълумот беради: ҳар бир нарса меҳнат натижасидир ва бир киши учун эмас, балки кўпчиликка хизмат қилиш учун яратилган. Бир қатор тадқиқотларда предмет ва инсон фаолияти ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқликни кўрсатилган, шунинг учун меҳнатнинг моҳияти ўзига хос аҳамиятга эга бўлган - инсон эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган воқеликни ўзгартиришга қаратилган махсус фаолият сифатида қаралади. Иш фаолиятини амалга ошириш учун инсон меҳнат жараёни, технологияси ҳақида билимга эга бўлиши керак.

Предмет ва инсон фаолияти ўртасидаги боғлиқликни кўрсата туриб, тадқиқотчилар асосий эътиборни мактабгача ёшдаги болаларни меҳнат жараёни, меҳнат фаолияти таркибий қисмлари билан таништиришга қаратадилар. Агар инсон ва предмет ўртасидаги боғлиқлик катталар учун аниқ бўлса, болалар учун эса уларнинг ёш хусусиятларига кўра у яширин бўлади.

Предметлар белгиларини ажрата олишболаларга катталар дунёсини, уларни ҳаётида предметларнинг аҳамияти очиб беради. Предмет орқали ҳаётнинг турли жабҳалари: иш, ҳаёт, санъат, катталар истеъдодлари, уларнинг хусусиятлари ва ҳаётий тажрибаси, ижодкорлик очиб берилади (О.В.Дйбина, С.А. Козлова). Шундай қилиб, предметлар дунёси ҳақидаги инсон билими - дунёнинг трансформацияси ўртасидаги боғлиқликда кузатилади.Предметларни инсонда ижодий билиш манбаи сифатида кўриб чиқиш ўринлидир. Бундан ташқари, мактабгача ёшдаги болаларда ижодкорликни шакллантиришда буюмлар дунёсининг ўрни ва аҳамияти илмийлик нуқтаи назаридан тадқиқ этилмаган.

Кўриб чиқилган позициялардан келиб чиққан ҳолда, предметлар дунёсининг информацион функцияси, айтилганларга қўшимча равишда, шахснинг ижодий фикрининг маҳсули сифатида предмет ҳақидаги фикрни, субъектнинг ривожланиши (унинг ўтмиши, ҳозирги даври, келажаги), уни ўзгартириш учун амалий

фаолиятни (эстетик ва функционал нуқтаи назардан) ўз ичига олиши керак. Маълумотларни эмоционал бойитилганлиги билан мазкур функция боланинг ҳиссуйғуларига ахлоқий таъсирни юклайди ва предметлар дунёсига ҳамда ушбу дунёнинг ўзгартирувчиси бўлган инсонга эмоционал, ижодий муносабатни келтириб чиқаради.

Аниқланишича, эмоционал нуқтаи назардан бойитилган материал болаларда эмоционал юксалишни, инсоннинг меҳнат фаолияти натижасида юзага келадиган ажойиб ўзгаришларга қойил қолиш ҳиссини уйғотади. Бола буюмлар дунёсига адекват муносабатни ривожлантиради. Реалликка муносабатни шакллантириш самарадорлиги эмоционал ва интеллектуал жараёнларнинг бирлигида шартланганлигидан келиб чиқади, уларнинг ўзаро боғлиқлиги Л. С. Виготский томонидан кўрсатиб берилган. Бу ерда «ақлли эмоциялар» нинг пайдо бўлиши ҳақида гапириш мумкин, чунки улар катталар фаолияти маҳсули бўлган (ижодкорлик даражасида) предметлар дунёсини фаол билиш жараёнини таъминлайди. Предметларолами нафақат бола онгига, балки унинг руҳиятига ҳам таъсир қилади.

Предметлар оламининг этнографик, маданий мазмуни муҳим аҳамиятга эга. Унинг ғайри оддий қобилияти туфайли халқ бадиий ашёлари нафақат бадиий, балки тарихий, этнографик, ижтимоий ва илмий нуқтаи назардан ҳам қизиқиш уйғотади (Т.Я. Шпикалова, Г.А. Поровская). Унга тарбиявийлик нуқтаи назарини ҳам қўшиш мумкин.

Шундай қилиб, ҳар бирбуюмда инсон томонидан эришилган ютуқлар ўз аксини топади. «Ҳаётнинг ўз ўлчови»ни, унинг ҳисобланишини акс эттирувчи буюм, аслида қандай бўлишидан қатъи назар, инсоннинг яхлит дунё қарашини, унинг ҳис-туйғуларини, билимларини, хулқ-атворини акс эттиради. Унинг тарбиявийлик нуқтаи назаридан қадри жуда юқоридир.

Адабиётлар:

1.Мишарина Т.А. Знакомство детей младшего дошкольного возраста с предметным миром и трудом взрослых. - Иркутск, 1988. - 46 с.

2. Сударчикова С.Ф. Формирование системных знаний о труде взрос¬лых у детей 5 года жизни: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. Л., 1988. — 14 с.

3. Шодиев Р.Д., Ибрагимова Г., Набиев И. Современное дошкольное образование и инновационная деятельность. Бюллетень науки и практики — Bulletin Of Science and Practice (scientific journal) №4 2018. р-457-460.

РЕЗЮМЕ

Мактабга ўтиш ёшидаги болаларда идрок этиш нисбатан англанганлик ҳолатида бўлади, ақлий фаолият элементлари уларда аниқроқ ифодаланади. Бу уларга предметларнинг статик бўлмаган табиатини ва уларнинг белгиларида эстетик ҳамда функционал ўзгаришларни кўриш ва англашга имкон беради.

РЕЗЮМЕ

У детей старшего дошкольного возраста восприятие становится более ос¬мысленным, в нем ярче выражены элементы мыслительной деятельности. Это позволяет им видеть и осознавать нестатичность предметов и их признаков, подвергающихся эстетическим и функциональным изменениям.

SUMMARY

Inolderpre school children, perception be comes moreme aning ful, elements of mental activity aremo reclearly expressedinit. This allows them tosee andrealize thenon-staticnature of objects and the irsigns, under going a estheticand functional changes.



# ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА БЕЛБОҒЛИК КУРАШ МАШҒУЛОТЛАРИДА АҚЛИЙ ВА ЭСТЕТИК СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

***Нигманов Б. Б.***

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети*

*Жисмоний маданият кафедраси доцент вазифаси бажарувчиси*

**Таянч сўзлар:** белбоғлик кураш, педагог, урф-одат, жисмоний маданият, шакиллантириш, ривожлантириш**.**

**Ключевые слова:** борьба на поясах, педагог, традиция, физкультура, формирование, развитие.

**Key words:** wrestling on belt, pedagogue, tradition, physical culture, formation, development.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Соғлом авлодни тарбиялаш буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир". Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизда соғлом авлод дастури ҳаракатининг кенг тус олгани, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ этилаётгани ҳам ана шу улуғвор вазифани амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамдир.

Жумладан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, ҳозирда ёшлар спортнинг кўплаб турлари бўйича мамлакат ва жаҳон миқёсида ном қозониб, юртимиз довруғини дунёга таратмоқдалар.

Бундан кўринадики, белбоғлик кураш спорт тури барча спорт турлари каби ёшларда жисмоний, ақлий ва эстетик ҳамда жисмоний сифатларни тарбиялайди. Бунинг натижасида ўқувчиларда ботирлик, қатъиятлилик, интизомлилик, жамоатчилик, дўстлик ва ўртоқлик ҳисси шакллантирилиб, уларда маданий хулқ кўникмалари, меҳнатга муносабат туйғулари тарбияланади.

Бунда, албатта, жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари муҳим аҳамият касб этади. Жисмоний машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишда гигиеник қоидалар – ҳар қандай жисмоний машғулотнинг санитария-гигиена талабларига риоя қилинган ҳолда ўтказилиши, машғулотлар жойининг гигиеник жиҳатдан мос бўлиши, тегишли жиҳозлар, инвентарлар, махсус уст-бош ва оёқ кийимнинг мавжудлигига қатъий эътибор қаратиш ўқитувчи ҳамда мураббийнинг бирламчи вазифаси саналади.

Спортнинг халқимиз маданиятига хос бўлган белбоғлик кураш тури ўзида кўп минг йиллик тарихни жо этади. То бугунга қадар халқимиз тарихида нечалаб паҳлавонлар яшаб келганлар. Уларнинг мардонавор жанги, эл-юрт ҳимояси йўлида кўрсатган қаҳрамонликлари авлодлар учун юксак ибрат намунаси десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Халқимиз миллий қадриятлари билан чамбарчас боғланиб, деярли бир мазмун касб этган белбоғлик кураш тури инсондаги улкан жисмоний қувват, куч-қудратни акс эттиришдан аввал, биринчи галда курашчидаги юксак маънавият, маданият, камтарлик, самимийлик, бағрикенглик, раҳмдиллик, меҳрибонлик ва яна кўплаб инсоний фазилат ва хислатларни ўзида намоён этган. Моҳир, белбоғлик курашда, маънавиятда тенгсиз инсонларга халқона тилда “полвон” сифати қўшиб айтилган. Полвонлар халқ орасида ўзининг кучлилиги, мардлиги, тантилиги, ҳамиша эл-юрт учун камарбасталиги билан ажралиб турганлар, одамларнинг ишончи ва суянчига айланганлар.

Шундай экан, жисмоний тарбия дарсларида ва спорт машғулотларида белбоғлик кураш спорт тури билан шуғулланишларини ташкил қилиш натижасида, аввало, ўқувчиларда:

– юртимиз тарихи, халқимиз маданияти, миллий қадриятларимизга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари, ватанпарварлик ҳисси шаклланади;
– ўз кучини жиловлаш, сабр-матонат, иродалилик, оғир дамларда тўғри қарор қабул қилиш, ўз манфаатларидан жамоа манфаатларини устун қўйиш хислатлари шаклланади ва ҳ.к.

Маълумки, белбоғлик курашда ҳалоллик, адолатлилик, ўз кучини аниқ ва тўғри сафарбар этиш, рақибига адолат ва самимият билан муносабатда бўлган ҳолда кураш олиб бориш, мағлубиятни тан олиш, ғалабадан кибрга берилмаслик каби умуминсоний тамойиллар устувор аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, белбоғлик кураш машғулотларида ўқитувчи ҳамда мураббийлар томонидан айни жиҳатларга муҳим эътибор қаратилиши, аввало, ўқувчиларни мазкур спорт турига маънан-руҳан тайёрлаш назарда тутилиши лозим. Бунинг учун эса белбоғлик курашнинг бутун моҳияти, бўй-басти, хусусиятлари ҳақида ўқувчилар назарий билим-малакага эга бўлишлари зарур. Бунда:

– тарихда яшаб ўтган полвонлар ҳақидаги ривоятлардан фойдаланиш;
– бугун биз билан бир замон ва маконда яшаётган номдор полвонлар билан учрашув, суҳбатлар уюштириш, уларнинг мсалаҳат ва тавсияларини ўрганиш ва ҳ.к.

Белбоғлик кураш билан ўқувчилар қанчалик самарали машғул бўлсалар, уларда умуминсоний сифатлар шунчалик изчил ривожланади. Шуни ҳам қайд этиш керакки, дарс машғулотларида берилган соатларнинг ўзида ушбу спорт турини тўлақонли ўзлаштиришнинг имкони йўқ, албатта. Буни қўшимча соатларда, тўгаракларда тўлдирилади. Масалан, Жисмоний тарбия ўқитувчиси ўқувчилар билан қўшимча равишда ишлаш механизмларини такомиллаштириши лозим. Бунда оиладаги, маҳалладаги таълим-тарбия тизими имкониятларидан унумли фойдаланиш зарур, албатта. Чунки ўқувчининг оила муҳитида спорт машғулоти билан шуғулланиши, маҳалладаги спорт ўйинларида фаол иштироки дарс жараёнида эгаллаган билим-малакаларини мустаҳкамлашга асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун эса:

– ота-оналар билан узвий алоқа ва ҳамкорликни йўлга қўйиш;
– маҳаллаларда ўтказиладиган тадбирларда ўқувчи ёшларни спорт мусобақларига тайёрлаб бориш;
– спорт машғулотлари ва мусобақаларида юқори кўрсаткичларни қайд этаётган ўқувчиларни маънавий-моддий рағбатлантириб бориш;
– ҳар бир спортчи учун янги услубда “Спортчи кундалиги”ни тутиш ва унинг ичига “ўқитувчи-ота-она-маҳалла” алоқасини қайд этиб бориш ва ҳ.к.

Хулоса қилиш керакки:

- белбоғлик кураши асосида ўқувчи ёшларда ватанпарварлик, халқимиз миллий қадриятларига ҳурмат-эҳтиром ғоялари қарор топтирилади;
- машғулотлар самарадорлигини таъминлаш юзасидан оила-маҳалла-мактаб ҳамкорлигини изчил йўлга қўйиш ва бунинг учун янги услуб – ҳар бир спортчига мўлжалланган “спортчи кундалиги” ни жорий қилиш.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.- Т.: Ўзбекистон, 1999. – 73б.
2. Қосимова Р.Н., Холова Н.Ш., Искандаров Э. “Талабалар соғлом турмуш тарзини шакиллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти”. // Республика илмий-назарий анжуман маърузалари. – Жиззах: 2005. –Б. 15-17.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада белбоғлик кураш машғулотларида ақлий ва эстетик сифатларни шакллантириш ҳақида намуналар тавсия қилинган ва изоҳлаб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье анализируется формирование эстетических качеств и даны советы по борьбе на поясах в процессии обучение в школах.

SUMMARY

In given article is analyzed forming esthetic quality and given advise in wrestling on belt in process teaching in the school.

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ОРҚАЛИ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

***Абдуллаев А. А.***

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти*

*Мактабгача ва бошланғич таълим спорти кафедраси мудири*

**Таянч сўзлар:** соғлом авлод тарбияси, узлуксиз таълим тизими, соғлом турмуш тарзи, миллий халқ ўйинлари, таълим-тарбия жараёни, замонавий педагогик технологиялар, миллий ва маданий қадриятлар.

**Ключевые слова:** воспитание здорового поколения, образования, здоровий образ жизни, национальные народные игры, современные образовательные технологий, национальные и культурные ценности.

**Key words:** the upbringing of a healthy generation, unitevupted education, healthy lifestyles, national folk games, education, modern educational technologies, national and cultural values.

Мустақиллик йилларида Республикамизнинг Биринчи Президенти, улуғ Йўлбошчимиз Ислом Каримов томонидан бошлаб берилган оқилона ислоҳотлар жараёнида ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом этиб тарбиялаш борасида мисли кўрилмаган эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Ушбу эзгу ишларнинг самараси ўлароқ, юртимизда «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури», «Таълим тўғрисида»ги Қонун, “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” ишлаб чиқилди. Юртимизда миллий тизим – узлуксиз таълим жараёни йўлга қўйилди. Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш мақсадида, умумий ўрта таълим тизимида «Умид ниҳоллари», ўрта махсус, касб-

ҳунар таълими тизимида «Баркамол авлод», олий таълим тизимида «Универсиада» каби анъанавий жисмоний тарбия ва спорт ўйинлари жорий қилинди. Бугун айни хайрли тадбирлар ўз самарасини бериб, давлатимиз ёшлари нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон спорт ўйинларида ҳам ғолибликни қўлга киритмоқдалар ва юртимиз байроғини баланд кўтармоқдалар.

Бундай натижалар юртимизда соғлом авлод тарбиясида олиб борилаётган оқилона ижтимоий сиёсатдан дарак беради, албатта. Ҳозирда жисмоний тарбия ва спорт жараёнига илғор усул ва технологияларнинг жорий этилаётганлиги, ёшларга амалий ва назарий жиҳатдан пухта билим берилаётганлиги сабабли ёшларимиз орасидан спорт усталари, чемпионлар етишиб чиқмоқдалар.

Аммо, бу мазкур йўналишдаги вазифалар ҳали тўлиқ ҳал этилди, дегани эмас. Негаки, шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги давр барча мамлакатлардан, хусусан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам ўзига хос самарадорликка эришишда мақсадга мувофиқ усул ҳамда чоралар қўллашни тақозо этмоқда. Соғломлаштириш жараёнларида халқимиз маданияти, миллий қадриятларининг ўзига хос намуналаридан саналган миллий халқ ўйинларидан фойдаланиш, улар орқали ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш ана шундай изчил воситалардан десак, хато бўлмайди, бизнингча.

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб, соғлом авлодни тарбиялаш жараёнига миллий халқ ўйинларини фаол тадбиқ қилиш лозим. Негаки, миллий халқ ўйинлари – асрлардан асрларга ўтиб келган, халқнинг доно тажрибасини ўзида жамлаган, руҳиятни, танани чиниқтириш чоралари сифатида асрий синовлардан ўтган, нечалаб саркардалару халқ қаҳрамонларининг камолга етишувида асос вазифасини ўтаган. Ҳозирда жисмоний тарбия фанидан таълим стандарти талаблари асосида ишлаб чиқилган дастурларда миллий халқ ўйинларига ҳам спорт машғулотлари қаторида жой ажратилган. Бироқ бу билан чекланиб қолмаслик, таълим-тарбия жараёнига халқ ўйинларининг турли усулларини фаол тадбиқ қилиш зарур. Нафақат дарсларга, балки синфдан ташқари тадбирларга ҳам ушбу ўйинларни изчил жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Негаки, халқ ўйинлари:

- ўқувчиларни жисмонан, руҳан соғлом этиб тарбиялайди;
- ўқувчилар жамоаларида халқимизга хос бағрикенглик, жамоавийлик, жипслик тамойилларини қарор топтиради;
- таълим олувчиларда ҳаракатчанлик, юқори кайфият, машғулотларни изчил ўзлаштиришга нисбатан иштиёқ уйғотади;
- ўқувчиларнинг халқимиз тарихи, маданияти ва кўҳна қадриятларига оид билим-малакаларини янада оширади, бу орқали уларнинг қалбларида ифтихор туйғуларини уйғотади ва ҳ.к.

Миллий халқ ўйинлари – кураш, кўпкари, мерганлик, чавандозлик, от устидаги чавгон ва шунга ўхшаш машғулотлар халқимиз ҳаётига сингиб кетган бўлиб, бу ҳатто адабиёт намуналарида акс этади. Масалан, «Алпомиш» достонида Барчиннинг қўйган шартлари – чавандозлик пойгаси, ёй тортиш, мерганлик, яъни минг қадамдан танга пулни уриш, кураш мусобақаси каби баҳслар халқимизнинг асрий анъаналари бўлиб, уларда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашдек улуғвор ғоялар акс этган. Айниқса, достоннинг Алпомиш билан Қоражоннинг учрашувидаги кўришиш

саҳнаси ғоят таъсирли талқин қилинган. «Қоражон маҳрамларига амр қилди: «Дўстим билан кўришгин»,-деб. Маҳрам халқи нозик келади, қўл учида кўришаётир. «Қалайсан?»-деб сиқинқираб юборди, маҳрамларнинг панжаси бир-бирига ёпишиб, қапишиб, янчилиб кетди-ю. Қоражон билан Алпомиш ёйди қулочди, иккови хулқи муҳаббат билан кўришди. «Қалайсан, дўстим, омонсанми?»-деб сиқинқираб юборди. Қоражоннинг етти қобирғаси синди, иши тинди, таппа тушиб ётиб қолди. Алпомиш айтди: «Нима қилди, дўстим?». Қоражон сир бермаган киши бўлиб: «Бола кунда тутадиган қуёнчиқ касалим бор эди. Шул вақт тутиб қолди»,-деди. Алпомиш айтди: «Белгили касал бўлса, тузалиб ол эса». Қоражон айтди: «Ростингни айтгин, шул кўришганингми ё уришганингми?» Алпомиш айтди: «Нима қилдиларинг –уришаман. Кўришганим эди». «Кўришганинг шул бўлса, уришганинг қандай экан?...»

Алпомиш Қоражон маҳрамларининг қўлини сиқиб кўришганда уларнинг панжаларининг «янчилиб» кетиши, Қоражон билан бел сиқиб кўришганда эса унинг «етти қовурғасининг синиши» тасвирлари бежиз эмас. Чунки Алпомиш халқимизнинг миллий спорт ўйинлари воситасида ғоят чиниққан ҳолда камолга етган миллий қаҳрамони тимсолидир. Масалан, Алпомиш ва Қоражоннинг бел сиқиб кўришувида халқимизга хос миллий кураш элементи мавжуд бўлиб, кураш азалдан халқимиз полвонларини мард, танти, кучли ва айни пайтда, ғоят камтарин инсонлар бўлганлигини ўзида намоён этади. Полвонлар ҳеч қачон «мен полвонман» деб кўксига урмаган, балки улар ўзининг ҳақиқий полвонлигини кураш майдонида исботлаганлар. Шу сабабли халқ уларни шарафлаб, исмларига «полвон» номини қўшиб айтган. Достонда кураш ўйинига хос қоидалардан бири келтирилади. Кўкалдош билан курашаётган Алпомишга Барчин шундай дейди:

*Мардлар олишмайди силтаб отади,*
*Майдон бўлса, иш кўрсатиб кетади…*

Ушбу сўзлар замирида курашнинг ҳалол ўйин эканлиги, «силтаб отган» полвонгина ҳақиқий ғалабага эришиши, мард полвонгина майдонда «иш кўрсатиши», яъни ўз куч-қудратини намоён этиши лозимлиги айтилган. Албатта, бу каби талқинларни ўзбек халқ оғзаки ижодининг кўплаб намуналарида кўришимиз мумкин. Шунингдек, Собиқ Иттифоқ халқларининг ўйинларини тўплам холида чоп этирган В.Н.Всеволодский-Гернгросс ҳам халқ ўйинларини учта катта гуруҳга ажратади: драмматик, спорт ва орноментал. Шуниндек, Я.Р.Вилькин белорус халқ ўйинларини, С.Л.Паролов туркман халқ ўйинларини илмий тадқиқ қилганлар. Ўзбек халқининг анъанавий ўйинлари, унинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятига М.Қошғарий, Байхақий, А.Навоий, З.М.Бобур, З.Восифий, С.Айний, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Ойбек, Ў.Ҳошимов, Н.Сафаров, Ш.Холмирзаев, Тоғай Мурод каби адибларнинг асарларида катта эътибор берилган.

Бундан англашиладики, миллий халқ ўйинлари соғлом авлод тарбиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, миллий халқ ўйинларини таълим-тарбия жараёнига фаол тадбиқ қилиш кутилган педагогик натижаларни беради.

Бунинг учун:

– оила муҳитида фарзандларимизни миллий халқ ўйинларига тайёрлаб боришимиз, уларга ушбу ўйинларнинг фойдали томонларини тушунтиришимиз зарур;
– мактабдаги машғулотларда, синфдан ташқари тадбирларда ўқитувчи ва мураббийлар томонидан миллий халқ ўйинларини ўйнашга юқори даражада эътибор қаратилиши, миллий халқ ўйинлари турли-туман шак-

ларда, ўқувчиларнинг хоҳиш-истаклари ва қизиқишларига мувофиқ ҳоллда ташкил қилиниши лозим;
- маҳаллаларда миллий халқ ўйинларига оид мусобақалар, беллашувлар ўтказилиши, уларда ғолиб бўлган ёшларни муносиб рағбатлантириш тадбирлари амалга оширилиши лозим. Масалан, маҳаллада миллий кураш бўйича мусобақа ўтказилса ва ғолиб ўқувчиларга «ёш полвонлар» номи берилса, бу уларни келажакда халқ орасида номдор полвонлар бўлиб етишувида муҳим омил бўлади;
- туман, шаҳарлараро ёки вилоят миқёсида миллий халқ ўйинлари беллашувларини ўтказиш, уларда иштирок этганлар орасидан халқимизнинг бўлажак Алпомишлари-ю Барчинойларини аниқлаш ёшларимизни келажакда профессионал спортга йўналтириш ишлари самарадорлигини янада оширади.

Миллий халқ ўйинларининг ҳар бирида халқимиз маданияти, урф-одат ҳамда қадриятларига хос бўлган фазилатлар ўз тажассумини топади. Масалан, «арқон тортиш» ўйинида ўзаро жамоавийлик, аҳиллик; кураш баҳсида ҳалоллик, мардлик; чавандозлик мусобақасида эпчиллик, чапдастлик; «бекинмачоқ» ўйинида топқирлик, ҳушёрлик каби хислатлар тарбияланади. Шунинг учун ҳам, ўқитувчи ҳамда мураббийлар машғулотларда халқ ўйинларини тўғри танлаши, таълим-тарбиявий жиҳатдан самарали ташкил қилиши зарур.

“Ўйинни тўғри танлаш ва мақсадга мувофиқ йўсинда ўтказиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Аммо ўйин ҳамма вақт ҳам тарбиявий вазифаларни ҳал қилавермайди. Тарбия соҳасида яхши натижага эришиш учун ҳаракатли ўйинлар тарбиявий ташкил қилиниши ва ўтказилиши керак. Ўйин раҳбари ўқувчилар жамоасини яхши билиши, ҳар бир ўйиннинг мазмуни ва қоидалари билан муфассал танишиши, юксак педагогик маҳоратга эга бўлиши лозим. Шундагина у ҳаракатли ўйинлардан кўзланган таълимий ва тарбиявий мақсадларга эриша олади”.

Дарҳақиқат, халқ ўйинлари ўқувчиларни жисмонан чиниқтириб қолмай, аввало, уларга юксак ахлоқий тарбия бериш хусусияти билан характерланади. Айниқса, жамоавий ўйинларда иштирокчиларнинг «бир киши ҳамма учун» тамойили асосида ғалабага интилиши, бир-бирининг камчилигини тўлдириши, қийин вазиятда ўзаро бир-бирига ёрдам кўрсатиши ўқувчиларда бағрикенглик, аҳиллик ва жипслик мезонларини қарор топтиради. «Оқ теракми, кўк терак», “Ғозлар ва оққушлар”, ”Кучлилар ва чаққонлар”, «Арқон тортиш», “Қувлашмачоқ” каби ўйинларни ана шундай ўйинлар сирасига киритиш мумкин. “Дурра”, “Отиб қочар”, “Учталик тўптош”, “Хаккалакам шарти”, Отамбақала-Қоқбош”, “Икки тош”, «Ёнғоқ уриш», «Бештош» ўйинлари эса ўқувчилар ўртасида ўзаро муросалилик, келишувчанлик, эзгу мақсад атрофида бирлашиш хислатларини тарбиялайди.

«Мерганлик»ни ҳам ана шундай ўйинлардан дейиш мумкин. Бунинг ўзига хос хусусияти – уни кўпроқ ўғил болалар ўйнайдилар ва улар мўлжални аниқ олиш малакаларини ўзлаштииириб, келгусида ватан ҳимоясига тайёрланиб борадилар. Ушбу ўйиннинг ҳар хил воситалар билан ўйналадиган турлари бор. Тўп билан, тош билан, турли таёқчалар ёки бошқа ашёлар билан ташкил этиладиган кўринишлари мавжуд. Биз айтадиган шакл эса тамоман қизиқарли бўлиб, бу ўйин халқ сайилларида ўйналган. Агар ҳозир юртимиз вилоятларидаги, масалан, Наманган вилояти Чуст шаҳридаги машҳур дам олиш ва истироҳат боғига кирсак, ҳозир ҳам бу ўйин ўйналаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўйин иштирокчиси атрофида йиғилганларга қараб, қўлидаги юмшоқ, енгил тўпчасини ўйнатган ҳолда , «Хўш, яна ким отди?»-деб

туради. Бу: «Яна ким мўлжалга ушбу тўпни отади?»- дегани бўлиб, ишқибозларни ўйинга чорлайди. Иштиёқи кучайган талабгорлар юмшоқ ва енгил, момиқ тўпча билан уч-тўрт метр оралиқда териб қўйилган енгил пластмассадан иборат шаклларни уриб йиқитмоқчи бўлади ва астойдил шайланиб тўпчаларни нишонга қаратиб отади. Аммо тўпча жуда енгил, минг нишонга олингани билан у ё манзилга етмайди ёки ҳаво йўналиши уни бошқа томонга олиб кетади. Қарабсизки, мерган хатога йўл қўяди. Бундан қаноатланмаган мерган яна ва яна ҳаракатларни амалга ошираверади…

Ушбу қизиқарли ўйинни мактабдаги машғулотларга тадбиқ қилиш мумкин. Бунинг учун момиқ тўп ясаш ва пластмассадан шакллар яратиш керак холос. Ушбу ўйинни ҳар қайси фан таркибида ўтказиш мумкин. Бу билан ўқувчиларда:

– руҳий ва ақлий толиқишлар бартараф этилади;
– машғулотларга қизиқиш ортади;
– юқори кайфият ва хушчақчақлик пайдо бўлади;
– ижодкорлик, ташаббускорлик, изланувчанлик сифатлари шакллантирилади;
– бир жамоа бўлиб ишлаш тамойили қарор топтирилади ва ҳ.к.

Юқоридагилардан хулоса қилиш керакки, соғлом авлод тарбиясида халқ ўйинларидан юқори савияда фойдаланиш, уларнинг турли кўринишларини таълим-тарбия жараёнига теран тадбиқ қилиш кутилган педагогик натижаларни беради.

Зеро, соғлом авлод тарбияси – юртимиз келажагининг ишончли кафолатидир.

Адабиётлар:

1. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. 87 б.
2. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик. 1-қисм. Тошкент – 2014 йил. 198 б.
3. М.Аслонова “Таълим жараёнида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш. (Бошланғич синфларнинг жисмоний тарбия дарслари мисолида)”. Номзодлик диссертацияси. Навоий - 2008 йил. 155 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада миллий халқ ўйинлари соғлом авлод тарбиясидаги самарали усуллардан бири сифатида тадқиқ қилинган бўлиб, халқ ўйинларини таълим-тарбия жараёнида ташкил қилиш ва самарадорлигини ошириш юзасидан педагогик тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье автор даёт педагогические рекамендации по организации и проведении народные игры в процессе воспитания здорового поколения, так же изучаются наиболее эффективных способы их организации.

SUMMARY

This article olevoted to national folk games and upbringing of healthy generation whiek is one of the most effective ways to study the organization of national games of the educational process and improve the efficiency of the educational recommendations.

# БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШДА КУН ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН МАШҚЛАРНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

***Холмуротов Р. Н.***

*Мухаммад ал Хоразмий номидаги ТАТУ*

*Жисмоний маданият кафедраси ассистент ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** соғломлаштириш, кун тартиби, машқлар, болалар, жисмоний тарбия, мактабгача ёшдаги болалар, ўйин, чиниқтириш.

**Ключевые слова:** оздоровление, режим дня, упражнения, дети, физическое воспитание, дети дошкольного возраста, игры, закаливание.

**Key words:** health, daily routine, exercises, children, physical education, preschool children, games, hardening.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик даврида болалар жисмоний тарбиясига ва болалар спортига катта эътибор берилмоқда: "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонуни, "Соғлом авлод учун" – Президент Фармони, "Ўзбекистон Республикасида футболни ривожлантириш" борасида – Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва бошқалар бунинг исботи бўла олади. Шуни ҳам айтиш керакки, биздан олдинги авлодлар, ота-боваларимиз, илгариги даврларда ҳам Ўзбекистон халқ тарихида ўзларини намоён этиб келишган. Паҳлавон Маҳмуд, Махмуд Торобий, Паҳлавон Муҳаммад, Алпомиш ва Амир Темурлар эл юртимиз фахри ҳисобланадилар.

Буюк соҳибқирон Амир Темур кучли шаҳматчи ва чавандоз, камонбоз ва полвон бўлганлиги тарихий манбааларда ёзилган. Ўша даврда Амир Темур қўшинида ҳар бир навкар "Мингаскар" деган спорт тури билан шуғулланганлигини айтиб ўтилади. Шундай паҳлавон ва полвонларни тарбиялаш учун "Саломатлик" пойдеворини энг кичик ёшдан қуришни бошлаш керак. Чунки бу ёшда болаларда ҳаракат кўникма ва малакаларининг шаклланиши шиддатли бўлади. Уларнинг бўйи ва мускул кучлари ортади, ҳаракат координациялари яхшиланади. Ҳаракат амплитудасини, тезлигини, йўналишини, темпини, ритмини ва ифодалилигини ажрата билиш кўникмаси такомиллашади, ҳаракатни таҳлил қилиш қобилияти маълум фаразларга ажратилган ҳолда ривожланади.

Мактабгача тарбия муассасаларида ҳамда бошланғич таълим мактабларида болалар фаолиятининг асосий бўлимларидан бирини жисмоний тарбия бўйича олиб бориладиган ишлар ташкил этади. Бу иш тарбиячилар, ўқитувчилар томонидан тиббиёт ходими ва бошқа мутахассисилар(мусиқа раҳбарлари ва бошқлар) қатнашган ҳолда махсус дастур бўйича амалга оширилади.

Боланинг туғилганидан 3 ёшгача бўлган даври гўдаклик даври, 3-7 ёш эса махсус мактабгача ёш дейилади. Болаларнинг биринчи йиллардаги жисмоний ривожланиши бир қатор кўрсаткичлар бўйича юқори тезликда содир бўлади. Масалан, боланинг 1 йилда бўйига ўсиши дастлабки бўйига нисбатан 50% ни ташкил этади. 7 ёшга келиб 2,5 баробар, кейинги йилдан бошлаб то етуклик давригача фақат 40-60 см гина ўсади. Бир ёшда бола оғирлиги 3 марта ортади ва мускул тўқималарининг диаметри тез ўсади. Бутун орган ва тизимлар шиддатли равишда, организм қаршилиги эса аста-секин ривожланади. Шунинг учун ҳам бу даврда жисмоний тарбия мақсадга йўналтирилган ҳолда олиб борилиши муҳим. Бу болаларнинг табиий жисмоний ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Жисмоний тарбиянинг мақсади болаларни ҳар томонлама гормоник ривожланган, жисмонан бақувват, ҳаётга, меҳнатга, Ватанни ҳимоя қилишга тайёр қилиб вояга етказишдир.

Мактаб ёшигача бўлган болаларни ҳамда бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялаш вазифалари, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия тизимининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб,

– соғломлаштириш,
– таълимий,
– тарбиявий гуруҳларга бўлинади.

Боланинг соғлигини акс эттирувчи кўрсаткичлардан бири тана бўлимларини ўзаро нисбатининг тўғрилигидир. Ёши ўсиши билан оғирлиги, бўйи ва кўкрак қафасининг айланаси пропорционал ўзгариши лозим.

Шуни ҳам айтиш керакки, олимларнинг кўрсатишича бола мактабга келгунча 80% ҳаракатда бўлар экан. Мактабга келганда унинг ҳаракатлари кескин камайиши кузатилади. 3-4 соатлаб дарс ўтиши, мактабда олган ўқув вазифаларини уйда бажариши, телевизор кўриши ва бошқалар болалар ҳаракатсизлигни борган сари ошириб боради.

Буни бартараф этиш учун болалар ҳаракат фаоллигини юқори даражага кўтариш керак. Бошқача қилиб айтганда жисмоний тарбия машғулотларидан ташқари мунтазам кун тартибидаги соғломлаштириш тадбирларини қатъий тартибда олиб бориш лозим. Уларга, биринчи навбатда эрталабки гимнастика, очиқ ҳавода ўтказиладиган ўйинлар, чиниқтириш тадбирлари, жисмоний машқлар киради. Бундай машғулотлар болаларда ҳаракат фаоллигини нисбатан оширади.

Эрталабки бадан тарбия машқлари ҳар куни ўтказиладиган тадбирлардан асосийси бўлиб ҳисобланади. Аксарият ота-оналар хизмат, ишига боришдан олдин болаларини мактабгача таълим муассасасига олиб келадилар. Болалар мактабгача таълим муассасасига келган вақтларида ҳали ярим уйқуда бўладилар. Шу борадан эрталабки бадан тарбияни ўтказиш мақсади ҳам болаларни кун давомида тетик бўлиши учун ташкил қилинади. Вазифалар: болалар гуруҳида тартиб сақлаш; болаларни ҳаракат кўникма ва малакаларини шакиллантириш; уларнинг соғлигини мустахкамлаш; ҳар куни бир вақтда бажарилишини қатий тартибга солиш.

Мактабгача таълим муассасаси болаларига ва бошланғич синиф ўқувчиларига жисмоний тарбия бўйича назарий ва амалий билимлар бериш ҳамда болаларда жисмоний машқларга нисбатан қизиқиш уйғотиш ва ҳ.к.

Эрталабки гимнастикани ташкил қилиш ва ўтказиш методлари ва усуллари кўп қирралидир. Шунинг учун ҳар бир мактабгача тарбия муассасалари ўз методикасига эга. Бири мусиқа жўрлигида ўтказади, иккинчилари шеърлар айтиб бажарадилар (доира ҳосил қилган ҳолда), учинчилари эса ўйин тарзида бажарадилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, қайси метод, усул қўлланмасин, бари бир эрталабки гимнастикани мунтазам олиб бориши ижобий натижа бериши аниқ. Машқлар сони 6-8 та бўлиб, бажарилиши тепадан пастга туширилади: яьни бош, елка, қўл, бел, оёқ ва ҳ.к.

Эрталабки гимнастикани ташкил қилиш тартиби: ўтказиш жойи; гигиена-санитария талабларига риоя қилиш; машқларни олдиндан танлаб болаларга ўргатиш; бир ёки икки ҳафтада машқларни қисман янгилаб туриш; имкони борича мусиқа жўрлигида ўтказиш; ота-оналарни жалб қилиш, улардан фойдаланиш ва ҳ.к.

Очиқ ҳовада ўтказиладиган ўйинларни ташкил қилиш ҳусусиятлари.

Яна бир болалар фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлардан бири очиқ ҳавода ўйинларни, жисмоний машқларни ташкил қилиш ва ўтказишдир. Унинг мақсади болаларда ақлий чарчашни олдини олиш ёки йўқотиш, уларнинг кайфиятини кўтаришдир. Очиқ ҳовада ўйинлар яккама-якка, кичик-кичик гуруҳларда, командаларда ва ҳ.к.лар бўйича олиб борилади. Ўйиннинг давомийлиги болалар

ёшига қараб 3-5 дақиқадан 8-10 дақиқагача ўтказилади. Ўйинларни ҳар хил дам олиш билан алмашиб туриш керак. Ўйинларда турли югуришлар, сакрашлар, улоқтиришлар, тўсиқларни ёки қаршиликларни енгиб ўтиш ва бошқа ҳаракатлар шаклланиб боради.

Ўйинлар диққат ва фикр қобилиятини шакллантиради, тезкорликни, куч, чидамлилик сифатларини ривожлантиради. Жамоа ўйинлари эса дўстлик ва ўртоқлилик хиссини тарбиялайди.

Очиқ ҳавода ўтказиладиган ўйинлар соғлик учун жуда зарур ва фойдалидир. Унда, ҳар бир ўйинни кимдир ҳакам сифатида бошқариб бориши керак, чунки кимдир ютади, кимдир ютказади, яъни тартиб тарзида ўтказиш.

Чиниқтириш тадбирлари.

Чиниқиш деганда тана аъзоларини ўзгарувчан ҳавога мослаштириш, иссиқ-совуққа чидамлилигини ошириш тушинилади. Соғлом бўлиш учун қуёш нурларида тобланиш, очиқ ҳавода юриш ва сув ҳавзаларида чўмилиб чиниқиш мумкин.

Чиниқишни аста-секинлик билан бошлаш, яъни танани олдин нам сочиқ билан артиш, сувдан фойдаланганда олдин илиқ сувдан бошлаб, кейин эса совуқ сувга ўтиш керак.

Чиниқишни мунтазам олиб бориш зарур. Меъёрга амал қилиш керак. Масалан, офтобда тобланганда дастлаб қуёш пайтида оз-оз вақт туриш керак.

Очиқ ҳавода юришдан ташқари турли туман чиниқтириш тадбирлари ўтказилади: мактабгача таълим муассасасида ётишдан олдин оёқларни ювиш, сўнг дориланган хўл сочиқ устида юриш, ундан ташқари сув ҳароратини ўзгартириб аста-секин совуқ сувда туриш, ҳамда ҳар ҳил тренажорларда (массажёр, турли тошлар тугмачалар устида юриш ва х.к.) машқ қилиш.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиққан холда қуйидагича хулосага келиш мумкин бўлади. Демак, баркамол авлодни шакллантираш пировард мақсадларимиздан бири экан, албатта болаларни соғломлаштиришда кун тартибида ўтказиладиган машқларга жиддий аҳамият бериш керак бўлади

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги. ПҚ-3276-сонли қарор. 2017 йил 15 сентябрь.
2. Божович Л.И.Личность и ее формирование в дестком возарсте/-М.: МГУ,1999-148 с.
3. Вьюнова Н.И.. Психологическая готовность ребёнка к обучению в школе. / М.: 2003.-121 стр.
4. Венгер. Л.А Как дошкольник становится школьником?.Дошкольное воспитание.-1995-№8.-16-17
5. Мухина В.С. Психология дошкольника/-М.: Просвещение,2005-239 с.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада мақолада болаларни соғломлаштиришда кун тартибида ўтказиладиган машқларнинг амалий аҳамияти бўйича тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье приводятся советы о практической важности рутинных упражнений в улучшении благополучия детей.

SUMMARY

This article provides tips on the practical importance of routine exercise in improving children's well-being.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеў институтының Ж. Орынбаев атындағы
Қарақалпақстан филиалы

# «МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ» №3

Нөкис — 2019

Басып шығыўға жуўапкер:

*А. Тилегенов*

Баспаға таярлаған:

*А. Тилегенов, Н. Абдукаримов*

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 21.05.2019. Форматы 60x84$^1/_{16}$.
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.
Шәртли б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51